

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙВАЎРТАМАХСУСТАЎЛИМВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТДАВЛАТИҚТИСОДИЎТУНИВЕРСИТЕТИ



Худойқулов С.К., Қузиева Н.Р.,  
Нуруллаев А.С.

# СОЛИҚ СИЁСАТИ

*Ўқув қўлланма*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан  
“Солиқлар ва солиққа тортиш” мутахассислигида таълим олувчи  
магистратура талабалари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган.*

ТОШКЕНТ–IQTISODIYOT – 2020

UO‘K: 336.22:32(075.8)

KBK: 65.261 (02)

Худойқулов С.К., Қузиева Н.Р., Нуруллаев А.С. «Солиқ  
сиёсати»: Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISODIYOT», 2020. – 206 б.

Мазкур ўқув қўлланма магистратуранинг "Солиқлар ва солиққа тортиш" мутахассислигида таҳсил олаётган ҳамда педагог-ходимларнинг малакасини ошириш марказларида солиқлар ва солиққа тортиш ихтисослиги бўйича дарс малака ошириш курсларида таҳсил олаётган ва олий таълим таълим муассасаларида солиқ фанлари бўйича дарс машғулоти олиб бораётган педагог ходимлар учун мўлжалланган бўлиб, унда давлатнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланган солиқ сиёсатини амалга оширишнинг зарурлиги, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойиллари, солиқ сиёсатининг шакллари, уни амалга ошириш босқичлари, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ваколатли органларининг роли ва иштироки, солиқ сиёсатининг ўзагини ташкил этувчи солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаларини қўллаш масалалари, давлатнинг бюджет сиёсатини амалга оширишда солиқ сиёсатининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш масалалари, "Солиқ сиёсати" фанининг ривожланиш тараққиёти оид илмий назариялар ва қарашларнинг қисқача мазмуни ёритиб берилган. Шунингдек, солиққа тортиш амалиёти учун муҳим саналган солиқ элементлари ва уларни қўлланилиш хусусиятлари, солиқ тамойиллари, солиқ сиёсати ва тизимининг таркиби уларни ташкил этиш асослари ҳамда солиқларнинг макроиқтисодий жараён билан узвий боғлиқлик масалалари назарий жиҳатдан ёритилган.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2019 йил "4" октябрдаги "892" - сонли буйруғига мувофиқ нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-6363-8-5

UO‘K: 336.22:32(075.8)

KBK: 65.261 (02)

© «IQTISODIYOT», 2020.  
© Худойқулов С.К., Қузиева Н.Р.,  
Нуруллаев А.С., 2020.

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b> .....	<b>5</b>
<b>I – БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ СИЁСАТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ</b>	<b>6</b>
1.1. §	“Солиқ сиёсати” фанининг предмети ва мақсади	6
1.2. §	Фанни ўрганишдаги умумий ва алоҳида меодлари	7
1.3. §	«Солиқ сиёсати» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги	8
<b>II - БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ</b>	<b>11</b>
2.1. §	Қадимги давлатчилик даврларида солиқ сиёсати	11
2.2. §	Ислон-Араб давлатларида солиқларни жорий этиш ва ундириш билан боғлиқ сиёсат	13
2.3. §	Европа ва Осиё давлатлари ва Россияда солиқлар ва солиқ сиёсатининг тарихий ривожланиш жараёнлари	19
2.4. §	Ватанимизда қадимда ва ўрта асрларда амал қилган давлатчилик ва чет эл босқинчиликлари даврида солиқ сиёсати	25
2.5. §	Амирлик ва хонликлар давридаги солиқ сиёсати	31
2.6. §	Чор Россияси ва Собиқ иттифоқ даврида солиқ тизими	34
<b>III -БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ</b>	<b>41</b>
3.1. §	Солиқ сиёсатининг юзага келиш иқтисодий шарт шaroитлари	41
3.2. §	Солиқ сиёсатининг иқтисодий моҳияти	42
3.3. §	Солиқ сиёсати-солиқ тизимининг таркибий бўғини	44
<b>IV -БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ШАКЛЛАРИ</b>	<b>52</b>
4.1. §	Солиқ сиёсатининг шакллари	52
4.2. §	Дискрицияли ва нодискрицияли солиқ сиёсати	55
4.3. §	Рағбатлантирувчи солиқ сиёсати	58
<b>V -БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА УНДА ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ</b>	<b>60</b>
5.1. §	Солиқ сиёсатининг ишлаб чиқилиш жараёнлари	60
5.2. §	Ўзбекистон солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қонунчилик палатасининг ваколатлари (иштироки)	64
5.3. §	Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимиятининг солиқ сиёсатидаги роли	66
5.4. §	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг солиқ сиёсатидаги роли	68
5.5. §	Солиқ сиёсатида маҳаллий давлат ҳокимияти, суд-ҳуқуқ тизими ва жамоатчиликнинг иштироки	70

<b>VI -БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ</b>	<b>73</b>
6.1. §	Солиқ сиёсати стратегияси мазмуни	73
6.2. §	Солиқ сиёсати тактикалари моҳияти	75
6.3. §	Солиқ сиёсатининг самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар	79
<b>VII - БОБ.</b>	<b>БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ</b>	<b>83</b>
7.1. §	Давлатнинг бюджет сиёсати	83
7.2. §	Солиқ-бюджет сиёсати усуллари	86
7.3. §	Солиқ-бюджет сиёсати тамойиллари	88
<b>VIII - БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ</b>	<b>94</b>
8.1. §	Мустақилликнинг дастлабки йилларида солиқ тизими хусусиятлари (биринчи босқич)	94
8.2. §	Солиқ сиёсатининг иккинчи босқичи йўналишлари	98
8.3. §	Солиқ сиёсатининг учинчи босқичнинг ўзига хос йўналишлари	101
8.4. §	Ўзбекистон солиқ сиёсатининг тўртинчи босқичи асосий йўналишлари	103
8.5. §	Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида солиқ сиёсатини амалга ошириш йўналишлари	112
<b>IX -БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ СИЁСАТИДА СОЛИҚЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b>	<b>124</b>
9.1. §	Солиқларни прогнозлаштириш жараёни ва уни амалга ошириш	124
9.2. §	Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади, белгилари ва тамойиллари	129
9.3. §	Макро ва микродаражада солиқларни режалаштириш масалалари	137
9.4. §	Солиқларни прогноз қилишда моделларни қўллаш	157
<b>X -БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ</b>	<b>168</b>
10.1. §	Солиқ имтиёзларининг иқтисодий мазмуни ва уни белгилаш мезонлари	168
10.2. §	Солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни рағбатлантириш ва тартибланишнинг назарий талқини	168
10.3. §	Солиқ имтиёзларининг турлари ва принциплари	186
	<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	<b>195</b>

## КИРИШ


Мазкур ўқув қўлланма магистратуранинг "Солиқлар ва солиққа тортиш" мутахассислигида таҳсил олаётган ҳамда педагог-ходимларнинг малакасини ошириш марказларида солиқлар ва солиққа тортиш ихтисослиги бўйича дарс малака ошириш курсларида таҳсил олаётган ва олий таълим таълим муассасаларида солиқ фанлари бўйича дарс машғулоти олиб бораётган педагог ходимлар учун мўлжалланган бўлиб, унда давлатнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланган солиқ сиёсатини амалга оширишнинг зарурлиги, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойиллари, солиқ сиёсатининг шакллари, уни амалга ошириш босқичлари, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ваколатли органларининг роли ва иштироки, солиқ сиёсатининг ўзагини ташкил этувчи солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаларини қўллаш масалалари, давлатнинг бюджет сиёсатини амалга оширишда солиқ сиёсатининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш масалалари, "Солиқ сиёсати" фанининг ривожланиш тараққиёти оид илмий назариялар ва қарашларнинг қисқача мазмуни ёритиб берилган. Шунингдек, солиққа тортиш амалиёти учун муҳим саналган солиқ элементлари ва уларни қўлланилиш хусусиятлари, солиқ тамойиллари, солиқ сиёсати ва тизимининг таркиби уларни ташкил этиш асослари ҳамда солиқларнинг макроиқтисодий жараён билан узвий боғлиқлик масалалари назарий жиҳатдан ёритилган.

Ўқув қўлланма келтирилган материаллар ва маълумотлар бўлажак солиқ мутахассисларининг ўз касбий билим ва малакаларини ошириш учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## 1-БОБ. СОЛИҚ СИЁСАТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ

### 1.1. "Солиқ сиёсати" фанининг предмети ва мақсади

Мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий жараёндан келиб чиққан ҳолда солиқ сиёсатининг мақсадлари белгиланади. Шунингдек, солиқ сиёсатининг мақсадлари жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, мамлакат иқтисодиётини стратегик ривожланиш вазифалари, давлатнинг халқаро молиявий мажбуриятларига асосланади. Шунинг учун ҳам давлатнинг солиқ сиёсати қуйидаги мақсадларни бажаради:



1-расм. Солиқ сиёсатининг мақсади.

Солиқ сиёсатининг иқтисодий мақсади иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш, иш фаоллигини жонлантириш, хўжалик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилади.

Фискал мақсади давлат ҳокимияти органларининг ҳар бирини иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишлари учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминлайди.

Ижтимоий мақсади эса даромадларни тартибга солишга қаратилган давлат сиёсатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида гуруҳлар манфаатлари учун миллий даромадни қайта тақсимлайди ва тенгсизликни бартараф қилишни таъминлашга қаратилган.

Халқаро мақсади бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш учун давлатнинг халқаро мажбуриятларини бажаришга хизмат қилади.

Солиқ сиёсатининг амалдаги ифодаси солиқ механизми орқали намоён бўлади. Ҳозирги пайтда айнан солиқ механизми қўплаб мамлакатлар иқтисодиётини тартибга солишдаги асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Солиқ механизми мамлакат солиқ тизимининг ташкилий жиҳатлари, ҳуқуқий меъёрлари ва бошқарув усулларини ўзида мужассам этади. Солиқ механизмнинг амал қилиши, иқтисодиётни тартибга солишда солиқ

элементларини ўзида мужассам этган солиқ қонунчилиги асосида намоён бўлади. Давлатнинг солиқ сиёсати орқали иқтисодий тартибга солиши солиқ элементлари орқали амалга оширилиб, бундай солиқ элементларига солиқ ставкаси, солиқ имтиёзи, солиқ базаси, жарималар ва шу кабилар қиради. Давлат томонидан иқтисодий тартибга солишда ушбу воситалардан бевосита ва билвосита фойдаланилади.

«Солиқ сиёсати» фанининг предмети бўлиб, солиқ тўловчи субъектларга мос равишда юклатилган солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни давлат бюджети, шунингдек, бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига белгиланган муддатларда тўлаш жараёнини қулайлаштириш ҳисобланади.

Давлат бюджети бу – давлат молиясининг таркибий қисми бўлиши билан бирга, мамлакатнинг асосий молия режаси ҳисобланади. Давлат бюджети икки қисмдан яъни - даромадлар ва харажатлардан иборат.

Солиқ сиёсати фанининг мақсади - Солиқ тўловчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига кескин зарар етказмаган ҳолда, солиқ юкини пасайтириш орқали давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари давлат жамғармаларининг даромад қисмини ўз вақтида ва тўлиқлигича шакллантиришга максимал қулайлик яратишдан иборат.

## **1.2. Фанни ўрганишдаги умумий ва алоҳида методлари**

Ҳар бир фаннинг шаклланиши фаннинг предмети шаклланиши билан биргалликда, унинг илмий билиш усуллари қарор топиши билан ҳам боғлиқ. Ҳар қандай фанни ўрганишдаги усуллар умумий тавсифга эга, лекин ҳар бир фан ўз предметидан келиб чиқиб, ўзининг илмий билиш усулларига эга. Шунинг учун фанни ўрганишдаги усуллар умумий ва алоҳида усулларга бўлинади.

Табиат, жамият ва тафаккурнинг ривожланиш қонунларини ўрганишнинг бирдан-бир тўғри илмий усули диалектик усулдир. Шунинг учун ҳам ушбу илмий билиш усули барча фанларнинг, шу жумладан солиқ сиёсати фанининг ҳам назарий ва методологик асосини ташкил этади. Диалектик усул шуни кўрсатадики, ривожланиш куйидан юқорига қараб содир бўлади. Билиш эса оддийдан мураккабга томон ривож топиб боради. Шунинг учун ушбу усул тадқиқотнинг индукция ва дедукция усулларини ўз ичига олади.

Хусусий, яқка факт олиниб, унинг асосида умумий қоида ҳосил қилинадиган бўлса - бу индукциядир. Аввал бошданок барча хусусий ҳолларни ўз ичига олган умумий қоида ҳосил қилинса бу - дедукциядир.

Шу билан бирга барча иқтисодий фанлар каби «Солиқ сиёсати»

фанининг ҳам ўзига хос илмий билиш усуллари мавжуд. Улардан бири илмий абстракция усулидир. Илмий абстракция усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда таҳлил пайтида объектнинг фақат бир томонига, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътибор қаратилади ва ҳалал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали унсурларнинг таъсири эътиборга олинмайди.

Солиқ сиёсати фани шунингдек, ўз предмети ўрганишда назарий таҳлил ва синтез усулидан ҳам фойдаланади. Таҳлил - бу ўрганилаётган бутун объектни қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан таҳлил қилиш, бўлса, синтез эса ўрганилган қисмлардан олинган хулоса ва натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб, умумий хулоса чиқаришдир. Солиқларга доир мураккаб назарий масалалар мана шу йўл билан ўрганилади.

Фан ўз предмети ўрганишда макроиктисодий ва микроиктисодий ҳолда таҳлилни қўшиб олиб бориш муҳим ўрин тутди. Солиқларнинг назарий масалаларини микроиктисодий жиҳатдан ўрганишда иқтисодийнинг бошланғич бўғини бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нуқтаи-назаридан, улар билан давлат бюджети ўртасидаги муносабатлар тадқиқ этилса, макроиктисодий жиҳатдан таҳлил этишда эса, давлат миқёсида, яъни солиқларнинг назарий масалалари макроиктисодий даражада ўрганилади.

Шунингдек, фан ўз предмети ўрганишда таққослаш, статистик, график усулларидан ҳам фойдаланади. Жумладан солиқларни даврлар бўйича таққослаш, улардан тушумларни жадваллар орқали ифодалаш, ўзгаришларни аниқлаш, уларга назарий жиҳатдан баҳо бериш, солиқларнинг бошқа иқтисодий категорияларга таъсирини график усулида тасвирлаш ва шу кабилардир. Масалан, солиқлар ўзгаришини ялпи талаб ва ялпи тақлифга таъсирини мана шу усул билан ифодалаш мумкин.

## **1.3. «Солиқ сиёсати» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги**

Солиқлар масалаларига доир билимларни ўрганиш бошқа фанлардан ҳам хабардор бўлишни талаб этади. Жумладан, «Иқтисодий таълимотлар тарихи», «Иқтисодий назарияси», «Молия», «Солиқлар тарихи», «Солиқ менежменти», «Солиқлар ва солиққа тортиш» каби фанлар шулар жумласидандир.

Фаннинг иқтисодий таълимотлар тарихи билан боғлиқлик жиҳати шундан иборатки, агарда иқтисодий таълимотлар тарихи фани ўз предметида асосан жамият таракқиёти даврларида улардаги муаммоларни ечиб беришга қаратилган турли шахсларнинг иқтисодий фикрларини, ғояларини, турли

назарияларни ўрганса, солиқ сиёсати фани ҳам ўз предметини ўрганишда солиқларга тегишли бўлган турли хил ғоялар ва назарияларни ўрганади.

Солиқ сиёсати фани иқтисодий назария фани билан чамбарчас боғлиқдир ва унинг махсус бўлими, яъни чуқурлаштирилган, кенгайтирилган бўлиmidир. Чунки солиқ сиёсатининг қонуниятлари умумиқтисодий назария қонуниятларидан четга чиқмасдан, уларга асосланади.

Шунингдек, мазкур фан молия назарияси фани билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун молия ҳам, солиқ ҳам пул муносабатларини ифодалайди. Уларнинг иккаласи учун ягона асос пул муносабатларининг мавжудлигидир. Лекин солиқ сиёсати ўзига хос бўлган пул муносабатларини, яъни солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий пул муносабатларини ўрганади.

Фаннинг солиқлар тарихи фани билан боғлиқлик жиҳати шундан иборатки, солиқ сиёсати фанида ҳам солиқларнинг ривожланиш босқичлари, даврлари, ҳар бир даврда ва давлатда амал қилган солиқлар, уларнинг таркиби ва тузилиши, динамикаси қабилар ўрганилади.

Солиқ менежменти фани билан солиқ сиёсатининг боғлиқлиги шундан иборатки, солиқ менежментида солиқ ишини ташкил этиш давлат нуқтаи-назаридан ёки давлат миқёсида ва корхона миқёсида олинадиган бўлса, солиқ менежменти ишларини ташкил этиш назариялари солиқ сиёсатининг ажралмас қисмини ташкил этади.

Фан шунингдек, солиқлар ва солиққа тортиш фани билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Солиқ сиёсати фани ўз предметини ўрганар экан, биринчи навбатда бугунги кундаги мамлакатимиз солиқ тизими билан ҳамнафас бўлиши лозим. Бунда амалдаги солиқ механизмнинг назарий масалалари очиб берилди.

Солиқ сиёсати фани давлат бюджети фани билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Чунки солиқлар охир оқибатида бюджет даромадларини шакллантиради. Солиқлар (даромадлар) бўлмаса бюджет муносабатларининг ўзи бўлмайди. Бу фан чет мамлакатлар солиқ тизими, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳуқуқи фанлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

#### **Таянч сўз ва иборалар**

*Солиқ, давлат, бюджет, солиқ тўловчилар, молиявий муносабатлар, диалектик усул, таҳлил ва синтез усули, илмий абстракция усули, макроқтисодий ва микроқтисодий таҳлил, мақсад, фан предмети.*

#### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Фанни ўрганишдаги умумий усуллар ҳақида тушунча беринг?
2. Фанни ўрганишдаги алоҳида усуллар ҳақида тушунча беринг?
3. Солиқ сиёсати фани ўз предметини ўрганишда қайси фанлар билан алоқада бўлади?
4. Солиқ сиёсати фанини ўқитиш нима учун керак?
5. Солиқ сиёсати фани нимани ўргатади унинг қандай вазибалари бор?
6. Солиқ сиёсати фанининг мазмунида нималарни ўргатиш мақсади ётади ва унинг мутахассислар тайёрлашдаги роли қандай?

## 2-БОБ. СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ

### 2.1. Қадимги давлатчилик давларида солиқ сиёсати

Солиқлар ва уни ундириш билан боғлиқ солиқ сиёсатининг пайдо бўлиши ва ривожланишида Қадимги Рим ҳам катта аҳамият касб этади. Қадимги Римда ҳам Греция сингари солиқларнинг ривож топиши кўпинча уларнинг ҳарбий сиёсатига ҳам боғлиқ бўлган. Қадимги Римда солиқларнинг ривожланиши икки даврни ўз ичига олади. Биринчиси бу эрамиздан аввалги 167 йилгача бўлган (Исонинг туғилиши) давлар бўлиб, бунда аҳолидан деярли солиқлар олинмаган. Шаҳарларни бошқариш харажатлари унчалик катта бўлмасдан унинг харажатлари магистрлар (шаҳар ҳокимларининг номланиши)нинг шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширилган.<sup>1</sup> Давлатнинг асосий харажатлари эса биноларни қуришга сарфланган бўлиб, уларни молиялаштириш давлатга қарашли бўлган ерлардан олинadиган ижара тўловлари ҳисобига қопланиб келинган. Римнинг кудратининг ошиши ва ҳарбий юришларни бошлаши солиқлар борасидаги давлат сиёсатига таъсир қилган. Дастлаб аҳолининг шахсий мажбуриятлари сифатида йиғимлар олинган бўлса, кейинчалик уруш харажатларини қоплаш мақсадида фавкулотда солиқлар (tributum civium) жорий қилинган. Бу солиқнинг хусусияти шундан иборатки, у қайтариб бериш шарти билан олинган, урушда қўлга киритилган маблағлар ҳисоби улар қайтарилган бўлса, кейинчалик у давлат қарзи сифатида ҳам атилиб келинди.<sup>2</sup> Римнинг четдаги олиб борган курашлари ва қўлга киритган ўлжаларининг ошиб бориши билан "tributum civium" деб аталувчи йиғимлар бекор қилиниб, солиқлар умумий тартибда мутаносиб шаклда жорий этилад бошланди, яъни унинг тўловчиларининг географияси кенгайди. Солиқларнинг ҳажми ҳар беш йилда сайлаб қўйиладиган амалдорлар-цензорлар томонидан аниқланиб, Рим фуқаролари цензорларга ўз навбатида ўзларининг мол-мулки ва молиявий аҳволи ҳақида ахборот бериб турган ва кейинчалик эса декларация шаклига ўтди.

Рим босиб олган мустамлака жойларда коммунал (маҳаллий) солиқлар ва мажбуриятлар жорий қилинди. Римдан ташқари яшовчи ва Римликлар эса ҳам давлат ҳам маҳаллий солиқларни тўлаш тизимига ўтказилди. Рим империяга

айлангандан сўнг унинг босиб олган жойлардаги фуқаролари Римнинг фуқароси сифатида ҳуқуққа эга бўлмаган ва улар коммунал (маҳаллий) солиқларни доим тўлаб борган. Қадимги Римда солиқларнинг кенг ривожланишида император Август Октавиан (эрамиздан аввалги 63-14 йиллар.) даврида рўй берди. А.Октавиан "victisimani hereditatum" деб номланган мерос солигини жорий қилди, бу солиқ фақат Рим фуқаролари учун жорий қилинган бўлиб, "tributum civium" йиғими бекор қилинган сўнг Рим аҳолиси деярли солиқлар тўламай келаётган эди. Римнинг империя кудрати ошиб бориши ва унинг ҳудуди кенгайиб бориши солиқларни ундиришда маълум бир шахсларга солиқларни ундириш ҳуқуқи берилган бўлиб, бунда солиқларни ундириш ҳуқуқини киритиш учун давлатга маълум миқдорда ҳақ тўланган ва у ҳақнинг ўрни ундирилган солиқлар ҳисобига қопланган. Аммо, солиқларни ундирувчилар томонидан адолатсизликларга кўп йўл қўйилиши император А.Октавиан томонидан бундай тартибни кескин қисқартириши ва жойларда давлатнинг молияси шуғулланувчи давлат идораларини ташкил қилишга олиб келди. Ҳар бир ерларнинг кадастрларини аниқлаш, ҳар бир мол-мулк ва ер эгаларининг декларациялар топшириш мажбуриятлари жорий қилинди. Римнинг солиқ тизими қайтадан ислоҳ қилинди солиқлар ва йиғимларнинг сони ортиб борди. Масалан, Римнинг кейинги давларида сотувдан солиқ, мерос солиғи, қул сақлаганлиги учун солиқ, пойтахтнинг маҳсулот фондига солиқ, ер солиғи, бодринг учун солиқ, жон бошига солиқ, уй қурганлик учун солиқ, совун солиғи ҳамда бозорларда назоратни таъминлаш учун йиғим, портда маҳсулотни ортганлиги ва тушурганлиги учун йиғим, йўл тўлови, пулни алмаштирганлиги ва майдалаганлик учун йиғим, эшакларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим, чорва моллари учун йиғим, уй-жойлар учун йиғим, қул сотганлик учун йиғим, извошчилардан олинadиган йиғим, ҳаммомчилардан олинadиган йиғим, маънавий ахлоқсизлик фаолияти учун йиғим, солиқ ундирувчиларни сақлаш йиғими, манзара йиғими, муҳтожларга ёрдам йиғими, қарздорларни камоқхонада сақлаш йиғими, туман бошлиғи учун йиғим, мамлакатга товар олиб кирганлиги ва олиб чиққанлиги учун йиғим, дарвозлардан кирганлиги учун тўлов, давлат идораларининг иш юритиш қуроллари учун йиғим ва каби қўллаб йиғимлар ундирилди, аҳвол шу даражага бордики, Римда ундириладиган солиқлар ва йиғимлар сони 46 тага етиб қолади. Рим империясининг кудрати сусайиб бориши ва унинг ҳудудида юзага келган феодализмга асосланган давлатларнинг ташкил топиши Римда амал қилган солиқларнинг аксарияти бекор қилинди ва уларни ундириш тартиблари ҳам ўзгариб борди.

<sup>1</sup> [http://abc.vvsu.ru/Books/Teor\\_nal/page0002.asp](http://abc.vvsu.ru/Books/Teor_nal/page0002.asp)

<sup>2</sup> Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, - 1904г. // Allpravo.Ru -2005. с. 96

## 2.2. Ислом-Араб давлатларида солиқларни жорий этиш ва ундириш билан боғлиқ сиёсат

Араб давлатларида солиқларнинг юзага келиши диний тушунчаларнинг ўрни катта таъсир қилган. Айниқса, бу ислом динининг тарқали ва унинг шарий тартиблари асосида турмуш тарзи кечириш ғояларининг ёйилиши вақтида ва ундан кейинги давлат фаолиятини бошқариш тизимида катта аҳамиятга эга бўлди. Муҳаммад пайғамбар йирик ислом давлатини шакллантириб, Мадина шаҳар-давлати иқтисодий тизимини шакллантириш ҳаракатини бошлаб берди. Илк давр солиқ тизимида Мадина ҳукмига бўйсиндирилган қабилаларнинг мол-мулклари асосий ўрин тутди. Лекин Пайғамбар даврида (622-632) чорва-молдан давлат фойдасига олинadиган солиқ мавҳум – гоҳо «садақа» (صدقة), гоҳо «закот» (زكاة) деб аталиб, бу термин-атамалар илк даврда синоним сўзлар сифатида қўлланилди. Қуръоннинг тарихий оятларидан қадимда яҳудий ва насроний жамоалар учун ҳам диний солиқлар қўлланилганлигини кўриш мумкин. Демак, Арабистон ярим ороли, Византия ва Сосонийлар давлатларидаги христианлик ва яҳудийлик динларига эътиқод қилувчи аҳоли учун ислом пайдо бўлишидан олдин бундай солиқ тури маълум бўлган. Қадимда христианлар ўртасидаги табақавий тенгликни сақлаш мақсадида бой ва ўртаҳол христианлик динига эътиқод қилувчи аҳоли ойлик даромадининг ўндан бирини (десятина) солиқ сифатида черковга олинган. Яҳудийларда эса диний мажбурият сифатидаги солиқ «солихлик» (цедака) деб аталган. Яҳудийлар чорва-моллари, ҳосил, урушда ортирилган ўлжалар ва мол-мулкларнинг ўндан бирини ҳар ойда цедака солиғи сифатида ибодатхонани таъмирлашга ишлатганлар, руҳонийлар, камбағаллар, бева ва етимлар орасида таркатганлар.

Демак, бу солиқлар христиан ва яҳудий динларидаги диндорларнинг мажбуриятлари саналиб, давлат аҳамиятига молик бўлмаган. Ислом динида ҳам закот солиғи мусулмонларнинг бой табақалари учун диний фарз сифатида жорий этилди. Христианлик ва яҳудийликдан фарқли ўлароқ закот солиғи мусулмонлардан йилига бир марта йиғиб олинadиган бўлди. Аввалига Муҳаммад пайғамбар ва халифа Абу Бакр даврида (632-634) закот солиғи Қуръонда буюрилганидек, фақат фақирлар, мискинлар, садақа [закот] йиғувчилар, кўнгиллари исломга ошна қилинувчи кишилар, қулларни озод қилиш учун, қарздорлар ва мусофирларга тарқатилди. Муҳаммад пайғамбар закот солиғидан тушган маблағнинг маълум қисмини мусулмон бўлмаган араб қабилаларининг шайхлари, эътиборли кишиларга нафақа сифатида бериб турган. Бундан асосий мақсад уларнинг қабиладошлари орасида ислом динига нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиш эди. Қуръонда зикр этилган мазкур етти

тоифанинг ичидаги кўнгиллари исломга ошна қилинувчи кишилар (ل قلوب هم) (مؤلفه – му’аллафату лиқулубихим)га бериш нафақа Умар ибн ал-Хаттоб даврида бекор қилинди. Янги ташкил топаётган давлатда солиқ масаласида илк даврга нисбатан туб ўзгаришлар ‘Умар ибн ал-Хаттоб даврига келиб юз бера бошлади. Исломдан аввалги араблар амалиётида бирор ҳудудни куч билан (انصاة – ‘анватан) босиб олиш давомида аҳоли пунктларидаги экинзорларни ўзаро мулк қилиб бўлиб олиш одат тусига кирган эди. Муҳаммад пайғамбар ҳам шу одатга эргашган ҳолда Хайбарни забт этиш (628 йил) давомида эгалари урушда ҳалок бўлган экинзорларни истилода қатнашган аскарларга бўлиб берган эди.

Давлат мустаҳкамлана боргач, бу амалиётдан воз кечила бошланди. Масалан, Умар ибн ал-Хаттоб Сосонийлар ва Византия империялари ҳудудларидаги подшоҳлар, уларнинг оилалари, амалдорлар ҳамда урушда ўлганлар, қочиб кетган ер эгаларининг экинзорларини давлат мулки ҳисобига ўтказди. Бу янги ерлар мусодара қилинмайдиган ас-савофий (الصوافي) ерлар деб ном олди. Айниқса ас-Савод, Шом вилоятлари араб давлати тасарруфига киритилгач, ас-савофий экинзорлар ҳажми ортиб кетди. Улар давлат тасарруфига киритилиб, ижарага берила бошланди. Умар даврида давлат амалиётида эски амалиётни яъни, босиб олинган ерларни ал-фай’ (الفية) – ўлжа) сифатида аскарларга бўлиб беришини давом эттирмоқчи бўлган кўмондонларнинг ҳатти- ҳаракатлари кескин тўхтатилди. Бу билан Умар ибн ал-Хаттоб Муҳаммад пайғамбар томонидан таъсис этилган аскарларнинг ал-фай’ улушини бекор қилиб, унинг ўрнига янги институт хирожни жорий этди. Марказлашиб келаётган давлатнинг иқтисодий ривожланишида хирож (ердан олинadиган маҳсулот солиғи) институти муҳим ўрин тутди.

Муҳаммад пайғамбар ва Абу Бакр даврида Арабистон ярим оролидаги деҳқончилик ривожланган бирор ҳудуд (صالحا – сулҳан) истило этилганда, ундаги деҳқонларнинг экинзорлари ўз эгаларида қолдирилиб, уларга жузья солиғи ўрнига хирож солиғи тайин этилган. Бу ҳолатни Муҳаммад пайғамбарнинг Ҳайбар аҳолиси билан сулҳ тузиб, уларга хирож тайин этиши мисолида кўриш мумкин. Демак, хирож солиғини биринчи бўлиб араб давлатчилиги тарихида Муҳаммад пайғамбар татбиқ этган. Аммо, Умар ибн ал-Хаттоб даврига келиб, давлатчиликнинг тезлик билан ривожланиб бориши шароитида анватан ёки сулҳан истило этилган ерларнинг ҳар иккисига ҳам экинзорлар ҳосилларидан олинadиган хирож солиғи тайин этила бошланди. Аста-секин Араб халифалиги амалиётида хирожнинг уч тури шакллана бошлади: мисоха, муқотама, муқосама. Биринчи турдаги солиқ (مساحة – мисоха) олиш тартиби қуйидагича бўлган: ишлов берилган ер бир неча қисмга

бўлиниб, унинг маълум бир қисмида етиштирилган ҳосил давлатга тўлиғича натурал ҳолда солиқ қилиб олинган. Иккинчи турдаги солиқ (قماطع – мукотама) эса катта ердан фойдаланиш учун бир неча йил олдин, белгиланган пул миқдори билан олинган. Учинчи турдаги солиқ (مقاومة – муқосама) ерда етиштирилган умумий ҳосилнинг бир қисми ҳолида давлат фойдасига олинган. Араб-мусулмон давлати бюджетининг юксалишидаги асосий манба ролини ушр (عشر – араб тилидан сўзма-сўз: ўндан бир) солиғи ўйнади. Ушр солиғи йиғилган ҳосилнинг (1/10) қисмига тенг. Аксарият манбаларда бу солиқ алоҳида, баъзан хирож солиғининг таркибий қисми сифатида талқин этилади. Ушр солиғи халифа Умар ибн ал-Хаттоб даврида ўзининг аниқ кўринишига эга бўлди. Бу даврга келиб, марказлашган ислом давлатининг солиқ сиёсатида бож ва савдо ушри солиғи пайдо бўлди. Бу солиқ уруш олиб борилаётган давлат (балад ал-харб)дан Мадина давлати тасурруфидаги ҳудудларга тижорат учун қатнайдиغان кемалар ва якка савдогарларнинг товарлари ҳисобидан олинган. Шунингдек, бож ушрининг фоиз қиймати ҳам савдогарнинг диний эътиқодига қараб белгиланган: мусулмонлардан ушрнинг чораги (1/4), яъни 2,5% ёки 5 дирҳам ёки ярим мисқол олтин, зимийлардан ушрнинг ярими (1/2), яъни 5% ёки 10 дирҳам ёки бир мисқол олтин, мусулмонлар уруш эълон қилган ҳудуддан келганлар (аҳл балад ал-харб ёки харбий) учун эса тўлиқ, яъни 20 дирҳам ёки икки мисқол ушр олинган. Шунингдек, ушр солиғининг нисоби 20 мисқол тилла ёки 200 дирҳам этиб белгиланган.

Бундан бу солиққа ҳам закотнинг нисоби асосий мезон қилиб белгиланганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, ислом давлати ҳудудига кириб келаётган бугдой ва ёғ маҳсулотларига мусулмонларда эҳтиёжнинг катталиги учун ярим, мош, нўхот, ямийк, ловияларга эса – тўлиқ ушр тайин этилган. Забт этилган ҳудудларнинг янги динни қабул қилган деҳқонлари ўз экинзорларидан харож солиғи ўрнига ушр солиғи тўлаганлар. Лалмикор ва ариқлардан суғориладиган ерлардан тўлиқ ушр, қудуқ, ховуз, мешларда суғориладиган ерлардан эса ярим ушр олинган. Бу мисоллардан Умар ибн ал-Хаттобнинг давлат ҳукми доирасини янги ҳудудларга кенгайтиришда солиқлар сиёсатидан унумли фойдалана олганлигини кўриш мумкин. Янги шаклланаётган солиқ тизимида мусулмон бўлмаган аҳолидан жон боши ҳисобидан олинадиган жузья солиғи муҳим ўрин тутди. Ал-Жизйя (الجزية) институти Араб халифалиги ўтмишдошлари – Сосонийлар (224-651) ва Византия империялари давлат тизимида ҳам мавжуд бўлган. Бу империялар ҳудудида яшаган жоҳилия даври араблари мазкур жон солиғини "жолийа" деб атаганлар. Давлат намоёндалари бу солиқни йилига уч марта йиғиб олганлиги

маълум. Шохан-шоҳ Хусрав Ануширвон (531-579) христианлар, яҳудийларнинг баъзи тоифаларига бу солиқни жорий қилган.

Аммо, бошқа динларга эътиқод қилувчилар орасидан зодагон хонадонлар вакиллари, волийлар, отлик аскарлар, ҳарам (ибодатхона) хизматчилари, судьялар, деҳқонларнинг раислари ва девон котиблари бу солиқдан озод этилганлар. Муҳаммад пайғамбар ва Абу Бакр даврида солиқлар миқдори муайян тарзда белгиланмаган эди. Босиб олинган ҳудудлардан олинадиган солиқларнинг миқдори Умар ибн ал-Хаттоб ҳукумати томонидан ишлаб чиқиладиган бўлди. Биринчи навбатда жузья солиғи тўловчилар уч тоифага бўлинди: 1) бойлар – 48 дирҳам; 2) ўртақоллар – 24 дирҳам; 3) камбағаллар – 12 дирҳам. Биринчи тоифани юқори тушумга эга бўлган саррофлар, газлама сотувчилар, йирик савдогарлар, катта ер эгалари, табиблар, иккинчи тоифани эса хунармандлар, тикувчилар, бўёқчилар ва қосиблар ташкил қилдилар. Учинчи тоифани кам даромадли аҳоли ташкил этди. Жузья солиғи ишга яроқсизлар, қариялар, ногиронлар, кўрлар, ақли ожизлар, роҳиблар, аёллар ва болалардан олинмаган. Жузья аҳолидан ҳар йилда бир марта ёки ҳар ойда қисман тўлаб бориш орқали йиғиб олинган. Жузья институти шакллантиришда Умар ибн ал-Хаттоб истило этилган ҳудудлардаги иқтисодий аҳволни ҳисобга олган. Шимолий Арабистон аҳолисининг Яман аҳолисига нисбатан иқтисодий қудрати юқорилиги боис Ироқ ва Суриянинг бой табақалари 48 дирҳам ўрнига 50 дирҳамдан жузья тўлаганлар. Янги ривожланиб келаётган давлатнинг иқтисодий тизими шаклланишида «Байт ал-мол» (بيت المال – давлат ғазнаси, пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун омбор)нинг ташкил топиши асосий рол ўйнади. Бу муассасада даромад манбалари ва уларни қаерларга сарф этиш борасидаги маълумотлар сақланган. Байт ал-молга келадиган солиқларнинг ҳаммаси ҳам фақат пул шаклида бўлмай, балки натурал солиқлар – дон, қорамоллар, матолар ва қурол-аслаҳа турлари ҳам мавжуд эди. Абу Бакр даврида Мадина давлати тасарруфининг кенгая бошлаши ва ар-Ридда ҳаракати орқали бошланган араб юришлари натижасида давлат ғазнасига келиб тушадиган солиқлар миқдори ошиб борди. Аввалига Абу Бакр давлат ғазнасини ўз уйида, кейинчалик Пайғамбар масжидида сақлади. Марказлашган Мадина давлати бошқаруви Умар ибн ал-Хаттоб қўлига ўтгач, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий шакли аввалги ҳолатини тубдан ўзгартирди. У забт этилган ҳудудларнинг давлат бошқарувидаги иқтисодий тизимларни ислом давлати амалиётига киритди. Шунингдек, Умар ибн ал-Хаттоб девонлар тизимини эронийлардан ўзлаштиргач, бу девонларни бир ерга бирлаштириш мақсадида байт ал-мол муассасасини ташкил этди. Шиддат



билан ривожланиб бораётган давлатдаги қурилишлар, давлатнинг ҳарбий салоҳиятини ошириш, ижтимоий таъминот, иқтисодий ислохотларни давлат ўз тасарруфи доирасида ушлаб туриши учун қопланадиган маблағлар ва ҳукуматнинг бошқа сарфлари учун кетадиган харажатлар байт ал-молдан олина бошланди. Буларнинг ҳаммаси байт ал-молга Умар ибн ал-Хаттоб даврида асос солинганлигини кўрсатади. Давлатдаги тушумларнинг ошиши билан бир қаторда унинг харажатлари ҳам ошиб борди. Буни халифа Умар ибн ал-Хаттобнинг араб давлатчилигига умуман ёт бўлган ҳукумат ишчи-ходимлари, давлатнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ва диний арбобларга муайян тарзда моашлар бериш мисолида кўриш мумкин.

Халифа Умар ибн ал-Хаттоб аҳолига моаш ва нафақа тайинлашда аҳолининг Муҳаммад пайғамбарга (қариндош) яқинлиги ва давлат олдидаги хизматига муҳим аҳамият берди. Макка ва Арабистон ярим оролида пул ишлаб чиқарилмаганлиги учун араблар VII асрнинг 60-йилларига қадар асосан Византия империясининг тилла ва Сосонийлар давлати ва Яманнинг қумуш тангаларидан, баъзи ҳолларда эса Африка ва Йамандан келадиган олтин қумларидан ҳам фойдаланганлар. Уларни тортиб олишда динордан вазн бирлиги сифатида фойдаланганлар. Исломдан олдинги давр араблари Табаристон, Хоразм ва Бағлон давлатларида зарб этилган дирҳам тангаларни ишлатганлар. Византияда ишлаб чиқариладиган тилла (номисма) танганинг оғирлиги яхлит 4,45 грамни ташкил этиб, олд қисмида императорнинг сурати зарб этилган эди. Қумуш тангалар пул муомаласида катта аҳамиятга эга эмас эди. Бозорларда кундалик савдода асосан мис тангалар (филс) ишлатиларди. Арабистон ярим оролининг катта қисми «дирҳам зонаси»да бўлиб, Ярим оролнинг шимоли-ғарби эса «тилла зонаси» ҳудудига кирар эди. Шу икки зонанинг кесишган жойи Макка шаҳри эди. Макка бозорларида динор (номисим) ва дирҳам ишлатиларди. Византияда зарб этилган дирҳамларнинг жуда юққалиги ва ишлатиш жараёнида ейилишнинг осонлиги савдогарларни дирҳамларни тортиб олишга мажбур этарди. Шунинг учун савдогарлар дондона ишлатиладиган пайтларда тўлиқ дирҳамлардан фойдаланар эдилар. Маккада динор билан дирҳам ўртасидаги фарқ 1 динорга 10 дирҳамни ташкил этган. Халифа Умар даврига келиб динорнинг курси 12 дирҳамга кўтарилган.

Араб халифалиги таркибига кирган ҳудудлардаги солиқларни тайин этишда майдон ўлчов бирлиги, вазн ва сиғим ўлчов birlikларидан фойдаланилар эди. Босиб олинган ҳудудлардаги ўлчов birlikлари давлатнинг асосий эталонини ташкил этди. Масалан, Миср аҳолиси ишлатадиган ирдоб, қист, жариб ва бошқа ўлчов birlikлари давлат миқёсида ишлатила бошланди. Шунингдек, арабларда қадимдан бошоқли ўсимликлар ва сочилувчан

жисмларни ўлчаш учун мудд, махтум, қафиз вазн ўлчов birlikлари васк, дирҳам, мискол, ратл, укка, укйя, хошимий руб, қинтор, майдон-ер ўлчаш учун эса доник, қийрот, фаддон, зирот каби ўлчов birlikлари маълум эди. Илк араб-ислом давлати ривожланиб бориш жараёнида иқтисодий масалаларда динийлик ва дунёвийлик унсурлари бир-бирдан аста-секин ажралиб чиқа бошлади. Бунда янги давлат иқтисоди ва аппаратини тўлиқ тарзда шаклланишига бевосита ҳисса қўшган Умар ибн ал-Хаттобнинг иқтисодий ва ижтимоий ислохотлари асосий туртки бўлди. Халифа Умар ибн ал-Хаттоб Муҳаммад пайғамбар давридаги солиқларнинг турлари ва миқдорига бир қатор ўзгартиришлар киритди. У илк даврда мусулмонлар учун нотаниш бўлган савдо ва бож ушрини давлат солиқ тизимида қўллай бошлади. Жужья ва хирож институтларининг аниқ объекти ва ҳажмини муайян даражага келтирди. Арабистон ярим ороли учун номаълум бўлган байт ал-мол муассасаси ташкил этилиб, аскарлар, давлат аппарати ходимлари, ишчи-хизматчиларга моашлар тайин этилди. Янги шаклланаётган давлат аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қариялар, етимлар ва бошқа эътиборли шахсларга нафақалар белгиланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Умар ибн ал-Хаттоб даврида олиб борилган солиқлар сиёсатидаги ислохотлар натижасида давлатнинг иқтисодий раванки Муҳаммад пайғамбар раҳбарлиги даври кўринишидан тубдан фарқ қилди. Бошқарув тизимининг шаклланишида халифа Умар ибн ал-Хаттоб даврида девон (ديوان)ларнинг жорий этилиши муҳим роль ўйнади. Девон тизими Сосонийлар давлати анъаналаридан ўзлаштирилди. Девон – форс тилида «рўйхат», «қайд қилиш» ёки «дафтар» маъноларини англатади. Унда бир неча бўлимлар мавжуд эди. Жумладан, Аскарлар девони (ديوان الجنده) да аскарлар номи, қабилалар таркиби ва уларнинг ҳар бирига бериладиган моашлар белгиланди. Харож девони (ديوان الخراج)да «Байт ал-мол»га топшириладиган солиқлар қайд этиб борилган. Бу даврда девоннинг доимий таркибини ўз ичига олувчи рўйхат тузилган бўлиб, унда қирим ва қиким, шунингдек, давлатдан моаш олиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар рўйхати қайд этилди. Девон тизими марказий ҳокимият таркибида жойлашди. Истило қилинган ерлардаги қирим-қикимни назорат қилиш эса бевосита волийлар зиммасида эди. Бу тизим воситасида Умар давлат хизматчиларига, аввало ҳарбий хизматчиларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириб, тартибга солишга муваффақ бўлди. Солиқ ва хирож девонларидаги ҳисоб-китоб ишларни олиб бориш учун тайинланган ходимлар Ироқ ва Эронда форс тилида, Шомда Византия (юнон) тилида, Мисрда копт (қибтий) тилида олиб боришган. Аскарлик ва моашлар девонида иш фақат араб тилида юридилар

эди. Волийларнинг солиқ ва харож девонлари ишларидан хабардор бўлиб туришлари учун араб ва маҳаллий тилларни биладиган таржимонлар керак бўлган.

### **2.3. Европа ва Осиё давлатлари ва Россияда солиқлар ва солиқ сиёсатининг тарихий ривожланиш жараёналари**

Формациялашувнинг феодализм шаклининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиб бориши ер эгаларининг феодал шаклига ўтиши, молия, суд, бошқарув масалалари ҳам ер эгаларига тегишли бўлиб қолиб, умумдавлат харажатлари анча қискарди, давлатнинг асосий даромад манбалари унинг мулкдан, регалиялар(мулкдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқларни берганлик учун йиғимлар) ҳамд божлардан ташкил топиб борди. Феодал тарқоқликнинг кучайиб бориши эса давлатларнинг уюшларини ва унга мувофиқ солиқларнинг ҳам такомиллашиб боришига асос бўлди. Бу ҳолат айниқса ер ва савдо муносабатлари кейинчалик эса манифактура ривожланган Европа давлатларида, жумладан, Франция, Англия ва Германияда анча шаклланиб борди. Францияда XV асрларга келиб қироллик ва феодал катта ер эгаларининг ўртасидаги қаттиқ зиддиятлар оқибатида Францияда йирик марказлашган давлат ва унинг ўзига хос молиявий тизими шаклланди. Бу вақтларда Францияда хашслардан олинадиган тўғри солиқ ("taille personnelle") ва мол-мулкдан олинадиган ("taille reille") солиқлар асосий солиқ сифатида юзага келди. XVII асрларда солиқлар янада кенг ривож олди ва унинг сони ҳам кўпайиб борди.

Тўғри ва эгри солиқлар мамлакатнинг турли жойларида турлича ундирила бошланди, солиқларнинг нотўғри тақисмланиши, аристократларнинг солиқларни тўлашдан бўйин товлаши, аҳолининг зиммасига солиқ оғирлигини ошириб бориши, солиқларни давлатдан ундириш ҳуқуқини қўлга киритган солиқ ундирувчиларнинг солиқ ундиришдаги адолатсизлиги, бир хил жойлардан эгри солиқлар ундирилса бошқа жойлардан ундирилмаслиги проваардида эса Францияда йирик тўнтариллишга сабаб бўлди. Революцион ҳуқуқат эса аввалги барча солиқларни бекро қилиб, кейинчалик солиқлар давлат фаолиятининг асосий манбаи эканлигидан келиб чиқиб турли хил(асосан ер солиғи, даромад солиғи, мол-мулкдан солиқ, жон бошига солиқ, йиғимлар ва ш.к.) солиқларни янада кўпайиришга мажбур бўлди.

Европада солиқларнинг ривожланиши Англияда ҳам ўзига хос кўринишда ривож топди. Англияда ҳам бошқа давлатлар сингари Рим империяси давридаги бошқарув тизимига барҳам берилиши билан биргаликда

солиқларни ундиришда ҳам асосан қиролликка тегишли бўлган ерлардан келадиган даромадларга қаратилди. Дастлабки вақтларда солиқлар фавкулотда ҳолатларда, яъни ташқи душманларнинг ҳамласига учраш хавфи юзага келганда ундирила бошланди, тинчлик вақтларда эса алоҳида солиқлар ундирилмади. Бу вақтларда Англия қироллиги асосий хавф солиб турган Нормания ва Дания қироллиги бўлиб, фавкулотда йиғилган солиқлар шу туфайли ҳам "Дания пуллари" деган ном олди. Англияда бу даврларда солиқларни жорий қилишда қирол ва парламент ўртасидаги келишувга кўра амал оширила бошланди. Солиқларни жорий этиш ва уни ундиришдаги қирол ва парламент ўртасидаги зиддиятнинг кучайиб бориши кейинчалик Англияда республика шаклидаги давлат шаклининг асос солиниши ва унинг оқибатида эса солиқ тизимининг ҳам хусусиятлари ўзгарди. Англияда республика шаклидаги давлатнинг юзага келиши бир қатор оғир бўлган солиқлар, жумладан акциз солиғи ҳам жорий этилди. XVIII асрдан бошлаб Англия томонидан жуда кўплаб уруш ҳаракатларининг олиб борилиши давлат харажатларини, ўз навбатида эса солиқларнинг ҳам кўпайишига сабаб бўлди. Айниқса бу даврларда эгри солиқлар савдо(оборот) солиғи, акциз солиғи ва божларнинг ошиши рўй бериб, тўғри солиқлар бу даврларда давлат харажатларини қоплашда унчалик аҳамиятли эмас эди. Айниқса Франция императори Наполеон билан урушлар вақтида солиқ турлари, жумладан, даромаддан олинадиган солиқлар ҳам оширилди. 1815 йилдан бошлаб эса Англияда солиқларнинг камайирилиши, солиққа тортиш тизимида эса соддалаштирилган солиққа тортиш тартиблари кенгайтирила бошланди. 1840-1850 йиллар оралиғида жуда кўплаб божхона божлари бекор қилинди. Кейинчалик акцизларнинг сони, жумладан биринчи навбатда зарур бўладиган маҳсулотлардан ундириладиган акциз солиқлари ҳам қисқариб бошлади. Англияда солиқларнинг шаклланиш жараёнида ҳарбий ҳаракатларнинг таъсири жуда катталиги билан характерланади. Бу ҳолат биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари вақтида ҳам шундай аҳамият касб этди.

Германияда ҳам феодализм қуртаклари ёйилиб, ер эгаларининг давлат турмуш тарзидаги ўрни ошириб боргандан сўнг бу ерда ҳам умумдавлат миқёсидаги солиқларни жорий этиш масалалари анча кеч амалга ошди. Германияда ҳам император ва унинг фуқаролари(ер эгалари) ўртасида табақалашув анча давом этди. Бу эса солиқларни ундириш жараёнига ҳам таъсир қилди. Солиқлар кўпинча императорга ёрдам, императорнинг сўрови, сифатида precaria, Bidden(bitten) номи билан аталиб келинди. баъзи ҳолларда эса субсидиялар деярли мажбурий характерга эга бўлди. Масалан, давлатдан асирни сотиб олиш, рицарлик мақомини унинг ўғлига бериш, ёки рицарнинг

қизини турмушга бериш каби жараёнлардан мажбурий тўловлар ундирилган. Германияда умумдават микёсида солиқларни жорий этиш масалалари узоқ вақт қийинчиликлар билан давом этди. Шу билан биргаликда божхона тўловларни ундиришни ягона давлат тизимига ўтказиш ҳам анча қийин кечиб борди. Бож тўловларини жорий этиш масалалари императордан маҳаллий ҳукмдорларнинг ваколатига ўтиб борди. Император томонидан тайинланган "курфюрстлар"( Kurfürst-немисча сўз бўлиб, Kūr — «танлаш, сайлаш» и Fürst — «князь» сўзларидан олинган ва император тайинлаган вакил деган маънони беради) томонидан маҳаллий зодагонлардан бож тўловлари йиғиб келинган, баъзи ҳолларда эса маҳаллий зодагонлар эса бундай ҳуқуқни тўлиқ ўзларида сақлаб қолиб, маълум бир қисмини умумдават мақсадларига юбориб турган.

Германияда рицарларнинг ваҳшийлик ҳаракатлари кучайгандан сўнг аксарият аҳоли ва зодагонлар императорга мурожат қилиб, ҳимоя қилиши ва унинг ўрнига солиқлар тўлаб туришга мажбур бўлганлар ва шу тариқа умумдават микёсида солиқларни жорий этиш жараёнлари кучайиб борди, шаҳарларда давлатга солиқларни ундириш билан шуғулланадиган давлат идоралари ташкил этилди. Германияда ҳам асосий давлат харажатларини ҳарбий харажатлар ташкил қилган. Уруш бўлмаган вақтларда эса ички тартиб қўшинлари сақланиб, солиқлар камайтирилган. Аммо, доимий армияни сақлаш эса катта харажатларни талаб қилган ва уни амалга оширишга мажбуриликдан эса солиқларнинг ҳам доимий ундирилишига олиб келди. XVII ва XVIII асрларда Германияда асосий солиқлар сифатида акцизлар, доменлар (домен французча сўз бўлиб, "domaine"-вилоят, бирлик, таркиб деган маъноларни англатади) давлатнинг молия хўжалигида асосий роль ўйнай бошлади. Саноат ва савдо сотиқ ишларининг ривожланиши эса эгри солиқлар биргаликда тўғри солиқларнинг ҳам ривожланиб боришига олиб келди.

Маълумки, Россияда умумлашган давлат шакли X асрнинг охирида шакланган бўлиб, унга қадар турли хил даражадаги князликлар мавжуд бўлган ва улар ўзларининг харажатларини турлича услубда қоплаб келган. Умумлашган давлатни шаклланишида унинг солиқ тизими асосан ўзаро урушлар даврида қўлган киритилган ўлпонлар (дань) ташкил этган. Князликларнинг давлатга бирлашиши солиқларнинг ҳам шакли ва ундириш услубларини ўзгартиришга олиб келди ва улар аҳолидан олинадиган мажбурий тўловларга айланди. Солиқларни ундириш билан боғлиқ махсус бўлинмалар ва руҳонийлар шуғулланишган. Муғуллар босқини даврида қолган "чиқиш" божи кейинчалик бож тўловларига айлантирилди. Эгри солиқлар сифатида савдо ва суд поштиналари юзага келди. Суд божлари

кейинчалик доменлар сифатида эътироф этилган. Давлат савдо қилганлик чун тўловлар ундириш билан бирга бундай ҳуқуқни берганлик учун ҳам айрим вазиятларда тўлов жорий қилган Суд божлари эса турли хил низоларни кўришда давлатга тўланган тўловлар бўлиб, бундай тўловлар катта роль ўйнаган. Муғуллардан мерос бўлиб қолган "чиқиш" солиғи аҳолидан бошқачароқ тартибда, яъни ҳар бир жон боши ва чорва молларидан ундирилган. Кейинчалик "ям" деган тўловлар ҳам жорий қилиниб, унинг моҳияти почта станцияларида аравага қўшилган отларни алмаштирганлик учун ундирилган. Муғуллар Россия ерларни босиб олган вақтларда Россия ҳудудидан солиқларни ундириш ҳуқуқларини Боғдод келувчи араб савдогарларига берилган ва улар князлар томонидан йиғилган солиқларни либ кетиш билан шуғулланган. Бу жуда кўплаб норозиликларга сабаб бўлганлиги сабабли солиқ ундиришнинг бошқа шакллари шакллантирилди.

Олтин Ўрда даврида солиқлар "Буюк Баскак"лар деб аталувчи махсус кишиларга берилган.(Баскак муғуллар давридан қолган бўлиб, солиқ ундириш ҳуқуқи берилган ноибга нисбатан "баскак" сўзи ишлатилган) Олтин Ўрда вақтида барча ерлар, аҳоли ва чорва моллари рўйхати тузиб чиқилган ва ерларнинг кадастри ҳам алоҳида ишлаб чиқилган. Солиқларни ундиришда икки хил бошқарувлик, бир томондан баскаклар томонидан солиқлар ундирилган бўлса, маҳаллий князлар томонидан ҳам солиқлар ундириб борилган. Кейинчалик баскаклар томонидан асосий солиқлар-савдо солиғи, ер солиғи, жон бошидан олинадиган солиқ, ишлов берилмаган ерлардан олинадиган солиқлар, бож тўловлари ҳамда ҳарбий мажбуриятдан озод қилинганлик учун солиқлар ундириб борилган. Россия Пётр I ҳукмролик қилган вақтларда ҳарбий харажатлар кўпайиши ортиқча маблағларни талаб қилар ва қўшимча солиқларни жорий этишга сабаб бўлди ва давлат йиғимлари, киракашлик қилувчилардан йиғимлар, карвонсаройлардан олинадиган йиғим, печлар учун солиқ ва дала судлари учун махсус солиқлар жорий қилинди. Шу билан биргаликда "фойда келтирувчилар" деган махсус лавозим ҳам жорий қилиндики, ушбу лавозимдагилар давлат газнасига янги даромад манбаларини излаш ва шакллантириш билан шуғулланишган. Екатерина II вақтида эса солиқ тизими анча ривожлантирилди. Бу даврда давлат молияси билан доимий шуғулланувчи махсус экспедициялар шакллантирилиб, улар 4 гуруҳга жаратилган. 1-гуруҳдагилар давлат даромадлари билан шуғулланишган бўлса, 2-гуруҳ давлат харажатлари билан, кейинги гуруҳ тафтиш ва охириги гуруҳ солиқлар бўйича қарздорлик масалалари билан шуғулланишган. XVIII асрнинг охирига келиб давлат бюджетига тўғри ва эгри солиқларнинг улуши ортиб борди. Бу даврда ховлилардан олинадиган ва

хунармандчилик фаолияти учун олинадиган солиқлар катта ўрин эгаллади. Шунингдек, кўпгина товарларга (масалан, керосин, туз, тамаки, шаккар, гурут ва шу кабилар) акцизлар жорий қилинди. Жон бошига солиқ 1863 йилда шахарларни куриш солиғи билан алмаштирилди, маҳаллий солиқлар сифатида завод, фабрика ва савдо иншоатлари жойлашган ерлардан йиғимлар жорий қилинди. XIX асрнинг 80-йилларида жон бошидан олинадиган солиқлар бекор қилиниб, даромаддан олинадиган солиқ, қимматбаҳо қоғозлар ҳамда давлат уйлари учун солиқлар жорий қилинди. Бу даврга келиб Россияда асосий хунармандчилик солиғининг роли ортиб борди ва такомиллаштириб, унинг янги шакллари жорий этилиб борилди ва уни ундириш механизмлари ҳам такомиллаштирилди. XIX асрнинг охирига келиб корхоналарни, айниқса акционерлик шаклидаги корхоналарнинг фойдасидан 3 фоизлик йиғим, кейинчалик уларга капитал солиғи ҳам жорий қилинди. 1916 йилда даромадга эга бўлган барча (юридик ва жисмоний шахслар)га даромад солиғи жорий қилинди.

Ўрта асрларда солиқларнинг ривожланиши жанубий ва шарқий Осиё давлатларида ҳам ўзига хос тарзда ривожланиш тарихига эга. XIII—XV асрларда Ҳиндистонда Деҳли султонлиги даврида солиқлар бошқа давлатлар сингари ерлар, суғориш иншоатлари, ўрмонлар, майсазорлар давлатнинг мулкани ташкил этиб ундан солиқлар давлат манфаатларига ундирилиш жорий этилди. Бу даврда султонларга ерлар "икта" (икта арабча сўз бўлиб, إقطاع - улуш, чек ер деган маънони англатади, Россияда ҳам 18-19 асрларда ушбу шаклида ер бериш амал қилган бўлиб, у "надел" деб номланган) шаклида тақдим этилиб, ушбу ерлардан солиқлар олиш султонларнинг ваколатига берилган. Кейинчалик эса икта эгалари фақат солиқлардан озод қилинди ва ундирилган солиқлар эса давлат ихтиёрига олиб кўйилди. Шунингдек, Ҳиндистонда ерларнинг берилишининг бошқа шакли ҳам мавжуд бўлиб у "инъом"-ҳада деган маънони англатган. Инъом ердан ташқари пул, маҳсулот, кийим ёки қуллар билан мукофотлаш тарзида ҳам берилган. Кўпгина солиқларнинг султонлик томонидан жорий қилиниши ҳам унинг фуқароларининг буюк султонга тақдим қилинган инъоми тарзда ҳам аталиб келинган.

Солиқларнинг Осиёдаги хусусияти ўрта асрларда Хитойда ҳам анча ривож топди. X-XII асрларда Хитойда ҳукмронлик қилган Сун сулоласи даврида солиқларни ундириш тартиблари анча такомиллаштирилди. Ерлар император, катта амалдорлар ва харбийлар ўртасида тақсимлаб берилиб, ердан фойдаланувчи деҳқонлар эса давлатга ва ер эгасига рента тўлаб келган. Асосий солиқ тури "икки марталик йиғим" деб номланган йиғим бўлиб, ушбу йиғим

доим ошиб борган. Солиқлар бўйича қарздорлиги ошиб борган деҳқонларнинг давлатга тобелиги таъминланган ва шу орқали солиқлардан сиёсий мақсадда ҳам фойдаланилган. 1070-1076 йилларда Хитойда ўша пайтда давлат бошлиғи бўлган Ван Аньши томонидан давлатда катта ислохотлар ўтказиб унда ерларни ўлчаш ва солиқларни ундириш тизимига ҳам катта ўзгартиришлар киритилди. Бу унинг томонидан жорий қилинган "Янги қонунлар" деб аталувчи концепциясидан ўрин олади. Илгари солиққа тортишнинг жисмоний меҳнат билан ишлаб бериш шаклидаги солиқ ундириш тартиби пул шаклида ундириш шаклига ўтказилди. "Янги қонунлар" да солиқлардан ташқари давлатнинг савдо ва нархни тартиблаш, пулни тартиблаш ҳамда давлат томонидан кредитлаш механизмлари ҳам ўрин олган эди.

1200 йилларнинг бошларида Хитойнинг Муғуллар томонидан босиб олиниши ва унга қарши кураш олиб борган Чжу Юаньчжана ҳукмдорлиги вақтида ҳам солиқ тизими анча ривожлантирилди. Бу даврларда бўз ерларга ишлов берган деҳқонларга солиқ имтиёзлари жорий қилинди, уларга давлат томонидан кредитлар ажратиш тартиблари жорий қилинди ёки илгариги солиқлардан қарзларидан воз кечилди. Бу вақтларда ер ва жон бошига солиқлар катта роль ўйнади. Солиқ ундиришни адолатли амалга ошириш мақсадида 1370 йилдан бошлаб ерларнинг рўйхати тузилди ва уларнинг кадастрлари ишлаб чиқилди ва бу "Сарик реестр" деб номланди. 1387 йилда эса бутун Хитойда ягона ерларнинг реестри яратилди ва хитой тилида "рибичейшўйча-того" деб номланди. Ушбу ҳужжатда ҳар бир ерга бириктирилган деҳқонлардан ундириладиган солиқлар аниқ қилиб белгилаб кўйилди.

Феодал хўжалик даврида Осиёда солиқларнинг ривожланиши Усмонлик империясида ҳам анча шакллантирилди. XV асрнинг охирига қадар Усмонлик империясида ерлар давлатга қарашли бўлган. Ерларни ягона тақсимловчи шахс султоннинг ўзи бўлган асосий ерлардан ундирилган (айниқса босиб олинган Европа давлатларидаги ерлардан) солиқлар шахсан султоннинг ғазнасига жалб қилинган. XV асрдан кейин эса ерлар султонлик томонидан маълум бир солиқларни тўлаб туриш шарти билан катта ер эгаларига бўлиб берилди. Яъни, "тумор" солиғи туфайли 3 минг ақчагача (ақча-бу пул бирлиги), "займат" солиғи бўйича эса 3 мингдан 10 минггача султонга солиқ тўлаб туриш тартиби жорий қилинди ва ушбу солиқлардан олинган даромадлар асосан харбий ишларга мақсадли сарфланган. Усмонлик империяси даврида солқи тизимининг европа давлатларидаги тизимга ўхшаш хусусиятларидан бир бу солиқларни ундирувчиларга солиқларни ундириш ҳуқуқининг маълум бир

тўловлар эвазига берилиши эди. Усмонлик империясининг амал қилган вақтларида солиқларни ундириш тартиблари ҳам ўзгариб борди.

Қишлоқ хўжалигидан солиқларни ундиришда феодал рентани ундиришнинг учта шакли рикож топди. Булар ишлаб бериш, маҳсулот ҳамда пул шаклида рента ундириш эди. Буларнинг ичида маҳсулот орқали рента солиғини тўлаш кенг ривожланди. Деҳқонлар олинган ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдоридан (бача ҳосил ва чорва молларнинг ҳам, ҳатто ем-хашаклардан) солиқ тўлаш лозим бўлган. Бундан ташқари аҳоли ер эгаларига ҳарбий мақсадлар учун алоҳида "авориз" деб номланувчи солиқларни ҳам тўлаган. Бундан ташқари Усмонлик империянинг бошқа давлатлар ҳудудида уруш олиб бориш сиёсати авж олиши туфайли бошқа солиқларни ҳам жорий қилинишига олиб келди. Араблардан кириб келган "жузья" солиғи империя даврида қайта жорий қилинди ва ҳар бир киши бошига 20-25 ақчагача солиқ ундирилган. Бу солиқнинг ставкаси XVII асрлар бошларига келиб 140 ақча миқдоригача белгиланди.

#### **2.4. Ватанимизда қадимда ва ўрта асрларда амал қилган давлатчилик ва чет эл босқинчиликлари даврида солиқ сиёсати<sup>3</sup>**

Ватанимиз тарихчиларининг таъкидлашича эраמידан аввалги 1-минг йилликлар даврида юртимизда темирга ишлов бериш, тоғ жинсларига ишлов бериш куролларини яратиш, туқувчилик, кулолсозлик, заргарлик ва кемасозлик соҳаси ривож топган. Булар юртимизда шаҳарсозликнинг ривожланиши ва давлатчиликнинг шаклланишига муҳим асос бўлган. Тарихчиларнинг таъкидлашича эраמידан аввалги 1-минг йилликнинг биринчи ярмида дастлабки давлатчилик шаклланди. Бошқа қадимги давлатлар сингари шарқдаги давлатларда ҳам давлат бошқарувининг асосий манбалари сифатида ўлпонлар асосий роль ўйнаган. Тарихчи Геродотнинг таъкидлашича<sup>4</sup> VI асрларда Парфия, Хоразм, Сўғдиёна ва Ария давлатлари Аҳамонийлар давлатига йилига 300 талант (1 талант 30,2 кг кумуш тангага тенг бўлган) солиқ тўлаб турган. Аммо Хоразм давлати бу давлатлар орасида иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган бўлиб, уларнинг орасида мавқеини

<sup>3</sup> Мазкур параграфни ёзишда куйидаги адабиётлардаги маълумотлар ва материалларга асосланди: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарқ" нашриёти, Т.: 2001, 368 б, История Узбекистана в источниках, Вайнбер Б.И. Монеты Древнего Хорезма. с. 12. Толстов С.П. Древний Хорезм, <sup>3</sup> Узбекистон янги тарихи (Тузувчилар: Х.Содиқов, Р.Шамситдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). 1-қисм. Т.: "Шарқ", 2000, 464 б, : Абдурахимов М.А. Бухоро хонлигида аграр муносабатлар тарихидан лавҳалар. Т.: Фан. I ва II жилдлар, 1966, 1970, Мирзо Олим Муширф. Қўқон хонлиги тарихи. Т., 1995, Набиев Р.Н. Қўқон хонлиги тарихидан. Т.: Фан, 1973.

<sup>4</sup> История Узбекистана в источниках, с.28.

сақлаб қолиш ва уларнинг тобелигини ошириш мақсадида Сўғдиёна, Ария ва Парфия давлатлари тўлайдиган солиқларни ҳам ҳам ўзи тўлаган.

IV асрларда Македонияликларнинг босқинчилиги даврида солиқларни ундириш тизимига ҳам таъсир қилди. Милоддан аввалиги 170 йилларида Хоразм давлатида иқтисодий ривожланиш тараққиёт топиб, ўша вақтдаёқ ўзининг пул бирлигини жорий қилинганлиги ҳақида маълумотлар бор.<sup>5</sup> Шу билан биргалликда эса катта миқдордаги (тахминан 120 минг) ҳарбий кўшин шакллантирилган бўлиб, албатта уларни сақлаш хааржатлари давлатга кўшимча маблағларни талаб қилган. Бизнинг юртимизда милонинг бошланиши давларида Хоразм давлатидан ташқари Бактрия, Парфия, Фарғона ва Тохаристон каби қадимий давлатлар бўлганлиги ҳақида ҳам тарихий манбаларда келтирилади.<sup>6</sup> Аҳамонийлар ҳукмронлиги даврида бошқа давлатлар сингари Бактрия давлатига ҳам йилига солиқ тўлаб турган. Айниқса, Аҳамонийлар давлати даврида Доро номли шахснинг ҳукмронлик қилган давларда унга тобе бўлган катта миқдордаги солиқлар-талант тўлаб туриш билан бирга катта совға-саломлар ҳам юбориб туришга мажбур бўлган. Тарихчи Геродот таъкидлашича, форсийлар Дорони савдогор ҳам деб аташган бўлиб, бунинг асосий сабаби унинг биринчилардан бўлиб, ўз давлати ва тобе давлатлар ҳудудида солиқ тизимини жорий этганлигидир.<sup>7</sup> Қадимги Парфия давлатида ҳам Бактрия давлати сингари савдо-сотик ишлари, қишлоқ хўжалиги ривожланган, қазилма бойликларни ишлаш (ҳатто манбаларга қараганда никел моддасидан фойдаланиш) ишлари ривожланган, шунингдек, ўзларининг пул бирликларини ҳам жорий қилганлар. Бактрия давлатида Аҳамонийликлар ҳукмронлик давларда давлат хазинасига турли хил маҳсулотлардан солиқлар ундириш жорий қилинган. Ерлар бир неча табақаларга бўлинган бўлиб, улардан олинадиган солиқлар ҳам табақалаштирилган ҳолда ундирилган. Солиқлар асосан натура шаклида ва қисман пул шаклида ҳам қабул қилинган. Мамлакат пойтахти бўлган Нисо шаҳрига (Ашхобод яқинида бўлган) деҳқонлар томонидан солиқ тўловлари сифатида йирик ҳажмда винолар юбориб турилган ва ушбу виноларга унинг нави, қачон ва қаерда, қандай узум туридан олинганлиги ҳатто унинг таркиби ҳақидаги маълумотлар умумлаштириб борилган.<sup>8</sup> Бундан кўринадики, Парфия давлати даврида ҳисоб-китоб ишлари ва солиқларни тўлаш ишлари анча тартиблашган ҳолда амалга оширилган.

<sup>5</sup> Вайнбер Б.И. Монеты Древнего Хорезма. с. 12. Толстов С.П. Древний Хорезм, с.173-195.

<sup>6</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарқ" нашриёти, Т.: 2001, 34-бет.

<sup>7</sup> История Узбекистана в источниках, с.28.

<sup>8</sup> Деьяконов М.М. История Древнего Ирана. 1961, с. 194.

Милоддан аввалги II-I асрларда қадимги Фарғона давлати ривож топди. Бу ерда хунармандчилик, кулолчилик, балиқчилик, темирга ишлов бериш, деҳқончилик ва туқимачилик ишлари ҳам ривож топиб борди. Милоддан аввалги II-I асрларда минтақанинг Бактрия қисмида Тохаристон давлати юзага келади. Тохаристон давлатида ҳайкалторошлик, курувчилик, хунармандчилик, кулолчилик, деҳқончилик ва туқимачилик ишлари ҳам ривож топган. Мамлакатимиз давлатчилиги тарихи янги милодий минг йилликда Кушонлар давлати билан боғлиқ. Кушон давлати милодий I -IV асрларда Туркистоннинг катта қисмида сиёсий ҳукмронлик қилган йирик сиёсий давлат сифатида эътироф этилади. Бу давлатда ҳам пул ислохотлари ўтказилиб, муомалага олтин тангаларни қилиш орқали ташқи савдо алоқалар ривжлантирилган. Шунга асосланган ҳолда аҳолидан олинадиган ва ташқи савдонини амалга оширишдан олинадиган солиқлар ҳам натура ҳам пул шаклларда ундириб келинган. Кушон давлатида ҳайкалторошлик, курувчилик, хунармандчилик, кулолчилик, деҳқончилик ва туқимачилик соҳалари билан бир қаторда шишасозлик, қончилик, суъний суғориш, заргарлик соҳалари ҳам ривожланган. Римликлар ва Хитойликлар билан савдо алоқалари ривожланган. Давлат хазинаси даромадларида эса аҳолидан олинадиган солиқлар билан биргаликда бож ундирувлари ҳам катта роль ўйнаган. Кушонлар давлатидан сўнг уларнинг ўрнига келган Эфталитлар давлати асосан V-VI асрларда амал қилиб, бу давлатчилик даврида ҳам юқорида келтириб ўтилган соҳалар ривожланган бўлиб, шунингдек, ташқи савдо ишлари ҳам анча кенгайди. Илгари асосан Хитой, Эрон ва Римликлар билан савдо ишлари амалга оширилган бўлса, VI асрнинг охирида пайдо бўлган Ашиналийлар давлатида эса, Каспий денгизи орқали Шимолий Кавказ давлатлари, Ҳиндистон ва Византия билан ҳам савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилди. Демакки, савдо ишлари учун бож тўловларининг ҳам роли ошиб борган. Ушбу келтириб ўтилган давлатчилик шаклларида солиқлар тизимида ўзаро ўхшашлик мавжуд бўлиб, шу билан биргаликда, улар ўзларининг тобелигида сақлаган кичик ўлкалар(бошқа давлатлар)дан катта ҳажмда ўлпонлар ундириб турган.

Ҳар бир давлатда солиқларни ундириш тартиблари ҳам ўзига хос бўлган. Масалан, Бактрия ва Парфияда солиқларни ундиришда маҳаллий бошлиқларга юклатилган бўлса, Тохаристон, Эфталитлар даврида маҳаллий ҳукмдорлар билан биргаликда солиқ ундириш бўйича махсус ноиблар бириктирилган. Қадимги Фарғона давлатида эса солиқларни жорий қилиш, уларни ундириш, кимларга солиқдан енгилликлар бериш масалаларини давлат бошлиғи билан биргаликда Оқсоқоллар кенгашининг роли катта бўлган. Бу эса

ҳозирги цивилизация шароитида солиқларни жорий қилишнинг парламент шаклининг бундан бир неча минг йиллар олдин бизнинг давлатчилик тажрибасида жорий қилинганлигини билдиради. Ватанимизда амал қилган давлатчилик шаклларида солиқларнинг ривожланиш хусусиятлари VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошларида араблар истилоси ва ислом динининг кириб келиши билан анча ўзгарди. Давлатчиликнинг кейинги давларида Фарғона, Исфижоб, Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чоғаниён, Хутталон, Кеш, Хуросон ва Сейистон каби ўлкаларни бирлаштирган йирик Сомонийлар давлати юзага келди. Бу давлатнинг шаклланиши милоддан кейинги 800-900 йилларга тўғри келиб, унда солиқларни ундириш тизими анча такомиллаштирилди.

Давлат бошқарувида 10 га яқин девонлар(вазирликлар) ташкил этилиб, уларнинг орасида давлатнинг молиявий масалалари билан шуғулланадиган Молия ишлар девонлиги тузилиб, унда давлат ғазнасига тушадиган барча даромадлар, жумладан солиқларнинг келиб тушиши ва ундан давлат манфаатлари йўлида сарфланиш масалалари назорат қилинган. Вилоят ва туманлар(шаҳарлар)дан солиқ йиғувчилар томонидан ундирилиладиган солиқларнинг ҳисоб-китоб ишлари ушбу девоннинг зиммасига юклатилган. Шунингдек, давлатда бош вазирга бўйсинувчи Давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш девони ҳам бўлиб, ушбу девонда давлатнинг бошқа фаолиятига тегишли бошқа ҳужжатлар сингари солиқларни жорий этиш ва ундириш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳам тайёрланган.

Вақфлар девонида эса диний муассасаларга тегишли мол-мулк, ер, сув ва улардан олинадиган солиқларни ҳисоблаш ишлари амалга оширилган. Вилоят ҳокимлари ва раислар(шаҳар бошлиқлари раис деб аталган) солиқларни ундиришда солиқ йиғувчиларга ёрдам берган. Ҳарбий тўқнашувлар ва давлат бошқарувини кучайтириш эҳтиёжлари туфайли ғазнага тушган ҳар йилги 45 млн. динарлик солиқ тушумларидан камида 20 млн. миқдори ҳарбий ва давлат бошқаруви мақсадларига ишлатилган. Бу давлатнинг молиявий ишлари доим такомиллаштирилиб борилиши натижасида халқаро савдо-сотиқ ишларини соддаштириш мақсадида чек(чак деб аталган)дан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу эса пул майдалаш ва алмаштириш билан шуғулланувчи махсус бўлинмалар(саррофлар) томонидан амалга оширилган. Давлатнинг ташқи савдоларининг кенгайиши, молларнинг(асосан заргарлик, кулолчилик, шиша буюмлар, турли хил тоғ жинслари ва қазилма бойликлардан тайёрланган нодир махсулотлар ва шу кабилар) четга экспорт қилиниши ҳамда халқаро совдагарларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида чекдан самарали фойдаланган. Чеклар вазифасини баъзи

вақтларда ип газлама маҳсулотлари ҳам ўтаган. Сомонийлар давлатидан кейин амал қилган Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Ануштегинийлар давлатчилигида ҳам солиқларнинг турлари, иқтисодий ҳолат (асосий соҳалар) ва солиқларни ундириш тартиблари ва уларни бошқариш жараёнлари деярли бир-бирига ўхшаш бўлган. Бироқ, Салжуқийлар вақтида солиқ тизими анча ривожлантирилди. Мамлакатда Бош вазирга (Девони аъло) бўйсинувчи Истифо девонлиги солиқлар ва бошқа молиявий маблағларнинг кирим чиқимларини олиб бориш билан бирга солиқ йиғувчиларнинг ҳисоботларини қабул қилиб, Бош вазирга бу ҳақда ахборот тайёрлаш билан ҳам шуғулланган. Ҳар бир солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар ва уларга тегишли бўлган мол-мулк, ерлар ва бошқа солиқ объектларининг рўйхатини тузиб чиққан. Бундан ташқари Ишроф девони ҳам тузилган бўлиб, унда барча назорат ишлари, жумладан солиқларни ундиришнинг ҳолати, молиявий маблағларнинг мақсадли сарфланганлигини, солиқ йиғувчиларнинг берган ҳисоботларида кўрсатилган ва ундирилган солиқ тушумлари билан ҳақиқий ҳолатлар таҳлил қилиб борилган. Бу эса Девоннинг вилоятлардаги бўлинмалари томонидан доимий олиб борилган.

Ушбу давлатларнинг барчасида давлатнинг ғазнасининг асосий даромад манбаини ерлардан ундириладиган солиқлар, хунармадлардан олинадиган солиқлар, бож ва савдо йиғимлари ташкил этган. Шунингдек, фавқулодда ҳолатларда аҳолидан ҳарбий харжатлар учун алоҳида солиқлар ҳам ундирилган. Юртимизда XIII-асарнинг 20 йилларидан тўртинчи то 1370 йилларгача ўз ҳукмронлигини ўрнатган Чингизхон истилоси даврида муғуллар томонидан солиқ тизимига анча ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар солиқларнинг сонининг ортиши ва унинг ҳажмининг юқорилиги билан изоҳланади. бу даврда дехқонлардан ундириладиган "Калон" солиғи ҳосилнинг 1/10 қисми сифатида, чорвадорлардан ундириладиган "Кўпчир" солиғи эса ҳар 100 бош қорамолдан биттаси ундириладиган бўлди. Шунингдек, аҳолидан "Шулси" деган солиқ ундирилиб, ҳар бир отар қўйдан битта миқдорда ва ҳар 1000 отдан битта миқдорда солиқ жорий қилинди. Солиқларнинг ҳаддан зиёд ошиб бориши оқибатида эса тез-тез бўлиб турадиган қўзғолонларга сабаб бўлди. Бу қўзғолонлар Чингизхон томонидан бостириб борилсада, кейинчалик солиқларни маълум даражада енгиллаштиришга мажбур қилди.

Солиқларни ундириш тизими Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзига хос тартибда ривожланиш хусусиятига эга бўлди. А.Темурга қадар ўзбек давлатчилиги 2100 йилдан зиёд даврни ўз ичига олиб, бу даврларда амал қилиган давлатчилик шакллариининг солиқ тизими борасидаги сиёсатлар ўзига

хос бўлганлигини кўрдик. А.Темур ҳукмронлиги даврида давлатнинг бошқарув тизими икки бўғинга, яъни Даргоҳ ва Девонларга бўлинган. Давлатнинг молиявий ва солиқларни ундириш билан боғлиқ ишларни Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири ҳамда Молия вазири томонидан ташкил этилган. Мулкчилик ва солиқ ишлари вазирлиги турли сабабларга кўра эгасиз қолган мол-мулкларни рўйхатга олиш, уларни тақсимлаш, савдогарлардна закот ва бож тўловларни олиш, жорий қилинган солиқларнинг ҳисобини юртиш ва уни ундириш ишларини ташкил этиш, мамлакат чорвалари яйловзор ва майзозор ерларни бошқариш, улардан тушадиган даромадларни ҳисобга олиш, мулкчилик бўйича меросхўрлик мақомларини белгилаш масалалари билан шуғулланишган.

Молия ишлари вазирлиги эса давлат ғазнасига келиб тушган даромадларнинг сарфлаш ҳамда уни назорат қилиш, даромадларни кўпайтириш йўллари аниқлаш ишлари билан шуғулланишган. Шунингдек, мамлакатга тегишли бошқа ҳудудларда молиявий ишларни йўлга қўйиш, маҳаллий ҳокимлик ва бекликлар томонидан солиқ ундириш ва берилган маблағлардан қандай фойдаланаётликларини назорат қилиш мақсадида бошқа вазирлик даражасидаги бўлинмалар ҳам фаолият юритган. Темур давлатчилиги даврида мамлакат ҳаётида катта ҳисса қўшган ва йирик олиму фузолаларга маълум бир ерлар суюрғил(тортик) қилиниб, бу ерлардан ундирилган солиқларнинг бир қисми суюрғилга эга бўлганларнинг ихтиёрига қолдирилган. Ҳар бир суюрғил қилинган ерларга иккитадан вазир алоҳида бириктириб қўйилган. Бу вазирлар бу ерларда солиқларни ундириш ва уни тақсимлаш ишларини назорат қилиб борган. Темур давлати даврида солиқларни ундириш тартиблари унинг "Темур тузуклари"да ҳам келтириб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, А.Темур давлат бошқаруви даврида солиқларни ундириш масаласини доим ўзининг назоратида олиб борган, сабаб солиқларнинг ошиши раиятнинг норозилиги ва унинг заифлашувига олиб келади ва ўз навбатида давлатнинг куч-қудратига салбий таъсир этади деб ҳисоблаган. Бу даврда хирож, молу-жихот, совурин, қўналға, бож, шилон пули сингари солиқлар амал қилган. жарималари олинган. Солиқ ва жаримани йиғиш ва харж (сарф) қилишга алоҳида эътибор берилган. Темур ўзининг "Тузуклари"да қуйидагиларни келтириб ўтган: "Ҳар ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Бири раият учун (бўлиб) бўлиб, ундан йиғиладиган олиқ-солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисоботини олиб борсин. Олиқ-солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йиғилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини

бошқарсин. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кешиб юрувчилар(саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол-мулкани, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин. ... сармоёси кўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоёсини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан бирининг деҳқончилик қилишига қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин»<sup>9</sup>. Ер солиғини ундиришда эса табақалаштирилган ёндошув амал қилган.

Агар, солиқ тўловчи-ер эгаси бирон саҳрони обод қилса ёки кориз (ер ости иншооти) курса, бирон боғ кўқартирса, ёхуд биронта ҳароб бўлиб ётган жойни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч қандай ўлпон олинмаган. Иккинчи йили раият уз розилиги билан берган маблағлар солиқ сифатида ҳисобга ўтаверган. Фақат фаолиятнинг учинчи йилидан солиқ қонун-қондасига мувофиқ улардан хирож йиғилган. Хирож солиқлари экиндан олинган ҳосил ва ерларнинг унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда олинган. Агар ерлар лалмикор ерлар тоифасига кирган бўлса, унда ҳосилнинг 1/4 қисми миқдорда солиқ ундирилган. Солиқлар пишиб етилмагунча солиқ олиш таъқиқланган, агар солиқ тўловчи ўзи солиқларни ҳисоблаб ғазнага тўласа, у ҳолда солиқ тўловчилар юборилмаган. Солиқлар бўйича имтиёзларнинг қатъий амал қилиши эса бозорларда маҳсулотлар нархининг камайишига ва пулнинг қадрининг ошишига олиб келган. Шунингдек, мадрасадаги талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида эса мадрасаларга ажратилган вақф ерлардан солиқ ундиришни А.Темурнинг ўзи қатъий маън қилган ва бир чақа ҳам солиқ давлат ғазнасига келиб тушмасин деган буйруқ берган. Булардан кўринадики, А.Темур солиқ сиёсатининг адолатли ундирилиши тарафдори бўлган ва унинг амал қилинишини қатъий назорат қилиб борган. Солиқ сиёсатининг бундай ўрнатилиши эса солиқларнинг давлатнинг муҳим молиявий таянчи сифатидаги ролини оширган.

<sup>9</sup> Темур тузуқлари. Т.: "Чўлпон", 1991 й. 78-98 бетлар.

## 2.5. Амирлик ва хонликлар давридаги солиқ сиёсати<sup>10</sup>

Тарихий манбаларга кўра илгари А.Темур салтанати ва темурийлар давлат ҳукмронлигининг емирилиб бориши, охир-окибатда учта хонлик Бухоро(кейинчалик Амирлик деб ном олган), Қўқон ва Хива хонликларининг юзага келишига сабаб бўлди<sup>11</sup>. Бухоро хонлиги тасарруфига XIX асрнинг биринчи ярмида Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, шунингдек ҳозирги Тожикистон давлатининг бир қанча ҳудудлари кирган. Бухоро амирлиги даврида эса 40 вилоят ва туманликларга (бекликларга) бўлинган, уларни амир тайинлайдиган ҳокимлар бошқарган. Амирликнинг давлат муассасалари маъмурий, молия, қозилик, миришаблик ва ҳарбий идоралардан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бирига тайинланган амалдор раҳбарлик қилган. Ижро этувчи ҳокимиятни бош вазир – *қушбеги* (вазири бузрук) бошқарган. У хон билан бамаънаҳат иш юритган, олий ҳукмдор Аркида яшаган.

Амирликда давлатнинг молия-ҳазина ишларини, шунингдек, солиқлар ундирилиши устидан назоратни девонбегилар томонидан олиб борган. Амирга тегишли мол-мулк ва келиб тушган солиқ тушумларнинг ҳисобини "Мушриф" лавозимидаги шахслар томонидан амалга оширилган. Мамлакатдаги барча ерлар хон (амир)га тегишли бўлган. Бухорода ер-сув мулкчилигининг уч шакли мавжуд эди бўлган, яъни, давлат ерлари (бу амлок ерлар деб ҳам аталган); мулк ерлари (хусусий); ва вақф ерлари. Давлат ерларининг бир қисми деҳқонларга фойдаланиш учун берилган, бир қисми йирик ер эгаларига, ҳукмрон сулола аъзоларига, йирик давлат мансабдорларига суюрғол сифатида берилган. Мулк ерларининг бир қисми давлат хизмати билан боғлиқ бўлмаган шахсларга, иккинчи қисми давлат хизмати билан боғлиқ (масалан, жасорат кўрсатганларга) шахсларга тегишли бўлган.

Амирликда солиқларнинг манбалари асосан ерлар олинандиган солиқлар, хунармадлардан олинандиган солиқлар, савдо сотиқ ишларидан ҳамда турли хил боғлар ва маҳсул йиғимлар ташкил этган. Солиқлар тез-тез ошириб турилган ва улар ғалаёнларга сабаб бўлиб борган. Масалан, Шайбонийлар давридаги солиқларнинг сони 20 турдан ортиқ бўлган. Солиқлар ичида энг катта улушни хирож солиғи(ерлардан ундириладиган) ташкил этган. Хирож

<sup>10</sup> Мазкур параграфни ёзишда қуйидаги адабиётлардаги маълумотлар ва материалларга асосланди: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарқ" нашриёти, Т.: 2001, 368 б, История Узбекистана ва источникх, Вайнбер Б.И. Монеты Древнего Хорезма. с. 12. Толстов С.П. Древний Хорезм, <sup>10</sup> Ўзбекистон янги тарихи.(Тузувчилар: Ҳ.Содиқов,Р.Шамситдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). 1-қисм. Т.: "Шарқ", 2000, 464 б, : Абдурахимов М.А. Бухоро хонлигида аграр муносабатлар тарихидан лавҳалар. Т.: Фан. I ва II жилдлар, 1966, 1970, Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. Т., 1995, Набиев Р.Н. Қўқон хонлиги тарихидан. Т.: Фан, 1973.

<sup>11</sup> Ўзбекистон янги тарихи.(Тузувчилар: Ҳ.Содиқов,Р.Шамситдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). 1-қисм. Т.: "Шарқ", 2000, 27 бет.



солиғи олинган ҳосилнинг 30-40 фоизини амирлик хазинасига олган. Давлатда ҳарбий мақсадлари учун махсус ихрожат солиғи жорий қилинган. Ясоқ солиғи эса аҳолига солинган бўлиб, унинг мазмунини аҳолининг сув иншоотлари, йўл-кўприклар қуриш, ем-ҳашак йиғишда мажбурий равишда ишлаб бериш ташкил этган. Бухорода Аштархонийлар ва манғитлар ҳукмронлик қилган даврларда аҳолидан фойдаланган ҳар бир таноб еридан бир тиллодан ҳисобланадиган танобона солиғи, уни тўлашни истамаганлардан ҳосилнинг учдан бир қисмини топширилишини талаб қилувчи хирож солиқларни тўлаш айниқса оғир бўлган, ҳашар ишларида қатнашишдан иборат бегар мажбурияти, закот тўлаш солиғи ҳам амал қилган. Ҳоким ва унинг хизматидагиларга маош давлат хазинасидан берилмаган ва улар ўзларининг кунлик харажатларини маҳаллий аҳолидан турли хил йиғимларни олиш ҳисобига қоплаган.

Хива хонлиги ҳудудига XIX асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон ҳамда Туркменистон давлатининг шимолий ерлари кирган. Хива хонлигининг маъмурий бошқаруви кўп жиҳатдан Бухоро амирлигидаги тизимга ўхшаш бўлган. Хон ҳокимияти чексиз бўлиб, у энг йирик мулк эгаси ҳисобланган. Давлатда ҳарбий ишларни юритиш, хоннинг барча фармонларининг бажарилишини таъминлаш билан бирга солиқларни ундирилиш жараёнларини назорат қилиш ишлари Вазири аъзам (қушбеги) томонидан амалга оширилган. Хива хонлигида ҳам иш юритиш тартиблари, бошқарув механизмлари ва ерларга эгалик турлари ҳам Бухоро амирлигидаги жараёнларга ўхшаш бўлган, шу билан биргалликда айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлган. Хива хонлигида ҳам ер асосий бойлик ҳисобланган. Бухоро амирлигидаги каби улар эгалик шаклига кўра уч гуруҳга бўлинган: давлат ерлари (амлок), шахсий мулк (хусусий ерлар), вақф ерлари. Бироқ, ер эгалиги Бухоро хонлигидаги бир қанча фарқ қиларди: хон ва унинг қариндошлари барча ерларнинг деярли ярмига эгалик қилишган. Қолган ерлар давлат ихтиёрига олинган (вақф ерларидан ташқари). Давлат ва хусусий ерлар деҳқонларга ижарага берилган.

Деҳқонлар олган ҳосилнинг ярмини ижарага тўлаганлар ва шу сабабдан уларни “яримчилар” деб ҳам аташган. Майда ер эгалари хонавайрон бўлиб борганлар ва охир-оқибатда ерларидан маҳрум бўлганлар. Хива хонлигида амал қилган солиқ турлари Бухоро амирлигидаги мавжуд солиқлардан анча кўпроқ бўлган. Бу даврларда Хива хонлигида ерлардан -салғут солиғи, бир йўла ундириладиган алғут солиғи, қурол-аслаҳа учун махсус "милик пули" йиғими, аҳоли араваларини давлат ишлари учун сафарбар этишни назарду тутувчи "арава олув" деб номланган солиқ, улоқ тутув – аҳолининг туя ва

отларини сафарбар қилишга қаратилган улоқ тутув солиғи каби солиқлар билан бир қаторда солиқларга ўхшаган мажбуриятлар, масалан "қўналға" деб аталувчи элчи ва малдорларга кўчиб ўтиш учун жой бериш мажбурияти, маҳаллий ҳукмдорга ҳақ тўлаш ҳамда бегар, қазу, ички ва обхўра қазу, ҳачи, отланув деб номланган бир қатор моддий мажбуриятлар ҳам жорий қилинган. Хива хонлигидаги солиқлар ва бошқа мажбурият характердаги тўловлар сони 20 га яқин атрофида бўлган. Хива хонлигида хонлик қилган Муҳаммад Раҳим I даврида хонликда ўзаро урушлар биров пасайиб, хонлиқнинг иқтисодийетида, жумладан солиқ тизимида ислохотлар ўтказилди. Божхона тизими шакллантирилди, олтин пуллар жорий қилина бошланди. Қўқон хонлиги тарихида Худоёрхон ҳукмронлиги вақтида солиқларнинг ҳадда зиёд кўпайиб кетганлиги, солиқ ундирилиладиган объектларнинг сони ҳам шиддат билан ошиб борган ва иқтисодийетга салбий таъсир қилган.

Қўқон хонлиги XIX асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Наманган, Қўқон, Андижон, Марғилон ҳудудлари, Тошкент, Хўжанд ҳудудлари, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон ҳудудларини ўз ичига олган. Қўқон хонлигидаги ҳокимиятни бошқарув тартиблари Бухоро ва Хива хонлиқларидан деярли фарқ қилмаган. Қўқон хонлигида ҳам ерга эгалик шакли уч турда: амлок, хусусий, вақф ерлари шаклида бўлган. Ерларнинг асосий қисми давлатга қарашли бўлган- амлок ерларни хоннинг шахсан ўзи тасарруф этган. Амлок ерлар деҳқонларга ижарага берилган. Ернинг бир қисмига эса хусусий кишилар эгалик қилган. Мулкларнинг кўпчилиги 30-60 сотихгача бўлган. Хусусий ер эгаларининг олган ҳосилнинг бирдан бешдан бир қисмини солиқ сифатида ундирилган. Бу ерда ҳам ҳунармандлардан, савдо-сотик ишлари, мамлакатга мол олиб кирганлик учун йиғимлар билан биргаликда Хоннинг фармонига кўра давлат мақсадлари учун фавқулотдаги йиғимлар ҳам ундириб турилган. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиқларидаги солиқ тизимининг умумий хусусиятлари шундан иборатки, уларда иқтисодий ривожланиш жараёнлари камайиб, ўзаро ҳарбий ҳаракатларни авж олдириш, ташки иқтисодий алоқалар камайиб бориш ҳисобига давлатнинг харажатларини асосан аҳолига зиммасига кўпроқ юкланганлигидадир.

## 2.6. Чор Россияси ва Собиқ иттифоқ даврида солиқ тизими<sup>12</sup>

XIX асрнинг 50 йилларидан кейин Ўрта Осиёга Чор Россиясининг босқинчилик ҳаракатлари кучайиб борди ва 70 йиллардан бошлаб уларнинг тўла ҳукмронлигининг бошланиши бошқа соҳалар сингари Амирлик ва Хонлиқлар даврида амалда бўлиб келган солиқлар тизими деярли тубдан ўзгартирилди, бунда солиқларнинг сони ортиши, айримларининг бекор қилиниши билан бирга солиқ ставкаларининг миқдори ҳам ортиб бориши ҳисобига рўй берди. 1986 йилда Туркистон ўлкасини бошқаришнинг тартибларини ўз ичига олган ва қонун кучига эга бўлган "Низом"ни жорий этиб, унда барча иктисодий тартиблар кўзда тутилган эди. Унга кўра, барча ерлар давлат ерлари деб эълон қилинди. Маҳаллий халқнинг ғазабини жиловлаш мақсадида уларга ерлар мерос тартибида бериш амалиётлари жорий қилинди, аммо бунинг замирида ерлардан катта солиқлар олиш ҳисобига маҳаллий халқни тутқунликда ушба туриш сиёсати турган эди. Ерга эгалик қилувчилар сонини оширишни амалга оширгандан сўнгра Чор Россиясининг деҳқонларга ер ажратишининг асл моҳияти, ўтроқ маҳаллий аҳолига ажратиб берилган ерларни жамоа ва қишлоқларга бириктириш орқали солиқ тўлашнинг "доиравий шакли" деган тартиб жорий қилиндики, унга кўра солиқ бирлиги қилиб илгаридек, алоҳида олинган хўжалик, ҳовли эмас, балки жамоа ва қишлоқ белгилаш орқали ерлардан ундирилаётган солиқларга жавобгарликни жамоалаштириш сиёсатини амалга оширишга қаратилган эди. Ер солиғи бўйича қарздорларнинг маъсулиятини бошқа бой кишиларга ўтказилиш амалга оширилди. Тартиб белгилаб қўйилдики, солиқ ундирувчилар томонидан солиқ қарзини ўзлари тўлашга рухсат қилинди, бу орқали бир томондан кейинги ҳолатларда тўланган солиқлар ҳисобига қўшимча равишда маблағ ундириш(судхўрликка ўхшаган) ҳамда ер эгаларининг тобелиги ошириб борилди.

Ер солиғини ундиришда аста секин унинг ставкасини ошириш сиёсати амалга оширилди. 1870-1890 йилларда ер солиғи икки мартага оширилган бўлса, 1890 йилларнинг охирида ер солиғидан тушган тушум 4 млн. сўм бўлган ҳолда, у 1916 йилга келиб қарийиб 40 млн. сўмни ташкил этган, яъни солиқ юки деярли 10 мартага оширилган. 1869-1896 йиллар давомида Чор Россияси хазинаси учун ўлкадан олинган умумий даромадлар 160 млн.сўмдан

<sup>12</sup> Мазкур параграфни ёзишда қуйидаги адабиётлардаги маълумотлар ва материалларга асосланди: Ўзбекистон янги тарихи.(Тузувчилар: Ҳ.Содиқов,Р.Шамситдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). 1-қисм. Т.: "Шарқ", 2000., Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, - 1904г. // Allpravo.Ru -2005., Поляк Г.Б, Маркова А.Н. Всемирная история. Учебник. М.: ЮНИТИ. 2000.-496 с, Пинская М.Р. Основы теории налогов и налогообложение. М.: 2004.-226 с, [http://abc.vvsu.ru/Books/Teor\\_nal/page0002.asp](http://abc.vvsu.ru/Books/Teor_nal/page0002.asp) ва бошқа маълумотлар.

ошган. 1905-1910 йиллар оралиғида хўжалик ва оилаларни рўйхатга олиш натижасида солиқ ставкаси 70 фоиздан 6 марта даражагача оширилди. Солиқ тушумларининг ҳажмини ошириш мақсадида Туркистон Ҳисоб палатаси томонидан солиқ тўловчилар сони ва уларнинг иктисодий имкониятларини аниқлаш мақсадида аҳолининг мол-мулки, ер участкалари ҳам аҳоли сони рўйхатдан ўтказилиб, улар бўйича кадастр ишлаб чиқилган. Чунки, Чор ҳукумати Туркистон гуебенаторлиги олдига бошқа масалалар қатори йиллик солиқ тушумларини кўпайтириш ва олинган даромадларни Чор ҳукумати ихтиёрига юбориб туриш вазифасини ҳам қўйган эди. Бундай вазифани амалга оширишда маъмурий усулларни ошириб, Туркистон губернаторлиги томонидан солиқларни ошириш ва унинг турлари, солиқлар нималарга ва қимматларга қандай тартибда солиниши мумкинлиги ҳақида Чор ҳукумати тез-тез таклифлар киритиб турган. Мустамлакачилик даврида янги солиқларни жорий қилиш одат тусига кириб борди. 1915 йилда махсус ҳарбий солиқ жорий этилди. Ушбу солиқ пахтакорларнинг гарданига тушиб, улар ҳар бир топширган 1 пуд пахтадан 2 рубл 50 тийиндан солиқ тўлашга тўғри келган.

Россияда октябрь революциясидан кейин "ҳарбий коммунизм" даври деб аталган 1917-1922 йилларда илгари амал қилиб келинган солиқ тизими тубдан ўзгартирилди. Аввалиги солиқларнинг ўрнига мол-мулк солиғи, капиталнинг ўсиши солиғи, нуфузли товарларга истеъмол солиғи жорий қилинди. 1917 йил 24 декабрда "Тўғри солиқларни ундириш тўғрисида" декрет қабул қилинди. Хусусий мулкнинг бекор қилиниши билан уй-жойлардан олинган солиқлар, ер солиғи, мол-мулк солиғи бекор қилинди ва айрим кичик шаҳарларда сақланиб қолди. Асосий солиқлар сифатида даромад солиғи ва хунармандчилик солиғи сақланиб қолди. Шу билан биргаликда айрим маҳаллий солиқлар, масалан қундуздан мўйнасидан тайёрланган қўйлак ва бош кийимлар, грамофонлар, отлар, ва бўйдоқлик учун махсус солиқлар ҳам киритилди. 1918 йилда савдо фаолияти билан шуғулланган корхоналар учун айланмадан 5 фоизлик йиғим, хусусий корхоналар учун эса ҳарбий салоҳият учун йиғим ва болалар таъминоти фонди учун йиғимлари жорий қилинди. Аввал мавжуд бўлган кўпгина акцизлар бекор қилинди.

Фуқаролик уруши вақтида давлатнинг харажатлари ошиши сабабли қишлоқ жойлардан натурал солиқлар ундирила бошлади ва унда маҳсулотлар турлари бўйича солиқ тўлаш белгилаб қўйилди. "Янги иктисодий сиёсат" даврини қмараб олган 1922-1929 йилларда ҳам солиқ тизимига бир қанча ўзгартиришлар киритиб борилди. Айниқса, бу вақтда қишлоқ хўжалигидан ундирилаётган солиқлар қайта такомиллаштирилди. 1921 йилда натурал солиқлар бўйича 2 та йирик декрет қабул қилинди ва қишлоқ хўжалиги учун

картошка, нон ва ёғ маҳсулотларига алоҳида натура солиғи киритилди. Шу билан биргаликда ҳам натура, ҳам рул шаклида ундириладиган ягона ер солиғи ҳам жорий қилинди. 1923 йилда хунармандчилик солиғини такомиллаштириш билан боғлиқ янги декрет қабул қилиниб, хунармандчилик солиғи мулкчилик шаклидан катъий назар барча турдаги саноат ва савдо корхоналари учун жорий қилинди, фақатгина фаолияти фойда олишга қаратилмаган давлат корхоналари бу солиқдан озод қилинди. Бу даврда янгидан ташкил этиладиган корхоналарга "тенглаштириш" деб номланадиган учун алоҳида йиғим жорий қилинди. Ушбу йиғим корхоналар томонидан ҳар бир фаолияти учун алоҳида тўланар эди. Корхоналар ҳар олти ойда ўзларининг фаолияти бўйича ҳисоботлар тақдим қилганда улар айланма ҳажмидан келиб чиқиб 6 фоиз миқдорда тўловни амалга оширар эди. Даромаддан олиннадиган солиқни ундириш механизми такомиллаштирилди ва шедуляр шаклда табақалаштирилган ҳолда ундириладиган бўлди. У икки қисмга: асосий ва қўшимча даромадларга ажратилди. Биринчи босиқчада асосий даромад(иш ҳақи) манбаи солиққа тортилса, кейинги қисмида бошқа фаолиятдан олинган қўшимча даромадлар солиқ базасига киритиладиган бўлди.

Бошқа солиқлар сингари эгри солиқларни жорий этиш ҳам кучайтириб борилди. Масалан, 1921 йилда акциз солиғи жорий қилиниб, спиртли маҳсулотлар, чой, керосин, кофе, шаккар, ёритувчи мосламалар, туз ва бошқа бир қатор химиявий маҳсулотларга акцизлар белгиланди. Собик иттифоқ даврида солиқлар ва йиғимлар сони йилдан йилга ошиб борди ва 1930 йилларнинг бошларига келиб, барча солиқлар ва йиғимларнинг умумий сони 60 тага яқинлашиб қолди ва улар корхоналарнинг ривожланишига тўсиқ бўла бошлади. Шундан келиб чиқиб айрим солиқлар ва йиғимларни унификациялаштирилди. Давлат корхоналари оборот солиғи ва фойдадан бюджетга ажратмалар каби тўловларни амалга ошириш белгиланган бўлса, кооператив шаклидаги корхоналар эса оборот солиғи ва даромад солиғини тўлайдиган бўлди. Оборот солиғи илгари белгиланган акцизларни ҳам ўз ичига олган бўлиб, маҳсулот реализация қилинган вақтда тўлаш механизмлари жорий қилиниб, маҳсулот истеъмоли давридаги оралик истеъмол, яъни қайта ишлашаг мўлжалланган маҳсулотлар солиққа тортилмайдиган бўлди.

Давлат корхоналари олинган фойданинг деярли барча қисмини бюджетга ўтказилиши, яна солиқларнинг ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилишини кучайтирди, корхоналарда меҳнат унумдорлиги пасая борди, шундан келиб чиқиб, агар, корхона белгиланган режани ошиғи билан бажарган ҳолдагина олинган фойданинг 50 фоизи мақсадли сарфлаш шарти

билан қолдирила бошланди. Аммо, кооператив шаклидаги корхоналардан ҳар кварталда олинган баланс даромаднинг 17 фоизини бюджетга ўтказилиши механизми ўзгаришсиз қолди. 1941 йилда иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва ҳарбий мудофаа учун қўшимча маблағларнинг талаб этилиши солиқларнинг янада оширилишига олиб келди. Бу даврда давлат бюджети маблағларининг 75 фоизи корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар, қолган 25 фоизи эса аҳоли тўлайдиган солиқлар ҳисобига шаклланди эди. Солиқ тизимидаги ўзгаришлар оборот солиғи ставкалари камайтирилиб, фойдадан бюджетга ажратмалар миқдори оширилди, шунингдек, кооператив ва кишлок хўжалик корхоналари тўлайдиган даромад солиғининг ҳам миқдорлари оширилиб борилди. Бир қатор биринчи навбатда истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг нархи сунъий равишда оширилди. 1942 йилда ҳарбий харажатларни қўшимча қоплаш мақсадида маҳсус ҳарбий солиқ жорий этилди, шунингдек, чин етим қолган болаларни ҳимоя қилиш маҳсус фонди тузилиб, буйдоқлик ва кам болали(боласиз) оилалар учун маҳсус солиқлар жорий этилиб, ушбу фондга йўналтирилди. Шунингдек, маҳаллий солиқлар тизими ҳам такомиллаштирилди, уларнинг аниқ рўйхати тузилиб, оширилган ставкаларда катъий ундирилиш механизмлари амалга оширилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакат иқтисодиётни тиклаш давлат бюджетига қўшимча маблағларни талаб қилсада, корхоналардан молиявий натижалардан манфаатдорлик механизмларининг йўқлиги молиявий муносабатларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди. 1979 йилда эса корхоналарда фойдани аниқлаш, солиқларни тўлаш ҳам қолган фойда ҳажмини тақсимлаш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, унга бир қатор ўзгартиришлар киритилди. 1987 йилдан бошлаб корхоналарда молиявий натижаларни шакллантириш ва маблағларни тақсимлаш ҳамд ўз-ўзини молиялаштириш механизмларининг кучайтирилиши фойдани тақсимлаш тартибларини ҳам ўзгартиришга олиб келди.

Корхоналар олган фойдасидан бюджетга ажратмалар қилиш, фондлар учун тўловлар ҳамда юқори турувчи органларни сақлаш тўловларини амалга оширила бошланди. корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда эса моддий рағбатлантириш фонди, социал ривожлантириш фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига нормативлар асосида тақсимланадиган бўлди. 1990 йилда солиқ тизимининг оғирлашиб қолганлигини англаган ҳукумат солиқ тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қатор қонунларни қабул қилди ва мавжудлари такомиллаштирилди. "Корхоналардан олиннадиган солиқлар тўғрисида"ги, "Фуқаролардан олиннадиган даромад солиғи" каби қонунлар қабул қилинди. Илгари фойдадан бюджетга ажратмалар сифатид ундириб

келинган тўловлар ўрнига корхоналардан олинадиган фойда солиғи жорий қилинди. 1991 йилда корхоналарда иш ҳақи фондидан қилинадиган харажатларни тартиблаш мақсадида махсус истеъмол солиғи киритилди. Бунда корхона ўтган йилги иш ҳақи фондига нисбатан 4 фоизлик фарққа эга бўлса, кўшимча ҳисобланган ҳар бир рубль иш ҳақи учун алоҳида тўловларни амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, шу йили сотувдан солиқ ҳам жорий қилинди. Аммо, солиқ тизими қонунчилигидаги бу ўзгаришлар солиқ юқининг камайишига эмас, балки унинг оғирлашувига олиб келди. Масалан, корхоналарнинг фойдасини солиққа тортишда(бюджетга ажратмаларни амалга оширишда) тармоқ бўйича ўргача белгиланган рентабеллик даражасидан юқори кўрсаткич даражасидан 10 пунктга ошган ҳажмдаги фойданинг 80 фоизигача, 10 пунктдан ошган фойда ҳажмининг эса 90 фоизини бюджетга ўтказишга тартиби жорий қилинди. Корхоналар фойда ҳажмини оширишга манфаатдор бўлмасдан, монополь мавқеига эга бўлган корхоналар эса натурал шаклда айирбошлаш тизимини ривожлантириб юборди ва тўлов тизимига ҳам салбий таъсир қилди. Чет эл иштирокидаги корхоналарга нисбатан алоҳида, кооператив шаклдаги корхоналарга алоҳида(35-45 фоизлик) фойдадан солиғи ставкалари белгиланди. Товар(хизмат, иш)ларни реализация қилувчи корхоналар айланма ҳажмидан келиб чиқиб товарларга белгиланган фойзалар ва аниқ қатъий суммада оборот солиғини тўлай бошлади. Импорт ва экспорт операцияларни амалга оширувчи корхоналар учун импорт-экспорт солиғини тўлаш белгилаб қўйилди.

1991 йилда киритилган сотувдан солиқ барча турдаги корхоналарнинг айланмаларидан 5 фоизлик миқдорда ундириш белгиланган эди, аммо, сал ўтиб, у қўшилган қиймат солиғига алмаштирилди. 1991 йилдан бошлаб корхоналарнинг фойдаси солинадиган солиқларнинг максимал чегараси 35 фоиз килиб белгиланган бўлиб, ушбу солиқдан тушадиган солиқ тушумларининг 17 фоизлик ставкада ҳажмида иттифоқ бюджетига ва 18 фоизлик ставкадагиси эса республикаларнинг бюджетига қолдириладиган бўлди. Шунингдек, корхоналар томонидан иш ҳақи фонди ҳажмидан келиб чиқиб 26 фоизлик миқдорда Пенсия фондига, Бандлик фондига 1 фоиз миқдорда социал тўловларни амалга ошириш белгиланди. Бундан ташқари иш ҳақи эга бўлган аҳолининг иш ҳақидан 5,4 фоиз миқдорда социал сўғурта Фондига, 1 фоиз Пенсия фондига ва 1 фоиз Бандлик фондига ажратмалар белгилаб қўйилди. Аммо, ўтган асрнинг 90 йилларида солиқ тизимидаги амалга оширилган ислохотлар амалда деярли ўз фойдасини топмади, собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши оқибатида унинг таркибидаги республикаларнинг мустақилликка эришиши уларнинг ҳар бирининг ўзига хос

мустақил солиқ тизимини шакллантиришга замин яратди. 70 йил давомида ҳукмронлик қилган совет тузумининг асосчилари ўз асарларида солиқлар эксплуатация қуроли сифатида таърифлаб, солиқлар капитализм тузумга хос жараён ва муносабатлар деган қарашларни илгари сурган бўлсада, аммо унда солиқ тизими ўзининг прогрессив хусусиятига эга бўлган ҳолда амал қилди. Солиқларнинг рағбатлантирувчилик функциясидан амалда фойдаланилмади.

Солиқларни ўзгартиришга қаратилган ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган ўтган асрнинг 90 йилларида ўтказилган солиқ тизими ҳам тоталитар-режали тизимга асосланган советларнинг иқтисодий тизимини сақлаб қола олмади. Аслида бу тузумнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишининг замири пуч эди.

Таянч сўз ва иборалар:

*Хирож, молу-жиҳот, совурин, қўналга, бож, шилон пули, қушбеги, ихрожат солиғи, алғут солиғи, қурол-аслаҳа учун махсус "милик пули" йиғими, ас-савофий ерлар, "жолийа", талант пули, "яримчилар", натура солиғи, курфюрстлар, баскаклар, девон, вақфлар, саррофлар, широк, калон, кўпчир, жузъя, амлок, яримчилар, қўналга, бегар, қазу, ҳачи, янги иқтисодий сиёсат.*

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Солиқларнинг пайдо бўлиши ва унинг амал қилиши давлатнинг пайдо бўлишига боғлиқлигининг асосларини изоҳлаб беринг.
2. Солиқлар Қадимги Римдаги номланиши ва уларнинг жорий қилиниш тартибини изоҳланг.
3. Дастлабки солиқларнинг қанақа турлари бўлган? Уларни санаб беринг.
4. Феодал тарқоқлик даврида солиқларнинг ривожланиш жараёнини тушунтириб беринг.
5. Араб давлатларида солиқларнинг юзага келиши ва уларни ундирилиш хусусиятларини ёритиб беринг.
6. А.Темурнинг солиқ сиёсатининг мазмуни нимадан иборат?
7. Қадимги давлатларда солиқларнинг юзага келишининг шарт-шароитларини изоҳлаб беринг.
8. Европа ва Осиё давлатлари ва Россияда солиқларнинг тарихий ривожланиш жараёнлари қанақа хусусиятларга эга?
9. Ватанимизда қадимда ва ўрта асрларда амал қилган давлатчилик ва чет давлатлар босқинчиликлари даврида қанақа солиқлар амал қилган?
10. Чор Россияси босқинчилиги даврида Республикамизда қанақа солиқлар амал қилган?
11. Собиқ иттифок даврида солиқ тизимининг хусусиятлари нималардан иборат эди?
12. Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Греция давлатларида солиқлар қандай жорий қилинган ва ундирилган?
13. Солиқларнинг ўлпон ва контрибуция шакллариининг фарқи нимада?
14. Солиқларнинг ўрта асрлардаги хусусиятлари нималарда эди?
15. Нима учун собиқ советлар солиқларни эксплуатация сифатида талқин қилсада, тоталитар иқтисодий тизимида солиқлардан кенг фойдаланди?

### 3-БОБ. СОЛИҚ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

#### 3.1. Солиқ сиёсатининг юзага келиш иқтисодий шарт-шароитлари

Ҳар қандай иқтисодий тизим шароитида ҳам давлатнинг муҳим ва бош функцияларидан бири бу жамиятнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги ўзаро тенгликни (пропорцияни) таъминлаш ҳисобланади. Бу орқали эса давлат иқтисодийнинг бир маромда боришини таъминлашга, провардида эса социал-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишга эришади. Аслида молиявий ва солиқ муносабатларининг вужудга келиши ҳам ушбу жараённи ташкил этилишидан келиб чиқади. Давлат марказлаштирилган пул фондларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш соҳасидаги яратилган миллий даромадни унинг яратувчилари ва давлат ўртасида қайта тақсимлайди. Бу қайта тақсимлашдан асосий мақсад эса давлатнинг ўз функцияларини молиялаштиришни таъминлаш, жамиятга ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва шу орқали соҳалар ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборат бўлиб, бунда солиқлар асосий воситачи бўлиб юзага чиқади.

Бундай муносабатларни таъминлаш иқтисодий, социал, ҳуқуқий, ҳатто сиёсий муносабатларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Марказлашган пул фондларини ташкил этиш ва унинг даромад манбаларини шакллантириш солиқларнинг вужудга келишининг заруратини келтириб чиқаради. Солиқлар эса бу ерда миллий даромадни қайта тақсимлайди. Марказлашган пул фондларини, айниқса унинг энг муҳим кўринишларидан бири саналган бюджетни шакллантириш давлатнинг кенг қамровли чора-тадбирларни белгилаши ва уни амалга ошириш зарурлигини келтириб чиқаради. Марказлашган пул фонди шаклидаги бюджет ва унинг турли хил звеноларини шакллантириш ва ундаги маблағларини давлатнинг функция ва вазифаларини бажариш йўлида сарфлашни амалга ошириш мураккаб жараён ҳисобланиб, бу ерда турли муносабатларни шакллантириш, уларнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда амал қилишини таъминлаш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш каби муносабатларнинг вужудга келишига олиб келади.

Ушбу жараёнларни шакллантириш, уларни мувофиқлаштириш ва уларнинг йўналишларини тўғри белгилаш маълум бир муддатларга мўлжалланган режаларни ишлаб чиқиш борасидаги янги вазифаларни келтириб чиқаради. Давлат юқорида таъкидлаб ўтилган функцияларини тўғри бажаришлиги ва унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида социал ва ижтимоий-иқтисодий режалаштириш жараёнларини амалга ошириб боради.

Бу эса давлатнинг иқтисодийга “барометр” сифатидаги аралашувининг зарурлигидан келиб чиқади. Жамиятда социал ва ижтимоий-иқтисодий режалаштириш жараёнларини амалга ошириш, уни реал воқеялик ва ҳолатлар билан солиштириш орқали давлатнинг фаолиятининг самарадорлиги, унинг функциялари ва вазифаларининг бажарилишининг тенденциялари аниқланади, провардида эса бош мақсад-нисбат муносабатларининг даражасига баҳо берилади. Давлат бу борадаги функциялари бажарилишини таъминлашда ўзининг фаолиятини маълум бир йўналишлар бўйича гуруҳлаган ҳолда амалга оширади. Бу эса унинг турли йўналишлардаги сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Давлатнинг ушбу сиёсатлари асосан ички ва ташқи йўналишларда кечади.

### 3.2. Солиқ сиёсатининг иқтисодий моҳияти

Таъкидлаш лозимки, давлатнинг ички сиёсатининг мазмунида марказлашган пул фондларини шакллантириш ва уларни тақсимлаш билан муносабатлар асосий роль ўйнайди. Бу эса давлатнинг иқтисодий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ сиёсати билан боғлиқдир. Давлатнинг ҳар қандай соҳадаги фаолиятининг йўналиши мақсадга қаратилган бўлади. Шу жиҳатдан олганда мақсадга эришиш эса маълум бир чора-тадбирлар ва фаолиятнинг уйғулашувини талаб қилади. Бундай чора-тадбирлар ва фаолиятнинг уйғун ҳолда мавжуд бўлишлигини эса давлат сиёсати деб изоҳланади. Сиёсат сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, "политикӣ-давлат фаолияти, кўпчиликнинг манфаати, кўп томонлама ҳамкорлик" ( πόλις (полис) -кўп томонлама ҳамкорлик, тικӣ (тики)- белгиланиш, поли (поли)-кўпчилик, тоқос (токос)-манфаат) каби маъноларни англатади. Демак, сиёсат замирида кўпчиликнинг манфаатларига асосланган давлат фаолияти туради. Давлатнинг бундай фаолиятининг солиқларга оид қисми эса ўз навбатида солиқ сиёсатининг ўзаги ташкил этади. Солиқ сиёсатининг ўзаги эса таъқдланганидек, тақсимот муносабатларига бориб тақалади. Миллий даромадни тақсимлаш, унинг учун мажбурий тўловлар воситаларини(солиқларни) жорий этиш, уни ундириш ва бу жараённинг боришини тартибга солиб туриш ҳамда уни доим такомиллаштириб бориш каби муносабатларни тақозо қилади. Бу муносабатлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш эса давлатнинг фаолиятида маълум бир йўналишдаги жараённи-солиқ сиёсатини талаб қилади.

Ҳар қандай сиёсат ўз чегараси бўлганлиги сабабли солиқ сиёсати ҳам маълум бир чегараларига эга бўлади. Аммо, солиқ сиёсатида иқтисодий

муносабатлардан ташқари социал, психологик, маданий ҳатто ташқи муносабатларни қамараб оладики, бу солиқ сиёсатининг бошқа ички ва ташқи сиёсатларининг ўзаро чамбарчас тарзда мавжуд бўлишини кўрсатади. Солиқ сиёсатининг социал сиёсат билан боғлиқлиги шундаки, аҳолининг кам таъминланган ва кам даромадга эга бўлган қатламни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга солиқ имтиёзларини қўллаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархига солиқ ставкалари орқали таъсир қилиш(қўшилган қиймат солиғида ноллик ставканинг қўлланилишини эсланг), ногиронлар ва ёш мутахассислар(колледж ўқувчиларини)ни ишга қабул қилишда имтиёзларни қўллаш, иш ўринларни яратиш ва шу каби жараёнлар социал сиёсатнинг мазмунини ташкил этиб, бунда солиқ тизими билан ўзаро боғлиқликда бўлади.

Жамият иқтисодий тараққиёти бир томондан унинг ички механизмига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бошқарувнинг характериға, ижтимоий-сиёсий ҳолатга, мувозанатга боғлиқ бўлади. Оддий қилиб айтганда устқурмага ҳам бевосита боғлиқдир. Мазкур жараёнда ижтимоий сиёсат алоҳида роль ўйнайди. Ижтимоий сиёсат ўз навбатида ички ва ташқи маданий-маърифий, сиёсий, иқтисодий сиёсат кабиларга бўлинади. Иқтисодий сиёсат ҳам ўз навбатида молия, пул-кредит, бюджет, солиқ сиёсати каби турларда амал қилиб, уларни яхлитлиги макроиқтисодий даражада қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятларининг асосий ажралмас қисмиға айланади. Шу ўринда солиқ сиёсатининг мазмуниға тўхталиб ўтадиган бўлсак, юқорида қайд этилганидек, солиқ сиёсати - бу иқтисодий сиёсатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларға қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва солиқсиз тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишға қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йигиндисидадир. Мамлакат солиқ тизими хусусиятлари, йўналишлари, қандай солиқларнинг жорий этилиши, улар ўртасидаги нисбатни таъминлаш каби масалаларни солиқ сиёсати белгилаб беради.

«Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, давлат бюджети даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчидан, корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришға рағбатлантиришдан иборат»<sup>13</sup>, деб Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов алоҳида таъкидлаб ўтган.

<sup>13</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. 52-б

Ҳар қандай сиёсат маълум таркибий қисмларга эга бўлади. Солиқ сиёсати ҳам давлатнинг иқтисодий(молиявий) сиёсатининг бўғини сифатида урта таркибий қисмдан иборат бўлади. Яъни, солиқларни жорий этиш, уни ундириш ва уни такомиллаштиришга қаратилган фаолиятдан иборат бўлади. Солиқ сиёсатининг моҳиятини англашда уни тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънода солиқ сиёсати деганда солиқлар жорий этиш ва уни ундиришга қаратилган давлатнинг фаолияти тушунилади. Чунки, сиёсатнинг ўзи давлатнинг фаолиятини билдиради. *Солиқ сиёсати кенг маънода эса миллий даромадни даромадни қайта тақсимлаш мақсадида солиқларни жорий этиш, уларни ундириш механизмларини шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда жорий этилган солиқларни ундириш жараёнларини такомиллаштириб боришга қаратилган давлатнинг мақсадли ўзаро боғлиқ чора тадбирларини қамраб олган фаолияти тушунилади.*

### 3.3. Солиқ сиёсати-солиқ тизимининг таркибий бўғини

Иқтисодиётда амал қиладиган ҳар қандай муносабат тизим шаклида амал қилади. Тизим бу муносабатлар ички элементларининг ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирган шаклда амал қилишини билдиради. Тизими бу грек тилидан олинган бўлиб, "συστημα — бутунлик, қисмлардан иборат, бирлашиш" деган маънони беради. Тизимнинг асосий шарти бу унинг элементларининг икки ва ундан кўп бўлиши ва уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда тизимнинг фаолиятини таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам тизим бонн категория ва муносабат сифатида мавжуд бўлиб, унинг элементларининг ҳар бирининг ўзи ҳам тизими сифатида амал қилади. Масалан, солиқ тизимининг элементи ҳисобланган солиқ сиёсати стратегия, тактикалар ва концепция каби элементларни қамраб олган бўлиб, солиқ сиёсатининг ўзи ҳам унинг элементлари ҳам тизим сифатида мавжуд бўлади. Солиқ сиёсатининг элементи бўлган стратегия ишлаб чиқиши, амалга оширилиш, такомиллаштириш каби элементлардан ташкил топади. Демак, бирон бир жараёни тизим сифатида ўрганиш биринчидан ўша тизимининг моҳиятини диалектик тушунишга ёрдам берса, иккинчидан унинг турли қирраларининг ўзаро боғлиқлигининг даражаси аниқланади ва ҳар бир элементнинг тизимни шакллантириш ва унинг амал қилишидаги роли очиб берилади, тизимнинг ривожланишига тўсик бўлаётган жараёнларни аниқлашга имконият туғдиради, учинчидан эса, тизимий асосда тадқиқ қилиш(ўрганиш) тадқиқотнинг турли хил методларини қўллаш орқали объектив натижалар олишга шароит туғдиради.

Солиқ категориясининг кенг муносабатларни қамраб олиши унинг тизим шаклида амал қилишининг мураккаблигини билдиради. Тизим тушунчаси муносабатларни изохлашда бош категория сифатида уйғунлаштирувчи вазифани ўтайди ва шу туфайли ҳам тизим таркибига кирувчи барча элементларни битта жойга тўплайди. Солиқ тизимининг моҳиятини тўлароқ англаш учун аввало унинг таркибий тузилишини аниқлаб олиш лозим бўлади ва у қуйидаги таркиб(элементлар)га эга бўлади. солиқ тизими асосан йирик тўрт элементлар: солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар; солиқ механизми; солиқ сиёсати; солиқ менежменти кабилардан ташкил топади. Ўз навбатида ҳар бир йирик элементларнинг ўзи ҳам яна элементларга бўлинган ҳолда тизимлашиш жараёни давом этади. Шунингдек, ушбу элементлар ўзаро бир-бирига боғланган бўлади. Масалан, солиқлар ва йиғимлар мавжуд бўлмаса, солиқ тизимининг бошқа элементларининг моҳияти йўқолади ва улар амал қилмайди, ўз навбатида солиқ сиёсати элементи бўлмаса, солиқларни жорий этиш амалга оширилмайди ва солиқ менежментига ҳам ҳожат қолмайди, агар солиқлар жорий қилинмаса уларнинг ундиришга хизмат қилувчи солиқ элементлари ва солиқларни ундириш усулларининг объекти йўқолади.

Шу жиҳатдан олганда солиқ тизимининг элементлари ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Ушбуларга асослананиб солиқ тизимига таъриф бериладиган бўлсак, солиқ тизими солиқларнинг жамиятда амал қилиши билан боғлиқ барча муносабатларни ўзида акс эттирувчи элементларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдириш тартибида амал қилиш жараёнидир. Аввалги бобларда қайд қилинганидек, ҳар қандай жараён ва ходиса маълум бир тамойиллар асосида амал қилади. Солиқлар ва солиққа тортиш тамойиллари бу солиқларни жорий этиш ва уни ундириш борасидаги умумий йўлларни кўрсатиб беради. Шу билан биргаликда солиқ тизимининг тамойили мавжуд бўлиб, қуйидаги тамойилларга асосланади: Ўзаро боғлиқлик тамойили. Солиқ тизимининг бу тамойили унинг барча элементларининг бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланишини ва бирининг таъсири албатта таъсир кучига эгаллиги билдиради. Масалан, солиқ менежментига солиқ маъмурчилиги жиддийлашса солиқ механизми ва бошқа элементларига тез таъсир қилади.

Кейинги тамойили бу бир-бирини тўлдириш тамойили бўлиб, бунинг биринчи тамойилдан фарқи шундаки, солиқ тизимининг бир элементининг сусайиши(сусайтирилиши, камайтирилиши) ёки оширилиши бошқа элементлар орқали мувофиқлаштирилади. Олайлик солиқ механизмида солиқ ундириш усуллари такомиллаштирилиб, солиқ тўловчилардан солиқларни

ундиришнинг янги методлари қўлланилса, у солиқ маъмурчилиги орқали тўлдирилади, ёки янги турдаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар жорий қилинса, уни ундириш тартиби эса солиқ механизми билан тўлдирилади. Агар, солиқларни ундириш механизмларида депсиниш сезилса, бундай жараён солиқ сиёсати ва солиқ бошқарувини такомиллаштириш орқали ҳал қилинади. Бу ерда кўринадики, солиқ тизимининг бир элементидаги бўлиқ бошқа элементлари орқали тўлдирилади ёки бартараф этилади. Солиқ тизими шунингдек, мослашувчанлик тамойилига ҳам амал қилади. Бунинг моҳияти шундаки, солиқ тизимининг элементлари догматик тарзда бўлмайди ва улар жамият ва унинг иқтисодий жаҳҳасидаги жараёнларга мослашиб боради. Агар, иқтисодиётда депсиниш, пасайиш ва инкирозлар қузатилса, у ҳолда солиқ сиёсати ва солиқ менежментини ўзгарувчанлик кучайиши талаб этилиб, солиқ тизимининг ушбу элементлари иқтисодий ҳолатга мослашган ҳолда амал қилиши талаб этилади, ўз навбатида бундай мослашувчанлик бошқа элементларга ҳам маълум даражада таъсир қилади. Солиқ тизимининг яна муҳим тамойиллари қаторига нисбий устунлик тамойилини ҳам қиради. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, солиқ тизимининг элементлари ичида солиқ сиёсати бошқа элементларнинг фаолиятини ва ривожланиш йўналишларини аниқлашда бирмунча устунликка эга бўлади. Яъни, солиқ сиёсати асосий таъсир кучига эга тарзда мавжуд бўлади. Бу ерда нисбий устунлик солиқ сиёсатига нисбатан қўлланилади. Агар, солиқ сиёсати асосий элемент сифатида амал қилмаса, бошқа элементларнинг фаолиятининг самараси тушиб кетади. Шу боисдан ҳам солиқ тизимининг яхлит ҳолда амал қилиши солиқ сиёсати элементининг нисбий усунлигига асосланишини тақозо этади. Қайд қилинганлардан кўринадики, солиқ тизимининг ўзига хос тамойиллари унинг ички мазмун-моҳиятидан келиб чиқади.

Солиқларнинг жорий қилиниши давлат томонидан амалга оширилсада уларнинг йўналишларида иқтисодий қонунлар ҳам ўз таъсирини эга, шу боисдан солиқ тизимида бундай қонунлар ташкилий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Иқтисодий қонунлар солиқларнинг амал қилиши жараёнига таъсир қилиб, солиқ тизимининг элементларида ўртасидаги алоқаларни ўзгартириб туради.

Агар, давлат солиқларни эркинлаштиради(солиқлар орқали иқтисодиётга таъсирини сусайтиради) иқтисодий қонунлар иқтисодиётдаги талаб ва тақлиф, истеъмол ва жамғарилиш, нарх ва бозор мувозанати, эгри ва тўғри солиқлар ўртасидаги нисбатларни стихиялашувига олиб келади, натижада эса солиқ тизимининг элементлари ўртасидаги узвий боғлиқликка путур етиб, уларнинг ташкилий асосларида ўзгариш содир бўлади. Бу эса юқорида солиқ тизимининг солиқ сиёсати элементининг нисбий устунлик тамойилининг

афзалликларини тасдиқлайди. Солиқ тизимини такшилий асосларида давлат иқтисодий қонунларнинг салбий таъсирини мувофиқлаштирилиб туришини тақозо этади. Албатта, солиқ тизимининг ташкилий жиҳатларида ташки омиллари ҳам аҳамияти бор. Ташки омиллари деганда мамлакатдаги сиёсий тузум, иқтисодий тизимнинг шакли(тоталитар, аралаш, анъанавий), мулкчилик муносабатлари, миллий иқтисодиётда табиий ресурсларга боғлиқлик даражаси(масалан, араб давлатлари билан Япония давлатининг солиқ тизимидаги ташкилий асосларнинг фарқланишида ушбу омил асосий роль ўйнайди), табиий иқлим шароити ва шу қабилар қиради. Дунё амалиётида асосий даромади туризмдан шаклланидиган ҳудудлар ва давлат бюджетини углеводлар(ёқилғилар)дан тушумлар катта улушни эгаллайдиган ҳудудлардаги солиқ тизимининг ташкилий механизмларида турлича фарқ юзага келиши табиий. Бундай ҳолларда давлат тузилиши, иқтисодий тизим ва иқтисодий қонунлар қандай амал қилишидан катъий назар ташки омиллари роли катта бўлади. Демак, ҳар бир давлатнинг солиқ тизими ўзига хос тарзда шаклланади. Солиқ тизимининг элементлари эса аксарият давлатларда бир хил шаклда шакллансада, аммо, уларнинг амал қилиши ва ташкилий асосларининг хусусиятлари фарқланади. Ҳозирги замон цивилизацияси шароитида барча давлатларда солиқ тизимида юқорида қайд қилинган 4 та элемент(солиқлар ва мажбурий тўловлар, солиқ сиёсати, солиқ механизми ва солиқ менежменти) мавжуд бўлиб, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши албатта юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолат ва жараёнларга боғлиқ бўлади.

Солиқ тизими ва солиқ солиш тизимларини шакллантириш борасидаги ишларини ташкил қилиш ҳам солиқ сиёсати доирасида олиб борилади. Солиқ сиёсати қабул қилинганлиги ва уни амалда самарали ташкил этиш солиқ тўловчи хўжалик субъектларининг миқдорини тубдан оширди. Шунини айтиш керакки, солиқ сиёсати давлат бюджетини тўлиқлигини таъминлашдаги хусусиятларини, уни молия сиёсатининг таркибий қисми сифатида унга боғлиқ ҳолда барқамол ривожланишига ҳуқуқий асос яратилди. Солиқ сиёсати молия сиёсатига хизмат қилиши шак-шубҳасиз солиқ сиёсатига замонавий таъриф бериш ва шу таъриф доирасида уни ривожлантириш мумкин бўлди. Шундай қилиб солиқ сиёсати деганда давлатнинг солиқ муносабатлари доирасидаги фармон, қонун ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, фаолиятларининг туб йиғиндиси тушинилади. Бундай таъриф фақат ҳар томонлама мустақил муносабатларни ва барқорорлаштириш йўлида шаклланади ва ривожланади. Шундай қилиб солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия муносабатларидан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Қолаверса у




иктисодиётни барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, молия муносабатларини бошқаришга таъсир кўрсатади.

Солиқлар давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этишда манба вазифасини бажариши боис давлат солиқ сиёсати орқали солиқ муносабатларини тартибга келтириб туради шу тариқа давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқишнинг асосий ташкилотчиси сифатида майдонга чиқади. Давлат ўз молиявий идоралар фаолиятини солиқ сиёсатини ишлаб чиқишга ва амалётда қўлланишига жалб этади. Давлат Молия Вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар фаолиятини солиқ сиёсатини илмий асосланган ҳолда мувоффақиятли ишлаб чиқишга қаратар экан, уни бошқа иқтисодий ва молиявий сиёсатлар билан узвий боғланишини ҳам таъминлайди. Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқаётганда солиқ муносабатлари доирасидаги ютуқлар ва камчиликларни эътиборга олиш, уларни илмий нуқтаи назардан ўрганиб чиқиш орқали солиқ ҳисоби, тўлови ва амал қилувчи солиқ элементларини ўзгаришини эътиборга олиши зарур.

Шунингдек турли соҳа фаолият субъектлардаги мутахассислар фикрини ўрганиш орқали солиқ ундирувчи ва солиқ тўловчилар ўртасида юзага келадиган манфаатлар мувофиқлигини ўрганиш ва таҳлил этилиши ҳам зарур. Демак солиқ сиёсатини тайёрловчи уни тўлиқ ҳаётга тадбиқ қилишнинг ташкилотчиси ва бошқарувчиси. Давлатнинг солиқ сиёсатини фаол юритишдаги роли бозор иқтисодиёти муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришда намоён бўлади.

Солиқларни ундириш жараёнида солиқ тўловчиларнинг солиқларнинг объектив зарурлигини тўлиқ англаб етиши, уларнинг солиқлардан қочиши ёки тўлашдан бўйин товлашининг ўзининг тақдирига салбий таъсир қилишини, солиқлар давлат равнақининг молиявий асосларидан бири эканлиги, солиқларга фарз сифатида қараш каби ҳолатларнинг ўрни катта бўлиб, бу бевосита солиқ тўловчиларнинг психологияси билан боғлиқ бўлиб, у эса солиқ маданиятининг даражасини билдиради. Демак, солиқ сиёсати маданий ва психологик муносабатларни ҳам қамраб олади. Аҳоли ва корхоналарнинг иқтисодий маданияти бу уларнинг даромад топиши ва истъомолни танлаш ҳамда харажатларни сарфлаши билан биргаликда, асосийси давлат олдидаги ижтимоий қарзлари билан бирга солиқлар борасидаги қарзларининг муҳимлигини англаб етиши уларнинг иқтисодий маданиятининг даражасини белгиловчи асосий мезони ҳисобланади. Солиқларни тўламаслик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиқ тўловчи сифатида рўйхатда турмаслик ва бошқа шу каби солиқ ҳуқуқбузарлик ҳамда солиққа оид жиноятлар эса

солиқларнинг ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бўлишини билдиради.



**2-расм. Молия ва солиқ сиёсатининг таркибий тузилиши.**

Келтирилган расмдан кўринадики, молия сиёсати иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида ўзида солиқ, бюджет, фискал ва бюджет-солиқ сиёсатини мужассамлаштириб, ушбу сиёсат шакллари ҳам ўзаро боғлиқликда бўлади. Жаҳон амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, давлатлар ўртасидаги ўзаро икки томонлама муносабатларда солиқлар асосий сиёсий инструмент сифатида юзага чиқади (масалан АҚШ ва Эрон, Венесуела давлатлари ўртасидаги, Ҳиндистон ва Покистон давлатлари ўртасидаги муносабатлар). Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа соҳадаги сиёсатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, иқтисодий сиёсатнинг таркиби қисмида сифатида унга мазмунан жуда яқин бўлган иқтисодий сиёсат турлари билан ўзаро фарқли жиҳатларини ва улардаги ўрни билиш аниқлаш солиқ сиёсатининг мазмунини янада очишга хизмат қилади. Аслини олганда солиқ сиёсати молия сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, молия сиёсати эса бу борадаги сиёсатларнинг асосини ташкил этади.

Молия сиёсатининг таркибига кирувчи сиёсат турлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ўзига хос чегара ва фарқларга эга(1-жадвал)

1-жадвал.

**Молия сиёсати ва унинг таркибининг  
мазмунига концептуал ёндошув<sup>14</sup>.**

1.	Молия сиёсати бу:	Марказлашган пул фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш, ушбу фондлар ўртасидаги муносабатларни тартиблаш, марказлашган пул фондлари билан боғлиқ бошқа иқтисодий муносабатларни ҳамда марказлашмаган пул фондларини мувофиқлаштиришга қаратилган давлатнинг ваколатли органлари томонидан мақсадли амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.
2.	Солиқ сиёсати бу:	Миллий даромадни даромадни қайта тақсимлаш мақсадида солиқларни жорий этиш, уларни ундириш механизмларини шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда жорий этилган солиқларни ундириш жараёнларини такомиллаштириб боришга қаратилган давлатнинг мақсадли ўзаро боғлиқ чора тадбирларини қамраб олган фаолияти
3.	Бюджет сиёсати бу:	Бюджетни шакллантириш, унинг маблағларини тақсимлаш, тақсимланган маблағларни мақсадли, самарали ва манзиллигини таъминланганлигини молиявий назорат қилиш, бюджетлараро муносабатларни ҳамда давлат бюджети билан боғлиқ бошқа иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган давлатнинг ваколатли органлари томонидан мақсадли амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

4.	Фискал сиёсати бу:	Марказлашган пул фондларини шакллантириш, уларнинг манбаларини аниқлаш ҳамда уларни молиявий маблағлар билан таъминлаш ҳамда ушбу жараёнларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга қаратилган давлатнинг ваколатли органлари томонидан мақсадли амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.
5.	Бюджет-солиқ сиёсати бу:	Марказлашган пул фондларининг манбаларини жорий этиш, уларни ундириш механизмини яратиш, амалга ошириш, даромадларни тақсимлаш, назорат қилиш, ушбу фондлар ўртасидаги, улар билан боғлиқ бошқа иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга ҳамда ушбу жараёнларни янада такомиллаштиришга қаратилган (илмий тадқиқот) жараёнларни ташкил этишга оид давлатнинг ваколатли органлари томонидан мақсадли амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

Солиқ сиёсати молия сиёсатининг бошқа таркибий қисмлари билан жуда боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Солиқ сиёсати бюджет сиёсати билан биргаликда кўпинча бюджет-солиқ сиёсати ҳам деб юритилади. Шу билан биргаликда солиқ сиёсати фискал сиёсат билан ўзаро фаркли хусусиятларга ҳам эга бўлади. Солиқ сиёсати бундан ташқари монетар сиёсат билан ҳам ўзаро таъсирда бўлади. Чунки, солиқ сиёсати ишлаб чиқиладиганда инфляция даражаси, пул агрегатларининг ҳажми ва ҳаракатига солиқларнинг таъсири, корхоналарнинг инвестицион сиёсатини қўллаб-қўвватлашда кредит ресурсларидан фойдаланиш каби масалалар албатта солиқ сиёсати билан ҳам боғлиқ бўлади.

<sup>14</sup> Муаллиф ёндошуви.

## 4-БОБ. СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ШАКЛЛАРИ

### 4.1. Солиқ сиёсатининг шакллари

Жамият иқтисодий тараққиёти бир томонидан унинг ички механизмига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бошқарувнинг характериға, ижтимоий-сиёсий ҳолатга боғлиқ бўлади. Оддий қилиб айтганда устқурмага бевосита боғлиқдир. Мазкур жараёнда ижтимоий сиёсат муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий сиёсат ўз навбатида ички ва ташқи маданий-маърифий, сиёсий, иқтисодий сиёсат кабиларга бўлинади. Иқтисодий сиёсат ҳам ўз навбатида молия, пул-кредит, бюджет, солиқ сиёсати каби турларда амал қилиб, уларнинг яхлитлиги макроиқтисодий даражада қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятларининг асосий ажралмас қисмига айланади. Шу ўринда солиқ сиёсатининг моҳиятига тўхталадиган бўлсак, солиқ сиёсати – бу иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва солиқсиз тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йиғиндисида. Мамлакат солиқ тизими хусусиятлари, йўналишлари, қандай солиқларнинг жорий этилиши, улар ўртасидаги нисбатни таъминлаш каби масалаларни солиқ сиёсати белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли кучайиб, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда солиқ сиёсати муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Солиқ сиёсати амалда давлат бошқарувининг бошқа унсурлари: пул-кредит сиёсати, баҳо сиёсати кабилар билан биргаликда мамлакатнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига фаол таъсир кўрсатади. Давлатнинг солиқ сиёсати мазмунан кенг ва бошқа иқтисодий-молиявий сиёсат турлари билан боғланганлиги унинг мураккаб жараёнларни қамраб олишини ифода қилади. Аслида солиқ сиёсатининг ядросини жамиятда ишлаб чиқилган ялпи миллий (ички) маҳсулотнинг ва янгидан яратилган қиймат-миллий даромаднинг қанча қисмини давлат манфаатлари йўлида марказлаштирилган пул фондлари (асосан давлат бюджети) га жалб қилиш масаласини ҳал этиш ётади. Мана шу масаланинг ҳал этилишига қараб фискал ва бюджет сиёсатининг йўналишлари аниқланади. Агар, давлат миллий даромадни қайта тақсимлашда иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ юқини ҳаддан ташқари

камайтирса, у ҳолда давлат бюджет сиёсатини ҳам шунга мослаштириш зарур бўлади. Ўз навбатида бюджет даромад манбаларини билаш шуғулланувчи фискал сиёсатнинг мазмуни ҳам шунга боғлиқ бўлади.

Реал секторга солиқ юқининг оширилиши уларда кредит ресурсларига бўлган талабни ошириш ва инфляциянинг ошишига таъсир қилса, бундай шароитда давлат ҳисобидан инвестицион харажатларни ҳам оширишга имконият туғилади. Солиқ сиёсатининг турли хил характерли жиҳатлари унинг шакллари ва турларининг ривожланишига олиб келади. Давлатнинг солиқ сиёсати унинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, ўша вақтдан буён унинг турли хил кўринишлари пайдо бўлди. Давлатнинг солиқлар борасидаги солиқ сиёсати маълум бир тизгинга солинган тартибда ўтказилган ҳолатлар (Қадимги Рим, Қадимги Греция, Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Россияда Петр I, Екатерина II ҳукмронлик қилган даврлардаги) бўйича аввалги бобларда келтириб ўтилган. Ҳозирги кунда солиқ сиёсатининг қуйидаги шакллари кўпроқ эътироф этилади:

- Максимал даражада солиққа тортишга асосланган солиқ сиёсати
- Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган солиқ сиёсати
- Оқилона солиқ сиёсати



3-расм. Солиқ сиёсатининг шакллари.


Агар давлат миллий даромаднинг бюджетга жалб қилинадиган қисмини оширадиган бўлса, у ишлаб чиқариш соҳасидаги тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳолатига, у ердаги инвестицион жараёнга таъсири қилиши билан

биргаликда монетар, фискал ва бюджет сиёсатига ҳам таъсир қилади. Солиқ сиёсати ҳақида сўз юритар эканмиз, биз унинг ниҳоятда кўп қиррали ва мураккаб категория эканлигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Ҳозирги кунга қадар солиқ сиёсати тушунчаси борасида ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, ғарб иқтисодчилари С.Фишер, Р.Дорнбуш ва Р.Шмалензиларнинг фикрича, солиқ сиёсати мустақил тушунча ҳисобланмайди. Улар солиқ сиёсати тушунчасига фискаль сиёсат тушунчаси орқали ёндошадилар. Фискал сиёсат эса давлатнинг ўз даромадлари ва харажатлари бўйича қарор қабул қилиши бўлиб ҳисобланади<sup>15</sup>, - деб таъкидлашади.

Рус ҳуқуқшуноси А.Брызгалин эса “Солиқлар ва солиқ ҳуқуқи” китобида солиқ сиёсатига қуйидагича таъриф беради: “Давлат солиқ сиёсати - бу давлатнинг солиқ соҳасида амалга оширадиган ҳамда жамият олдида турган у ёки бу вазифаларни бажариш учун йўналтирилаётган чора тадбирлар тизимидир<sup>16</sup>”.

Республикаимиз иқтисодчи олимларидан профессор Қ.Яҳеёв солиқ сиёсатига таъриф берар экан, қуйидаги фикрларни айтиб ўтади: “Солиқ сиёсати давлатнинг солиқ соҳасидаги барча тадбирларини режалаштириш, қонун, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилишдаги ишлаб чиқилган чора-тадбирлар йиғиндиси<sup>17</sup>”.

Профессор Ж.Зайналовнинг фикрича, “Солиқ сиёсати давлатнинг солиқ муносабатлари доирасидаги фармон, қонун ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, фаолиятларининг туб йиғиндиси<sup>18</sup>”. Солиқ сиёсати ҳақида фикр юритганимизда, унинг турларига алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим бўлади. Ҳозирги кунда солиқ сиёсати турларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:



4-расм. Солиқ сиёсати турлари<sup>19</sup>.

Солиқ сиёсатининг юқорида келтириб ўтилган турлари миллий даромад ҳажмини ва аҳоли бандлиги даражасини оширишга, давлат харажатлари

тизимини назорат қилиш, солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солиш, солиқ-бюджет сиёсати яхлитлигини таъминлаш ва энг асосийси давлат бюджети даромадларини шакллантириш манбааларини таъминлашга хизмат қилади.

#### 4.2. Дискрицияли ва нодискрицияли солиқ сиёсати

Солиқ сиёсатининг амалга оширилиши жиҳатидан улар икки турга: дискрицияли (лотинча *discretio*, инглизча. *discretion*-давлат органларининг ўз вақоталари доирасида қарор қабул қилиши деган маънони англатади) ва нодискрицияли (ўз-ўзидан барқарорлашувчи) солиқ сиёсатларига бўлинади. Дискрицияли (дискрицион) солиқ сиёсатида давлатнинг иқтисодиётга солиқлар воситасида таъсир қилиши жараёни ошади ва бундай турдаги солиқ сиёсатида иқтисодиётдаги ишсизлик ва инфляцияга таъсир этиш (камайтириш)максатида давлат ўзининг харажатларининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда ёндошилади. Бундай солиқ сиёсати деярли ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсатида учрайди. Ўз навбатида дискрицияли солиқ сиёсати ҳам икки хил шаклда амалга оширилади.

Биринчиси, бу фискал экспанцияга ("*expansio*"-лотинча сўз бўлиб, кенгайиш, тарқалиш деган маънони беради) асосланган солиқ сиёсати шаклида бўлиб, бунда ялпи талаб ва давлат харажатларини ошириш ва солиқларни камайтиришга ургу берилиб, унда солиқларнинг рағбатлантирувчилик роли оширилиб, иқтисодиётда иқтисодий ўсиш циклларида юқори тебранишларнинг олди олинади. Аммо, бундай солиқ сиёсатини амалга ошириш оқибатида давлат бюджети тақчиллиги ва инфляция даражаси ошади. Иккинчиси эса фискал рестрикцияли ("*restinctio*" лотинча сўз бўлиб - "чеклаш" деган маънони беради) солиқ сиёсати бўлиб, бунда давлат харажатларини қисқартириш ва солиқларни ошириш орқали ишлаб чиқариш суръатини пасайтириш орали инфляцияни камайтиришга қаратилган бўлади. Бироқ, бундай солиқ сиёсати ишсизликни келтириб чиқаради ва унинг ошишига олиб келади.

Шу билан биргаликда солиқ сиёсати кўламига кўра халқаро даражадаги, миллий иқтисодиёт даражасидаги ва алоҳида олинган ҳудудларга оид солиқ сиёсатларига бўлинади. Давлат халқаро даражада солиқ сиёсатида миллий иқтисодиётга товар(хизмат)ларнинг оқимини ошириш ёки уни чеклаш(протекцион солиқ сиёсати) сиёсатга асосланиши мумкин, шунингдек, халқаро солиқ сиёсатида преференцияларни қўллаш асосида ташқи капитал, товарларнинг кириб келишини рағбатлантиришни амалга оширади. Бунда

<sup>15</sup> Жўраев А., Сафаров Ф. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: "Iqtisod-moliya", 2005. 48-бет

<sup>16</sup> Брызгалин А. Налоги и налоговое право. –М.: Аналитика пресс, 1998. С. 50

<sup>17</sup> Яҳеёв Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т. 2003. 28-бет

<sup>18</sup> Зайналов Ж. Солиқлар ва солиққа тортиш. Самарқанд. 2002. 32-бет

<sup>19</sup> Перов А., Толкушкин А. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –М.: "Юрайт", 2012. С. 118

кўпинча протекцион-преференцияли солиқ сиёсати шаклида юзага чиқади. Бундай солиқ сиёсатининг мазмуни шундан иборатки, давлат баъзи соҳаларда ички бозорни ҳимоялаш сиёсатини олиб борса, бошқа соҳаларда эса преференцияларга асосланган (яъни ён босиш, имтиёзлар бериш, квоталарни чеклашни камайтириш ёки бекор қилиш, бож тўловларини бекор қилиш (камайтириш), солиққа тортишнинг имтиёзли алоҳида нормаларини қўллаш ва ш.к.) солиқ сиёсатини юритади.

Бундай солиқ сиёсати Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатида ҳам кўринади. Миллий иқтисодиёт доирасидаги солиқ сиёсати мамлакатнинг барча ҳудудлари учун бир хил тартиб ва қоидаларга асосланган тартибда қўлланилади. Ҳудудий солиқ сиёсати эса давлат ўзининг иқтисодий сиёсатининг стратегиясидан келиб чиқиб, алоҳида олинган ҳудудни мақсадли дастурларни амалга ошириш жараёнида махсус солиқ сиёсатини юритиши мумкин. Ҳудудни эркин иқтисодий зона деб эълон қилиши ва у ерга алоҳида солиқ режимларинини жорий қилиши мумкин. Буни Ўзбекистон солиқ сиёсатида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" махсус индустриал зонаси ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарини ташкил этилиши ва уларга алоҳида солиқ режимларининг қўлланилишида кўриш мумкин.

Солиқ сиёсати даврийлик амал қилиши жиҳатидан жорий (асосан бир йиллик) ўрта муддатли (1 йилдан уч йилгача) ва стратегик (5-10 йиллик) солиқ сиёсатларига ҳам бўлинади. Солиқ сиёсатининг бундай турлари давлатнинг бюджет тузилиши ва уни режалаштириш шакллари ҳам боғлиқ бўлади. Масалан Россияда ўрта муддатли (асосан уч йиллик) бюджетни режалаштириш амал қилиб, солиқ сиёсати ҳам асосан ўрта муддатли характерда бўлади. Шу билан биргаликда ҳар йилги давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати ҳам ишлаб чиқилиб, мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, ўрта муддатли бюджет ва солиқ сиёсатига ўзгартиришлар киритиб борилади.

Солиқ сиёсати йўналиши ва бошқарув тизимидаги ролига кўра фискаллашган, тартибловчи, рағбатлантирувчи ва комбиналашган (мувоzanатлашган) солиқ сиёсати турларига бўлинади. Фискаллашган солиқ сиёсати аслида солиқларнинг моҳияти ва унинг асосий функцияси бўлган фискал функциясига асослансада, аммо, бу солиқ сиёсати солиқларни кўпроқ ундиришга қаратилган бўлади. Давлат бундай солиқ сиёсатини ўринли қўллаш самара бериши мумкин. Бундай солиқ сиёсати агар, иқтисодиётда қайта такрор ишлаб чиқариш жараёни давом этиб, унда ўсиш даражалари сақланиб турган шароитда ички инвестиция (корхоналарнинг реинвестициялашуви) даражаси пасайиб, истъёмол қилиш даражаси ошган

бир шароитда қўлланилиши, давлат реал сектордан маблағларни марказлаштирган пул фондларига кўпроқ жалб қилган ҳолда иқтисодиётга инвестиция киритишда давлатнинг улушини ошириш орқали иқтисодиётда асосий капиталнинг сифат ва миқдор жиҳатдан ўсишини таъминлашга эришади. Тартибловчи солиқ сиёсати мазмунан солиқларнинг иқтисодиётни тартиблашдаги ролини оширишга қаратилган сиёсатни ташкил этиб, бунда эгри солиқлар бўйича солиқларнинг истъёмол, нарх, ишлаб чиқариш жараёнига тез таъсир этувчи солиқ инструментларни кучайтиришга эътибор қаратилади. Шунингдек, солиқ сиёсатининг бу шаклида солиқ имтиёзларини камайтириш, баъзиларини бекор қилиш, импорт ва экспортга солиқлар ва бож тўловлари ставкаларини ошириш каби ҳам устунлик касб этади. Бундай солиқ сиёсати узоқ вақт давомида қўлланилиши иқтисодиётга салбий таъсир қилади. Давлат бундай солиқ сиёсатидан доим фойдаланиши унинг даражаларини иқтисодиётнинг бошқа сиёсати билан бирга қўллаши ва уларга ёрдам бериши нуқтаи назардан ёндошиши яхши самара бериши исботланган.

Солиқ сиёсатининг юқори солиқлар шаклида давлат қўплаб солиқ турларини ва юқори солиқ ставкаларини жорий этади, солиқ имтиёзларини эса имкон даражасида қисқартиради. Бундай солиқ сиёсати натижасида солиқ тўловчиларда амалда жамият иқтисодий ривожланишига ҳеч қандай ишонч қолдирмайди. Шунинг учун ҳам солиқ сиёсатининг ушбу шакли кўпгина давлатнинг ривожланиши шуни тақозо этган пайтларда, яъни уруш, иқтисодий танглик шароитларида қўлланилади.

Солиқ сиёсатининг яна бир шакли иқтисодий ривожланишга қаратилган солиқлар бўлиб, давлат бундай солиқ сиёсати орқали солиқларнинг нафақат фискалликни, шу билан биргаликда солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олади. Бундай шароитда давлат биринчи навбатда ўз харажатларини, айниқса ижтимоий харажатларни қисқартиради. Бундай сиёсатдан кўзланган асосий мақсад, ушбу солиқ сиёсати шаклида ифодаланганидек, қулай солиқ муҳитини яратиш орқали инвестицион фаоллик рағбатлантирилади ва капитал жамғариш имкониятлари кенгайтирилади. Бундай солиқ сиёсати XX асрнинг 80-йилларида АҚШда самарали жорий этилди ва "рейганомика" номини олди.

Солиқ сиёсатининг учинчи шакли оқилони солиқлар ҳисобланиб, биринчи ва иккинчи шакллар ўртасидаги шакл ҳисобланади. Ушбу солиқ сиёсатининг моҳияти шундан иборатки, юридик ва жисмоний шахсларга юқори солиқлар ўрнатилиши билан бир вақтда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам кенгайтирилади, давлатнинг ижтимоий дастурлари оширилади.

### 4.3. Рағбатлантирувчи солиқ сиёсати

Рағбатлантирувчи солиқ сиёсатида солиқларнинг рағбатлантириш функциясининг реализацияси таъминланади. Бунда солиқлар бўйича имтиёзлар ва преференцияларнинг қўлланишига устуворлик касб этади. Асосан бунда тўғри солиқлар орқали ишлаб чиқаришга мақсадли солиқ имтиёзларини бериш орқали ишлаб чиқариш ва маҳсулот(хизмат)ларнинг диверсификациясини ошириш, инвестиция жараёнини кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг даромадларини камроқ солиққа тортиш, алоҳида солиқ режимлари(содалаштирилган солиққа тортиш тартиби), солиқ маъмурчилигини содалаштириш жараёнларига асосланади. Бундай солиқ сиёсати узок вақт ва злуксиз қўлланилиши салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Яъни, солиқ тўловчиларда боқимандалик руҳияти шаклланиб қолиши, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракатланиш жараёни сусайиши, давлат бюджетидан солиқ имтиёзлари ҳисобига йўқотилган маблағларнинг ўрни қопланмай қолиши кабилар юзага келиши мумкин. Шу боисдан ҳам ушбу солиқ сиёсатининг тури тартибловчилик солиқ сиёсатининг самарали инструментлари билан биргаликда қўллаш самара бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг кейинги йиллардаги солиқ сиёсатида рағбатлантирувчи солиқ сиёсатининг устуворлигига ва тартибловчилик солиқ сиёсатининг инструментларидан фойдаланган ҳолда қўлланиши яхши самара бераётганлигини кўриш мумкин. Жаҳон амалиётида солиқ сиёсатининг энг самарали турларидан бири сифатида комбиналашган(мувозанатлашган) солиқ сиёсати анча кенг қўлланилиб борилмоқда. Миллий иқтисодиётда рақобат муҳитининг чуқурлашуви, давлатнинг тадбиркорлик сифатда намоён бўлишининг ортиши, миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни ошиб, халқаро интеграциялашув даражасининг кенгайиб бориши давлатларнинг солиқ сиёсатида комбиналашган солиқ сиёсатидан ҳам кенг фойдланишни тақозо этади. Бундай солиқ сиёсатининг ўзига хослиги шундаки, унда солиқ сиёсатининг бошқа турларининг асосий хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бу солиқ сиёсатини ишлаб чиқишнинг қулайлиги шундаки, мавжуд солиқ сиёсатларининг у ёки бу жиҳатларига қурилсада, аммо мураккаблиги шундаки, фискал, тартибловчи, рағбатлантирувчи солиқ сиёсатларининг қайси бирига устуворлик беришини танлаш масаласидир. Шу жиҳатдан олганда комбиналашган солиқ сиёсати мослашувчан характерда бўлиши тақозо этилади. Солиқ сиёсатининг фискаллик турига кўпроқ эътибор берилишидаги юзага келиб қолган салбий оқибатларни бошқа қайси солиқ

сиёсатидан фойдаланиш орқали баргараф этишни ҳал этиш бу солиқ турининг мослашувчан тарзда мавжуд бўлишлигини талаб этади. Демак, комбиналашган солиқ сиёсати доим ўзгарувчан, вазиятга мослашувчан характердаги барча солиқ сиёсатларининг мазмунини ўзида акс эттирувчи солиқ сиёсати бўлиб, унинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиш жараёни ҳам давлатнинг бошқа иқтисодий соҳадаги сиёсатларига ҳам мослашган бўлади.

*Булардан ташқари солиқ тизимида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, баъзи даврларда солиқлар бўйича қарз сўмаларининг ортиб бориши, фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт субъектларининг солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан туриши ва солиқларни тўлашдан бўйин товлаши, солиққа оид маълумотларни сохталаштириши, мажбурий тартибдаги бухгалтерия ҳисобини юритмаслиги ҳолатлари ҳам учрайдики, агар бундай ҳолатлар доимий тус олиб ва ортиб бориши характерига эга бўлса, бундай ҳолат (жараён)ни мувофиқлаштиришга қаратилган назорат-мувофиқлаштирувчи солиқ сиёсати ҳам мавжуд бўлади.*

Таянч сўз ва иборалар:

*Иқтисодий сиёсат, солиқ сиёсати, молия сиёсати, солиқ сиёсати шакллари, солиқ сиёсати стратегияси, солиқ сиёсати тактикаси, рағбатлантирувчи солиқ сиёсати, солиқ сиёсатининг мақсади, солиқ ва бюджет сиёсати.*

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Солиқ сиёсати деганда нима тушунилади?
2. Солиқ ва бюджет сиёсати ўртасидаги боғлиқни изоҳланг
3. Дискрицияли солиқ сиёсати нима?
4. Нодискрицияли солиқ сиёсати деганда нимани тушунаси?
5. Рағбатлантирувчи солиқ сиёсатининг моҳиятини тушунтириб беринг.
6. Солиқ сиёсатининг фискаллик хусусиятини изоҳлаб беринг.
7. Солиқ сиёсатининг рағбатлантирувчилик хусусиятини изоҳлаб беринг.
8. иборат?
9. Солиқ сиёсатининг муътадиллик хусусиятини изоҳлаб беринг.
10. Солиқ сиёсатининг тартибловчилик инструментлари деганда нимани тушунаси?

## 5-БОБ. СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА УНДА ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

### 4.1. Солиқ сиёсатининг ишлаб чиқиши жараёнлари

Ҳар қайси фаолият, жараён ва сиёсатнинг амал қилишининг дастлабки шартларидан бири унинг тамойилларининг аниқланишидир. Юқоридаги параграфларда тамойилларнинг моҳияти ва уларнинг жараёнларнинг ривожланиши ва кечишидаги роли ва аҳамиятни ёритган эдик. Солиқ сиёсати ҳам бошқа сиёсат сингари ўзига хос тамойилларга эга бўлиши талаб этилади. Ҳар қандай сиёсат мақсаддан келиб, чиқсада унинг бошланиши сиёсатни ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Шунга кўра ҳар қайси сиёсат, жумладан, солиқ сиёсати ҳам маълум бир тизимга асосланади.



### 5-Расм. Солиқ сиёсатининг ишлаб чиқиши жараёнлари.

Келтирилган расмдан англаш мумкинки, ҳар қайси сиёсат аввало давлат фаолиятида аниқланган мақсаддан келиб чиқади, мақсадга эришишнинг воситалари, усул ва тамойилларини бирлаштиришган фаолият-сиёсатни амалга оширишни тақозо этади. Давлатнинг солиқ сиёсатидан кўзланган мақсад эса қайд этилганидек, соҳалар ўртасида тақсимот муносабатларини мувозанатлаштиришни таъминлаш мақсадида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва уларни даромад манбалари билан таъминлаш ҳамда жамият ҳаётини тартиблаш ва мувофиқлаштиришда солиқлардан самарали фойдаланишдан иборатдир. Давлатнинг бундай мақсадига эришиш эса солиқ сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Солиқ сиёсати эса аввало ишлаб чиқиши лозим. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда эса маълум бир тамойилларга асосланиш зарур бўлади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонунчиликларда солиқ сиёсатининг тамойиллари белгилаб берилмаган(Солиқ кодексига солиққа тортиш тамойиллари билан солиқ сиёсати тамойиллари ўртасида фарқ мавжуд). Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 7-моддасида бюджет тизими принциплари ва Солиқ кодексига солиққа тортиш принциплари солиқ

сиёсатининг ишлаб чиқишидан кейинги жараёнлар бўлиб, улар ўзларида бюджет-солиқ сиёсатининг тамойилларини қисман акс эттиради. Демак, солиқ сиёсатининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши тамойилларини илмий ёндошувларга асосланган ҳолда изоҳлаймиз.

2-жадвал.

### Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тамойиллари<sup>20</sup>

№	Солиқ сиёсати тамойиллари	Хусусиятлари
1.	Иқтисодий сиёсатнинг устуворлиги	Иқтисодий сиёсатда устуворлик касб этаётган-солиқ юқини камайтириш, солиқларни унификациялаш, солиқ ставкаларини босқичма- босқич камайтириб бориш, экспортни рағбатлантириш, импортни тартиблаш, тардбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнесни ривожлантириш, миллий бойликни тежаш, солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва солиқ преференцияларини ошириш ва шу қабилар. Яъни солиқ сиёсати иқтисодий сиёсатдаги устувор йўналишларга мос бўлиши лозим.
2.	Иқтисодиётнинг ҳолати даражасига асосланиши	Солиқ сиёсати иқтисодиётнинг ҳолати(цикллигидан келиб чиқиши лозим, иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси солиқларнинг рағбатлантирувчилик ёки тартибловчиликни қўллашнинг йўналишларини кўрсатиб беради.
3.	Миллий хусусиятнинг эътиборга олиши	Ҳар қандай сиёсат албатта мамлакатнинг этник ўзагини ташкил этадиган халқнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиши талаб этилади, солиқ сиёсати миллий менталитетга зид келмаслигини билдиради.
4.	Халқаро келишувларга асосланиши	Солиқ сиёсати умумэтироф этилган қадриятлар ва халқаро нормаларга мосланган ва уларни эътиборга олинган ҳолда бўлиши зарур.
5.	Илмий таклифлар ва солиқ тўловчилар руҳиятига асосланиши	Солиқ сиёсати ишлаб чиқилаётганда жамият аъзолари томонидан турли даражадаги илмий асосга эга бўлган илмий-назарий қарашларга асосланиши ва солиқ тўловчиларнинг руҳиятини сингдириши лозим.

<sup>20</sup> Муаллиф ёндошуви.

6.	Давлатнинг молиявий ресурсларга эҳтиёжини таъминлаши	Солиқ сиёсатининг асосий ўзаги сифатида давлатларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш бош масала сифатида қаралиб, аммо, бундай эҳтиёжлар чексизлигини эътиборга олган ҳолда минимал таъминлаш ва уни иқтисодиёт даражасидан келиб чиқиб ошириб боришга асосланиш лозим.
7.	Миллий дастурларни амалга оширишни эътиборга олиши	Давлат фаолиятида жамиятнинг турли соҳаларини ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган махсус Дастурларни амалга оширишни устувор сифатида қаралиб, уларни молиявий таъминлаш ва солиқ имтиёзлари ҳамда преференцияларни кучайтиришни тақозо этади.
8.	Худудлар ривожланишида ўзаро мувофиқликни таъминлаши	Солиқ сиёсати ўзида худудларнинг ривожланишида ўзаро тенглик ва мувофиқликни таъминланиш лозимлиги эътиборга олиши зарур.
9.	Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишларига асосланиши	Солиқ сиёсати мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини изчил амалга оширилишига кўмаклашиши ва унинг локомотиви сифатида бўлиши лозим
10.	Солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциали ва бюджетни режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги	Солиқ сиёсатининг бюджетни режалаштиришга таъсирини баҳолашда ва бюджетни режалаштириш жараёнида солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалига асосланиши зарур.

Келтирилган ушбу солиқ сиёсати тамойиллари Ўзбекистонда амалга ошириладиган солиқ сиёсатининг мазмунидан келиб чиққан бўлиб, шу билан биргаликда солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциали ва бюджетни режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги тамойилини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Мазкур келтирилган солиқ сиёсати тамойиллари албатта ўзгарувчан хусусиятга ҳам эга бўлиб, уларнинг ҳар бирини вазиятдан келиб чиқиб қўллаш солиқ сиёсатининг пухталиги ва уни амалга ошириш яхши самара бериши ҳамда давлатнинг олдига қўйилган мақсадга эришишда муҳим қадам бўлади. Ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсати давлатнинг умумий ривожланиш йўналишларига боғлиқ ҳолда кечади. Баъзи давлатларда эса давлат бошқарувини вақтинчалик қўлга киритган сиёсий партияларнинг ўз

дастурларидан келиб чиқиб давлатнинг солиқ сиёсатини шакллантириши ва унинг мамлакат парламенти томонидан рад этилиши оқибатида қайта-қайта ўзгартиришлар киритиш асосида амалга оширилиши мамлакатларнинг иқтисодиётга салбий таъсир этиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бу борадаги Ўзбекистон тажрибаси эса аксарият давлатлар томонидан энг барқарор бюджет-солиқ сиёсати деб тан олинмоқда.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида унда мамлакатда жорий қилинган ҳокимият шакллари ва унинг бўғинларининг иштирокини аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, солиқ сиёсати бу фақатгина тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар(дастурлар)ни ишлаб чиқишгина эмас, балки, аниқ мақсадга қаратилган фаолиятдир. Бундай фаолият эса ҳокимият шакллари ва бошқа звеноларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари доирасида юзага чиқади. Ўзбекистонда солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда Давлат ҳокимияти ва жамоатчиликнинг роли қуйидагичадир:

#### **5.2. Ўзбекистон солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қонунчилик палатасининг ваколатлари (иштироки)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи сифатидаги Конституциянинг 93-моддасида белгиланган ваколатларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бунда давлат солиқ сиёсатининг стратегияси ва тактик йўналишлари устувор аҳамиятга эга бўлган таклифларини киритиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда солиққа оид қонунлар юзасидан янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш юзасидан Қонунчилик палатасига таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари сингари солиққа оид қонунларини имзолайди ва эълон қилади, агар ушбу қонунларга нисбатан эътирозлари мавжуд бўлса, қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақлидир. Булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти солиқ сиёсатининг концепцияларини тақдим этиши мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштироки.*



Олий ҳокимият орган ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз ваколати бўйича республикада солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида белгиланган фуқаролар қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурийлиги нормаларидан келиб чиқиб, солиқлар мажбурий тартибда жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ(78-модда) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш каби ваколатлари белгиланган бўлиб, ваколатлари белгилаб қўйилган бўлса, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"ги қонунда эса унинг солиқ ва бюджет сиёсатига оид ваколатлари ва уларни амалга ошириш тартиблари кўрсатиб ўтилган. Бунга кўра солиқ сиёсатининг бошланиши Олий Мажлисининг фаолиятдан бошланиб, шу билан биргаликда улар жорий қилинган солиқларнинг ундирилиш жараёнларини ҳам ўзларининг ваколатлари доирасида назорат қилади.

Олий Мажлис тарафидан солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги роли бевосита солиққа оид қонун ҳужжатлари билан биргаликда ҳар йилги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва Давлат бюджети лойиҳасини, унда солиқ турлари ва йиғимлари бўйича солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари кўриб чиқиб тасдиқлаш тартибида ҳам амалга оширилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябрдан кечиктирмай Қонунчилик палатасига киритиладиган навбатдаги молия йили учун Давлат бюджети лойиҳасининг Парламент регламентига асосланган ҳолда муҳокамаларидан ўтказилиб тасдиқланади. Агар, солиқ сиёсати(жумладан бюджет сиёсати)га оид бошқа қонунчилик лойиҳаларида давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари бўлса у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳулосаси тақдим қилиниши лозим бўлади. Давлат

бюджетининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябрдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети эса мазкур бюджет қабул қилинган қундан эътиборан беш кун ичида кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади.

Агар, давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлса, бу масала, агар бу ҳол бюджетни тартибга солишда қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлса, Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи навбатда кўриб чиқилади. Олий Мажлисининг солиқ сиёсатини амалга оширишдаги иштироки унинг парламент эшитуви ва назорати тартибидаги ваколатлари доирасидаги фаолиятида кўриш мумкин. Бундай ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва ҳар йилиги белгилаб бериладиган бюджет-солиқ сиёсатининг устувор вазифаларининг қандай бажарилаётганлиги, давлат бюджети ижросининг қандай амалга оширилаётганлиги ва шу каби масалалар тегишли (Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Божхона қўмитаси ва шу каби) давлат органларининг ҳисоботларини эшитиш, парламент ишчи гуруҳлари ва тегишли қўмита ва фракциялари томонидан бу масалаларни жойларда ўрганиш, ваколатлари доирасида асослангандирган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юбориш тартибида ҳам амалга оширилади. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатидан солиқ, бюджет, божхона, банк ҳамда молия масалалари билан алоҳида шуғулланувчи қўмита фаолият кўрсатади. Бу қўмиталар эса Олий Мажлисининг молия-солиқ соҳасига доир сиёсатини мувофиқлаштириб боради.

### **5.3. Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимиятининг солиқ сиёсатидаги роли**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятнинг энг юқори звеноси сифатида Республиканинг бошқа соҳалари каби солиқ соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва назорат қилишда катта аҳамият касб этади. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида қонун ташаббусқори сифатида солиқ сиёсатининг мазмунига дахлдор қонунларни Олий Мажлисга тақдим этиш доирасида солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этади. Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги фаолиятининг кейинги босқичи регламентга кўра солиққа оид қонунларга асосланган ҳолда бошқа қонуности ҳужжатлари(Йўриқнома,

Низом, Тартиблар, Қоидалар)ни ишлаб чиқишни ташкил қилади ва уларни жорий қилади. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (98-моддасига) кўра самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади ҳамда Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Шунингдек, давлат бюджетини, шунингдек, Ўзбекистонни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унга киритиладиган ўзгаришларни ишлаб чиқади ҳамда Олий Мажлиснинг тасдиғига тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Хукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли кўмиталарига келишилган муддатда маълум қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига кўра Вазирлар Маҳкамаси солиқ сиёсатига доир ўз ваколати доирасидаги муҳим бўлган Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Иқтисодиёт, жумладан солиқ сиёсатига оид муҳим ва устувор масалалари бўйича Хукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида» 2005 йил 4 февралдаги Ф-2118-сон фармойишида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий равишда келишиб олинади.

Солиқ сиёсатига дахлдор Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари солиқ сиёсатини амалга оширишга маъсул вазирликлар, давлат кўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари топшириқларига мувофиқ ёхуд ташаббус кўрсатиш тартибда ишлаб чиқилади. Хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда амалга оширилади. Ишлаб чиқилган лойиҳалар белгиланган тартибда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамда мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар ушбу хужжатларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтидан бошлаб кучга киради. Вазирлар Маҳкамасининг солиқ сиёсатига тегишли норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари, агар ушбу хужжатларда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

#### **5.4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Молия вазирлигининг солиқ сиёсатидаги роли**

Давлат солиқ кўмитаси солиқ қонунчилигига риоя этилишини, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкый ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги назорат бўйича республика давлат бошқаруви органи сифатида давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасидаги роли қуйидагиларда кўринади:

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушиши прогнозини ишлаб чиқишда қатнашади, солиққа оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, солиқ юқини қисқартириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлари ва идоралари билан биргаликда солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солиш масалалари бўйича идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

солиқ ҳисоботлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар шакллари ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

солиқ қонунчилиги бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини нашр қилади, давлат солиқ хизмати органларини қонун ҳужжатлари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан солиқ соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади ҳамда уларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг таркибига кирувчи давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар барча солиқ тўловчилар – юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади. Давлат солиқ хизмати органлари ўзларига солиқ сиёсатини амалга оширишга оид вазифаларини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлати ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, статистика ва молия органлари, банклар ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Давлат Солиқ қўмитасининг солиқ сиёсати борасидаги бошқа органлар билан ҳамкорлиги куйидаги тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан солиққа тортишнинг умумий масалалари, Молия вазирлиги билан солиққа тортишнинг барча йўналишлари ва давлат бюджети юзасидан, Давлат статистика Қўмитаси билан солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Божхона Қўмитаси билан импорт-экспорт операцияларини солиққа тортиш, Марказий банк билан солиқ тушумларини ҳисобга олиш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда ягона ер солиғи ва ер солиғи, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ер ости бойликларини солиққа тортишга оид қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқади ва келишилган ҳолда тасдиқлаб рўйхатдан ўтказилади.

Мазкур ишлаб чиқилган меъёрий тусдаги ҳужжатларни эса Адлия вазирлигидан экспертиза ва рўйхатдан ўтказилади. Адлия вазирлиги солиқ сиёсатига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан

экспертизадан ўтказилади, қонунлар лойиҳаларини уларнинг мамлакатда ўтказиладиган ислохотлар мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортқича маъмурий ва бошқа чеклашларни киритувчи ҳамда тадбиркорлик субъектларининг асосланмаган харажатлари юзга келишига олиб келувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш юзасидан таҳлил қилади ва белгиланган тартибда рўйхатга олади.

Ўзбекистон Молия вазирлигининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқишдаги иштироки Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ҳар йилги бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, Давлат бюджетини тузиш ва унда солиқли даромадларнинг тушумини прогнозлаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид норматив-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, айрим турдаги солиқ тўловлари бўйича солиқ ставкалари ва имтиёزلарни белгилаш ва шу каби ҳолатларда амалга оширилади. Шу билан биргаликда Молия вазирлиги ўз Низомига кўра, солиқ солиш ва солиқ маслаҳати бўйича фаолият соҳасида қонунчилик ва меъёрий актларни ишлаб чиқишда қатнашади ва бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади, бюджетни мувозанатлаштириш заруратидан келиб чиқиб, солиқлар тизимини республикадаги бошқа даромадларни такомиллаштириш, давлат молия маблағларини мустаҳкамлаш, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти ҳамда фуқароларнинг тадбиркорлик ишлари учун энг мақбул молиявий шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади, солиқ маслаҳатчиси тизимининг амал қилиш механизмларини таъминлайди.

#### **5.5. Солиқ сиёсатида маҳаллий давлат ҳокимияти, суд-ҳуқуқ тизими ва жамоатчиликнинг иштироки**

Маҳаллий давлат ҳокимиятлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси(111-моддаси)га мувофиқ маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиши, Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунига асосан Халқ депутатлари Кенгаши томонидан ўз ҳудудида маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш, Солиқ кодекси (30-моддаси)га асосан ҳамда га асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий

инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериши мумкин.

Шунингдек, Халқ депутатлари Кенгаши вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларини, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларини тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиши, маҳаллий бюджетларнинг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлашни амалга оширади.

*Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда суд-ҳуқуқ тизими органларининг иштироки.* Солиқ сиёсатида суд-ҳуқуқ органларининг иштироки аввало уларнинг солиқларга оид қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий норма ва қоидаларга мувофиқ келишини таҳлил ва экспертиза қилишда иштирок этиб уларни такомиллаштириш, солиқ қонунчилигига риоя қилинишининг назоратини амалга ошириш, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, солиқлар соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш, солиқ қонунчилигининг бузилишининг ҳолатлари юзасидан жавобгарлик чораларини белгилаш ва шу кабилар тарзда амалга оширилади.

Шунингдек, уларнинг солиқ сиёсатидаги иштироки солиққа оид қонунчиликнинг мазмунини ойдинлаштирувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва уни қўллайди. Масалан, суд амалиётида солиқ қонунчилигига оид баҳсли масалалар вужудга келаётганлиги муносабати билан ҳамда хўжалик судлари томонидан ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси умумий қисмини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди-Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори асосан Солиқ кодексини суд амалиётида қўллашни аниқлаштирувчи қарор қабул қилинган бўлиб, бунда солиқ қонунчилигини тўғри қўллашнинг йўналишлари аниқлаштирилган.

*Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда жамоатчиликнинг роли.* Жаҳон амалиётида жумладан, Ўзбекистонда солиққа оид қонунларни қабул қилиш жараёнида унинг муҳокамасида жамиятнинг ҳар бир аъзоси иштирок этиб, ўз фикр ва тавсияларини билдириши, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ва солиққа тортиш амалиётига оид жараёнларга оид ўз қарашлари ва таклифларини Парламентга(Олий Мажлис) сиёсий партиялар ёки шахсан ўзлари билдириши(маъруза тезиси шаклида), бевосита давлат

ваколатли органларга ёзма ёки оғзаки шаклда фикрларини билдириши, солиқ амалиётидаги мавжуд тўсиқлар ва уларни бартараф этиш юзасидан маълумотлар(мулоҳазалар) билдириши мумкин. Бундан ташқари оммавий ахборот воситларида чиқиш қилиш орқали ҳам иштирок этиши таъминланади.

Умумий қилиб айтганда солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва такомиллаштириш давлат ҳокимияти органлари ва жамиятнинг бошқа субъектлари томонидан амалга оширилади. Солиқ сиёсатида ҳар бир ваколатли органларнинг иштироки уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда барча звеноларнинг фаолиятининг уйғунлашуви солиқ сиёсатининг самарадорлигини таъминлайди.

Таянч сўз ва иборалар:

*Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойиллари, ваколатли органлар, солиқ сиёсатини амалга ошириш, функция, вазифа, стратегик тамойил, тактик тамойил, мувофиқлаштириш, давлат ҳокимияти органлари.*

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш деганда нима тушунилади?
2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда ваколатли органларга қайси органлар қиради?
3. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда Вазирлар Маҳкамасининг роли нималарда кўринади?
4. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда Молия вазирлигининг иштирокини изоҳлаб беринг.
5. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда Давлат солиқ қўмитасининг ролини тушунтириб беринг.
6. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари ниманлардан иборат?
7. Олий Мажлиснинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги ролини изоҳлаб беринг.
8. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда ваколатли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш қандай амалга оширилади?

## 6-БОБ. СОЛИҚ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ


### 6.1. Солиқ сиёсати стратегияси мазмуни

Ҳар қайси давлат сиёсати таркибий жиҳатдан стратегик ва тактик йўналишларга эга бўлади. Сиёсатнинг стратегияси ва тактикасининг мазмуни аввало фаолият(жараён)нинг характери ва давлат тузилишига асосланган ҳолда уни бошқарув механизмларининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Агар, давлат федератив давлат бўладиган бўлса, солиқларни жорий этиш ва ундириш сиёсатига ҳам шунга мувофиқ бўлади, ўз навбатида унитар давлатларда эса бюджет ва солиқ тизими ўзига хос бўлади. Шунингдек, солиқ сиёсати солиқларнинг хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Солиқлар табиатан ўзгарувчан ва мослашувчан характерда амал қилиши унинг стратегияси ва тактикасининг ўзгарувчан бўлишига ҳам таъсир қилади. Шу билан биргаликда солиқ стратегияси ички тузилиши ва моҳиятига кўра доимий ва ўзгарувчан шаклларда бўлади. Солиқ стратегияси ўзи нима? Стратегия грекча сўз бўлиб, "στρατηγία — қўмондонлик, бошқариш, ҳарбий санъати" деган маънони бериб, у дастлаб, ҳарбий соҳага қўлланилиб, кейинчалик давлат бошқарувида ва унинг сиёсатида қўлланила бошлаган. Сиёсатда қўлланилиши эса кўпинча унга даврийлик жиҳатдан ёндошилади. Шу жиҳатдан олганда стратегия давлатнинг маълум бир соҳа(йўналиш)даги фаолиятини тизимли бошқаришнинг узок муддатли даврга тегишли жараёнларини аниқлаш ва унинг йўналишларини белгилаб олинишидир. Бу ҳолат солиқларга оид сиёсатда ҳам мавжуд бўлади.

Солиқ сиёсати стратегиясининг белгиланиши эса давлатнинг мажбурий тўловлар борасидаги фаолиятининг узок даврларга оид хусусиятларини акс эттиради. Демак, солиқ сиёсати стратегияси деганда давлатнинг жамият аъзоларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар борасидаги узок муддатга мўлжалланган фаолиятининг умумий йўналишлари ва хусусиятларини акс эттирувчи жараён ҳисобланади. Ўзбекистон солиқ тизимида ҳам солиқ сиёсати стратегик ва тактик йўналишлари асосида амал қилади. Таъкидланганидек, солиқ сиёсати стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг мазмунидан келиб чиқиб, доимий ва ўзгарувчан стратегияга эга бўлади. Ўзбекистон солиқ қонунчилигида солиқ сиёсатининг стратегияси тушунчаси ва унинг мазмуни келтирилмаган. Бироқ, бу масалага жавоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида акс этган. Ушбу асарларда солиқ, бюджет ва молия соҳасидаги Президентимизнинг билдирган фикр ва

мулоҳазаларини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон солиқ сиёсатининг бош(доимий) стратегияси-давлат бюджети ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ўзаро манфаатларнинг уйғунлашуви ва мувозанатлашувини таъминлашдан иборат эканлигини англаш мумкин. Ўзбекистон солиқ сиёсатининг бош(доимий) стратегияси сифатида давлат бюджети ва солиқ тўловчилар ўртасидаги манфаатларнинг уйғунлашуви оқилона солиқ сиёсати орқали таъминланади ва у узок вақтни камраб олиб доимий характерда бўлади. Бир томондан давлат томонидан оқилона солиқ сиёсатининг ташкил этилиши, бу ҳали бундай манфаатларни уйғунлантира олмайди, бунинг учун солиқ тўловчиларда юқори даражадаги солиқ маданияти шаклланиши лозим бўлади. Солиқ сиёсатида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни кўпайтириш билан бирга солиқ тўловчилар томонидан бундай имтиёз ва преференциялардан ўринли фойдалангандагина бундай энгилликлар самара беради, акс ҳолда эса бюджет манфаатларига путур етади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тўловчиларга ўзига хос эгоизм хусусиятларининг сақланиб қолиши, солиқлардан қарздорлик, солиқлардан қочиш ҳолатлари учраб туради ва бу ҳам бюджет манфаатларига зид келади. Демак, солиқ тўловчилар ва бюджет манфаатларининг тўғри кесишуви бу солиқ қарздорлиги деярли йўқотилганлиги, солиқ тўловчиларнинг солиқ маданияти юқорилиги, бюджетдан берилаётган субсидияларнинг самараси юқорилигини билдиради, бу жараён эса узок вақт давомида эришилади. Ушбулардан келиб чиққан ҳолда солиқ сиёсатининг ўзгарувчан стратегиясини аниқлаш мумкин. Бунга кўра Ўзбекистон солиқ сиёсатининг ўзгарувчан солиқ стратегияси бюджет даромадларининг бир маромда шаклланиши, тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференцияларни ошириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини оширишга эришиш ҳамда солиқларнинг ишлаб чиқариш жараёнини жонлантиришга таъсирини янада оширишдан иборатдир.

Солиқ сиёсати стратегиясининг ўзгариб турилишига албатта давлатнинг иқтисодий сиёсати билан биргаликда бошқа омиллар ҳам таъсир қилади(6-расм).



### 6-расм. Солиқ сиёсати стратегиясига таъсир этувчи омиллар.

Албатта ҳар бир давлатнинг солиқ сиёсати стратегияси умумий омиллар билан биргаликда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг белгиланиши ва ўзгагиришига таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд бўлади. Халқаро миқёсда ўзаро сиёсий-иқтисодий муносабатларнинг йўналишлари, миллий иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси, иқтисодиётда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар йўналиши ва мазмуни ҳамда мамлакат миқёсида махсус иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши каби омиллар давлатнинг солиқ сиёсати стратегиясининг ўзгаришига таъсир этади. Жаҳон амалиётида солиқ сиёсати стратегиясининг ўзгаришига сиёсий ҳолатлар, масалан, ҳукумат ёки парламентда кўпчилик овозга эга бўлган партиянинг иқтисодий платформасидаги устувор йўналишлар солиқ сиёсатининг стратегиясининг асоси қилиб олинishi мумкин.

### 6.2. Солиқ сиёсати тактикалари моҳияти

Солиқ сиёсатининг тузилиши ва йўналиши жиҳатдан муҳим таркибини солиқ тактикалари ташкил этади. Тактика ҳам категория сифатида худди стратегия каби грек тилидан олинган бўлиб, "тактикός-қўшиннинг тузилиши, τάξις-тузилиш ва жойлашиш" деган маъноларни бериб, ҳарбий соҳага тегишли термин сифатида, кейинчалик эса давлатнинг ҳар қандай сиёсатининг тузилиши ва йўналишини ифодалашда қўлланила бошланган. Солиқ сиёсатининг тактикаси деганда эса солиқ сиёсати ва унинг стратегиясида мақсад қилиб белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланиладиган усул ва воситаларнинг

йиғиндисидир. Содда қилиб айтганда солиқ сиёсати стратегиясида белгилаб қўйилган мақсадга осон ва қулай эришишнинг йўллари дир. Бундан кўринадики солиқ сиёсатининг тактикалари<sup>21</sup> усуллар ва воситалардан ташкил топганлиги туфайли ҳар бир давлат солиқ сиёсатида уларнинг энг қулай ва самарали шакллари қўллаши давлатнинг солиқ сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

Солиқ сиёсати тактикалари амалиётда қўлланилиши уларнинг самарали ёки самарасиз эканлигини кўрсатиб беради. Шу билан биргаликда тактик усуллар ёки воситалар тузилиши ва мазмунан самарали бўлсада, аммо уни қўллашдаги хатоликлар, гарчи усул ёки воситалар мазмунан ижобий бўлсада, натижа самарасиз ҳам бўлиши мумкин. Бу эса солиқ сиёсатининг тактикаларини назарий ва амалий жиҳатдан фарқлашни кўрсатади. Маълум давлат ёки ҳудудда самара берган тактик усуллар бошқа бир жойда самара бермаслиги ҳам мумкин, демак, солиқ сиёсати тактикалари иқтисодиётнинг ҳолати ва даврийлигини(қайси дарвда қўлланилганлигини) ҳам эътиборга олишни талаб этади. Алоҳида олинган миллий иқтисодиётда ислохотларнинг дастлабки даврида қўлланилган тактик йўналишлар, маълум бир муддатда самарасиз бўлиб қолиши, ёки аксинча, маълум бир муддатда қўлланилиб, кейинчалик воз кечилган усуллар, ривожланишнинг кейинги даврларида янада талаб этилиши ёки самарали усулга айланиши мумкин. Бундай усуллар(тактик йўналишлар) қаторига прогрессив солиққа тортиш усулини мисол қилиб келтириш мумкин. Прогрессив солиққа тортиш иқтисодиётда тушқунлик(таназул) кузатилаётган вақтда самара бериши жаҳон амалиётида(Кейнснинг солиққа тортиш назариясининг АҚШ иқтисодиётидаги кризисдан кутулишдаги аҳамиятни эсланг) исботланган.

Шунингдек, иқтисодиёт ривожланиб, унда жамғаришнинг кучайиб, инвестицияга айланишининг секинлашиши орқали иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш мақсадида прогрессив солиққа тортиш тактикаси яна самара беради. Шу жиҳатдан олганда солиқ сиёсатининг тактикаларининг самара бериши уларнинг даврийлик ва иқтисодиётнинг ҳолати жиҳатдан қўлланишига боғлиқлигини билдиради. Солиқ стратегияси сингари солиқ сиёсати тактикаларининг ўзгарилишига маълум бир омиллар таъсир этиб боради.

<sup>21</sup> Солиқ сиёсати тактикасини изоҳлашда ушбу терминни доим кўплик маъносида ишлатиш мақсадга мувофиқ, сиёсатда битта тактика бўлиши унинг мазмунини йўқотади.



7-расм. Солиқ сиёсати тактикаларига таъсир этувчи омиллар.

Келтирилган расмдан кўриш мумкинки, солиқ сиёсати тактикаларига умуминсоний ва умуммиллий кадриятлар, жаҳон бозори конюктурасининг нобарқарорлиги ва турли хил инқирозлар, миллий қонунчиликнинг ўзгариши ва янги қонунларнинг юзага келиши, келгуси (жорий) йил учун устувор вазифаларнинг мазмуни, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолати, ички бозордаги товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниш ҳолатини мувофиқлаштириш зарурлиги ҳамда турли хил “форс-мажор” ҳолатлар каби омиллар таъсир қилади. Бу ерда умуминсоний ва умуммиллий кадриятлар сифатида кекса ёшдаги аҳоли, туғма ногиронлар, тарихий обидалар, миллатлар ўртасидаги миллий кадриятлар(анъаналар), балоғат ёшига етмаганлар, инсонпарвалик ёрдамлари ва шу қабилар назарда тутилиб, уларнинг юзага келиши албатта барча давлатларнинг солиқ сиёсати тактикаларига таъсир қилади. Ўз навбатида ички бозордаги товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниш ҳолатини мувофиқлаштириш зарурлиги эса ялпи ички маҳсулот ва унинг истеъмолида инсон соғлиги учун зарарли бўлган маҳсулотлар(масалан, алкоғолли, тамаки маҳсулотлар)ни улуши ортиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг ортиши ва унинг истеъмол даражасининг пасайиб кетиши ва

аксинча ҳолатларнинг юз бериши солиқ сиёсати тактикаларини ўзгартиришга олиб келади.

*Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги шароитида Республикамиз солиқ сиёсатининг тактикалари сифатида қўйидагиларни келтириши мумкин: Солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юқини иқтисодий ривожланишнинг даражасига монанд ҳолда босқичма-босқич камайтириб бориш.*

- Солиқ қонунчилигини ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириб борилиш;
- мавжуд солиқ турларини қисқартириш, уларни унификациялаштириш ва асосий солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини қисқартириб борилиши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ тизими орқали мунтазам қўллаб-қувватланиши;
- реал сектор корхоналарини, шунингдек, экспортёр корхоналар фаолиятини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантирилиши;
- банкларнинг капиталлашувини ошириш ва уларнинг инвестицион фаолиятида солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролининг кучайтирилиши;
- солиқ маъмурчилигининг соддалаштирилиши, солиқ имтиёзлари ва преференцияларини ошириб борилиши;
- турли назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви ва солиқ текширувларининг қисқартирилиб борилиши;
- импортни тартиблаш ва экспортни рағбатлантириш жараёнининг ошириб борилиши;
- солиқларнинг социаллашувининг кучайтирилиши;
- силлий иқтисодиётда реинвестициялашувнинг ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролининг ошириб борилиши ва шу қабилар.

Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатининг тактик йўналишлари ўзаро боғлиқ ҳолда ва бир-бирини тўлдириб бориш хусусиятларига эга. Ушбу солиқ сиёсатининг тактикаларининг умумий йўналиши ва уларнинг натижавийлиги миллий иқтисодиётимизда макроиқтисодий ўсиш барқарорлигини ошириб бориш ҳамда солиқ тўловчилар зиммасида қулай солиқ юқи даражасида давлат бюджетини зарурий маблағлар билан таъминлашга қаратилгандир.

Солиқ сиёсатида унинг стратегияси ва тактикаларига хизмат қилувчи концепциясига ҳам эга бўлиши мумкин. Концепция сўзининг луғавий маъноси лотин тилидан олинган бўлиб, "conceptio —тушуниш, англаш, фаҳмлаш,

тизим", "conspirege-фикрлаш, мулоҳаза қилиш" деган маъноларни англатади. Концепция жараёнларни ўрганишда икки хил тартибда қўлланилади. Биринчиси бу ўрганилаётган жараённинг ривожланишини тизими сифатида тушунилса, кейингиси жараённи ривожлантириш ва унинг йўналишларининг маълум бир жиҳатларини тизим шаклида ифодалаш тушунилади. Солиқ сиёсатининг концепцияси эса унинг стратегиясининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда унинг айрим олинганлар ўзаро боғлиқ тактик йўналишларини илмий асосланган ҳолда ўзида акс эттиради. Шу жиҳатдан ҳам у оралик тактикалар ҳам деб юритилади. Бундан ташқари солиқ сиёсатининг концепцияси солиқ сиёсатига оид турли хил бир неча йўналишларнинг кетма-кетлигини ифодалайдиган илмий қарашлар сифатида ҳам тавсифланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ва Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг асарларида Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатининг концепциялари сифатида бир қатор тактик йўналишларини келтириб ўтилган. Хусусан, солиқ юки, солиқ преференциялари, солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмурчиликни қўллаш борасидаги Президентимизнинг солиқ концепциялари ҳаётда ўз самарасини бермоқда.

### **6.3. Солиқ сиёсатининг самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар**

Ҳар қандай солиқ сиёсатининг қўлланилиши ва унинг натижаларига қараб унинг самарадорлигини изоҳловчи кўрсаткичлар орқали таҳлил қилиш солиқ сиёсатининг стратегияси, концепция ва тактикаларининг қанчалик пухта ишланганлиги ва унинг амалга оширилганлигини билдиради. Солиқ сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга солиқ юкининг пасайтирилишига мувофиқ бюджет даромадларининг кўпайиши (ёки камайиши), ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши (ёки камайиши), инвестицияларнинг самараси, аҳолининг реал пул даромадларининг ошиши (камайиши), истъомолнинг ортиши (қисқариши), нархлар даражаси ва шу каби кўрсаткичлар кириб, бу каби кўрсаткичлар амалга оширилган (оширалаётган) солиқ сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи умумий хулосаларни беради. Иккинчи гуруҳга кирувчи кўрсаткичлар эса бевосита солиқ сиёсатининг ички механизмларининг самарадорлигини тавсифлайди. Улар жумласига эса қуйидагилар киради:

*Солиқ тўловчиларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариши.* Бу кўрсаткич муаян вақт (бир йил) давомида жами янгидан ташкил этилган ва тугатилган юридик шахсларнинг ўртасидаги нисбат билан, жами солиқ

тўловчилар таркибидаги миқдор ва сифат ўзгаришларнинг нисбатини солиштириш орқали аниқланади. Солиқ тўловчиларнинг миқдори ва сифат ўзгариш кўрсаткичлари солиқ тўловчилар фаолиятининг солиқ тўлаш борасидаги самарадорлигини кўрсатади. Агар, солиқ тўловчиларнинг сони ошган шароитда бюджетга солиқ тушумлари ва ишлаб чиқариш даражаси ўсмайдиган бўлса, демак, солиқ сиёсатининг тактикаларининг қайси бирларининг қўлланиши самара бермаётганлигини кўрсатади ва аксинча.

*Солиқ юкининг нормал (халқаро мезон даражада: 30-35 фоиз) даражада сақланиши.* Солиқ юкининг даражасининг умумий мезонлар даражасида сақланган ҳолатининг ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва солиқ тушумларининг даражасига таъсирини баҳолаш солиқ сиёсатининг қандай самара бераётганлигини тавсифлайди. Юқори солиқ юки даражаси сақланган шароитда ҳам бюджетга солиқ тушумлари даражасининг камайиб кетиши ҳолати юз бериши бу борадаги солиқ сиёсатининг самарасизлигини кўрсатади.

*Давлат бюджетининг бажарилиши ҳолати.* Бунда давлат бюджетининг бажарилиши тақчиллик ёки профицит кўрсаткичлари билан амалга оширилганлигига асосланади. Бунда ҳам давлат бюджетининг бажарилиши тақчиллик кўрсаткичлари умумий даража (халқаро миқёсда нормал ҳолат деб қабул қилинган ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз атрофида) далиги ёки ундан баланд кўрсаткичга эгаллиги солиқ сиёсатининг етарлича самара бермаётганлигини кўрсатади. Бюджетнинг бажарилиши тақчилликнинг меъёрдалиги ёки профицит кўрсаткичларига эгаллиги эса солиқ сиёсатининг самарадорлигини тавсифлайди.

*Солиқ имтиёзларининг берилиши ва уларнинг самара бериши даражаси.* Бунда солиқ имтиёзларининг нима мақсадда берилганлиги ва ушбу мақсадга эришилганлигини аниқланади. Бунда солиқ қонунчилиги ва бошқа ҳукумат даражасидаги қарор ва фармонларга кўра берилган солиқ имтиёзлари сўммаларининг бюджетга қайтиши, корхоналарнинг сақланиб қолинганлиги, иш ўринларининг яратилганлиги, маҳсулот таннархининг ошганлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошганлиги, аҳоли рал пул даромадларининг ортанлиги, инвестиция ҳажмининг ортиши, солиқ тўловчилар сонининг ошиши, янги ташкил этилган корхоналарнинг бозорда "яшаб қолиши" ва рақобат муҳитига мослашиб кетиш даражаси ва шу каби кўрсаткичлар солиқ имтиёзининг нима мақсадда берилишига қараб уларнинг самарадорлиги аниқланади. Бу каби кўрсаткичлардаги ижобий тенденциялар солиқ имтиёзлари борасидаги давлат сиёсатининг самарадорлигини билдиради.



*Солиқ қарздорлигининг даражаси.* Солиқ турлари ва солиқ тўловчилар гуруҳи(тармоқлар, аҳоли табақалари) бўйича солиқ қарздорлигининг даражаси ҳам солиқ сиёсатининг самардорлигини тавсифлайди. Унинг даражасининг камайиб бориши бу борадаги солиқ сиёсати тактикаларининг самара бераётганлигини билдиради, аксинча даражаси эса солиқ сиёсатининг етарлича самара бераётганлиги кўрсатади. Бу кўрсаткични аниқлаш ва тҳлил қилишда шунингдек, солиқ қарздорлигининг ошишига таъсир этувчи омилларнинг таҳлилига ҳам эътибор бериш бу борадаги солиқ тактикаларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

*Импорт ва экспорт операцияларининг умумий ҳажмининг даражаси.* Муаян вақт давомида импорт ва экспорт операцияларнинг ўсиш ва камайиш даражалари ҳам солиқ сиёсатининг самарадорлигини характерлайди. Бунда бож тўловларининг ошиши билангина эмас, балки, импорт ва экспорт операцияларида ижобий(экспортнинг импортдан ортиқлиги) ёки салбий фарқ(импортнинг экспортдан ортиқлиги)нинг ошиши ёки камайиш ҳолатларига, миллий иқтисодиётда етишмаётган маҳсулотларнинг таъминланишида импорт самараси ва экспорт операциялари бўйича валюта захираларининг ортиши каби кўрсаткичлар ҳам асос қилиб олинади. Бунда шунингдек, экспорт маҳсулотларининг диверсификациялашуви ва унинг таркибий ўзгариш даражалари ҳам муҳим кўрсаткичлардан саналади.

*Давлат миқёсида бошқа давлатлар билан иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олишга қаратилган халқаро шартномаларнинг сони ва уларнинг амал қилиш даражаси.* Бошқа давлатлар билан иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олишга қаратилган халқаро шартномаларнинг сони ва уларнинг ишлаши давлатнинг халқаро даражадаги солиқ сиёсатининг самардорлигини изоҳлайди. Имзоланган шартномаларнинг амалий реализацияси халқаро даражада солиққа тортиш борасидаги ишларнинг ижобий жиҳатларини кўрсатади. Халқаро даражада имзоланган шартномаларнинг етарли даражада ишласлиги халқаро солиққа тортиш борасидаги солиқ сиёсатининг тактикаларига ўзгартириш киритишни кўрсатади.

*Солиқ тизимида махсус солиқ режимларининг қўлланилиши ва уларнинг самараси.* Солиқ сиёсатининг самарадорлигида миллий иқтисодиёт даражасида махсус солиқ режимлари ва солиққа тортиш тартибларининг қўлланилиши оқибатида иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар ҳам солиқ сиёсатининг самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бошқа кўрсаткичлар. Солиқ сиёсатининг самарадорлигини бошқа кўрсаткичлар жумласига солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятининг

ошганлиги, солиқ хизмати органлари ходимларининг хизмат маданияти даражаси, солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботларининг ўз вақтида топширилиш даражаси, солиқ тўловчиларга қўлланилган жарималарнинг даражаси ва унинг ҳолати, солиқ тўловчилар томонидан солиқларни ундириш билан шуғулланувчи органларнинг фаолиятдан қониқиш даражаси, хўжалик судларида солиққа оид баҳсли ишларнинг кўрилиш даражаси ва шу каби кўрсаткичлар қиради ушбу кўрсаткичларнинг даражаси уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, солиқ сиёсатининг самарадорлигини тавсифлайди.

Таянч сўз ва иборалар:

*Солиқ сиёсати йўналишлари, солиқ сиёсатини баҳоловчи кўрсаткичлар, солиқ сиёсатининг йўналишлари, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойиллари, солиқ сиёсатининг асос таъсири, солиқ сиёсати ва бошқа сиёсат шаклларидаги узвий боғлиқлиги, солиқ сиёсати босқичлари.*

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Солиқ қарздорлигининг даражаси деганда нима тушунилади?
2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойилларини изоҳлаб беринг.
3. Солиқ сиёсати стратегиясининг моҳиятини тушунтириб беринг ва унга таъсир этувчи омилларни санаб беринг.
4. Солиқ сиёсати тактикаси нима? У қандай амалга оширилади?
5. Солиқ сиёсати концепциясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
6. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг стратегик ва тактик йўналишларини изоҳлаб беринг.
7. Солиқ тўловчиларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариши деганда нима тушунилади?
8. Солиқ тўловчиларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришини тушунтириб беринг.

## 7-БОБ. БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

### 7.1. Давлатнинг бюджет сиёсати

Молиянинг муҳим бўғини бўлган "бюджет" категориясининг луғавий маъноси эски норманд тилидан "bougette"-сумка, ҳамён, теридан ишланган сумка, пул сақланган сумка каби маъноларни англатган бўлса, кейинчалик бу сўз инглиз тилига ҳам айнан "budget"-сумка, ҳамён, портфел тушунчаларни ифодалашга ва ҳозирги замонда эса давлатнинг даромад ва харажатлари баланси сифатида ҳам ишлатилади. Бюджетнинг луғавий маъносининг бундай келиб чиқиши асосан XVI—XVII асрларда Англияда обшинлар палатаси(парламент)да киролга ажратилган субсидиялар миқдорини тасдиқлаш ҳамда давлатнинг даромад ва харажатлари акс эттирилган хужжатни ошкор қилишда молия вазири томонидан ушбу хужжатларни сумка(портфел)да олиб келиб уни палатага тақдим қилиниши билан боғлиқдир. Яъни, давлат даромадлари ва харажатларини акс эттирувчи сумка очилиши назарда тутилган ҳолда инглиз тилида ушбу жараёни акс эттириш ҳолати "budget"-сумка, ҳамён, портфел каби маъноларга эга бўлиб қолди. Таъкидлаш керакки бюджет бу давлатчиликнинг барча босқичларида мавжуд бўлмаган. Баъзи ҳолларда(айниқча давлатчиликнинг дастлабки вақтларида) давлат даромадлари билан давлат бошлигининг даромадлари умумий бўлган, кейинчалик давлат хўжалигининг такомиллашиб, давлат молиясининг манбалари сифатида солиқлар асосий роль ўйнай бошиши билан давлатнинг ўз функцияларини бажаришга қаратилган маблағларни акс эттирувчи алоҳида фондлар шакллантирила бошланди. Аммо, ушбу фондларни режалаштириш ва тасдиқлаш жараёни асосан тор доирада амал қилар эди.

Давлат молиясини шакллантирилиши ва ривожланишида бюджет катта аҳамият касб эта борди. Бюджетнинг юзага келишининг дастлабки даврларида уни тузишда харажатлар ва даромадларнинг бўрттириб кўрсатиш ҳоллари кўп учраши, бюджетга ундирилган солиқлар ва бошқа даромадлар ҳақида маълумотлар ва уларни ундириш билан боғлиқ харажатлар бюджетда акс эттирилмас эди, бундай ҳолатларнинг олдини олиши мақсадида ялпи бюджет ёки брутто-бюджетни шакллантирила бошланди. Брутто-бюджет асосан 1818 йилда Францияда, 1858 йилда Англияда ва Россияда 1863 йилдан бошлаб тузила бошланди. Брутто-бюджет ўзида барча даромадлар ва

харажатларни рўйхатга олиниши билан аввалги бюджетдан ажралиб туради. Унда қанча солиқлар тўланганлиги ва уларнинг қанчаси давлат бюджетига келиб тушаётганлигини кўриш мумкин бўлади. Давлат молияси тизимида даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш жараёнининг такомиллашуви кейинчалик, яъни XX асрда унинг консолидациялашган (жамланган) шакли юзага кела бошлади, айниқса бу собиқ совет иттифоқи давридаги бюджет тузилишида ўз аксини топди. Консолидациялашган ёки жамланган бюджет бу мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли даражадаги бюджетларни ҳамда давлат мақсадли пул фондларини ўзида акс эттиради. Консолидациялашган бюджетнинг таркиби ҳар бир давлатнинг молия сиёсатидан келиб чиқиб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида ҳам консолидациялашган бюджетни тузиш ва уни ижро этиш амалиётидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси(45-моддаси)га мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ўз таркибига Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси маблағларини бирлаштиради.

Ҳар қайси даражадаги бюджет ўзига хос бир қатор белгилар ва хусусиятларга эга бўлади. Давлат бюджетининг биринчи белгиси бу унинг давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ифодалашидир. Ҳар қайси давлатнинг бюджет тизими ушбу давлатнинг ўтган, жорий ва яқин(3-5) йиллардаги иқтисодий ва социал соҳадаги сиёсатини кўрсатиб беради. Давлат бюджетининг даромадлари унинг солиқ ва фискал сиёсатининг хусусиятларини кўрсатиб берса, унинг харажатлари давлат функцияларининг мазмунини акс эттиради. Агар, бюджет харажатларида бошқарув ва мудофаа харажатлари катта улушни эгалласа, бу давлатнинг маъмурийлашган функцияларининг кучайганлигини кўрсатади, агар, ижтимоий соҳага харажатларнинг ошиши кузатилса, давлатнинг фаолиятининг ижтимоийлашуви ва унинг ички сиёсатининг муътадиллигини характерлайди. Шу жиҳатдан олганда бюджет тизими давлат сиёсатини кўрсатувчи ва аниқловчи иқтисодий мезон сифатида намоён бўлади. Давлат бюджетининг кейинги белгиси бу режалигидир. Ҳар қайси бюджет ўзида давлатнинг молиявий фаолиятининг режасини акс эттиради. Бюджетни режалаштириш унинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Давлат бюджетини режалаштириш ўзида давлатнинг ижтимоий хизматларининг даражасини белгилаб беради, шу билан биргаликда жамият миқёсида яратилган миллий даромадни уни яратувчилар ва давлат ўртасида тақсимланиш чегарасини ҳам аниқлашга хизмат қилади. Давлатнинг ижтимоий хизматларининг

даражасининг режалаштирилиши унга тенг(ёки бошқача миқдорда) равишда миллий даромаднинг давлат ихтиёрига олинисини тақозо қилади. Бюджетни режалаштириш эса кенг камровли жараёнларни: солиқларни режалаштириш, солиқларни прогноз қилиш, солиқ салоҳиятини аниқлаш, молиявий потенциални аниқлаш, харажатларнинг минимал миқдорини аниқлаш ва асослаш каби жараёнларни ҳам қамраб олади. Бу эса ўз навбатида давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширувчи бир қатор ваколатли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Давлат бюджетининг яна бир муҳим белгиси у ўзида давлат бошқарувининг демократлашувини ифодалайди. Дунёнинг аксарият давлатларида давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилишда халқ ҳокимияти(парламент) ҳамда жамоат назоратига асосланади. Халқ вакиллик органлари давлат бюджетини тасдиқлаб ва унинг ижросини бўйича ижроия ҳокимиятларининг ҳисоботини тасдиқлаш тартиби бу давлат бошқарувининг демократлашувини кўрсатади. Бошқа жараёнлар(масалан, пул кредит сиёсати, инвестиция сиёсати ва ш.к.)дан фарқли ўлароқ давлат бюджетини давлат бошқарувининг демократлашувини ўзида кўпроқ акс эттиради. Давлат бюджетининг яна бир муҳим хусусиятлари(белгилари)дан бири шуки, у орқали давлатга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўловчиларнинг тўлаган мажбурий тўловларининг қаерга ва нима мақсадда сарфланганлиги кўрсатиб беришлигидир. Солиқ тўловчилар ўзлари тўлаган солиқларидан нафлиги даражасини билиши уларнинг солиқ сиёсатининг мазмунини тушуниб етиши ва уларда солиқ маданиятининг ошишига хизмат қилади. Шу боисдан 19-асрнинг охиридан то ҳозирги даврда ҳам давлат бюджетининг очиқлиги тамойили амал қилиб келади. Давлат бюджетини мазмунан балансли бўлиши тақозо этилади ва бу унинг муҳим белгиси ҳисобланади. Аммо, давлат бюджетини даромадларининг шаклланиши эҳтимолликка ва мавҳумликка асосланганлиги сабабли жаҳон амалиётида уни тақчиллик билан режалаштириш амалга оширилади ҳамда ушбу тақчилликни қоплашнинг молиявий манбалари ҳам режалаштирилади. Давлат бюджетининг харажатлари аниқ бўлади, унинг миқдорини ошириш қийин эмас, аммо даромадларнинг аниқ келиб тушиши(баъзан харажатларга нисбатан кўпроқ келиб тушиши ҳам мумкин) аниқ бўлмайди, шу боисдан амалиётда давлат бюджетининг ижросида балансли жараён юзага чиқмай қолиши мумкин. Давлат бюджетининг баланслиги белгиси шуни изоҳлайдики, харажатлар ва даромадлар бир бирига даромадларнинг эҳтимоллигини эътиборга олган мослаштирилиши таъминланади ва ўз

навбатида бюджет тақчиллигини режалаштириш ва уни бошқариш(молиявий манбасини аниқлаш)ни тақозо этади.

Давлат бюджетини миллий даромаднинг бир қисмини ўзида жамлаб, уни яна миллий иқтисодиётга турлича тарзда тақсимлаб беради. Бунда кўпроқ ноишлаб чиқариш соҳасига маблағларни йўналтиради. Ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган маблағлар эса ўз навбатида ишлаб чиқариш соҳасида тўғридан-тўғри ёки билвосита ўтади. Бу эса давлат бюджетининг соҳалар ўртасидаги нисбат(пропорция)ни таъминлаш функциясини бажаришлигини кўрсатади. Давлат бюджетининг кейинги функцияси миллий даромаднинг бир қисмини қайта тақсимлаш орқали ижтимоий мувозанатни таъминлаш ҳисобланади. Давлат бюджетини орқали даромадлар қайта тақсимланиб, турли қатламлар ўртасидаги мувозанат таъминланади, ижтимоий ҳимоя амалга оширилади, кам таъминланган қатлам аҳоли ҳамда иқтисодиёт учун муҳим бўлган соҳалар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланади, провардида ҳам иқтисодиётда, ҳам ижтимоий соҳада муозанатлар таъминланади. Давлат бюджетининг муҳим функциялари қаторига унинг даромадларни мувофиқлаштириш ва капиталлар оқимини бошқаришдир. Давлат ўзининг молиявий сиёсатида даромадлар ва капиталлар оқимини бошқариш(мувофиқлаштириш) орқали жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мувозанатни таъминлашга ва иқтисодиётнинг бир маромда ривожланишига ҳаракат қилади. Бунини эса давлат бюджетини орқали амалга оширади. Давлат бюджетини орқали иқтисодий сектордан маблағлар кўпроқ ёки камроқ олинисини улардаги капиталларнинг ҳаракатини ҳамда давлат ихтиёрига келиб тушган маблағларнинг ҳаракати бошқарилади(мувофиқлаштирилади). Агар, иқтисодиётда кўпроқ қолдирилган маблағлар(ҳаддан ташқари солиқ юқининг камайтирилиши)да инвестициядан кўра кўпроқ жамғарилишга мойиллик кучайса, у ҳолда давлат иқтисодиётдан маблағларни кўпроқ бюджетга жалб қилиш орқали уларни иқтисодиётга қайта тақсимлашга ҳаракат қилади ва шу орқали капиталнинг қотиб қолишига йўл қўймайди, албатта бу жараёнда доимо давлат бюджетини қатнашади. Шунингдек, давлат бюджетини молия тизимининг асосий бўғини сифатида молияга тегишли бўлган тақсимлаш, назорат, рағбатлантириш ҳамда тартиблаш функцияларини ҳам амалга оширади.

## 7.2. Солиқ-бюджет сиёсати усуллари

Солиқ-бюджет сиёсати иқтисодий сиёсатнинг “ядроти” ҳисобланади ҳамда ўзида жамият институтлари ва аҳоли ўртасидаги молиявий

муносабатларни яққол ифодалайди. Айтиш мумкинки, солиқ-бюджет сиёсати макроиктисодий барқарорликни таъминлашнинг бош омилидир. Солиқ-бюджет сиёсатини юритишда икки дастак мавжуд. Булар давлат даромадлари билан харажатлари бўлиб, уларни билвосита ва бевосита усуллар деб аташ мумкин. Буни қуйидаги расм орқали ҳам ифодалаш мумкин:



**8-расм. Солиқ-бюджет сиёсатини юритиш дастаклари<sup>22</sup>**

Солиқ-бюджет сиёсатининг билвосита усуллари бўлиб, солиқлар ва солиқсиз тўловлар орқали иктисодиётга таъсир кўрсатиш каби тадбирлар ҳисобланади. Солиқ ставкаларининг ўзгариши, солиқлар бўйича имтиёзлар тақдим этиш ёхуд уларни бекор қилиш, турли хил тўловларни жорий қилиш каби билвосита усуллар орқали мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий вазиятга таъсир кўрсатиш мумкин, бунда солиқ тўловчиларнинг моддий қизиқишлари солиқ сиёсатидаги ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Солиқ-бюджет сиёсатининг бевосита усуллари эса бюджетнинг харажатлар қисми орқали ижтимоий-иктисодий вазиятга таъсир кўрсатиш киради. Тармоқларни молиялаштириш харажатлари миқдорини ўзгартириш, ночор корхоналарга дотациялар ажратиш, субвенциялар бериш, бюджет ссудаларини ажратиш, улар бўйича имтиёзлар жорий қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун кафолатлар бериш каби тадбирлар солиқ-бюджет сиёсатининг тўғридан-тўғри усуллари ҳисобланади. Солиқ сиёсати давлатнинг бюджет даромадларини оптимал шакллантириш ва давлат харажатларини оқилона сарфлаш учун солиқ олишни такомиллаштириш соҳасидаги сиёсати тушунилади. Айни пайтда, солиқ сиёсати ишлаб чиқаришни ўстиришга ва унинг самарадорлигини оширишга, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

Солиқ сиёсатининг хусусияти шундан иборатки, у нафақат давлатнинг даромадлар базасини таъминлаш ва келиб тушган пул маблағларини харажат

қилиш, балки жамиятда макроиктисодий барқарорликни ҳамда инфляциянинг паст даражасини, аҳолининг мақбул бандлигини таъминлаши зарур.

Солиқ сиёсати тор маънода макроиктисодий барқарорлик ва мустаҳкам иктисодий ўсиш, иктисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, ташқи иктисодий фаолиятни ва босқичма-босқич валюта бозорини эркинлаштириш, аҳолининг барқарор моддий фаровонлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини ошириш каби умумдавлат макроиктисодий вазифаларини таъминлашга йўналтирилган.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия-иктисодий муносабатлардан келиб чиқади. Давлат солиқ сиёсати республика иктисодиётини барқарорлаштириш, ижтимоий ҳимояланган, эркин бозор иктисодиётини бошқаришга ҳар томонлама таъсир кўрсатади.

Солиқлар пул муносабатларини ифода этиб, иктисодий муносабатларнинг таркибий қисми, бозор иктисодиётининг зарурий қисмидир. Солиқ сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши учун у илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Бунинг учун солиқ муносабатлари чуқур ўрганилиб, ундан илмий хулосалар чиқаришимиз лозим.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қуйидаги йўналишларига катта эътибор берилди:

1. ҳар хил мулк шаклларига мосланган корхона ва ташкилотларнинг хўжалик юритишига мумкин қадар иктисодий шароит яратиш, уларни ҳар томонлама бозор муносабатларига кириб боришига ёрдамлашиш;
2. Умумдавлат ижтимоий зарурий вазифаларни бажариш учун давлатни зарур бўлган молиявий манбалар, маблағлар билан таъминлаш;
3. Бозор иктисодиёти шароитида янги ижтимоий иктисодий омилларни ташкил қилишда қатнашиш, ишсизликни бартараф этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, иктисодий ночорларга ёрдам бериш.
4. Аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёردа сақлаб туриш имконини излаш ва таъминлаш.

Солиқлардан комплекс фойдаланиш халқ хўжалиги тармоқларини қайта қуришга, ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратишга, хўжаликлар ва аҳолини товар сотиб олиш қобилиятини бошқариб туришга ва пулнинг кадрсизланиш жараёнини (инфляциясини) жиловлаб туришга имкон беради. Пулнинг кадрсизланишига қарши чоралар кўриш кам сарфлаб, топилган даромадларга солиқ прогрессиясини ошириш билан ҳам амалга оширилади.

<sup>22</sup> Ваҳобов А. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2005. 112-бет

### 7.3. Солиқ-бюджет сиёсати тамойиллари

Солиқ сиёсатини амалиётда амалга ошириш нуқтаи назаридан бирламчи вазифалар ўртасида тўғри мувофиқликни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, солиқ сиёсати доирасида умумий стратегияни ишлаб чиқиш билан бир қаторда навбатдаги амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларга фақат тўғри урғу бериш орқали муваффақиятга эришиш мумкин. Бозор муносабатларига ўтишнинг муайян босқичи вазифаларига мос равишда солиқ-бюджет сиёсати дастаклари ҳам ўзгариб боради. Миллий иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаларидан бири давлат бюджети даромад ва харажатлари мувофиқлигини таъминлашга қаратилган.

Давлат солиқ-бюджет сиёсатининг стратегик вазифаси давлат харажатларини тузилмавий қайта қуришни, даромадларнинг янги манбаларини излаб топишни, иқтисодий мустақилликни ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш учун ривожланаётган бозор иқтисодиёти механизмларига мақсадли таъсир кўрсатишни йўналтиришдан иборат. Бунда солиқ-бюджет сиёсати давлатнинг бюджет даромадларини бюджет харажатлари таркибий тузилишининг ўзгаришига қараб шакллантириш, даромадларни оқилона сарфлаш механизмининг ишлаб чиқиш соҳасидаги сиёсат тушунилади. Давлат солиқ-бюджет сиёсати давлат даромадлари ва харажатларини рационал шакллантириш, бюджет бўғинлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда маҳаллий бюджетлар манфаатларини мувофиқлаштириб туришни таъминлаши лозим<sup>23</sup>. Айни пайтда, солиқ-бюджет сиёсати ишлаб чиқаришни ўстиришга ҳамда унинг самарадорлигини оширишга, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ сиёсатининг асосий вазифаси иқтисодиётда ишлаб чиқариш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун солиқ сиёсати соҳасида солиқ ставкаларини пасайтириш, янги инвестициялар учун солиқ имтиёзларини бериш, тезлаштирилган амортизацияни қўллаш каби тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистондаги солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ва солиқ-бюджет сиёсатининг ўзаро боғланганлиги ва бир-бирини тўлдириши;
- солиқ сиёсатининг макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий юксалишини рағбатлантиришга эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги;
- солиқ йиғимини оқилона усулда ташкил этиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини таъминлаш;
- бюджет харажатларининг ижтимоий мақсадларга йўналтирилганлиги.

Бир бутун олган мамлакат ҳукумати томонидан ўтказилаётган солиқ сиёсати давлат хазинаси билан солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ва бюджет харажатларининг энг мақбул тузилмаси ўртасидаги ўзаро нисбатнинг самарадорлигига эришиш имконини яратди. Ўз навбатида, даромадлар бўйича бюджетнинг барқарор ва тўлақонли ижроси бюджетда белгиланган барча тадбирларни ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни таъминлайди. Макроиқтисодий жиҳатдан эса давлатнинг самарали бюджет-солиқ сиёсати инвестиция иқлимини яхшилаш, молиявий барқарорлик, пул ва молия бозорлари ривож, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва аҳолининг реал даромадлари ўсишига имкон беради.

Солиқ сиёсати асосига бюджетга солиқ тушумлари ҳажмларини солиқ ставкаларини ошириш ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқаришни тегишли тармоқларини ва маҳсулотнинг устувор турларини рағбатлантириш воситасида солиқ солиш базасини кўпайтиришга имкон яратадиган чоралар ҳисобига ошириш зарурлигига асосий эътиборни қаратиш лозим. Солиқ сиёсати солиқларнинг жамиятдаги ролини белгилайди. Солиқларнинг устқурма тартибининг субъектив ҳодисаси сифатидаги аҳамияти давлат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу аҳамият доимий ҳаракатда бўлиб, бутун халқ ҳўжалигининг манфаатлари ва мақсадларини жамлама кўринишида акс эттирилган ҳолда давлат сиёсатини ўзгаришига боғлиқдир.

Солиқ сиёсати самарасини пасайтирадиган омиллардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- нархларнинг ўсиши (ҳақиқатда иқтисодиётни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар нафақат реал ЯММ кўпайишига, балки инфляцияга ҳам олиб келиши мумкин);
- сиқиб чиқариш эффекти: солиқ ставкаларини камайтириш миллий жамғармаларни қисқартиради ва инвестициялар ҳажмини камайтиради;

<sup>23</sup> Ваҳобов А. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Iqtisod-moliya, 2005. 115-бет

- соф экспорт эффекти: соликларни қискартириш миллий жамғармалар миқдорини камайтиради, ички фоиз ставкасини оширади, хорижий сармояларнинг кўшимча оқиб келишига олиб келади: натижада мамлакат валютасининг курси ошади ва соф экспорт миқдори қисқаради.

Ўқоридагилардан келиб чиқиб, шунини таъкидлаш мумкинки, бюджет даромадларини кўпайтиришдаги солиқ сиёсатининг ечими солиқ тизими ва солиқ сиёсати билан боғлиқдир.

Бюджет солиқ сиёсати давлатнинг иқтисодий сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Чунки, бюджет-солиқ сиёсати орқали давлатнинг социал, ижтимоий, ташқи иқтисодий ҳатто ташқи сиёсатига ҳам таъсир этилади, баъзи ҳолатларда қайд этилган сиёсатнинг стратегик йўналишларини белгилашда ҳам бюджет-солиқ сиёсатининг мазмунига боғлиқ бўлиб қолади. Бюджет-солиқ сиёсати нима? Унинг илдизи қаерга бориб тақалади?

Таъкидлаш лозимки, бюджет-солиқ сиёсати тақсимот муносабатларига бориб тақалади. Сабаби давлат ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасига бўлиниб қолган жамиятни бир маромда ушлаб туриш учун бу икки соҳа ўртасида пропорция(тенглик)ни таъминлаши лозим бўлади, аслини олганда давлатнинг жамиятда синфий сиёсий куч сифатида юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий омили ҳам айнан соҳалар ўртасидаги пропорцияни таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади. Ушбу зарурлик эса давлат томонидан марказлаштирилган пул фондларини юзага келтириш, унинг даромад манбаларини шакллантириш ҳамда ушбу даромадларни ноишлаб чиқариш соҳаси бўғинлари ўртасида тақсимлаш жараёнларини вужудга келтиради. Бу ердан кўринадики, бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаги миллий даромадни соҳалар ўртасида тақсимлашнинг заруриятига бориб тақалади.

Хулоса чиқадики, бюджет-солиқ сиёсати давлат томонидан миллий даромадни уни ишлаб чиқарувчилар ва жамиятга ижтимоий хизматлар кўрсатувчи давлатнинг ваколатли органлари ўртасида тақсимлаш муносабатларини қамраб олади. Ушбу муносабатлар иқтисодий муносабатлардан ташқари социал, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик муносабатларни ҳам қамраб олади. Шундан келиб чиққан ҳолда бюджет сиёсати деганда миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёнида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш, ушбу фондлар ўртасида ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш(тартиблаш), шунингдек, мазкур фондларнинг бошқа иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ жараёнларни мувофиқлаштиришга қаратилган давлатнинг мақсадли кенг қамровли чора-тадбирлари йиғиндиси тушунилади.

Солиқ сиёсати деганда эса бизнингча соликларни жорий этиш, уларни ундириш механизмларини яратиш(шакллантириш) ҳамда ушбу жараёнларни янада такомиллаштириш юзасидан давлатнинг мақсадли кенг қамровли чора-тадбирлари тушунилади. Албатта, бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлиги уни амалга оширишнинг усуллари ва механизмлари билан бир қаторда уни ишлаб чиқиш тамойилларининг аниқлигига ҳам боғлиқ бўлишини таъкидлаш лозим. Таъкидлаш ўринлики, бюджет тизимининг тамойиллари билан бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойиллари бир-бирдан фарқланади. Бюджет тизими тамойиллари бюджетнинг тузилиши, уни ижро этиш ва уни тартиблаш масалаларининг умумий йўналишларини кўрсатиб берса, бюджет-солиқ сиёсати тамойиллари эса муаян даврга мўлжалланган бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида қайси омиларни эътиборга олишнинг асосий йўналишларини ифодалайди.

Бизнинг фикримизча Республикамызда бюджет-солиқ сиёсатини шакллантиришда ва уни ижро этишда қуйидаги тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқ:

- Иқтисодий сиёсатнинг устуворлиги(солиқ юкини камайтириш, соликларни уңификациялаш, солиқ ставкаларини босқичма- босқич камайтириб бориш, экспортни рағбатлантириш, импортни тартиблаш, тардбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнесни ривожлантириш, миллий бойликни тежаш ва шу кабилар) тамойили;
- Иқтисодиётнинг ҳолати даражаси тамойили;
- миллий хусусият тамойили;
- халқаро келишувлар тамойили;
- илмий таклифлар ва солиқ тўловчилар руҳияти тамойили;
- молиявий ресурсларга эҳтиёжлар тамойили;
- миллий дастурларни амалга ошириш тамойили;
- ҳудудлар ривожланишида ўзаро мувофиқликни таъминлаш тамойили;
- ижтимоий хизматларни минимал молиялаштириш зарурлиги тамойили;
- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари тамойили;
- солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциали ва бюджетни режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги тамойили ва ш.к.

Маълумки, ҳар йили навбатдаги календарь йили учун бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни шакллантирилади. Бу жараёнда энг биринчи масала ҳукуматимиз томонидан миллий иқтисодиётни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазибаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиш лозим. Албатта бюджет-солиқ сиёсатининг диққат

марказида иқтисодиётнинг ҳолати даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этиши керак. Чунки, иқтисодиётнинг умумий даражаси солиқ юкини белгилашда муҳим эътиборга олиниши лозим бўлган омиллардан биридир.

Ўз навбатида солиқ тўловлари бўйича солиқ имтиёзларини белгилашда ҳам иқтисодиётнинг умумий ҳолатини эътиборга олиш зарур бўлади. Шу билан биргаликда бюджет-солиқ сиёсатининг мазмуни миллий хусусият билан боғлиқлиги мақсадга мувофиқдир. Миллий минтақаларнинг ҳисобга олмаган ҳам бюджет-солиқ сиёсатини юритиш унинг ижросига салбий таъсир этиши мумкин. Бюджет-солиқ сиёсатида халқаро келишувлар доирасида тузилган битимларнинг мазмуни ҳам эътиборга олиш талаб этилади, бюджет-солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларининг асосланган натижалари ҳамда бевосита бюджетдан маблағ олувчи ва солиқ тўловчиларнинг бюджет-солиқ сиёсати борасидаги таклиф ва тавсияларини мақбул вариантларини ҳам четда қолдирмаслик ўз моҳиятига эга бўлиши мумкин.

Бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойиллари ичида молиявий ресурсларга эҳтиёжлар ва солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциали ва бюджетни режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги тамойилларига асосланиш унинг самардорлиги юқори бўлишини таъминлаши муқаррардир. Чунки, давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган минимал эҳтиёжини таъминланмаслик давлат томонидан жамиятга кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг ҳам миқдор ҳам сифат жиҳатдан камайиб кетишига, провардида эса, жамият зарар кўриши мумкин, ўз навбатида эса бюджетга солиқ тушумларини режалаштириш, яъни бюджетнинг даромадларининг параметрларини белгилашда солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалини эътиборга олмаслик, режалаштирилган бюджет даромадларининг таъминланмаслиги оқибатда эса юқоридаги муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш жараёнида кўзланган мақсадга эришишда аввало уни ишлаб чиқишнинг тамойилларини тўғри белгилаб олиш ва ушбу тамойилларга асосланган ҳолда унинг ижросини амалга ошириш бюджет-солиқ сиёсатининг самардорлигини оширишнинг муҳим шартларидан саналади.

Таянч сўз ва иборалар:

*Давлат бюджет сиёсати, давлат бюджети, консолидациялашган бюджет, давлат бюджетининг функциялари, солиқ-бюджет сиёсатини юритиш дастаклари, солиқ-бюджет сиёсатини юритишнинг билвосита*

*усуллари, солиқ-бюджет сиёсатини юритишнинг бевосита усуллари, солиқ-бюджет сиёсати тамойиллари.*

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Давлат бюджет сиёсати деганда нима тушунилади?
2. Солиқ-бюджет сиёсати тамойилларини изоҳлаб беринг.
3. Солиқ-бюджет сиёсати юртиш дастакларини изоҳлаб беринг.
4. Солиқ-бюджет сиёсатини юритишнинг билвосита усуллари деганда нима тушунилади?
5. Солиқ-бюджет сиёсатини юритишнинг билвосита усуллари деганда нима тушунилади?
6. Давлат бюджетининг функцияларига нималар кириди?
7. Солиқ-бюджет сиёсати самардорлигини изоҳлаб беринг.
8. Солиқ-бюджет сиёсатини мувофиқлаштириш деганда нима тушунилади?

## 8-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

### 7.1. Мустақилликнинг дастлабки йилларида солиқ тизими хусусиятлари (биринчи босқич)

Республикаимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин мустақил молия-кредит тизимини шакллантириш, уни бозор тамойилларига мос ҳолда ривожлантириш давлатимиз олдидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Маълумки, тоталитар режали иқтисодиётга асосланган тизимда давлат молиясининг муҳим таркибий қисми бўлган бюджетнинг даромадларини шакллантириш асосан корхона ва ташкилотлардан бюджетга мажбурий ажратмалар ҳамда бир неча солиқ турларидан келиб тушадиган маблағлар ҳисобига амалга ошириб келинган, ваҳоланки, давлатнинг бундай шаклдаги бюджет-солиқ сиёсати корхоналарнинг иқтисодий фаолиятдан манфаатдорлигини таъминламаган ҳолда маҳсулот(хизмат)лар сифатини яхшилашда қизиқишларини юзага чиқармаган, провардида эса фақат режа топшириқларни тўла бажариш иқтисодий фаолиятнинг асосий масаласига айланиб қолган эди. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимни шакллантиришга ўтиш бюджет-солиқ сиёсатини тубдан ўзгартиришни тақозо этди.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги киритилган вақтдан бошлаб молия-кредит соҳасидаги иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида мустақил солиқ тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган солиқ сиёсатининг йўналишларини таҳлилий ўрганишни уни маълум бир босқичларга бўлиб ўрганиш солиқ сиёсатининг хусусиятларини очишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва унинг йўналишлари шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин.

#### *Биринчи босқич.*

Бу босқич 1991-1995 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда солиқ сиёсатининг асосий хусусиятлари мустақил солиқ тизимини юзага келтириш борасида солиқларнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш, молия тизими таркибидан солиқларни ундириш билан шуғулланувчи давлат бошқарув органини тузиш, жорий қилинган солиқларни ундиришнинг механизмларини барпо этиш, миллий иқтисодиёт ҳолатига мос солиқ сиёсати стратегияси ва унинг тактикаларини ишлаб чиқиш, мамлакат иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган молиявий механизмлар билан биргаликда солиқлардан самарали фойдаланишни амалга ошириш, прогрессив

солиққа тортиш ва кучли ижтимоий сиёсатга асосланган ҳолда аҳолининг турмуш даражасини пасайишини олдини олиш ва шу қабила билан характерланади.

Қонунчилик базаси яратиш бораси ва республика миқёсида амал қиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш борасида дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 15-февралда иккита қонун «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги қонун, 1993 йил 6-майда эса солиқларга оид бир йўла яна иккита қонун-«Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги ва «Ер солиғи тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги 1991 йил 15-февралда қабул қилинган бўлсада, унинг кучга киритилиши 1991 йилнинг 1-январидан қилиб белгиланди. Бу қонун қабул қилинган вақтда Ўзбекистон ҳали собиқ иттифоқ таркибида бўлиб, унинг молия тизимидаги механизмлардан ҳали халос бўлинмаган эди.

Шу жиҳатдан ҳам мазкур қонунга кўра фойдадан олинадиган солиқ ставкасини қўллаётганда ҳисобга олинадиган рентабеллик энг юқори даражаси унинг тармоқдаги ўртача даражасига нисбатан икки хисса ортиқ ҳолда қабул қилинадиган бўлинди(чунки, собиқ иттифоқ қонунида шундай тартиб мавжуд эди), янги улгуржи, харид, чакана ва смета нархларини ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги тармоқлари бўйича рентабеллик ва унинг ўртача ҳажмини ҳисоблаш тартиби белгиланди, солиқ солинадиган фойда ҳисоблаб чиқилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатларнинг норма белгиланадиган меъёри корхоналар томонидан ишлаб чиқариш (иш, хизматлар) ҳажмининг ўсишига ёки фаолиятининг бошқа кўрсаткичларига қараб аниқлана бошланди, халқ хўжалиги тармоқлари ва саноат (асосий фаолият турлари) бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатларнинг ўсиш коэффициентларидан фойдаланиш жорий этилди. Ўзбекистонда мустақил солиқ тизимида кирувчи корхоналар даромадига солинадиган солиқ, қўшилган қиймат учун солиқ, акциз солиғи, корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқлари жорий қилинди. шу билан биргаликда истеъмолга қаратилган маблағлар харажати тартибга солуви солиқ бекор қилинди.



1993 йилга келиб “Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида”ги қонунга асосан қуйидаги: жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи, курорт минтақасида ишлаб чиқариш объектларини куришга солинадиган солиқ, реклама солиғи, автомобиль воситалари, мураккаб ҳисоблаш ва рўзгор техникасини қайта сотганлик учун солинадиган солиқ, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқлар ва қуйидаги: курорт йиғими, савдо-сотик қилиш ҳуқуқини берувчи йиғим, вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо-сотик қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғими, маҳаллий кимовиди савдолари ва лотереялар ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғими, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни рўйхатга ўтказганлик учун олинадиган йиғим, автотранспортлар сақланадиган жойдан фойдаланганлик учун йиғим, отчопарларда пойгада қатнашганлик учун йиғим, отчопарларда ўтказилган пойгадаги ютуқ учун йиғим, биржалардаги олди-сотди битимларидан ундириладиган йиғимлар, кино ва телесуратга олишларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи йиғимлар, аҳоли манзилгоҳлари ҳудудини супириб-сидириш учун йиғимлар жорий қилинди. Бу турдаги солиқларни ундиришда айрим тармоқлар қорхоналарининг хўжалик бирлашмалари йил давомида бюджет билан ҳисоб-китобларни ҳукуматнинг рухсати билан марказлаштирилган тарзда амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташқарисидан натура тарзида олган даромадлари ҳам солиққа тортиш амалга киритилди. Бу босқичдаги солиқ сиёсатининг асосий хусусиятлари асосан фискалликка (кўпроқ солиқ ундириш) асосланган эди.

Бу объектив иқтисодий зарурат бўлиб, унинг бир неча сабаблари мавжуд эди. Биринчидан, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида иқтисодиётда аксарият қорхоналар монопол мавқега эга бўлиб, уларнинг фаолиятини юқори солиққа тортиш механизми орқали субъектив омиллар (нархларнинг кескин ўсиши, маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги, бошқа ўринбосар товарларнинг йўқлиги) эвазига олган даромадларини бюджетга кўпроқ ундиришни тақозо этарди, ваҳоланки, иқтисодий ҳолатнинг бундай шароитида бу энг мақбул йўл ҳисобланиши жаҳон амалиётидан ҳам маълум; иккинчидан, давлат кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошираётган бир даврда, шунингдек, бозор инфратузилмасини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш зарурати юзасидан кўплаб қўшимча ваколатли органлар тизимини шакллантириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш учун давлат инвестиция дастурлари орқали янги қорхоналарни барпо этиш бюджетга кўпроқ маблағларни жалб этилишини

зарурат қилиб қўйган эди; учинчидан, ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодий таназул даврларида солиқ юқини ҳаддан зиёд камайтириш ўзини оқламаган, қолаверса, давлат ички имкониятдан кўпроқ солиқ ундириш орқали бўлса ҳам максимал фойдаланмасдан, давлатнинг ташқи қарзлари эвазига муаммони ҳал этиш ҳозирда оғир аҳволга тушиб қолган бир қатор, ҳатто айрим қўшни давлатларнинг ҳолатига тушиб қолиш эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Бу босқичдаги асосий жараёнлардан бири шу билан биргаликда параллел равишда молия органлари таркибида жорий қилинган солиқларни ундиришни амалга оширувчи алоҳида орган-солиқ хизмати органлари ташкил этилди. Бу борада дастлаб Молия вазирлиги қошида солиқларни ундириш билан шуғулланувчи алоҳида бошқарма шакллантирилган бўлса, 1992 йилда Вазирлар Маҳкамаси қошида Солиқ бош бошқармаси ташкил этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18-январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ Бош бошқармасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида"ги ПФ-744-сонли Фармонида асосан Вазирлар Маҳкамаси қошида Солиқ бош бошқармаси негизда 1994 1 мартдан бошлаб Давлат Солиқ Қўмитасига айлантирилди.

## 8.2. Солиқ сиёсатининг иккинчи босқичи йўналишлари

Бу босқич даврийлиги жиҳатдан 1995-1998 йиллар оралиғида солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради. Бу босқичда солиқ сиёсатидаги туб бурилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30-ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги ПФ-1014-сон

Фармони қатта аҳамият касб этди. Бу фармонга кўра юридик шахслардан олинадиган солиқ миқдорини камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини кўпайтиришга, тадбиркорлик фаолиятини ва инвестиция фаоллигини кенгайтиришга, маблағлар айланишини жадаллаштиришга ва фойдани оширишга солиқларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш, табиий ресурслар ва мол-мулкдан олинадиган солиқлар улушини ошириш ҳисобига даромадлар таркибини такомиллаштириш ресурс ҳамда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлигига уларнинг таъсирини кучайтириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад негизини мустаҳкамлаш ҳамда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқларни чегаралаб қўйиш ҳисобига республиканинг давлат

бюджетда маҳаллий бюджетларнинг салмоғини жиддий равишда ошириш, солиқ солиш механизмини мумкин қадар соддалаштириш ва солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш каби солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. 1995 йилдан бошлаб эса кўшимча қиймат солиғининг миқдори 20 фоиздан 18 фоизгача пасайтирилди, корхоналарнинг даромад солиғи ўрнига фойдадан олинadиган солиқ жорий этилиб, унинг энг юқори миқдори 38 фоиз қилиб белгиланди, дехқон (фермер) хўжаликлари, хусусий корхоналар, савдо корхоналари, хорижий инвестицияларга асосланган корхоналар учун амалдаги даромад солиғи тартиби ва солиқ имтиёзлари сақлаб қолинди.

Шунингдек, фойдадан солиқ ундириб олиш чоғида маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажми ўсишининг ҳар бир фоизи учун белгиланган солиқ миқдорига нисбатан 0,3 фоизли пункт миқдоридан пасайтирувчи коэффициент қўлланилиши, баланс фойдасининг 30 фоиздан 50 фоизгача қисмидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, уни қайта куриш ва техника билан қайта қуроллантиришда фойдаланилган тақдирда 5 фоизли пункт миқдоридан, баланс фойдасининг 50 фоиздан кўпроқ қисмидан шу мақсадларда фойдаланилган тақдирда эса 10 фоизли пункт миқдоридан пасайтирувчи коэффициентдан фойдаланиш белгиланди ва янги барпо этилган корхоналар учун солиқдан озод қилиш, шунингдек имтиёзлар беришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган ҳолда мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхона ва ташкилотлар фойдадан уй-жой ва ижтимоий-маданий қурилишга сарфлаётган маблағларнинг 50 фоизи солиқ тўлашдан озод қилинадиган бўлди. Монополиячи корхоналар эса уларга белгиланган рентабеллик даражаси оширилишининг ҳар бир фоизига фойдадан олинadиган белгиланган солиқ миқдорига нисбатан 0,5 фоизли пункт миқдоридан оширилувчи коэффициент жорий этилди.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиладиган хом ашё ресурслари ва маҳсулотдан олинadиган солиқ, фуқаролардан олинadиган даромад солиғи тўғрисидаги қонунни жамоа хўжаликларининг аъзоларига нисбатан жорий этиб, уларнинг меҳнат ҳақи фондидан олинadиган солиқ, ўрмон хўжалигидан тушадиган даромадни олиб кўйиш тартиби бекор қилинди ҳамда амортизация ажратмаларининг жами ҳажми корхоналарнинг тасарруфида қоладиган бўлди. 1995 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш ҳукуқи берилди. Солиқ сиёсатида табиий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида улардан олинadиган солиқларнинг

янги ставкаларини белгилаш, солиқ соҳасидаги имтиёзларни тартибга солиш, даромадларни маҳаллий бюджетлар фойдасига қайтадан тақсимлаш ва ҳудудларнинг ривожланиш даражасига қараб умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг табақалаштирилган меъёрларини белгилаш, солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жарима тўлаш чораларини қўлланиш тартибига ўзгартишлар киритиш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Республикамиз солиқ тизимида фискаликка асосланган солиқ сиёсатида аста секин солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи механизмга асосланган йўналишлар кучайиб борди. Бу борада Юртбошимизнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи яқунлари хусусида келтирган хулосалари мамлакатимиз иқтисодиётида барқарорликнинг таъминланганлигидан далолат бериб, бу шаклланаётган солиқ тизимимизда ва солиқ сиёсатида қўлланилаётган тактик йўналишларга кескин ўзгаришлар қилинишига тўртки бўлди, натижада эса, аксарият корхоналаримиз (банклар, шоу-бизнес корхоналаридан ташқари) даромад солиғи ўрнига фойда солиғини тўлашга ўтишди, бу эса ўз навбатида корхоналар томонидан бюджетга тўланаётган солиқ суммаларининг бир қисми уларнинг ихтиёрига қолишини таъминлади ва уларнинг молиявий ҳолатининг бир мунча яхшиланишига имкон яратди. Реал секторни бозор муносабатларига ўтказилиши уларга мос солиқ тизимини тақозо этади, бу солиқ ислохотлари натижасида юзага келади. Янги тизим бўш ерда пайдо бўлмайди. Шундан келиб чиқиб илгари мавжуд бўлган ва бозор муносабатларига мос келмайдиган оборот солиғи ўрнига қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи жорий этилди. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида солиқ ислохотлари асосан қуйидаги асосий йўналишларда борганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

- солиқларга оид янги қонунлар қабул қилиниши орқали солиққа тортиш ҳукуқий асосга кўчирилди;
- янги солиқ институтлари шакллантирилди;
- эски солиқлар босқичма босқич янги солиқлар билан алмаштирилди;
- бозор талабига жавоб берувчи солиқ имтиёзлари киритилди;
- солиқлар нисбати ўзгартирилди, солиқ юки қайтадан тақсимланди;
- солиққа тортишнинг янги тартиблари жорий этилди;
- солиқ-бюджет сиёсати ўртасидаги яхлитлик таъминланди.

Бу босқичдаги солиқ сиёсатининг энг муҳим жиҳатлари бу мавжуд солиқ қонунчилиги иқтисодиётдаги юз бераётган таркибий ва сифат ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилиб, мавжуд 4 та

солиқларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда 1997 йил 27 августда қабул қилган давлат солиқ хизмати органларининг фаолиятининг асосларини белгилаб берувчи "Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бўлди.

### 8.3. Солиқ сиёсатининг учинчи босқичнинг ўзига хос йўналишлари

Учинчи босқич 1998-2008 йилларгача муддатни ўз ичига олиб, унинг асосий хусусияти иккинчи босқичда бошланган солиқларнинг рағбалантирувчилик ролининг оширилиши, солиққа тортиш тартибларининг соддалаштирилиши ҳамда солиқ қонунчилигининг такомиллаштирилиб борилиши билан тавсифланади. Республикамиз солиқ тизимининг ривожланиб боришидаги яна бир муҳим жиҳатларидан бири сифатида солиқ турлари сонини камайтириб бориш ҳамда бир хил ёки ўхшаш солиқ объектига эга солиқларни унификациялаш (бирхиллаштириш) жараёнини алоҳида кўрсатиш жоиз. Бир хил солиқ объектига эга солиқ турлари унификация қилиниб борилмоқда. Маҳаллий бюджетларга бириктирилган ободонлаштириш учун йўғим ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирхиллаштирилди, яъни улар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғига бирлаштирилди.

Жисмоний шахслардан олинadиган транспорт солиғи мол-мулк солиғи объектига киритилди, кейинчалик эса жисмоний шахсларнинг транспортдан олинadиган мол-мулк солиғидан транспорт воситалари солиқ объектидан чиқарилиб, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ билан бирхиллаштирилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, "...амалга оширган яна бир муҳим тадбиримиз-солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қўвватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилгандир".<sup>24</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган ва 1998 йилдан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши билан илгари мавжуд бўлган 20 га яқин солиқ турлари 11 та солиққа, 15дан ортиқ турли хил йўғим

ва тўловлар 9 тага бирлаштирилди ва яна ўзига хос бўлган ҳам солиқни ҳам йўғимларни ўзида акс эттирган-ягона солиқ тўловига улар унификация қилинди ва ихчамлаштирилди. Бу даврда солиқ сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан бири бу кичик бизнес субъектларига нисбатан алоҳида тартибдаги рағбатлантирувчи солиққа тортиш тартибларининг қўлланиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби тўғрисида"ги 159-сон қарорига<sup>25</sup> асосан кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби ялпи умумдавлат солиқларини, шунингдек, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йўғимларни тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлашни назарда тутди.

Бу даврдаги солиқ сиёсатининг муҳим йўналишларида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юки ва солиқ ставкаларининг босқичма-босқич камайтирилиб борилди. Агар, 1995 йилда солиқ юки даражаси 42,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 39,5 фоиз, 2005 йилда 22,6 фоизни, 2011 йилда 21,9 фоизни ва 2014 йилда эса 20,0 фоизни ташкил этди ва охириги 10 йил давомида унинг даражаси 2 мартадан ортиқ камайтирилди. Шунингдек, солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларининг ҳам камайтирилиб борилиши амалга оширилди. Агар фойда солиғи ставкаси 1995 йилда 37,0 фоизни ташкил этган бўлса, унинг даражаси йиллар давомида камайтириб борилди ва 2015 йилда 7,5 фоиз қилиб белгиланган(қарийиб 5 марта камайтирилди), жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи шкалалари ихчамлаштирилиб борилди, агар ушбу солиқ ставкасининг энг юқори шкаласи 60 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб 23 фоизгача туширилди(2,6 мартага пасайди), кичик бизнес учун ягона солиқ тўлови ставкалари дастлабки вақтларда 33 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 5 фоизгача туширилди. Қўшилган қиймат солиғи ҳам дастлаб 30 фоиз қилиб белгиланиб, кейинчалик унинг ставкаси барқарор равишда 20 фоиз миқдоридан сақланиб келинмоқда. Шунингдек, ягона ижтимоий тўловнинг ставкаси 40 фоиздан 25 фоизгача туширилди.

<sup>24</sup> Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир/ И.А.Каримов.-тошкент.: "Ўзбекистон", 2010. 41-бет.

<sup>25</sup> Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан бекор қилинган.

Бу даврда солиқ сиёсатининг муҳим тактикаларидан бири сифатида солиққа оид текширувларнинг эркинлаштирилиши ва қисқартирилишига устуворлик берилди. Бу йилларда республикада тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаш, уларнинг фаолият юритишлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Шу ўринда тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар тизимини янада такомиллаштириш (соддалаштириш ва қисқартириш) да Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сон қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Бу соҳада Республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сон, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сон ҳамда «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли фармонлари ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Юқоридаги ҳужжатларга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан бир қатор ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат суд орқали амалга оширилиши, текшириш (тафтиш қилиш) ваколатига эга бўлган назорат органларининг аниқ рўйхати ҳамда режали текширишлар даврийлиги қатъий белгилаб қўйилди.

#### **8.4. Ўзбекистон солиқ сиёсатининг тўртинчи босқичи асосий йўналишлари**

Солиқ сиёсатининг кейинги даврлардаги йўналишларини акс эттирувчи тўртинчи босқич 2008 йилдан 2017 йилга қадар даврларни ўз ичига олиб, унинг хусусиятлари иккинчи босқичдан бошлаб солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириб боришга қаратилган тактикалар кучайтирилиши ва уларнинг такомиллаштирилиб борилиши, солиқ преференцияларининг оширилиши, миллий иқтисодиётда алоҳида олинган

солиққа тортиш режимлари (махсус иқтисодий зоналар) ни кучайтирилиши, хорижий инвестицияларини жалб қилиш, банкларнинг инвестицион ва капиталлашувни оширишда солиқларнинг таъсирини имтиёзлар орқали ошириш, миллий иқтисодиётда рақобатбардошликни оширишда солиқларнинг ролини ошириш, Маҳаллийлаштириш Дастурлари ва алоҳида олинган соҳаларни ривожлантиришда солиқ имтиёзларининг кучайтирилиши ҳамда солиқ маъмурчилигини соддалаштириш (такомиллаштириш) ни кучайтириш ва шу каби йўналишларда кўрилади. Бунинг асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги ва "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларига асосан Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг солиқ имтиёзлари белгиланди.

Маҳаллийлаштириш Давлат дастурига киритилган корхоналарни, шунингдек, ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги 1048-сонли қарори билан тасдиқланган Маҳаллийлаштиришнинг давлат Дастури алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимиздаги енгил ва озик-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1731-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-

сонли Фармонларида солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий қилинди.

Бундан ташқари бу босқичда солиқ сиёсати тактикаларида хорижий инвестицияларни жалб қилинишини солиқлар орқали рағбатлантиришга йўналишлари кучайтирилиб борилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II-чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодий тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган метрлар ва қондаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаруви корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни рағбатлантириш кўлами янада оширилди. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сон Қарори қабул қилиниб, ушбу қарорга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган

ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш ҳуқуқи берилди.

Тадбиркорлик субъектларини молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қўвватлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида уларнинг фаолиятига солиқ ва бошқа соҳадаги текширувларни қисқартириш ҳамда улар томонидан солиқ ва бошқа тусдаги ҳисоботларни топшириш тартиб таомиллари соддалаштирилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармонлари билан солиқ ҳисоботларининг сони қисқартирилди, уларни топшириш даврийлиги узайтирилди ҳамда турли хил йиғимлар бекор қилинди ёки камайтирилганлигидир. 2012 йилнинг 1 августидан лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), шу жумладан, уларни бекор қилиш ва бирлаштириш йўли билан қисқартирилди. Хусусан, қимматбаҳо металл ва тошлардан заргарлик буюмларини тайёрлаш, аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш, ички ва халқаро ҳаво йўналишларида йўловчилар ва юк ташишни амалга ошириш ва бошқа фаолият турларини лицензиялаш бекор қилинди. Шу билан бирга айрим фаолият турлари ягона лицензияланадиган фаолият турига бирлаштирилди. Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 80 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз) бекор қилинди.

Солиқ сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга кенг эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорига мувофиқ, молия-банк, маиший ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар 2017 йил 1 январигача фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб агар имтиёзлар берилган хизмат турларини кўрсатишдан тушган тушум умумий тушум ҳажмида 80 ва ундан юқори фоизни ташкил этса, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар микрофирма ва кичик корхоналарнинг барча

даромадларига татбиқ этилди. Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1 январгача озод қилинди.

Солиқ сиёсатининг охириги йиллардаги асосий йўналишлари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ ставкаларининг камайтирилиши, табиий ресурслар (ер, сув ва қазилма бойликлар) ва истъеомли тартибга солиш йўналишларида давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов томонидан белгилаб берилган Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта тамойилига асосланган ҳолда мустақил солиқ тизимини шакллантириш борасида мустақилликнинг илк кунлариданоқ унинг ҳуқуқий асослари яратилди. 1991 йил 2-февралда қабул қилинган “Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги, 1993 йил 6-майда қабул қилинган “Маҳаллий солиқлар ва йигимлар тўғрисида”ги, “Ер солиғи тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди, уларни амалда ҳаётга тадбиқ этиб борилиб такомиллаштирилиб борилди, 1997 йил 24-февралда қабул қилиниб, 1998 йилда кучга кирган Солиқ кодексида ушбу қонунларнинг барчаси ўз ифодасини топди, натижада эса солиқ тизимининг ҳуқуқий негизи ягона қонун ҳужжатида акс эттирилди.

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий сиёсатнинг таркибини сиёсат стратегияси ва тактикаси ташкил этади. Республикамиз солиқ сиёсатининг бош стратегияси бу-солиқ тўловчилар ва бюджет манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашдан иборат бўлса, жорий йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг стратегияси ҳар молия йилининг бошида Республика Президенти томонидан аниқ ва асосли ҳолда белгилаб берилиши ва унинг изчил амалга ошириб келиниши натижасида ҳатто молиявий буҳрон шароитида ҳам бюджет профицити(бюджет даромадларининг харажатларидан ортиқлиги)га эришган ягона давлатлардан бири сифатида намоён бўлиши таъминланди. Қайд этиш жоизки, ҳар қайси давлатнинг солиқ сиёсати ўзгарувчан бўлади, яъни, солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда мамалакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати эътиборга олинади.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида мустақил солиқ сиёсатимизнинг мазмунини янги солиқлар ва мажбурий тўловларни жорий этиш, уларни ундириш механизмини шакллантириш, иқтисодий таназзул рўй бераётган бир шароитда уни жиловлаш ва барқарорликка эришишга

қаратилган чора тадбирлар ташкил этган бўлса, бу даврларда асосан фискалликка(кўпроқ солиқ ундириш) асосланган солиқ тизими амал қилди. Бунинг объектив иқтисодий зарурат бўлиб, унинг бир неча сабаблари мавжуд эди. Биринчидан, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида иқтисодиётда аксарият корхоналар монопол мавқега эга бўлиб, уларнинг фаолиятини юқори солиққа тортиш механизми орқали субъектив омилар(нархларнинг кескин ўсиши, маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги, бошқа ўринбосар товарларнинг йўқлиги) эвазига олган даромадларини бюджетга кўпроқ ундиришни такозо этарди, ваҳоланки, иқтисодий ҳолатнинг бундай шароитида бу энг мақбул йўл ҳисобланиши жаҳон амалиётидан ҳам маълум; иккинчидан, давлат кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошираётган бир даврда, шунингдек, бозор инфратузилмасини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш зарурати юзасидан кўплаб қўшимча ваколатли органлар тизимини шакллантириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш учун давлат инвестиция дастурлари орқали янги корхоналарни барпо этиш бюджетга кўпроқ маблағларни жалб этилишини зарурат қилиб қўйган эди; учинчидан, ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодий таназзул даврларида солиқ юқини ҳаддан зиёд камайтириш ўзини оқламаган, қолаверса, давлат ички имкониятдан кўпроқ солиқ ундириш орқали бўлса ҳам максимал фойдаланмасдан, давлатнинг ташқи қарзлари эвазига муаммони ҳал этиш ҳозирда оғир ахволга тушиб қолган бир қатор, ҳатто айрим қўшни давлатларнинг ҳолатига тушиб қолиш эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Республикамиз солиқ тизимида фискалликка асосланган солиққа тортиш тизими аста секин солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи механизмга асосланган солиқ тизимига айланиб борди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи яқунлари хусусида келтирган хулосалари мамлакатимиз иқтисодиётида барқарорликнинг таъминланганлигидан далолат бериб, бу шаклланаётган солиқ тизимимизда ва солиқ сиёсатида қўлланилаётган тактик йўналишларга кескин ўзгаришлар қилинишига туртки бўлди, натижада эса, аксарият корхоналаримиз (банклар, шоу-бизнес корхоналаридан ташқари) даромад солиғи ўрнига фойда солиғини тўлашга ўтишди, бу эса ўз навбатида корхоналар томонидан бюджетга тўланаётган солиқ суммаларининг бир қисми уларнинг ихтиёрига қолишини таъминлади ва уларнинг молиявий ҳолатининг бир мунча яхшиланишига имкон яратди.

Реал секторни бозор муносабатларига ўтказилиши уларга мос солиқ тизимини тақозо этади, бу солиқ ислохотлари натижасида юзага келади. Янги тизим бўш ерда пайдо бўлмайди. Шундан келиб чиқиб илгари мавжуд бўлган ва бозор муносабатларига мос келмайдиган оборот солиғи ўрнига қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи жорий этилди. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида солиқ ислохотлари асосан қуйидаги асосий йўналишларда борганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

- солиқларга оид янги қонунлар қабул қилиниши орқали солиққа тортиш ҳуқуқий асосга кўчирилди;
- янги солиқ институтлари шакллантирилди;
- эски солиқлар босқичма босқич янги солиқлар билан алмаштирилди;
- бозор талабига жавоб берувчи солиқ имтиёзлари киритилди;
- солиқлар нисбати ўзгартирилади, солиқлар юки қайтадан тақсимланди;
- солиққа тортишнинг янги тартиблари жорий этилди;
- солиқ-бюджет сиёсати ўртасидаги яхлитлик таъминланди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка эришилган ва унинг суратлари йил сайин ошириб борилишини таъминлаш билан бир қаторда солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролининг ҳам ошиб борганлигини кўришимиз мумкин, албатта, бу ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётни бошқаришнинг энг самарали усулларининг қўллаб бораётганлигининг исботидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, иқтисодий таназул вақтида юқори солиққа тортиш тамойилларига асосланиш, иқтисодий ўсиш таъминланган шароитда эса солиқ имтиёзларига кўпроқ урғу бериш ва солиқ юкини камайтириб бориш ўзининг катта самарасини бераётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмизки, бундай ёндошув солиқ тизими соҳасида ислохотлар олиб боришнинг “Ўзбек модели”га хос хусусиятлардир.

Агар кейинги мустақил солиқ тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг йўналишларига эътибор берадиган бўлсак, ҳозирги вақтда солиқларнинг тартибловчилик функциясига нисбатан рағбатлантирувчилик ролининг ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролининг устуворлиги қуйидагиларда кўринади:

Солиқ юкининг босқичма-босқич камайиб бориши. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки вақтларида солиқ юки ўртача 50 фоиздан юқори бўлган бўлса, ҳозирги кунда унинг даражаси 21 фоизга яқинни ташкил этмоқда. Айниқса солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайитириб борилиши 2000 йилдан кейин анча жадаллашди, 2000 йилда солиқ юки даражаси 37 фоиз бўлган бўлса, 2009 йилга келиб 22.6 фоизгача туширилди.

Жаҳон амалиётда солиқ юкининг ўртача даражаси 30-40 фоиз бўлишлик нормал ҳолат деб баҳоланади. Таъкидлаш ўринлики, ҳозир ҳам аксарият ривожланган давлатларда солиқ юки даражаси Ўзбекистондаги ўртача даражадан анча юқори бўлиб бундай давлатлар қаторига АҚШ, Франция, Германия, Англия, Голландия, Канада, шунингдек, Осиёнинг бир ривожланган давлатлари ҳам шулар жумласига киради. Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади. Мамлакатда солиқ юки даражаси унинг мустақилликни қўлга киритган йили ва эркин иқтисодий сиёсатни юритишни бошлаш даври билан боғлиқми ёки давлатнинг оқилона иқтисодий сиёсатни юритишга боғлиқми? Бу саволга Республикаимизда эришилган ютуқларга асосланиб солиқ юкининг қандай ўрнатилиши ва даражаси давлатнинг изчил ва оқилона солиқ сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ деб жавоб бериш асослидир. Шу ўринда айтиш жоизки, Республикаимиз солиқ сиёсати стратегиясида солиқ юкини янада босқичма-босқич камайитириб бориш кўзда тутилган.

Солиқ ставкаларининг камайитирилиши ва солиқ турлари бўйича унинг даражасини мувофиқлаштириб борилиши.

Солиқ тизимидаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бу солиқ ставкаларининг даражасини мақбуллаштириш ва унинг солиқ тўловчилар иқтисодий фаоллигига салбий таъсир этмаслик механизмининг жорий этилишидир. Солиқ тизимининг рағбатлантирувчилик ролининг ошиб бораётганлигини солиқ ставкаларининг камайиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин. Агар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолиятига бевосита дахлдор солиқ турлари, жумладан фойда солиғини оладиган бўлсак, ушбу солиқ турининг ставкаси 1998 йилда 38 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда унинг даражаси 9 фоизни ташкил этади, яъни 4 мартадан ортиқ даражада камайитрилган, кичик корхоналар томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови ставкаси эса 1998 йилда 15 фоиз бўлган бўлса, ҳозирги кунда ушбу солиқ тури ставкасин 2 мартадан кўпроққа камайитрилди, яъни жорий йилдан бошлаб 7 фоиз қилиб белгиланди. Корхона ва ташкилотлар томонидан ягона ижтимоий тўловнинг умумий ставкаси ҳам дастлабки вақтларда 40 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 25 фоизни ташкил этмоқда. Солиқ тўловчи корхона ва фирмаларнинг молиявий фаолиятига кескин таъсир этувчи солиқ турларидан бири бўлган қўшилган қиймат солиғи ставкаси дастлаб 30 фоиз бўлган бўлиб, ҳозирги вақтда унинг ставкаси 20 фоиз қилиб белгиланган ҳолда ушбу ставка бир неча йиллардан бери ўзгармай келинмоқда. Бу борада солиқ ставкаларининг пасайитирилиши орқали жисмоний шахсларнинг реал пул даромадларининг ошириб бораётганлигини эътироф этиш жоиздир. Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ ставкаси дастлаб

унинг энг юкори шкала ставкаси 45 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йида унинг энг юкори даражаси 21 фоиз қилиб белгиланган, яъни ушбу солиқ тури ставкаси ҳам ўртача 2.5 мартага қисқартирилди.

Солиқ турларини қисқартириб бориш ва уларни унификация қилиниб борилиши.

Республикамиз солиқ тизимининг ривожланиб боришидаги яна бир муҳим жиҳатларидан бири сифатида солиқ турлари сонини камайтириб бориш ҳамда бир хил ёки ўхшаш солиқ объектига эга солиқларни унификациялаш (бирхиллаштириш) жараёнини алоҳида кўрсатиш жоиз. Кейинги ўн йилларда илгари амал қилган бир қатор солиқ турлари бекор қилиндики, булар жумласига экология солиғи, реклама солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган транспорт солиғи, Қимматли қўғозлар операцияси солиғи, ободонлаштириш учун йиғим ва шу кабиларни киритиш мумкин. Бир хил солиқ объектига эга солиқ турлари унификация қилиниб борилмоқда. Маҳаллий бюджетларга бириктирилган ободонлаштириш учун йиғим ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирхиллаштирилди, яъни улар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғига бирлаштирилди. Жисмоний шахслардан олинadиган транспорт солиғи мол-мулк солиғи объектига киритилди, кейинчалик эса жисмоний шахсларнинг транспортдан олинadиган мол-мулк солиғидан транспорт воситалари солиқ объектидан чиқарилиб, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ билан бирхиллаштирилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, "...амалга оширган яна бир муҳим тадбиримиз-солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қўвватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир".<sup>26</sup>

Солиққа оид текширувларнинг эркинлаштирилиши ва қисқартилиши. Кейинги йилларда республикамизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосиз аралашувларни чеклаш, уларнинг фаолият юритишлари учун хар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириб борилмоқда. Шу ўринда тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар тизимини янада такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Маълумки, республика Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сон қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сон, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сон ҳамда «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли фармонлари ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Юқоридаги ҳужжатларга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан бир қатор ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат суд орқали амалга оширилиши, текшириш (тафтиш қилиш) ваколатига эга бўлган назорат органларининг аниқ рўйхати ҳамда режали текширишлар даврийлиги қатъий белгилаб қўйилди.


Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, шуни таъкидлаш лозимки, Республикамиз солиқ тизими ўзига хос шаклда ва мазмунда шаклланиб ривожланиб бормоқда, янги солиқ тизимини яратиш миллий иқтисодиётнинг талаби ҳисобланади, бу тизим бирдан эмас, балки изчил амалга ошириладиган солиқ ислохотлари натижасида юзага келади. Бу тизимнинг элементлари кетма кет шаклланади ва яхлитликда амал қилади. Ислохотлар бозор иқтисодиётига хос солиқ тизимига асос солади, аммо бу билан у бир ерда тўхтаб қолмайди, иқтисодиётнинг ривожланишига қараб такомиллашиб боради.

#### **8.5. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида солиқ сиёсатини амалга ошириш йўналишлари**

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги (2017 йилдан бошлаб) солиқ сиёсатининг муҳим хусусияти шундаки, унда стратегиянинг аниқ белгиланиши, унга эришишнинг тактик йўналишларининг ифодаси сифатида илмий асосланган концепциянинг ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилиб борилаётганлигидир.

<sup>26</sup> Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир/ И.А.Каримов.-тошкент.: "Ўзбекистон", 2010. 41-бет.





8-расм. Ўзбекистонда янги солиқ концепциясини жорий қилишнинг асосий омиллари<sup>27</sup>


<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2017-2018 йилларда бюджет-солиқ тизимига оид қабул қилинган фармон ва қарорларнинг мазмунига асосланган ҳолда муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатининг стратегияси сифатида солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш каби муҳим масалалар белгилаб олинган бўлиб, булар иқтисодиётни тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини яхшилашнинг муҳим шартлари сифатида белгилаб олинди.

Муҳтарам юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек<sup>28</sup>, солиқ сиёсатининг аввалги йилларидаги ҳолатининг танқидий таҳлили мазкур соҳада бир маромда иқтисодий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлиги зарурий даражасини таъминлашга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни мавжудлигини кўрсатди.

Мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган солиқ юкини камайтириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини амалга ошириш мақсадида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсияларига асосланиб ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари белгилаб олинди:

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 20 декабрь куни янги қабул қилинган солиқ сиёсати концепциясини амалиётга тўлиқ татбиқ қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи.



**9-расм. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари<sup>29</sup>.**

Ушбу концепцияда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини тубдан мустаҳкамлаш, юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига қарамлигини қисқартириш, уй-жой-коммунал, транспорт-коммуникация ва ижтимоий

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармони мазмунига асосланган ҳолда муаллиф томонидан шакллантирилган.

инфратузилмани модернизациялаш ва техник янгилаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларни амалга оширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб бориши ва масъулиятини ошириш мақсадида маҳаллий бюджетлар даражасида солиқ-бюджет сиёсатининг устувор вазифалар этиб қуйидагилар: солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ турларини уларга бириктириб қўйиш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш; вилоятлар, шаҳар ва туман бюджетларини субвенциядан чиқариш, уларнинг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига бўлган қарамлигини босқичма-босқич қисқартириш, бунинг асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлиги ва масъулиятини ошириш; маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун тизимли асосда қўшимча резервларни аниқлаб бориш; депутатлик ва жамоат назоратини кенг жалб қилган ҳолда, маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг шаффофлигини ва унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш; маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларининг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш кабиларнинг белгиланиши ва уларнинг ижросининг таъминланиб борилиши ҳисобига 2018 йилнинг ўзида солиқларнинг прогностдан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди.

**3-жадвал.**

**Ҳаракатлар стратегиясининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларнинг амалга оширилиши натижалари<sup>30</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	Фарқ (+;-)
1.	Давлат бюджети прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши (млрд.сўм)	49684	74500	24816
2.	Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилган қўшимча маблағлар (млрд.сўм)	960,2	5500	4539,8
3.	Ундирилган солиқ қарздорлиги (млрд.сўм)	746,7	1881,1	1134,4
4.	Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони (мингта)	408,2	435,2	27,0
5.	Яқка тартибдаги тадбиркорлар сони (мингта)	196,4	241,8	241,8

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Охирги йигирма йил давомида давлат бюджети прогноз кўрсаткичларининг йиллик оралик фарқ кўрсаткичлари ўртача 3 – 3,5 трлн. сўмдан ортиқ бўлган. Ўз навбатида агар охирги 15 йиллик даврда давлат бюджетига солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларининг бажарилишга эътибор берадиган бўлсак, 2012 ва 2015 йилларда ўртача 0,8 % га, 2011 йилда 5,4%, 2014 йилда 5,1%га ортиғи билан бажарилган бўлса, 2017 йилда эса бу кўрсаткич 11,7% га тенг бўлган.

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда мустақил бюджет тизимимизга эга бўлган даврдан буён энг юқори кўрсаткич 2018 йилга тегишли бўлди, яъни давлат бюджетига солиқ тушумларини прогнози 2018 йилда 62229,5 млрд сўм қилиб белгиланган бўлса, давлат бюджетининг ижроси 78500 млрд сўмдан ортиқ бўлган, бу эса қарийиб 20 %га ортиғи билан бажарилди. Охирги икки йилдаги прогноз кўрсаткичларининг юқори бўлишининг асосий сабаблари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони, 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, фармони, 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг изчиллик билан амалга оширилиши бўйича солиқ маъмурчилигининг янада такомиллаштирилиши ва солиқларни ундириш механизмларининг соддалашганлиғини жараёнларини келтириш мумкин.

Хусусан, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 6 баробар кўп маблағ қолди, холбуки, 2017 йилда 960,2 млрд сўм, 2016 йилда эса, атиги 176,8 млрд сўм ҳудудлар ихтиёрида қолган бўлса, агар буни вилоятлар кесимида кўрадиган бўлсак, Андижон вилоятида 2017 йилда 61,2 млрд сўм вилоят маҳаллий бюджетига қолдирилган бўлса, 2018 йил якунларига биноан бу кўрсаткич 2796 млрд сўмга етди. Сирдарё вилоятида 30,0 млрд сўмдан 171,0 млрд сўмгача, Хоразм вилоятида 41,3 млрд сўмдан 195,4 млрд сўмга ошди, 2017 йилда тадбиркорлардан ундирилаётган қатъий белгиланган солиқ тушумлари республика бўйича 1 042,9 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилда солиқ ставкалари ўртача 30 фоизга камайганлигига қарамадан, 1 127,6 млрд сўмга ва ўсиш 108,1 фоизга тенг бўлди.

**2019 йилда солиқ сиёсатини ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишлари**

- Тушумдан олинадиган мажбурий ажратмаларни тўлиқ бекор қилиш натижасида корхоналарда қўшимча 5,2 триллион сўм даромад қолади
- Жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг юқори ставкаси 22 фоиздан 12 фоизгача, ягона ижтимоий тўлови 25 фоиздан 15 фоизгача туширилиши, фуқароларнинг 8 фоизлик сугурта бадали бекор қилиниши натижасида аҳоли даромадлари 6,5 фоизга ошади
- Юридик шахслар мол-мулк солиғи 5 фоиздан 2 фоизгача, фойда солиғи 14 дан 12 фоизгача, кичик бизнес субъектлари ягона солиғи 5 фоиздан 4 фоизгача камайтирилиши натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 2 триллион сўм қўшимча маблағ қолади
- Мавжуд 19 та солиқ ва мажбурий тўловлар тури 15 тагача камайтирилди
- Қўшилган қиймат солиғи тўлашининг соддалаштирилган механизмни жорий этилди
- Ходимлар сонидан қатъи назар, товар айланмаси 1 миллиард сўмдан юқори бўлган субъектлар умумбелгиланган солиқ тўловига ўтди

**10-расм. 2019 йилда солиқ сиёсатини ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишлари.**

Маълумки, очиқ-ошқора ва адолатли солиқ тизими иқтисодиёт ривожининг энг муҳим асосидир. Лекин юртимизда ҳозиргача амал қилиб келинаётган солиқ маъмуриятчилигида кўплаб ноаниқликлар борлиги бизнес, тадбиркорлик, инвестиция соҳалари равнақига тўсиқ бўлаётган эди. Мавжуд ставкаларнинг юқорилиги инсофли солиқ тўловчиларга қарши ишларди. Мисол учун, корхона фойдасидан қатъи назар, товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорда давлат мақсадли жамғармаларига ажратма тўлаб келинган. Бу солиқ юки корхона даромадининг камида 21 фоизига тенг бўлиб, уларнинг рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришига халал берарди.

2019 йил 1 январдан бошлаб, ходимлар сонидан қатъи назар, товар айланмаси 1 миллиард сўмдан юқори бўлган субъектлар умумбелгиланган солиқ тўловига ўтди. Чунки ягона солиқ тўловчи билан умумбелгиланган солиқ тўловчилар ўртасида солиқ юкидаги фарқ ҳаддан ташқари юқори бўлиб, бу кичик бизнеснинг йириклашувини рағбатлантирмайди. Ваҳоланки, дунёга машҳур “Адидас”, “Найк”, “Индезит”, “Кнауф” каби брендлар ўз вақтида кичик оилавий корхона бўлган ва ушбу рағбат туфайли йирик компанияларга айланган. товар айланмаси 1 миллиард сўмдан 3 миллиард сўмгача бўлган корхоналар қўшимча қиймат солиғини ихтиёрий равишда соддалаштирилган тартибда тўлайди. Яъни, корхоналар сотиб олинган товарлар бўйича алоҳида

ҳисоб-фактура юритмайди ва солиқни товар айланмасидан келиб чиқиб, соҳалар кесимида табақалашган ҳолда тўлайди.

Солиқ концепциянинг энг муҳим эътиборга олинishi зарур бўлган жиҳатлардан бири бу қўшилган қиймат солиғи тўловчиларининг ошиши ва уни ҳисоблашнинг маҳсулотлар таннархига таъсири масаласидир. Бу жараён солиқ тўловчи, шу жумладан, кенг қатламли истеъмолчилар учун муҳим ва қизиқарли ҳисобланади. Шу боисдан мазкур жараённинг нарх омилига таъсирини соддароқ шартли мисол<sup>31</sup> тариқасида тушунтиришга ҳаракат қилинади. Масалан, енгилсаноат соҳасида, пахта толаси биз ҳар замон киядиган оддий кўйлак ҳолатига келиш учун аввал калава ипга айланади, сўнг, калава ипдан мато тўқилади, сўнг мато бичилиб, ундан кўйлак тикилади. Демак мазкур жараёнда пахтани қайта ишлаш корхонаси пахта толасини калава ип ишлаб чиқарадиган корхонага сотади, калава ип ишлаб чиқарадиган корхона ўз маҳсулотини тўқимачи корхонага сотади, тўқимачи корхона эса ишлаб чиқарган матосини мазкур занжирдаги охириги бўғини ҳисобланган кўйлак тикувчи корхонага сотади.

Мисол учун, пахтани қайта ишлаш корхонаси пахта толасини (120 сўмга, шу жумладан 20 сўм ҚҚС билан) калава ип ишлаб чиқарадиган корхонага сотади. Калава ип ишлаб чиқарадиган корхона пахта толасидан калава ипни ишлаб чиқаради ва унга 50 сўмлик харажатлари ҳамда устамасини қўшиб 20 % ҚҚС ҳисоблаган ҳолда тўқимачи корхонага жами 180 сўмга (шундан ҚҚС суммаси 30 сўм) реализация қилади. Бунда, калава ип ишлаб чиқарадиган корхона пахтани қайта ишлаш корхонасига тўлаб берган 20 сўмлик ҚҚС суммасини калава ип таннархига обормасдан ҳисобга олади.

Тўқимачи корхона калава ипдан мато тўқийди ва унга 50 сўмлик харажатлари ҳамда устамани қўшиб 20 % ҚҚС ҳисоблаган ҳолда кўйлак тикувчи корхонага жами 240 сўмга (шундан ҚҚС суммаси 40 сўм) реализация қилади. Бунда, калава ип ишлаб чиқарадиган корхонага тўлаб берилган 30 сўм ҚҚС суммаси мато таннархига обормасдан ҳисобга олади.

Кўйлак тикувчи корхона матодан кўйлак тикади ва унга 50 сўмлик харажатлари ҳамда устамасини қўшиб 20 % ҚҚС ҳисоблаган ҳолда охириги истеъмолчига жами 300 сўмга (шундан ҚҚС суммаси 50 сўм) реализация қилади. Бунда, тўқимачи корхонага тўлаб берилган 40 сўм ҚҚС суммаси кўйлак таннархига обормасдан ҳисобга олади.

Демак ҚҚСни ҳисобга олиш орқали бюджетга жами 50 сўм ҚҚС тўланади, шундан пахтани қайта ишлаш корхонаси – 20 сўм, калава ип ишлаб чиқарадиган корхона – 10 сўм (30 сўм – 20 сўм), тўқимачи корхона – 10 сўм

(40 сўм – 30 сўм) ва кўйлак тикувчи корхона – 10 сўм тўлайди (50 сўм – 40 сўм).

*Энди эса, шу корхоналарнинг бири ҚҚС тўловчиси ҳисобланмаса ўртадаги занжир узилади ва ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси “йўқолиб қолади”. Натижада охириги маҳсулотнинг, яъни кўйлакнинг нархи ошиб кетади.*

Мисол учун, биз кўриб чиққан занжирда мато тўқийдиган корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланмасин. Бунда, тўқимачи корхона олган калава ип учун тўлаб берилган 170 сўмни (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда) жами харажатларига қўшади ва ташкил топган қийматга (170 сўм плюс 50 сўм бошқа харажат ва устамаси, жами 220 сўм) 20 фоиз ҚҚС ҳисоблаб, кўйлак тикувчи корхонага жами 264 сўмга (шундан ҚҚС суммаси 44 сўм) реализация қилади.

Кўйлак тикувчи корхона матодан кўйлак тикади ва унга 50 сўмлик харажатлари ҳамда устамасини қўшиб 20 фоиз ҚҚС ҳисоблаган ҳолда охириги истеъмолчига жами 324 сўмга (шундан ҚҚС суммаси 54 сўм) реализация қилади. Бунда, тўқимачи корхонага тўлаб берилган 44 сўм ҚҚС суммаси кўйлак таннархига обормасдан ҳисобга олади.

Бундан кўриб турибдики, юқоридаги ишлаб чиқариш занжирида атиги битта бўғини узилиши якуний тайёр маҳсулот ҳисобланган кўйлакни охириги истеъмолчига сотиш нархини 24 сўмга ўсишига олиб келади. Демак, қўшилган қиймат солиғининг маҳсулот таннархининг ошишига таъсири бу ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш механизмларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳозирги солиқ сиёсатимиз ва унинг ҳуқуқий асоси бўлган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши лозим бўлади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрда “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5564-сонли Фармони қабул қилиниб, унга кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб, улгуржи савдони амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш ва савдо корхоналарини солиққа тортишнинг махсус тартиби; акциз солиғи солинадиган товарларнинг айрим турларини (автомобил, ўсимлик ёғи ва бошқалар) сотишдан тушадиган тушумлар ҳисобини юритиш ва ундан фойдаланишнинг махсус тартиби; кўчма савдо учун рухсатнома олиш талабини; давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда

<sup>31</sup> Мазкур шартли мисол Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган.

кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санкцияларни; давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар билан шартномалар бўйича ички бозорда олдиндан 15 фоиз тўловни амалга оширишга доир талаблари бекор қилинди. Янги солиқ тизимида норасмий фаолиятни легализация қилиш бўйича бир қатор янгилликлар киритилди. Жумладан, фойда солиғи 14 фоиздан 12 фоизга туширилиб, тадбиркор фақат даромад олсагина тўланиши белгиланди. Норасмий бандликни камайтириш мақсадида иш ҳақидан 30 фоизгача олинандиган даромад солиғи ўрнига ягона 12 фоизлик солиқ тури киритилди ва 8 фоизлик суғурта бадали умуман бекор қилинди. Бизнес елкасида оғир юк бўлиб келаётган ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди<sup>32</sup>. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳам 30 фоизга пасайтирилди. Бу имкониятлар тадбиркорларнинг ҳалол ишлаши, кўпроқ иш ўринлари яратишига хизмат қилиб, ушбу енгилликлар Президентимиз айтганидек, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўли бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда солиқ тизимидаги долзарб муаммолардан бири бу фуқаролар томонидан солиқларни ўз вақтида тўлашдан манфаатдорлик туйғусини ошириш ва шу орқали солиқларни тўлашдан қочмасдан ўзларининг фаол фуқаролик позициясини чинаккам намоян этишига эришиш саналади.

Бу борада Президентимизнинг 2018 йил 17 апрелдаги иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, дебитор-кредиторлик, шу жумладан, бюджет олдидаги қарзларни қисқартириш масалалари юзасидан ўтказилган мажлис баёни орқали берилган топшириқлардан келиб чиққан ҳолда 2018 йилда муайян сезиларли амалий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларига кўра, 2018 йил мобайнида 1881,1 млрд. сўм миқдорда маблағ ундирилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига (746,7 млрд. сўм) нисбатан 1134,4 млрд. сўмга кўпайишига эришилди. Шунингдек, 11,2 мингта қарздорларнинг 2,5 трлн. сўм қийматидаги мол-мулклари, шундан 1441 та бино ва иншоот, 1618 та транспорт воситалари ва 11063 та бошқа турдаги мулклар ҳатланди. Президентимизнинг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли Фармониға мувофиқ, 2018 йил 1 апрелга қадар якка тартибдаги тадбиркор макomini йўқотган жисмоний шахслар, фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркорлар, давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар, қатъий солиқ ва ҳисобланган пенялар мазкур шахслар

<sup>32</sup> www.soliq.uz.

ўз фаолиятини тикласа ёки давлат рўйхатидан ўтган ҳолларда солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилиши, 111,6 минг нафар фуқаронинг 664,1 млрд. сўмлик солиқ қарзи улар томонидан 2019 йил 1 январга қадар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши, фаолиятини тиклаши ҳисобига кечилиши белгиланди. Бугунги кунда 27,4 минг нафар фуқаролар тадбиркорлик фаолиятини қайта тиклаши, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши ҳисобига улардаги 471,2 млрд. сўмлик солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса, фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишлигини, инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш тизимини қўллаш орқали барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этишдан иборатдир.

Умумий қилиб айтганда, солиқларни ундириш жараёнида солиқ тўловчиларнинг солиқларнинг объектив зарурлигини тўлиқ англаб етиши, уларнинг солиқлардан қочиши ёки тўлашдан бўйин товлашининг ўзининг тақдирига салбий таъсир қилишини, солиқлар давлат равнақининг молиявий асосларидан бири эканлиги, солиқларга фарз сифатида қараш каби ҳолатларнинг ўрни катта бўлиб, бу бевосита солиқ тўловчиларнинг психологияси билан боғлиқ бўлиб, у эса солиқ маданиятининг даражасини билдиради. Демак, солиқ сиёсати маданий ва психологик муносабатларни ҳам қамраб олади. Аҳоли ва корхоналарнинг иқтисодий маданияти бу уларнинг даромад топиши ва истъомолни танлаш ҳамда харажатларни сарфлаши билан биргаликда, асосийси давлат олдидаги ижтимоий қарзлари билан бирга солиқлар борасидаги қарзларининг муҳимлигини англаб етиши уларнинг иқтисодий маданиятининг даражасини белгиловчи асосий мезони ҳисобланади. Солиқларни тўламаслик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиқ тўловчи сифатида рўйхатда турмаслик ва бошқа шу каби солиқ ҳуқуқбузарлик ҳамда солиққа оид жиноятлар эса солиқларнинг ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бўлишини билдиради.

Бир томондан давлат томонидан оқилона солиқ сиёсатининг ташкил этилиши, бу ҳали бундай манфаатларни уйғунлантира олмайди, бунинг учун солиқ тўловчиларда юқори даражадаги солиқ маданияти шаклланиши лозим бўлади.

Солиқ сиёсатида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни бериш билан бирга солиқ тўловчилар томонидан бундай имтиёз ва преференциялардан ўринли фойдалангандагина бундай енгилликлар самара беради, акс ҳолда эса бюджет манфаатларига путур етади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тўловчиларга ўзига хос эгоизм хусусиятларининг сақланиб қолиши,

солиқлардан қарздорлик, солиқлардан қочиш ҳолатлари учраб туради ва бу ҳам бюджет манфаатларига зид келади. Демак, солиқ тўловчилар ва бюджет манфаатларининг тўғри кесишуви бу солиқ қарздорлиги деярли йўқотилганлиги, солиқ тўловчиларнинг солиқ маданияти юқорилиги, бюджетдан берилаётган субсидияларнинг самараси юқорилигини билдиради, бу жараён эса узоқ вақт давомида эришилади.

Таянч сўз ва иборалар:

*Солиқ сиёсати босқичлари, солиқ тизимининг фискаллиги, оқилона солиқ сиёсати, солиқ тизими, солиқларнинг функциялари, солиқларнинг вазибалари, ҳаракатлар стратегияси, инсофли солиқ тўловчи, солиқ қарздорлиги, солиқдан қочиш, солиқ тизими муаммолари, давлат бюджети манфаатлари, солиқ маъмурчилиги, йирик солиқ тўловчилар, йиллик товар айланмаси, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси.*

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Мустақилликнинг дастлабки йилларида солиқ тизимининг хусусиятлари нималардан иборат эди?
2. Мустақилликнинг дастлабки йилларида нима учун прогрессив солиқ сиёсати қўлланилди?
3. Солиқ сиёсатининг иккинчи босқичи хусусиятларини изохлаб беринг.
4. Солиқ сиёсатининг учинчи босқичи хусусиятларини изохлаб беринг.
5. Солиқ сиёсатининг тўртинчи босқичи хусусиятларини изохлаб беринг.
6. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида солиқ тизимини ривожлантириш масаласи қандай белгиланган?
7. Ўзбекистон солиқ сиёсатини ривожлантириш Концепциясининг асосий мазмуни айтиб беринг.
8. Ўзбекистон солиқ сиёсатини ривожлантириш Концепциясида солиқ тизимидаги қайси муаммолар кўрсатиб ўтилган?

## 9-БОБ. СОЛИҚ СИЁСАТИДА СОЛИҚЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

### 9.1. Солиқларни прогнозлаштириш жараёни ва уни амалга ошириш

Табиат ва жамиятда юз берадиган табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараён(ҳодиса, воқеялик)ларнинг ривожланиш хусусиятлари ва уларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашнинг шакллари сифатида илмий жамоатчилик ўртасида гипотеза, прогноз ва режа каби шакллари тан олинади. Жараёнларни олдиндан кўра (айта) олишнинг ушбу шакллари илмий-тадқиқот методологиясида ҳам муҳим ўрин тутди.

Гипотеза қадимги грек тилидан олдинган бўлиб "ὕποθεσις"- "тахмин" деган маънони билдириб, табиат ва жамиятдаги жараёнларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда муҳим методологик вазибани ўтайди. Файласуфлар ва илмий тадқиқот методологияси билан шуғулланувчи олимларнинг умумий фикрига кўра, гипотеза ҳақиқат ва ёлғоннинг ўртасида мавжуд бўлиб, унга асосланган ёки уни қўллаш натижасида олинган натижаларга қараб у ҳақиқатга ёки ёлғонга айланади. Шу билан биргаликда, гипотеза илмий тадқиқот жараёнларида бошқарувчи ролни ҳам ўйнайди ва у илмийлик хусусиятлари билан қоришиб кетади. Гипотеза шу туфайли ҳам табиат ва жамиятдаги рўй берадиган ҳодиса ва воқеялик ҳамда муносабатларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Гипотезанинг қўйилиши эса илмийликка ундайди ва шу орқали у прогноз тушунчаси билан боғлиқ кетади. Прогноз эса таъкидлаб ўтганимиздек, гипотезаларга таянган ҳолда илмий-қонуниятларга асосланади. Ўрганилаётган жараённинг келгусидаги ҳолатини аниқлашда уларни бирга қўллаш муҳим услубий йўлланмаларни беради ва улар биргаликда режаларни шакллантиришга асос бўлади.

Прогнозлаштириш бошқарув тизимининг муҳим ва зарурий элементи ҳисобланади. Прогнозлаштириш натижасида бошқарув жараёнида бошқарув объектининг келгусидаги ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларнинг йўналишлари аниқланади. Бошқарувни амалга оширишдан кўзланган мақсаднинг эришишнинг тактик йўналишлари ва унга ўзгартириш имконияти

пайдо бўлади. Россиялик иқтисодчи олим Н.Н. Моисевнинг таъкидлашича,<sup>33</sup> ҳар қандай иқтисодий объектни прогнозлаштириш учта хусусиятга: тизимлилик, объективлилик ва билиш мумкинлик кабиларга эга бўлади, шу жиҳатдан, ҳар қайси объектни прогнозлаштириш жараёнига фундаментал нуқтаи назардан қарашга тўғри келади. Иқтисодиётда объектив равишда юз берадиган жараён ва ҳодисалар моҳияти ва ўрнига қараб мураккаблилиги билан фаркланади. Ушбу жараёнларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлаш ўз-ўзидан ҳам шундай мақомда бўлади. Иқтисодий назарияларда бундай жараёнларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашга доир йўналишлар пайдо бўлишига туртки бўлди, провардида эса мураккаблик ва хаос (тартибсизлик) назариялари вужудга келди.<sup>34</sup>

Мураккаблик назариясига кўра, иқтисодий жараёнларни прогнозлаштириш мураккаблигига қараб ривожланади ва прогноз натижаларининг объективлиги ҳам паст бўлади. Ушбу назарияга муқобил равишда "Хаос назарияси" тарафдорлари эса, мураккаб ҳодисаларни прогноз қилиш натижаларида вариантларнинг энг ишончлисини танлаш муносабатларига катта эътибор беради. Ушбу назарияда мураккаб ҳодисаларни прогноз қилишда образлар сценарияси ва трендлар сценарияларга асосланиш лозимлиги таъкидланади. Баъзи бир назарий қарашларда, масалан, В.Колпаковнинг фикрича, ҳар қандай объект доирасидаги прогноз жараёнида энг муҳим нарса аниқлик даражасини белгилувчи-рискларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Рисклар ва ташқи омилларни баҳолаш иқтисодий ноаниқлик даражасини белгилаб беради, рисклар омилларнинг тескари таъсирини кучайтиради.<sup>35</sup> Қайд этилган назарияларга кўра, ҳар қандай иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш вариантларнинг муқобиллигини тўғри танлашга, иқтисодий объектнинг ички хусусиятида ва тўсатдан юз берадиган ҳодисаларни тўғри баҳолашга, қолаверса, ҳар қандай иқтисодий объектни прогнозлашда мураккаб жиҳатларни оддийликдан фарқлашни, ўз навбатида, қўлланиладиган ёндошувларни ажрата олишдан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият қилинган харажатлар ва унинг натижаларини баҳолашга, бошқача сўз билан айтганда фаолиятни таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришга асосланади. Бирок, иқтисодий фаолият

<sup>33</sup> Моисев Н.Н. Избранные труды (в 2-х томах). Т.2. Междисциплинарные исследования глобальных проблем. – М.: Тайдекс Ко, 2003. – 64 с.

<sup>34</sup> Каранг: Пригожин И., Стенгерс И. Прядок из хаоса. Новый диалог человека с природой. – М.: Эдиториал УРСС, 2000. – 132 с.; Ласло Э. Макросдвиг (К устойчивости мира курсом перемен) / Пер. с англ. Ю.А. Данилова. – М.: Тайдекс Ко, 2004. – 207 с.

<sup>35</sup> Колпаков В.М. Теория и практика принятия управленческих решений. – К.: МАУП, 2004. – 504 с.

мураккаб иқтисодий маконда кечади, иқтисодий фанлар, жумладан, иқтисодий прогноз қилишнинг асосий вазифаларидан бири ҳам олдиндан аниқлаш қийин бўлган вазиятларнинг салбий таъсирини юмшатувчи тадбирларни аниқлашдан иборат бўлади. Жамият цивилизацияси даражаси прогноз жараёни даражасини ҳам белгилаб берган. Оламни илмий билишда фалсафий қарашларнинг бирламчилиги прогнознинг вужудга келиш илдизлари ҳам фалсафий қарашларга бориб такалади. Шу жиҳатдан олганда, прогноздан кўра башоратлар кўпроқ роль ўйнаган.

Бу фарқлиниш уларнинг моҳияти билангина эмас, шунингдек, уларда қўлланиладиган усуллар ва натижаларнинг ишончлилиги билан ҳам фаркланади. Натижаларнинг фарқлиниши эса, ҳар доим ҳам бир хил бўлмаган. Дастлабки вақтларда диний башоратларда бошқаларга нисбатан устунлик юқори бўлган. Фалсафий қарашлардаги башоратларда эса, аксарият ҳолларда башоратлар ғайритабиий хусусиятларга эга бўлган. Шу боисдан, иқтисодий адабиётларда<sup>36</sup> башоратлар теологик ва интуитив турлар бўлинади. Теологик башоратлар замирида диний қарашлар ётади. (Теология (юн. theos — худо ва ...логия) — худонинг моҳияти ва иродаси ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи.) Теологик башоратларнинг аксарияти илоҳийликка асосланган бўлиб, уларда иқтисодий масалалар деярли ўрин олмаган.

Тарихий эволюцион ривожланиш натижасида турли хил қарашларнинг вужудга келиши башорат борасида ҳақиқатни далил билан исботламасдан, бевосита фаҳм-фаросат билан англаб олиш қобилиятига, шахсий қобилияти ёки билиб олинмаган алоқалар, қонуниятларни жонли шаклда умумлаштиришга асосланган интуитив башоратлар вужудга кела бошлади. Интуиция - лотинча "intuitio — синчиклаб қарайман" деган маъносини англатиб, башорат қилишнинг мазкур тури мутахассисларнинг фикрича, хиссий, ақлий ва мистик турларга бўлинади. Башорат қилиш ҳам инсоннинг ақлий мушоҳада ва бошқа сезги образларига боғлиқ бўлмаган ҳолда интуитив сезишга оқибатида, ҳодисаларнинг моҳиятини бирданига ақл билан илғаб олиш натижасида олдиндан айтишга асосланади.

Аммо оламни билишга, унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган билимларнинг чуқурлашиб бориши башоратни илмий асосланган ва идеологияга асосланган турларига бўлинишга олиб

<sup>36</sup> Каранг: В.С.Панфилов. Финансовое и экономическое прогнозирование: методология и практика. М.:Макс Пресс, 2009 - 472 с.; Вишнев С.М. Основы комплексного прогнозирования. М.: Наука ка, 1977. 57-62 с.; Анчишкин А.И. Методология прогнозирования развития народного хозяйства // Вопросы экономики. 1980. №1.46-47с.; Модели и методы налогового прогнозирования на макроуровне Васильева М.В. Управленческий учет, (2011), 12 (декабрь). 55-63 с.; Налоговое прогнозирование Лавренчук Е.Н. Экономические науки, (2011), 74 (январь), 257-260 с.

келди. Фаннинг ривожланиб бориши эса, башоратнинг илмий асосланишга ўтишини тезлаштирди, жамиятдаги объектив қонуниятлар кашф этила бошланди, провардида эса, башорат билан биргаликда прогнозлаш жараёнлари кучайиб борди. Бундан кўринадики, прогноз тушунчаси башоратдан илмий асосланганлиги, қонуниятларга, таҳлилларга ва мушоҳадалашнинг тартибли амалга оширилишига асосланиши билан фарқли хусусиятларга эга бўлади.

Прогноз қилиш жараёнининг ижтимоий илдизи албатта инсониятнинг олами билиши ва унда унинг ўрни келажакда қандай бўлиши мумкинлигини билишга интилишига бориб тақалса, унинг иқтисодий илдизини кишилиқ жамиятида тақсимот муносабатларининг мураккаблашиб бориши, жамият цивилизацияси натижасида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ажралиши натижасида улар ўртасидаги нисбат (пропорция)ни ўрнатишга эҳтиёжнинг мавжудлиги ташкил этади.

Бошқача қилиб айтганда, соҳалар ўртасидаги нисбат муносабатларини ўрнатиш эса, давлатнинг жамиятда синфий сиёсий куч сифатида юзага келишини тақозо этади. Ўз навбатида эса, давлат бундай пропорцияларни таъминлашда тақсимот муносабатларини тартибладан фойдаланади, яъни ишлаб чиқариш соҳасида яратилган қийматни қайта тақсимлаш мақсадида турли хил марказлашга пул фондларини ташкил этиш билан ҳал этади. Албатта, бундай пул фондлари сифатида давлат бюджети (хазинаси)нинг манбаларини аниқлаш, уни чамалаш (прогноزلаш) давлат молия хўжалигининг муҳим қирралари сифатида намоён бўлади. Бундан кўринади, давлат жамиятда тақсимот муносабатларида фаол иштирок этиб, ўзининг фаолиятининг молиявий асосларини таъминлашга ҳаракат қилади, бундай молиявий манбаларни жорий этиш, уни ундириш билан биргаликда унинг даражасини (келажакдаги ҳажмини) доим аниқлаб туриш унинг манфаатларига мос келади.

Манбаларга<sup>37</sup> кўра, прогноз қилишнинг шаклланиши маълум бир босқичларга эга. Юқорида таъкидлангандек, дастлабки прогнозлаш ва режалаштириш асосан башорат тусида бўлган. Бу жараён асосан фалсафий-тарихий шаклланиш деб аталиб, унда диний, ҳиссий ва философфик ёндошувлар устун бўлган ва эрамиздан аввалги IV-V асрларгача ушбу йўналишдаги башоратлар ҳукмрон бўлиб, фалсафий башоратларнинг асосини

<sup>37</sup> Қаранг: Едронова В.М. Прогнозирование налоговых поступлений в субъекте Российской Федерации/ В.М. Едронова, Н.Н. Акимов // Финансы и кредит. – 2008. - №17 – 51-54 с.; Винокурова, Г.П. Налоги и налогообложение в Российской Федерации: учебное пособие / Г.П. Винокурова. – Йошкар-Ола.: МарГТУ, 2003. – 46 с.; Васильева, М.В. Методы налогового прогнозирования на макроуровне / М.В.Васильева // Управленческий учет. – 2011. - №6 – 63-73 с.

Платон ва Конфуцийлар таълимоти ташкил этади. Кейинги босқич XV-XVI асрларга тегишли бўлиб, бу босқичда назарий ва амалий ишланмалар чуқурлаштирилди, башоратлар инсоннинг ақлий фаолияти натижаларига таяниди ва башоратда ташқи муҳитнинг таъсирлари баҳоланди ва мантикий хулосаларга асосланди. XIX-XX асрларда прогноз ва режалаштиришда муҳим босқич бўлиб, бу даврларда прогнозлаштириш ва режалаштириш жараёнларида турли хил моделлар ва усуллар қўлланила бошланди, прогноз кўрсаткичлари режалаштиришда, қолаверса, давлат бошқарувида эътиборга олина бошланди. Прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ҳозирги босқичи асосан XX асрдан то ҳозирги кунларгача даврни камраб олиб, бу даврларда прогнозлаш жараёнини алгоритмлаш, унинг инфорацион базасини ошириш, ахборот технологиялардан кенг фойдаланила бошланди, прогнозлаш натижаларининг ишончлигини ошиши, прогноз жараёнига таъсир қилувчи омилларни баҳолашнинг чуқурлашуви билан изоҳланади.

Прогноз-грекча (prognosis) сўз бўлиб-“олдиндан кўра билиш, олдиндан айтиш” деган маънони билдириб, иқтисодий-ижтимоий моҳияти бу- кўзланган мақсадга эришишнинг илмий асосланган турли хил вариантларини баҳолаш ва ишлаб чиқишдан иборатдир.

Иқтисодий прогнозларни тўғри амалга ошириш фақат уларнинг ички хусусиятларини эмас, балки бошқа омилларнинг хусусиятларини ҳам бирдек баҳолашни тақозо қилади, бу иқтисодий прогнознинг бошқа прогнозлардан муҳим фарқини ифодалайди. Масалан, аграр тармоқнинг ривожланиш кўрсаткичларида табиий-жугрофий омилларнинг таъсири устун аҳамиятга эга, қайта ишлаб тармоғининг иқтисодий кўрсаткичлари эса кон рудаларининг жойлашув ва уларнинг таркибининг хусусиятларига кўпроқ боғлиқ бўлади. Иқтисодий прогнозлар функционал белгисига қараб туркумлаш уларни тадқиқ этишнинг йўлларини аниқлашга хизмат қилади, шу жиҳатдан улар нормативли, изланувли, миқдорий, сифатий ва комбинациялашган турларга ажратилади.

Бюджет-солиқ муносабатларининг самарадорлик даражасида солиқ муносабатлари муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бизга маълумки, жамиятда эҳтиёжлар чексизлиги қонунияти мавжуд, бу ҳолат давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжга ҳам тегишлидир. Молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг чексизлиги ва унинг ҳажмининг қанчалиқ кўплиги давлат фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлади. Албатта, бу борада давлат солиқ сиёсатида прогрессив солиққа тортиш тамойилларини кучайтириш орқали масалани ҳал этиш мумкин, аммо, ушбу тамойил маълум бир вақтлар ва даврлардагина ўз самарасини бериш



мумкин.<sup>38</sup> Миллий иқтисодиётдан узлуксиз равишда яратилган янги қийматни (миллий даромадни) бюджетга сафарбар этиш иқтисодиётда таназзулга олиб келиши бюджет-солиқ муносабатларига оид илмий назарияларда жуда кўплаб исботлаб берилган.<sup>39</sup>

Шундай экан, миллий иқтисодиётдан қанча миқдорда солиқ сифатида даромадларни бюджетга сафарбар этиш мумкин ва унинг ҳам иқтисодиётга ҳам бюджет орқали давлатнинг фаолиятига таъсирини мунтазам баҳолаб туриш домий муаммолардан бири бўлиб юзага чиқади. Бу эса солиқларни бюджетга келиб тушиш даражасини, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш имконияти (салоҳияти)ни аниқлашни зарурият қилиб қўяди. Албатта, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш имконияти максимал даражада уларнинг ихтиёридаги молиявий ресурслар ҳажмида бўлиши мумкин. Бироқ, юқорида таъкидлаганидек, уларнинг молиявий ресурсларини ҳам уларнинг ўзлари ҳам давлат манфаатлари<sup>40</sup> йўлида оқилона тақсимлаш иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Бу жараён аслида миллий иқтисодиётни социал-иқтисодий прогнозлаштириш ва унга асосланган ҳолда комплекс ривожлантириш дастурларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётдаги социал-иқтисодий нисбатларни ўрнатиш мақсадида марказлашган пул фондларининг тўлақонли амал қилишини таъминлаш ўз навбатида давлатнинг молиявий бошқарув функциясини келтириб чиқаради. Молиявий бошқарувнинг муҳим таркибий қисмини молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш ташкил этади. Молиявий режалаштириш жараёнида эса, солиқларни прогноз қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг зарурлиги шундаки, иқтисодий муносабатлар бозор қонунлари доирасида стихияли тарзда кечади, солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган иқтисодий индивидларнинг фаолияти рақобат муҳитига боғлиқ, улар турлича даражада даромадларга эга бўлиб, уларнинг молиявий имкониятлари ҳам ўзгарувчан хусусиятга эга бўлади, бундан ташқари уларнинг фаолиятига таъсир этувчи жуда кўплаб омиллар таъсирида миллий даромадни ўзлаштириш даражаси табақалашади ва нотеқисликни келтириб чиқаради провардида, жамиятнинг солиқ имкониятларининг кескин фарқланиши объектив равишда мавжуд бўлади. Бундан ташқари, бошқарув жараёнида қарорлар қабул қилишда илмий асосланган ахборотларга таяниш энг муҳим шартлардан бири саналади.

<sup>38</sup> Инглиз иқтисодчиси Ж.Кейннинг прогрессив солиққа тортиш назариясининг АҚШ иқтисодиётига таъсирини эслаш мумкин.

<sup>39</sup> Масалан, А.Лаффер эгри чизигининг моҳияти.

<sup>40</sup> Давлат манфаатлари деганда уни икки томонлама тушуниш керак. Аслида давлат жамият аъзолари, жумладан, ишлаб чиқариш соҳаси вакилларининг ҳам манфаатларини кўзлайди.

Илмий асосланган ахборотларни олиш усулларида бири сифатида ҳам прогноз қилиш жараёни юзага чиқадики, бюджет-солиқ жараёнида қарорлар қабул қилишда солиқларни прогноз қилишга зарурлиги мавжуд бўлади. Солиқларни прогноз қилиш жараёни социал-иқтисодий прогнозлаштиришнинг таркибий қисми сифатида унинг зарурлиги, амалга ошириш тартиблари ва унинг натижаларининг қарорлар қабул қилиш (режалаштиришга асос қилиб олинishi)да миллий иқтисодиётнинг қайси тизимга асосланганлигига ҳам боғлиқдир.

Маълумки, табиат ва жамиятда содир бўладиган ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни зарурлигини келтирувчи чиқарувчи омиллар мавжуд бўлади. Айнан ушбу қонуният солиқларни прогноз қилиш жараёнига ҳам тегишли бўлиб, унинг зарурлигини ифодловчи бир қатор омиллар мавжуд.

## **9.2. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади, белгилари ва тамойиллари**

Солиқ прогнозининг моҳиятини аниқлашда яна муҳим босқичлардан бири бу, унинг мақсади ва вазифаларининг белгиланишидир. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади - бюджет-солиқ сиёсатида белгиланган вазифаларга эришиш борасида бюджетга солиқ тушумлари прогнозининг умумий ва хусусий қонуниятларини аниқлаш, миллий, ҳудуд ва солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятига баҳо бериш ҳамда бюджетни режалаштиришга оид муҳим натижавий ахборотларни тақдим қилишдан иборат бўлса, унинг вазифалари қуйидагилардан ташкил топади:


- турли даражадаги бюджетларни оптимал режалаштириш учун унинг даромад манбаларининг келиб тушининг турли вариантлардаги прогноз кўрсаткичларини аниқлаш;
- миллий иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогнозларини аниқлашда муҳим ахборот манбалари билан таъминлаш;
- миллий иқтисодиёт, ҳудудлар, тармоқлар ва солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини мунтазам аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларнинг таъсирини баҳолаш;
- барча босқичдаги солиқларни прогноз қилиш жараёнига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини баҳолаш;
- иқтисодиётдаги турли даражадаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарурий ахборотларни шакллантириш;

- турли даражадаги бюджетлар ўртасида бюджетлараро муносабатларни тартибга солишда муҳим молиявий инструмент сифатида иштирок этиш;
- давлатнинг ЯИМни қайта тақсимлаш борасидаги ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлашга оид муҳим услубий йўналишларни кўрсатиб бериш ва шу қабилар.

Ҳар қайси иқтисодий жараённинг ўзига хос белгилари бўлади. Ушбу белгилар унинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқли жиҳатларини кўрсатиши билан бирга унинг ички хусусиятларини ҳам очиқ беришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан олганда, солиқларни прогноз қилиш тушунчаси (жараёни)нинг ҳам ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, бизнингча улар куйидагиларда ифодаланади. Солиқ прогнозининг энг муҳим белгиларидан бири бу унинг мавҳумлигидир, яъни прогноз аслида мавҳум бўлган жараён ва ҳодисаларни қамраб олади, ушбу мавҳумликни аниқлаш эса, прогноз жараёнини тўғри ташкил қилиш, унда қўлланиладиган усуллар ва моделларни тўғри қўллаш ҳамда ахборот базасини тўғри шакллантирган ҳолда уларни тўғри қайта ишлаш каби тадбирлар (жараёнлар)га боғлиқ бўлади. Солиқларни прогноз қилишнинг кейинги белгиси эҳтимолликка асосланиш белгиси ўз навбатида таҳлиллар ва илмий асосланган ҳолда иш юритишни талаб этади.

Прогнознинг яна муҳим белгиси у олдиндан кўра билиш ва айтишлик тамойили асосида мавжуд бўлишлиги, жуда кўп омиллар таъсирига эгаллиги ҳамда натижаларнинг муқобил вариантларда олинишлиги каби муҳим белгилари юзага чиқади. Албатта, бу жараёнда прогноз кўрсаткичларига жуда кўплаб омиллар таъсир қилади ва бу унинг муҳим белгиси сифатида юзага чиқади (14-расм).

Прогнозни ташкил қилишдан мақсад ҳам иқтисодий жараён, ҳодиса ва воқеяликларнинг келгусидаги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини олдиндан айтиш ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг реал амал қилиши, уларнинг самарадорлигига эришиш кўп жиҳатдан унинг амал қилиш тамойилларини аниқлашга боғлиқ. Солиқлар иқтисодий категория сифатида мажбурий тўловларни ифодаласа, иқтисодий муносабатлар сифатида солиқ тўловчилар ва давлат ўртасида мажбурий тўловларни тўлаш билан боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни ҳам ифодалайдигани, бундай муносабатларнинг самараси нафақат солиққа тортиш тамойилларига, шунингдек, солиқни прогноз қилиш тамойилларига ҳам боғлиқдир.



**11-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади, белгилари ва тамойиллари <sup>41</sup>.**

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнида энг муҳим нарса бу уни ташкил этиш ва амалга ошириш тамойилларидир. Тамойиллар бу жараёни ташкил этиш ва унинг йўналишининг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу боисдан, солиқларни прогноз қилишда унинг тамойилларини тўғри белгилаб олиш прогноз натижаларининг ҳаққонийлигини таъминлайди. Солиқларни прогноз қилиш тамойиллари аввало жараёнлар ва илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг умумий тамойилларига асослансада, шу билан биргалликда унинг ички хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз хусусий тамойилларига ҳам эга. Солиқларни прогноз қилиш тамойилларининг белгиланишига қараб, уни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиблари белгиланади. Амалий нуқтаи назаридан солиқларни прогноз қилишнинг тамойиллари хусусида кўплаб илмий ёндошувлар мавжуд бўлиб уларни

<sup>41</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

умумлаштирган ҳолда куйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: тизимлилик тамойил (барча жараёнлар ва элементларни ўзаро боғлиқликда қараш) мувофиқлик тамойили (прогноз жараёнида модел, усул ва ахборотлар тўпламининг бир-бирига мувофиқлиги), вариантлик тамойили (прогноз натижалари бир неча вариантларда ишлаб чиқилиши), мослашувчанлик тамойили (прогноз кўрсаткичлари ва ахборотларининг прогноз белгиларига мослашуви), ишончилилик тамойили (прогноз натижаларининг ишончилиги), рентабеллилик тамойили (прогноз натижалари самараси прогноз жараёнини ташкил этиш, уни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлардан юқори бўлиши).

Солиқларни прогноз қилиш тамойилларини аниқ белгилаш ва уларга асосланиш солиқ тизимини самарадорлигини таъминлашга олиб келади, прогноз жараёнини амалга оширишнинг умумий йўналишларини тавсифлайди, унинг қонуниятларини кўрсатиб беради, бинобарин, солиқларни прогноз қилишнинг умумий тенденцияларини аниқлаш прогноз жараёнининг аниқлигини таъминлайди. Солиқларни прогноз қилиш жараёни мавҳумликка ва эҳтимолликка асосланиши ҳамда жуда кўп омиллар таъсирида мавжуд бўлиши унинг амал қилишининг ўзига хос тамойилларини тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, умумий ва хусусий тартибда солиқларни прогноз қилиш куйидаги тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқдир:

Тўловга қобилиятлилик тамойили. Солиқларни прогноз қилишда асосий тамойиллардан бири тўловга қобилиятлилик тамойили бўлиб, унинг асосий моҳияти бюджет даромадларини шакллантиришда солиқлар миқдорини, яъни, бюджет даромадлар сўммасини фақат ўтган йилги кўрсаткичларни инфляцияни ҳисобга олган кўрсаткичлар асосида эмас, балки, солиқ тўловчиларнинг тўловга қобилиятини ва солиқларнинг адолатлилик тамойилини ҳисобга олган ҳолатдан келиб чиқиб аниқлашни тақозо этади. Солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш имкониятини уларнинг молиявий кўрсаткичларини чуқур таҳлил этган ҳолда, уларнинг фойда олиш даражаси динамикасига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.

Солиқларни прогноз қилишда миқдорийлик тамойилини ҳам қўллаш ўз моҳиятига эга. Прогноз жараёнида солиқ тўловчилар сони ва миқдорини эътиборга олиш солиқ тушумлари ҳажми аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундаки, солиқ тушумларини прогноз қилишда солиқ тўловчиларининг сонининг динамик ўзгариши, яъни янги ташкил этилаётган ёки ташкил этилиши қўйилаётган солиқ тўловчилар миқдори, уларда яратилган иш ўринлари сони, ўз фаолиятини тугатган (банкрот бўлган) солиқ тўловчилар сони, зарар кўриб ишлаётган ва узлуксиз

даромад олиб келаётган солиқ тўловчилар сони, янги ташкил этилаётган корхоналарнинг соҳалар бўйича таркиби доимий солиқ имтиёзларига эга бўлганларнинг қанчаси ўз фаолиятини давом эттирганлар сони ва шу каби кўрсаткичларга асосланиш лозим.

Солиқларни прогноз қилишда ҳисобга олиш тамойилига амал қилиш солиқларни прогноз қилишда ва солиқлар миқдорини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу тамойилда солиқлар бўйича бюджетга боқиманда сўммаларига эга бўлган солиқ тўловчилар, боқиманда қарзларининг вужудга келиш сабабларини таҳлил этиш, давлат томонидан фаолиятни рағбатлантириш мақсадида берилган солиқ имтиёзларининг самараси, солиқ тўлашдан қочаётган, солиқ қонунчилигини мунтазам солиқ тўловчиларнинг фаолияти натижасида бюджетга келиб тушиши лозим бўлган солиқ тушумлари бўйича йўқотишларни алоҳида ҳисобга олиш асосий эътиборда бўлади.

Тизимлилик тамойили. Маълумки, солиқларни прогноз қилиш жараёнида жуда кўплаб иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланишга тўғри келиб, уларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этади. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, қўлланиладиган кўрсаткичлар ва ўрганиладиган жараёнларни ўзаро боғлиқда қараб, уларга таъсир этувчи омилларнинг ҳам таъсирини эътиборга олишни талаб қилади. Прогноз жараёнида унчалик муҳим бўлмаган кўрсаткичларни эътибордан четда қолдириш ёки кўрсаткичларнинг прогноз жараёнидаги ролини етарлича баҳоламаслик, прогноз натижаларига салбий таъсир қилиши мумкин. Масалан, фойда солиғи бўйича солиқ тушумлари прогноз қилинаётганда фойда солиғи тўловчилари сони, яъни миқдор кўрсаткичлари асос қилиб олиниб, сифат кўрсаткичлар бўлган-солиқ тўловчиларнинг молиявий натижалари (фойда ёки зарар) прогноз жараёнидан четда қолиб, миқдор ва сифат кўрсаткичлар яхлит (боғлиқ) ҳолда ўрганмаслик прогноз натижаларининг ҳаққонийлиги пасайишига (эҳтимолликни ошишига) олиб келиши шубҳасиз.

Таъкидланганидек, солиқ прогнози мавҳумлик ва эҳтимоликка асосланади. Бирок, прогноз жараёни якунида эса аниқликка асосланган ҳолда кўрсаткичларга эришиш бош мақсадлардан бири саналади. Бу эса солиқ прогнозининг эҳтимолликдан аниқликка интилиш тамойили асосида таъминланади. Прогноз жараёнининг дастлабки ва оралик босқичида эҳтимоллик кўрсаткичлари асосий роль ўйнайди. Аммо, бош мақсад-юқори аниқликка асосланган прогноз кўрсаткичларига эга бўлишга эришиш эҳтимоллик кўрсаткичларининг аниқлик кўрсаткичларига трансформация-лашувини тақозо этади. Ушбу тамойилнинг ўзига хос яна бир хусусияти бу,

прогноз жараёнида қўлланиладиган усулларни тўғри танлашни, прогноз жараёнининг қайси даврида ёки шаклида қўлланиладиган усулларнинг қайси бири эҳтимоллик кўрсаткичларини аниқликка айлантиришини тавсифлайди. Прогноз жараёнида эҳтимолли кўрсаткичларининг аниқлигини таъминлашга эришиш прогноз жараёнининг самарадорлигини билдиради. Агар, эҳтимоллик кўрсаткичларининг таъсири камайиб борса, прогноз натижаларининг аниқлиги ошиб бориши, провардида эса натижалар асосида режалар тузилишига эришилади.

Таъкидланидек, солиқни прогноз қилиш жараёнида бюджет даромадлари қисмига келиб тушадиган молиявий ресурсларнинг ҳажмини максимал даражада аниқликда ҳисоблаш ҳам асосий эътибордан бири сифатида барча жараёнлар прогнознинг мақсадига қаратилиши лозимлигини тақозо этади. Бироқ, прогноз жараёнида умумий мақсад бюджетнинг даромадлар қисмига солиқ тушумларининг келиб тушишини баҳолаш бўлса, айрим ҳолларда мақсад бошқачароқ, масалан, прогнозга таъсир этувчи омилларни баҳолаш мақсад қилиб белгиланиши, ўз навбатида оралиқ мақсад ҳам бўлиши мумкин. Мақсадга қараб эса, қўлланиладиган усуллар ҳам фарқланади. Демак, солиқни прогноз қилишнинг ҳам ташкилий босқичида, ҳам якуний босқичида ҳам якуний мақсадга қаратилганликдан келиб чиқиш лозим бўлади. Бу эса прогноз жараёнининг йўналиши мақсаднинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини тавсифловчи- прогнознинг ташкил этилиши ва амалга оширилиши прогнознинг мақсадига қаратилганлиги тамойилининг моҳиятини ифодалайди.

Догмаликдан узоқлашиш ва ўзгарувчанликка мойиллик тамойили. Мазкур тамойил солиқни прогноз қилиш жараёнида жараён (кўрсаткич, омил, ҳолат, ҳодиса)ларни ўзгарувчанликда олиб қарашни тавсифлайди. Яъни, дастлабки босқичда олинган натижаларга догматик сифатда эмас, балки, улар ўзгарувчанликка мойиллигини эътиборга олиш лозим бўлади. Натижаларга ўзгармас деб қараш прогноз жараёнининг йўналишларида хатоликка олиб келиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, прогнозда догмаликдан узоқлашган ҳолда ўзгарувчанликка мойиллик асосида ишлаш прогнознинг олдига қўйилган мақсадга эришишда асосий омиллар бўлиб хизмат қилади.

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида амал қиладиган яна бир тамойил бу синтез ва таҳлилнинг ягоналиги тамойилидир. Маълумки, синтез бу таҳлилдан фарқли равишда ўрганилаётган объектни уларни белгиларига қараб бирлаштириш, илгари мавжуд бўлмаган қисмларини тўлдириш ва жойлаштиришни ифодалайди. Синтезлаш жараёнида прогноз объектига тегишли кўрсаткичлар тартибланади ва улар бир-бири билан тўлдирилади.

Синтез воситасида бирлаштирилган (тартибланган) кўрсаткичлар ва объектлар эса таҳлил қилинади, натижада эса, прогноз жараёнини амалга ошириш соддалашиб, олинган хулосаларга замин яратилади. Демак, солиқни прогноз қилиш жараёнида объектлар ва кўрсаткичлар синтезлаш асосида таҳлил қилишга асосланган мазкур тамойил катта аҳамиятга эга.

Жараёни ташкил қилишда мантиқийлик, амалга оширишда таҳлил, якуний кўрсаткични қабул қилишда баҳолашнинг устунлиги тамойили ҳам солиқни прогноз қилиш жараёнини маълум тизимга солиш асосида уни тўғри амалга оширишда муносиб роль ўйнайди.

Прогноз жараёнини ташкилий босқичида албатта мантиққа асосланиш, уни амалга оширишда таҳлиллар муносиб ўрин тутиши, жараён сўнгида олинган натижалар эса албатта баҳолиниши, яъни, бир неча вариантларни энг ишончлисини танлаш прогноз жараёнида катта аҳамиятга эгадир.

Солиқларни прогноз қилиш тамойиллари солиққа тортишнинг умумий тамойиллари билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Солиққа тортишнинг умумий тамойилларидан бўлган адолатлилик тамойилида шу нарса назарда тутилдики, солиқлар шундай миқдорда ундирилиши керакки, ҳам давлат, ҳам солиқ тўловчи манфаатларига мос келиш керак. Бу эса, солиққа тортишнинг замонавий тамойилларидан бўлган етарлилик тамойилига ҳам тегишлидир. Ушбу тамойилларда назарда тутилган бюджетга зарур бўладиган молиявий маблағларнинг ҳолатини эса солиқ прогнози тамойиллари аниқлаб беради.

### **9.3. Макро ва микродаражада солиқларни режалаштириш масалалари**

Иқтисодиётга оид илмий ва ўқув адабиётлар ҳамда бошқа манбалар ўрганилганда солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг мазмунини очиб берувчи ягона тушунчани учратиш қийин. Бир томондан, прогноз ва режалаштириш жараёнининг ўта мураккаблиги бўлса, бошқа томондан бу жараёнларни мутахассислар томонидан турлича талқин қилинишидир.

Солиқларни режалаштириш бўйича йирик илмий тадқиқотлар олиб борган Россиялик олимлар М.Романовский ва О.Врублевскаянинг фикрларича, солиқларни режалаштириш бюджет жараёнини мувофиқлаштиришда қатнашувчи давлат ҳокимликлари ва солиқ муносабатларида қатнашувчиларнинг ўзаро фаолияти бўлиб, ўзида аниқ ҳудудлар доирасида бюджетга солиқлар ва тўловларнинг ҳажмини аниқлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларидан иборат<sup>42</sup>. Шунга ўхшаш ёндошув

<sup>42</sup> Финансы. Под ред. Романовского М.В., Врублевской А.В., Сабанти В.М. М.: 2004. - 504 с.

В.Бариленко томонидан келтирилади. Солиқларни режалаштириш - давлат эҳтиёжлари учун зарур бўладиган ва давлат бюджетда жамланадиган молиявий ресурсларнинг юзага келиш жараёнидир<sup>43</sup>.

Л.Дробозинанинг фикрича, солиқларни режалаштириш бу бюджетни режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ресурсларни жалб қилиш ва тақсимлашнинг ташкилий механизми саналади.<sup>44</sup> Ушбулардан фарқли равишда И.Горский ва Н.Малислар солиқларни режалаштириш билан прогнозлаштириш тушунчаларини айнан ўхшаш категориялар сифатида изоҳлайди. Уларнинг фикрича, солиқларни режалаштириш солиқларни прогноз қилиш натижалари асосида солиқ салоҳиятига баҳо беришдир. Солиқларни режалаштириш бу солиқ салоҳиятнинг солиқ тушумларига нисбатидир<sup>45</sup>. Ўз навбатида А.Паскачев, Ф.Садыгов, В.Мишинлар юқоридагилардан фарқли равишда солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришни алоҳида категориялар ва тушунчалар деб ҳисоблайдилар.

Ҳар қайси ўзаро яқин иқтисодий категорияларнинг моҳиятини ўрганишда уларнинг ўзаро фарқли ва ўхшаш хусусиятларини солиштириш аҳамиятлидир. Баъзи бир иқтисодий адабиётларда<sup>46</sup> ушбу тушунчаларни битта тушунча сифатида қаралсада, аммо улар бир-биридан фарқ қилади.

Куйида келтирилган 12-расмдан кўринадики, солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнларининг ўхшаш хусусиятлари куйидагиларда акс этади: яъни, улар солиқ сиёсатининг таркибий элементи ҳисобланади, иккаласи ҳам молиявий инструментлар сифатида юзага чиқади, бюджетни режалаштиришнинг асос бўлиб хизмат қилиши билан бирга уларда асосан бир хил турдаги моделлар ва усуллар қўлланилади. Шу билан биргаликда, улар ўзаро фарқли хусусиятларга ҳам эга. (12-расм).



12-расм. Солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштириш(тушунча) жараёнларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари<sup>47</sup>.

Уларнинг бу фарқли хусусияти кўлами жиҳатидан фарқланиши (солиқларни режалаштириш микродаражада асосан маҳаллий ҳокимликлар томонидан ўз ваколатлари доирасидаги солиқ сиёсатининг мазмуни ва корхоналарда солиқ тўловларини тўлашни режалаштириш шаклида кечади), бюджет-солиқ сиёсатидаги иштироки турличалиги (солиқни режалаштириш солиқ сиёсатининг йўналишларини белгилашга қаратилган бўлса, солиқ прогнози бюджетнинг солиқли даромадларини қамраб олади), жараёнда фойдаланиладиган кўрсаткичларнинг турличалиги, турли хилдаги ахборот базаларидан фойдаланиши, турлича умумий белгига эгаллиги ва вазибаларининг фарқланиши, жараён натижаларини акс эттириши жиҳатдан фарқланиши ҳамда амал қилиш муддатларининг турличалиги ва шу каби хусусиятлари билан фарқланади.

Солиқларни режалаштиришнинг фарқли хусусияти шундаки, қабул қилинган вариант ижро учун мажбурий ҳисобланади. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш солиқ тизими ва солиқ сиёсатининг самарадорлигини ифода қилади. Солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришга оид ёндошувларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи ёндошувга кўра, солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштириш синоним

<sup>43</sup> Анализ финансовой отчетности : учебное пособие / В.И. Бариленко, С.И. Кузнецов, Л.К. Плотникова, О.В. Кайро ; под общ.ред. В.И. Бариленко. — 2-е изд., перераб. — М. : КНОРУС, 2006. — 416 с.

<sup>44</sup> Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник для вузов / Л.А. Дробозина, Л.П. Окунева, Л.Д. Андросова и др.; Под ред. проф. Л.А. Дробозинной. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 1997.-479 с.

<sup>45</sup> Теория и практика налогообложения: Учебник / Н.И. Малис, И.В. Горский, С.А. Анисимов; Под ред. Н.И. Малис. - 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Инфра-М, 2013. — 432 с.

<sup>46</sup> Қаранг: Перов А.В. Налоги и налогообложение: учеб. пособие / А.В.Перов, А.В.Толкушкин. — 2 изд., перераб. и доп. — М.: Юрайт-Издат, 2003. — 76с.; Чигракова Н.М. РИСК: Ресурсы, информация, снабжение, конкуренция, (2011), 3 (2 квартал), 274 с.


<sup>47</sup> Муаллиф ишланмаси.

тушунчалар ҳисобланади. Иккаласи ҳам давлат ва маҳаллий бюджетларга солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларни максимал даражада кам харажатлар эвазига жалб қилишнинг восита ва элементларидир. Иккинчи ёндошувга асосан солиқларни прогнозлаш ва режалаштириш бир-бирини тўлдирувчи категориялар саналади ва солиқ тизими ҳамда солиқ сиёсатининг элементи дир. Бу ерда солиқларни прогноз қилиш солиқ сиёсатида белгиланган вазибаларни бажаришга қаратилган солиқ салоҳиятини аниқлашга ва таҳлил қилиш билан боғлиқ тизимли фаолият бўлса, солиқларни режалаштириш аниқ даврда солиқ тушумларини аниқлашга қаратилган тизимли фаолият дир. Учинчи ёндошувга кўра, солиқларни режалаштириш ўз ичига солиқларни прогнозлаштиришни камраб олади ва прогнознинг характерли хусусиятларини белгилаб беради.

Яъни, солиқларни режалаштириш мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришини таъминлаш борасида бюджетнинг турли даражаларига солиқларнинг келиб тушиш ҳажмини, таркибини ва динамик ҳолатинини аниқлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар саналса, солиқларни прогнозлаштириш режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида солиқларни ундириш жараёнида иштирок этувчи органларнинг бюджетга солиқларни жалб қилишга қаратилган мувофиқлаштирувчи фаолият дир. Тўртинчи йўналиш учинчи йўналишга тескари равишда солиқларни режалаштириш солиқларни прогнозлаштиришнинг таркибида бўлиб, солиқларни прогноз қилиш жараёнини солиқ тушумларини аниқлаш, солиқ базаси ва салоҳиятни баҳолаш жараёни, белгиланган прогноз кўрсаткичлари ва солиқлар бўйича қарздорликни таҳлил қилишга қаратилган фаолият, солиқларни режалаштириш эса, солиқ сиёсатида мақсад қилиб қўйилган вазибаларни солиқ элементлари орқали амалга оширишга қаратилган бошқарув жараёни дир деб ҳисоблайдилар.

Аввало, солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнлари давлатнинг молиявий сиёсатининг энг муҳим ажралмас қисми бўлиб, бу икки тушунча кенг камровли муносабатларни изоҳлайди. Солиқларни прогноз қилиш ҳам режалаштириш ҳам давлат бюджети жараёнига хизмат қилиб улар бир-бирини тўлдирувчи иқтисодий категориялар сифатида бюджет-солиқ сиёсатининг ядросини ташкил этади. Аммо, солиқларни режалаштириш иқтисодий муносабатлардаги ўрни юзасидан прогноз жараёнига нисбатан бирламчи ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, солиқларни режалаштириш давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатининг асосий таркибий қисми сифатида давлатнинг солиқ ва фискал сиёсатининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди ҳамда у таркибий жиҳатдан солиқларни жорий этиш, солиқ ставкаларини


белгилаш, уларнинг даражаларини ўзгартириш, солиқ имтиёзларини бериш (бекор қилиш), солиқларни ундириш, солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари билан ҳуқуқий-меъёрий нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу жараёнларни тартибга солиш) мувофиқлаштириш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидан иборат (12-расм).



13-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг молия сиёсатининг бошқа таркибий қисмлари билан ўзаро таъсири йўналишлари<sup>48</sup>.

Солиқларни прогноз қилиш молиявий прогнознинг муҳим таркибий қисми сифатида молиявий прогнознинг бошқа турлари билан ўзаро таъсирда бўлади. Бу эса, молиявий прогноз ва солиқ прогнозининг илдири битта нарсага, яъни, молиявий сиёсатнинг ўзагини ташкил қилишлигини билдиради. Ўз навбатида, солиқларни прогноз қилиш жараёни молиявий режалаштириш, молиявий прогнозлаштириш, бюджетни режалаштириш, бюджетни прогнозлаштириш ҳамда солиқларни режалаштириш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ бўлади.

<sup>48</sup> Муаллиф ишланмаси.



**14-расм. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг макро ва микро даража амал қилиши ва уларнинг ўзаро таъсири.**<sup>49</sup>

Албатта, бу тушунчалар бир биридан фарқ қилади. Молиявий режалаштириш таркиби жиҳатдан давлатнинг барча марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини режалаштириш, барча даражадаги молиявий ресурсларни режалаштириш жараёнларини қамраб олади, молиявий прогнозлаштириш эса, унинг таркибий қисми ҳисобланади ва барча турдаги пул фондларининг маблағлари ва уларни сарфлашнинг прогноз кўрсаткичларини қамраб олади. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнлари макро ва микро даражада амал қилиб, улар нафақат бир-бирига шунингдек, қайд этилган кўрсаткич (жараёнлар)ларга таъсир қилади.

Бюджетни режалаштириш эса, бюджет жараёнининг муҳим ташкилий босқичларини қамраб олса, бюджетни прогнозлаштириш бюджетнинг барча даромад манбалари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаб

<sup>49</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

беради. Бюджетни прогнозлаштириш ва солиқларни прогноз қилиш жараёни ўзаро боғлиқ бўлиб, солиқларни прогноз қилиш эса, бюджетнинг даромад манбаларининг солиқли даромадлари қисмини қамраб олади, бошқа даромад манбаларининг прогнози жараёни, ўз навбатида солиқни прогноз қилиш объектига кирмайди. Солиқларни прогноз қилиш эса, шу жиҳатдан бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнига муҳим ахборот манбаларини тадқиқ этиши билан аҳамиятлидир.

17-расмдан кўринадики, солиқларни прогноз қилиш макро даражада жамланма бюджетнинг даромадлар қисмига солиқ тушумларини прогноз қилишни қамраб олиб, мамлакат иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий прогноз қилиш ва бюджет ҳамда солиқларни режалаштириш жараёнининг асоси бўлади, уларнинг йўналишларини белгилашга таъсир қилса, микро даражада эса тармоқлар, ҳудудлар, солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолашни, солиқ турлари бўйича солиқ прогнозини қамраб олади, ҳудудларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ҳамда маҳаллий бюджетларнинг кўрсаткичларини аниқлашга хизмат қилади ва унинг йўналишларини белгилашга таъсир қилади.

Солиқларни режалаштириш жараёни эса, макродаражада солиқ сиёсатининг ўзаги сифатида солиқларни жорий қилиш, уларни ундириш механизмлари, солиқ ставкалари, имтиёзларини белгилашга оид жараёнларни қамраб олади, мамлакат иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларининг асоси бўлиб хизмат қилади, бюджет жараёни ва ўз навбатида, солиқларнинг ҳамда солиқларни прогноз қилиш (солиқ салоҳияти) жараёнига аке таъсир қилади. Шунингдек, микро даражада ҳам мавжуд бўлиб, маҳаллий ҳокимликларнинг ўз ваколатлари доирасидаги мажбурий тўловларни жорий қилиш, уларни ундириш механизмлари, солиқ ставкалари, имтиёзларини белгилашга оид ва корхоналарда солиқларни режалаштириш билан боғлиқ жараёнларни қамраб олади, ҳудуд иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларининг асоси бўлиб хизмат қилади, ҳудуднинг солиқ салоҳиятини аниқлашга таъсир қилади.

Солиқларни прогноз қилиш эса, солиқ тўловчиларнинг юзага келиш жараёнлари ва давлат бюджетининг даромадлар қисми сифатида солиқларнинг турли даражадаги бюджетларга келиб тушишини прогноз қилиш (эҳтимоллигини ҳисоблаш), солиқларнинг бюджетга жалб этилиш даражаси ва солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш, шунингдек, ушбу жараёнларни ва уларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни динамик таҳлил этишга қаратилган муносабатлар ҳамда давлатнинг ваколатли органларининг комплекс фаолияти тушунилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган

ёндошувларда қайд этилганидек, бу тушунча ва муносабатлар бир-бирини тўлдириш ва кетма-кетликка эга бўлади. Солиқларни режалаштириш солиқ тушумлари, солиқ базаси, солиқларнинг йиғилувчанлик даражалари ва макроиктисодий кўрсаткичларнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Солиқларни режалаштиришдан мақсад, давлат бюджетига солиқ тушумларини максимал даражада жалб қилишдан иборат. Солиқларни режалаштириш давлат даражасида социал-иктисодий жараёнларни прогноз қилишнинг муҳим кўриниши бўлиб юзага чиқади ва бир неча босқичлардан иборат бўлади.

Давлат бюджетига солиқларни жалб этиш билан боғлиқ режалаштиришнинг олдига бир қатор вазифалар қўйилади: турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисмларига тушумларнинг келиб тушишини таъминлаш, солиқ ставкаларини оширмаган ҳолда бюджетга солиқ тушумларини ҳажмини оширишнинг қулай воситаларидан фойдаланиш ва таъминлаш, молия йили давомида солиқларнинг бюджетга келиб тушишининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, бошқарув амалиётида солиқларни максимал даражада жалб қилишнинг усулларидан кенг ва самарали фойдаланиш ва шу қабилилар.

Солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги солиқ-бюджет жараёнларининг чегарасини белгилайди. Шу билан биргаликда, солиқларни прогноз қилиш ўзида директив хусусиятларни акс эттирган тахминларга асосланса, солиқларни режалаштириш эса ўзида бажаришга қабул қилинган миқдорий кўрсаткичларни ифодалайди. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш механизмлари фақат макроиктисодий даражада фаркланади, улар бир-бирини тўлдирсада, солиқларни прогноз қилиш жараёни режалаштириш жараёнидан олдин содир бўлади. Солиқларни прогноз қилишни мувофиқлаштириш асосини бюджет жараёни нормалари ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, солиқларни прогноз қилиш масаласи давлатнинг молия сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органларнинг бош вазифаларидан бири бўлиб юзага чиқади. Солиқларни прогноз қилиш ҳар бир солиқ ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича солиқ базасини аниқлашни камраб олади, бу жараён ўта мураккаб бўлиб, бу масаланинг тўғри ҳал қилиниши бошқа кейинги жараёнларга яъни солиқ қарздорлиги, солиқларнинг йиғилувчанлиги қабилиларга тўғридан тўғри таъсир қилади.

Солиқларнинг бюджетга келиб тушиши бошқа омилар сингари солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштириш босқичларига боғлиқ

бўлади. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича<sup>50</sup>, солиқларни режалаштириш босқичлари уч босқичдан: солиқлар сифатида бюджетга жалб қилиш мақсадида иқтисодий субъектларнинг ресурс имкониятлари аниқлаш; давлатнинг социал-иктисодий ҳамда бюджет-солиқ сиёсатининг йўналишларини аниқлаш; солиқларнинг турли даражадаги бюджетларга келиб тушишини ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган аниқ ҳаракатларни амалга ошириш каби босқичлардан иборат. С.Барулин бошчилигидаги "Солиқ менежменти" ўқув қўлланмаси муаллифларининг фикрича эса, солиқларни режалаштириш жорий ва келгуси даврлар бўйича солиқ мажбуриятларини такомиллаштиришга ва уларни камайтиришга қаратилган турли хил вариантларни тизимли таҳлил қилишни ўзи ичига олган тадбирлардан иборат ва у ўз ичига солиқ салоҳиятини аниқлаш, жамланма бюджетга солиқларнинг келиб тушиш ҳажмини аниқлаш, турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисми бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда прогнозлаштирилаётган ҳажмдаги молиявий маблағларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлашдан иборат бўлади.

Солиқларни режалаштиришнинг асосий вазифаси эса, максимал молиявий натижага эришиш ва солиқларни минимал даражада камайтиришга қаратилган солиққа тортиш тизимини ташкил этишдан иборат. Солиқларни режалаштириш босқичлари эса ташкилий-тайёргарлик, тадқиқотчилик, режани ишлаб чиқиш, режани амалга ошириш қабилилардан иборат.<sup>51</sup> Баъзи иқтисодчи олимлар солиқларни режалаштиришни асосан корхона доирасида амал қилади деб ҳисоблайди, чунончи, Ўзбекистонлик олимлардан С.Элмирзаевнинг фикрига кўра, солиқларни режалаштириш-қонунчилик томонидан тақдим этилган енгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усулларидан фойдаланган ҳолда солиқлар ва ва бажбурий ажратмаларни камайтириш ҳада солиқ мажбуриятларини белгиланган тартибда бажарий бўйича белгиланган молиявий режалаштириш туридир<sup>52</sup>, деб таъкидласа, яна бир ўзбек иқтисодчиси М.Адилов солиқларни режалаштириш- қонунда белгиланган имтиёзлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартириш усулларини қўллаган ҳолда солиқ юқини камайтиришнинг қонуний усулидир деб ҳисоблайди<sup>53</sup>. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш элементлари уларнинг ўзаро боғлиқлиги бюджет-солиқ

<sup>50</sup> Ефимов С.С. Формирование системы налогового прогнозирования и планирования на макроуровне. автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Орёл, 2014. 22 с.

<sup>51</sup> Панасенкова Т.В. Модернизация системы налогового планирования и прогнозирования в современной экономике России: диссертация на соискание ученой степени к.э.н., Ростов-на-Дону, 2004.

<sup>52</sup> С.Элмирзаев. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш масалалари. Монография. Т.: Иқтисод ва молия. 2017. -59 б.

<sup>53</sup> М.Адилов. Тадбиркорлик фаолиятида солиқларни режалаштириш. Т.: "NORMA", 2012. - 48 б.



сиёсатида мақсад қилиб қўйилган натижаларга эришишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилсада, аммо уларнинг элементларини уларнинг ички хусусиятлари ва амалга оширилиш жараёнининг мазмуни ҳамда уларга энг кўп таъсир этувчи омилларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнида элементларни қўллашга тизимли ёндошув тадқиқотнинг натижаларининг аниқлиги ва ишончлигини таъминлайди. Элементларни қўллашда тизимий ёндошувлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг қонуниятларини мантикий асосда аниқлашга имкон беради. Ҳар қандай иқтисодий жараён ёки объектнинг ўзи ўзига хос тизимга эга бўлиб, аввало ушбу объектнинг ички тизимлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш объектнинг моҳияти ва хусусиятини очиб берса, бошқа томондан унинг амал қилиши жиҳатидан ўзига яқин бўлган категориялар ва муносабатларга боғлиқлик даражасини ҳам кўрсатиб беришга хизмат қилади. Объектларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашда ҳам тизимий ёндошувнинг тамойилларига асосланиш зарур бўлади. Солиқларни прогноз ва режалаштиришда уларнинг элементларининг ўзаро боғлиқлигини тизимлашган ҳолда ўрганиш ва қўллаш бир томондан уларнинг ўз ички хусусиятларини очиб берса, бошқа томондан уларнинг юзага чиқиш ва амал қилишини белгилаб берувчи омилларни ҳам кўрсатиб беради. Ўз навбатида мазкур омилларни уларнинг ўзлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш эса прогноз ва режалаштириш жараёнининг қонуниятларини янада очилишига ёрдамлашади.

Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришда уларнинг элементларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлашда тизимли ёндошувда асосий эътибор элементларнинг ўзаро яқинлиги, иқтисодий муносабатлар маконида жойлашган ўрни, шунингдек, бюджет жараёнидаги аҳамияти ва таъсири нуқтаи назаридан ёндошиш мақсадга мувофиқ. Масалан, солиқ ставкасининг ўзгаришини солиқ тушумига таъсирининг ўрнига солиқ назорати самарадорлигига таъсирини ўрганиш прогноз нуқтаи назаридан тўғри бўлмайди, бу ерда тизимий ёндошув бўлсада, аммо мақсадга эришиш нуқтаи назаридан нотўғри услуб ҳисобланади. Шунингдек, солиқ имтиёзларини солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқлиги ўрнига солиқ қарздорлигига таъсирини ўрганиш солиқ тушумлари прогнозини аниқлашга етарлича ёрдам бермайди, бошқача қилиб айтганда, тизимий услуб мақбул эмас. Демак, тизимий ёндошувда ҳам албатта мантиқ ва таҳлил усулларига таянилиш лозим бўлади. Албатта, тизимли ёндошув ҳам ўз навбатида маълум бир тамойилларга асосланади.

Солиқларни режалаштиришдан фаркли ўлароқ солиқларни прогноз қилиш мураккаб ҳисоб-китобларга, таҳлилларга, қўлланиладиган усулларнинг хил-хиллиги, уларни комбинациялашган ҳолда қўлланилиши, ахборотлар базасининг турли туманлиги ва уни қайта ишлаш даражасининг юқорилиги, нафақат статистик, математик, эконометрик ҳисоблар, шунингдек, мантикий ёндошувларга ҳам таянилади. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш ташкилий босқичда ўзаро ўхшаш бўлади. Яъни, уларни шакллантиришда қатнашувчи субъектларнинг кўплигидир. Солиқларни режалаштиришда ахборотлар билан таъминловчи органлар билан биргаликда солиқ сиёсатининг мазмунига хос таклифларни илгари сурувчи органлар ҳам иштирок этади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида эса, аксарият қатнашувчи органлар асосан ахборотлар билан таъминлаш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан чекланади.

Албатта, солиқларни прогноз қилишнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳам унинг омиллар таъсирида бўлишигидир. Яъни, омиллар тизими бу жараёнда асосий роль ўйнавчи бўлиб юзага чиқади ва уларнинг кўплиги ва таъсирчанлигининг нобарқарорлиги солиқларни прогноз қилиш жараёнида прогноз натижаларига таъсир этувчи омилларни доим ва турли хил усулларни мос ҳолда қўлаб боришни тақозо этади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида омиллар таъсирини баҳолашда кўпинча улар маълум гуруҳларга бўлинади. Бундайлар қаторига объектив ва натижали омилларни келтириш мумкин. Объектив омиллар жумласига прогнозни амалга оширувчи солиқ хизмати ва бошқа органлар фаолиятига боғлиқ бўлмаган молиявий омиллар (ялпи ички маҳсулот, инфляция, инвестиция, жамғарилиш, истеъмол ва нарх индекслари, импорт-экспорт ҳажми ва ш.к.) киритилса, натижали (ички) омилларга бевосита солиқ хизмати ва бошқа молиявий органларнинг фаолияти натижалари киритилади. Натижали омилларнинг таъсирини эса солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган турли хил текширув натижалари, солиқларни ундириш борасидаги ишлар, солиқ тўловчиларни ўз вақтида рўйхатга олиш, информацион технологияларнинг қўлланилиши, солиқ тўловчиларнинг маданиятини ошириш борасидаги амалга оширилган ишлар ва шу кабилар билан ўлчанади.<sup>54</sup> Аммо, қайд этилганларни эътироф этиш билан бир қаторда бизнинг фикримизча, солиқ прогнозига таъсир этувчи омилларни бундай тартибда гуруҳлаш услубий жиҳатдан унчалик тўғри эмас.

<sup>54</sup> Маслова И.А. Планирование и прогнозирование налоговых рисков для целей эффективного налогового менеджмента // И.А. Маслова // Управленческий учет. — 2012. - №6. — С. 75-80.; Рогачев А.Ю. Моделирование налоговых поступлений на примере Сибирского федерального округа / А.Ю. Рогачев // Налоговая политика и практика. - 2006. - №1. - с. 44-48.; Смирнов, А.Н. Модель оптимизации системы налогов. Диссертация кандидата технических наук. - М., 1999.

Қайд этганимиздек, прогноз жараёни ўта қалтис ва маъсулиятли жараён бўлиб, унинг натижаси иқтисодий сиёсатнинг мазмунига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Омиллар тўпламини тўғри баҳоламаслик прогноз натижасига салбий таъсир этиши, провардида эса, иқтисодий сиёсат қолаверса, солиқ сиёсатининг тактик йўналишларини нотўғри белгиланишига олиб келади. Шу боисдан прогноз натижаларига таъсир этувчи омилларни аввало услубий жиҳатдан тўғри гуруҳлаб олиш лозим бўлади.




15-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг зарурий омиллари<sup>55</sup>

Келтирилган расмдан кўринадики, солиқларни прогноз қилишнинг объектив зарурлигининг негизи аввало марказлаштирилган пул фондларининг ташкил этилишига боғлиқ бўлади ва фискал сиёсатнинг асосий ўзагини ташкил этади. Чунки, фискал сиёсат асосан пул фондларининг молиявий манбаларини аниқлаш ва уларни жалб этилишига қаратилган бўлади. Ўз навбатида, солиқларни прогноз қилишнинг зарурлигини тавсифловчи ҳолатлар унинг ўзига хос белгилари билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Режали иқтисодиётга асосланган иқтисодий тизимда солиқларга муносабат ва уларнинг бюджетни шакллантиришдаги ролига мувофиқ равишда прогноз жараёнининг зарурлиги белгиланган ва амалга оширилган, яъни, пассив ҳолатда бўлган. Бозор иқтисодиётга асосланган миллий хўжалик юритиш шароитида эса солиқларни

<sup>55</sup> Муаллиф ишланмаси.

прогноз қилишнинг зарурлиги, унинг молиявий бошқарувдаги роли ҳамда амалга ошириш тартиблари ўзгача, яъни фаол аҳамиятга эга бўлади.

Солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёни бошқа иқтисодий жараёнлардан алоҳида муҳим фарқи ва мураккаблиги шундаки, солиқни прогнозлаш жараёни бир томондан юқори эҳтимолликка асосланса, бошқа томондан ушбу жараённи тўғри амалга ошириш жуда кўплаб омилларнинг таъсирини тўғри баҳолаш ва чуқур илмий таҳлилларга асосланган ҳолда оқилона қарор қабул қилишни талаб этади. Албатта, солиқларни прогноз қилиш жараёни маълум таркибга эга бўлади. Бизнингча у қуйидаги таркибга эга (19-расм).



16-расм. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг таркибий тузилиши<sup>56</sup>.

Солиқларни прогноз қилиш жараёни аввало солиқ тўловчиларнинг юзага келиш жараёнларини прогноз қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга келиб тушишини прогноз қилиш, миллий иқтисодиёт, ҳудуд, тармоқлар ва алоҳида олинган солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш ҳамда бюджетни режалаштириш ва солиқларни прогнозлаш натижаларини боғлиқлигини таъминлашдек, ўзаро боғлиқ ва кетма-кетликка асосланган жараёнлардан иборат бўлади.

Иқтисодий прогноз умумий прогнозда қандай роль ўйнаса, объектларни қамраб олиши нуктаи назардан молиявий прогнозлар ҳам иқтисодий прогноз гуруҳида шундай аҳамият касб этади. Молиявий прогнозлар таркибий жиҳатдан молиявий ресурсларнинг прогнози, бюджетни прогнозлаштириш, марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини прогнозлаштириш ҳамда солиқларни прогнозлаштиришдан иборат бўлади. Молиявий прогнозлар иқтисодий прогнозларнинг бошқа турларининг амал қилишининг муҳим шарт ва асоси ҳисобланади.

<sup>56</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Солиқларни прогнозилаштириш бу - мамлакат ва ҳудудларни социал-иқтисодий ривожлантиришга асосланган ҳолда солиқларни бюджетга жалб қилиш жараёни мақсадида, солиқлар базасини аниқлаш, солиқлар ва тўловларни таҳлил қилиш, солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси, солиқ қарздорликни баҳолаш ҳамда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни мониторинг қилиш муносабатларидир.<sup>57</sup> А.Паскачевнинг таъкидлашича, солиқларни прогноз қилиш жараёни солиқ сиёсатини амалга оширишда катта роль ўйнайди, яъни солиқлар бўйича тушумлар ҳажми ошириб кўрсатилса, солиқларнинг йиғилувчанлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари камайтириб кўрсатилса, бюджет даромадларининг харажатлардан ошишига олиб келади, бюджетда даромадларнинг харажатлардан ошиши ижобий ҳолат деб баҳолансада, аммо, прогноз таъсиридаги бундай ҳолат салбий ва бу эса, бюджетни режалаштиришда хатоликлар юзага келганлигини ифодалайди<sup>58</sup>.

Иқтисодчи мутахассислардан Р.Сакаян ва Г.Ананьеваларнинг фикрича, солиқлар прогноз қилиш ўзида солиқ салоҳиятини аниқлаш асосида жамланма бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушишини прогноз қилиш ва шу билан биргаликда мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини аниқлашнинг муҳим базасидир.<sup>59</sup> С.Барулин, Е.Ермакова, В.Степаненколар солиқларни прогноз қилиш бу-ҳақиқатни аниқлашга асосланган олдиндан кўра билиш жараёнидир, прогнознинг асосий мақсади эса, объектнинг у ёки бу ҳолати ҳақида аниқ ва ишончли маълумот беришдан иборат бўлиши лозим деб ҳисоблайди<sup>60</sup>.

Кўп йиллардан буён солиқларнинг прогнозилаштириш муаммолари билан шуғулланадиган В.Красницкий солиқ прогнози тушунчасига ёндошуви Р.Сакаян ва Г.Ананьевалар билан ўхшаш бўлиб, унинг моҳияти солиқ салоҳиятига асосланган ҳолда турли даражадаги бюджетларнинг солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашдан иборат деб ҳисоблайди.<sup>61</sup> "Солиққа тортиш тизимида прогнозилаш ва режалаштириш" ўқув қўлланмасининг муаллифлари Е.Разник ва И.Самсоновалар эса, солиқларни прогноз қилишни солиқларни ундириш жараёнининг босқичи деб таърифлаб,

<sup>57</sup> Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и практика / А.Б. Паскачев, Ф.К. Садыгов, В.И. Мишин, Р.А. Саакян, О.А. Бессечная, В.Н. Засько, А.И. Новикова; под ред. Ф.К. Садыгова. М.: Издательство экономико-правовой литературы, 2004. 39 с.

<sup>58</sup> Ўша ерда.

<sup>59</sup> Р.А. Саакян, Г.И. Ананьева. О некоторых аспектах налогового прогнозирования и планирования. <http://www.nalvest.com/nv-articles/detail.phpID=24593>.

<sup>60</sup> Барулин С.В, Е.А.Ермакова, В. В. Степаненко. Налоговой менеджмент.М.: -Омега. 2007. 57 с.

<sup>61</sup> Красницкий В. А. Эффективная реализация аспектов налогового прогнозирования и планирования в рамках развития налогового администрирования. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (2011), 10-1 (октябрь), 59 с.

унинг илмий асосланган ва ишончли ҳамда қўйилган вазифани бажаришнинг унсурлари (деталлари)ни кўрсатиб берувчи муҳим жараёни сифатида тавсифлайди.<sup>62</sup> Е.Лавренчукнинг фикрича, солиқларни прогноз қилиш асосида тадбиркорлик субъектларининг солиқ тўлаш имконияти ётади. Ўз навбатида, муаллиф солиқ прогнозини микро даражада талқин қилиб солиқ прогнозини амалга оширишдан мақсад солиқ тўловчи корхоналарнинг молиявий-иқтисодий имкониятларини баҳолаш асосида уларнинг солиқ тўловларини амалга ошириш шарт-шароитларни баҳолаш, корхонанинг стратегик бошқаруви учун асосли хулосаларни олиш, амалдаги солиқ қонунчилигига таянган ҳолда қўлланиладиган усулларни аниқлаш солиқ тўловларини оптималлаштириш асосида харажатларни самарали сарфлашнинг йўллари аниқлаб олишдан иборат деб ҳисоблайди.<sup>63</sup> Солиққа тортиш назарияси бўйича йирик олимлардан бири И.Александров солиқларни прогноз қилиш бу- бюджет-солиқ сиёсати тизимида қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришда солиқли даромадларнинг салоҳият ҳажмларини аниқлашга асосланган жараёндир деб таърифлайди.<sup>64</sup> Солиқларни прогноз қилишга оид илмий ёндошувларнинг умумий йўналишига қарайдиган бўлсак, уларнинг умумий хусусиятлари шундаки, солиқ прогнози бу давлат бюджети даромадларини режалаштириш ва солиқ салоҳияти масаласи муҳим ўрин тутди.


Бизнинг фикримизча, мазкур ёндошувлар иқтисодий жихатдан ўз моҳиятига эга бўлсада, солиқларни прогноз қилиш жараёнининг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди.

Бизнинг ушбу муаллифлик ёндошувимизнинг асослари сифатида куйидаги келтирилаётган солиқларни прогноз қилишнинг таркибини гуруҳлаш борасидаги мулоҳазаларимиз орқали ҳам ифодалаймиз (17-расм).

<sup>62</sup> Разник Е.Д., Самсонова И.А. Прогнозирование и планирование в налогообложении: Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2006. 14с.

<sup>63</sup> Лавренчук Е.Н. Налоговое прогнозирование. Экономические науки 2011, 1(74).

<sup>64</sup> Александров И. М. Налоги и налогообложение. Учебник. 2009, Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°» Москва, 138 с.



17-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг гуруҳланиши<sup>65</sup>.

Келтирилган расмдан кўринадики, солиқларни прогноз қилиш жараёни ҳам маълум мезонларга асосан гуруҳланади. Бундай гуруҳланиш уларнинг моҳиятини ва улар ўртасидаги фарқ ва ўзаро боғлиқлиқни кўрсатиб беради.

<sup>65</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Солиқларни прогноз қилиш кўламига кўра, солиқ тўловчиларнинг юзага келиш жараёнларини прогноз қилиш, солиқ тушумларини бюджетга келиб тушиш жараёнини прогноз қилиш миллий иқтисодиёт, тармоқ, ҳудудлар, солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш (аниқлаш) каби жараёнларни қамраб олиб ўз навбатида унинг макро ва микро даражадаги жараёнларни қамраб олинишини ифода қилади. Прогноз объектларини қамраб олиши жиҳатдан эса, бюджетнинг солиқли даромадлар қисмини прогноз қилиш, бюджетга ундириладиган мажбурий тўловларни прогноз қилиш ҳамда солиқ прогнозига таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ, бюджет, пул-кредит демографик, ташқи иқтисодий жараёнларнинг таъсирига оид муносабатларнинг йўналишларини прогноз қилишга ажралади.

Функционал белгисига қараб интуитивли, формациялашган, сифатий, микдорий ҳамда комбинациялашган гуруҳларга ажратилишида уларни тадқиқ қилиш нуқтаи назардан ёндошилади. Солиқларни прогноз қилишнинг муддатлилиги бўйича гуруҳланиши иқтисодий ва молиявий прогнозларда фарқли равишда, уларнинг муддатлилиги оралиғи қисқароқ. Сабаби, солиқларни прогноз қилиш жараёнининг кўпи билан 5-7 йилдан ортиқ муддатга кўрсаткичларини аниқлаш услубий жиҳатдан мумкин бўлсада, аммо, солиқ тизими тез ўзгарувчан ва мослашувчан бўлганлиги сабабли уларнинг жуда узоқ муддатли прогноз кўрсаткичлари ҳақиқатдан узоқлашиб қолади.

Солиқларни прогноз қилиш (tax forecasting) муаммолари кўпгина дунё олимларининг илмий тадқиқотларининг асосини ташкил этган. Жумладан, Liu Li-xea, Zhuang Ui-qi, Liu Xue-yong<sup>66</sup>лар ўз илмий тадқиқотларида солиқларни прогноз қилишда анъанавий усулларидан фарқли равишда қўллаб қувватловчи векторли машинанинг комбинациясига асосланган усуллар (CVM) ва заррача оптималлаштириш (PSO) усулларини яхлит ҳолда қўллашнинг афзалликларини ёритган.

Agustin Kintanar Jr., Tito Mijares<sup>67</sup>лар томонидан 1960 йилларда амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги жаҳон амалиётидаги дастлабки яхлит илмий тадқиқот ишларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу олимлар Филиппин яхлит илмий тадқиқот ишларида давлатида солиқ тушумлари (tax revenue)ни давлат даражасида ҳамда корхоналар (корпорациялар) доирасида 1960-1962 йиллар оралиғи даврдаги маълумотларга асосланиб, солиқ сиёсатидаги ўзгаришларни эътиборга олган

<sup>66</sup> Liu Li-xea, Zhuang Ui-qi, Liu Xue-yong. Tax forecasting theory and model based on SVM optimized by PSO Expert Systems with Applications 38 (2011), pp. 16-20.

<sup>67</sup> Agustin Kintanar Jr., Tito Mijares. Estimation and forecasting of tax revenue. institute of economic development and research. University of the Philippines IV. Iurch 19,1965.

ҳолда солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаган ҳамда уларнинг методологик йўналишларини кўрсатиб берган.

Америкалик олим Rudolph G.Penner<sup>68</sup> ҳам ўз илмий тадқиқот ишларида солиқларни прогноз қилиш жараёнига кенг эътибор берган олимлардан саналади. Rudolph G.Penner ўтган асрнинг 70 йиллардан кейинги даврларга хос АҚШдаги иқтисодий, жумладан, солиқларни прогноз қилишнинг хусусиятларини таҳлил қилиш бир қаторда федерал бюджет даромадларини прогноз қилиш масалаларини ҳам тадқиқ қилади. У федерал бюджетнинг солиқли даромадлари прогноз қилишда жорий, навбатдаги ва беш йиллик хатоликларни таҳлил қилиб, унинг корреляцион хусусиятлари ва сабабларини кўрсатиб берган. Шу билан биргаллик, 1984-2005 йиллар оралиғида ялпи ички маҳсулотнинг ўзгариш фоизлари ва унинг таҳлилини амалга ошириб, ҳар беш йилликдаги тенденцияларни аниқлайди ҳамда солиқ прогнозининг аниқлигини ошириш юзасидан методологик тавсиялар ишлаб чиқади.

Jaremsri L.Mitranont, Pattama Tounprasert<sup>69</sup>ларнинг илмий ишларида Таиландда бюджет даромадларини прогноз қилишда бир қатор моделларнинг хусусиятлари ва уларнинг самарадорлиги масалалари ўрин олган. Муаллифлар Таиландда солиқ тушумларини даромадлар бўйича прогноз қилишда молиявий инструментлар модели (MBS-Model Based System Tool for the Tax Revenue Forecasting)нинг қўлланилиши самарадорлигини кўрсатиб берган. Улар ушбу моделни асосан 5 та: ETTRF, NITTRF, STTRF, TTRFA ва TTRFAC кичик моделлардан иборат бўлиб, унинг солиқ прогнози жараёнининг аниқлигини оширишдаги аҳамияти ва уларнинг қўллашда вақт омилларини қисқартиришга эришишнинг йўллари кўрсатиб берган.

Поругалиялик иқтисодчи – олимлардан Paulo Soares Esteves, Claudia Rodrigues Braz<sup>70</sup>лар ҳам бюджет –солиқ сиёсатининг самарадорлигини оширишда қисқа муддатли солиқ прогнозларини амалга оширишнинг методик йўллари кўрсатиб берган. Улар эгри солиқлар жумласига кирувчи қўшилган қиймат солиғи (value-added tax), нефт маҳсулотлари сотувидан олинадиган солиқ (tax on oil products) ҳамда автомобилларни сотиш солиқлари (tax on vehicle sales) бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлашнинг механизмларини аниқлаб берган. АҚШнинг Мичиган штати университетини олимлари Nicole

<sup>68</sup> Rudolph G.Penner. Federal revenue forecasting. Chapter reproduced with permission from Handbook of Government Budget Forecasting (New York :Taylor, Francis ), forthcoming in July 2008.

<sup>69</sup> Jaremsri L.Mitranont, Pattama Tounprasert. Model-based system tool for the tax revenue forecasting (mbs-ttrf) 2011 Eighth International Joint Conference on Computer Science and Software Engineering (JCSSE) pp.132-137.

<sup>70</sup> Paulo Soares Esteves, Claudia Rodrigues Braz. SHORT-TERM FORECASTING OF INDIRECT TAX REVENUES: AN APPLICATION FOR PORTUGAL. BANCO DE PORTUGAL/ECONOMIC BULLETIN .Summer. 2013. 2. pp.49-67.

Bradshaw, Lynn Harvey, Christina Plerhoples<sup>71</sup> ўзларининг “Беppi шаҳри бўйича молиявий таҳлил ва прогноз” (Barry Country Financial Analysis and Forecast Report) номли илмий ҳисоботи доирасидаги илмий тадқиқот ишларида солиқларни прогноз қилишга оид муаммоларни илмий –назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Унда уй–жойдан олинадиган солиқ (Residential Property Tax) бўйича 2010-2015 йиллар оралиғига доир прогноз кўрсаткичлари аниқланган, солиққа тортиладиган мол-мулкни (Property Taxable) баҳолаш усуллари кўрсатиб берилган ва мол-мулк солиғининг базаси (Property Tax Base)ни аниқлаш механизмлари ҳамда прогноз қилишнинг методологияси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, муаллифлар тушумлар умумий фонди (General Fund Revenue) ва даромадлар махсус фондлар (Special Revenue Funds)нинг 2004-2009 йилларга тегишли даврдаги кўрсаткичларини прогноз қилган ҳамда уларнинг даромадлари бўйича пессимистик (Pessimistic (Lower-bound) Scenario) ва оптимистик проекциялар ва уларнинг боғлиқлик даражалари (Optimistic Property Value Projection Calculated at Parcel Level) нинг прогноз вариантларини ишлаб чиққан.

Калифорния университети профессори Robert Krol<sup>72</sup> АҚШнинг солиқли даромадларини прогноз қилишда вақт қаторлари муқобил моделларини (alternative times –series models to forecast state tax revenues) қиёсий таҳлил қилади. Муаллифнинг фикрига кўра, Калифорнияда умумий солиқли даромадлар бўйича прогноз асосан 3 та компонентлар: савдо, даромад ва юридик шахслардан олинадиган солиқ тушумлар (sales, income and corporate tax revenue) асосида амалга оширилади. Муаллиф солиқларни прогноз қилиш жараёнида векторли авторегрессия (Vector autoregressions (VARs)) ва байсик-векторли авторегрессиялар (Bayesian-vector autoregressions (BVARs))нинг қўлланиши ва унинг самарадорлигини таҳлил қилган ҳолда уларни қўллашнинг методологик асосларини кўрсатиб беради.

Худди шунингдек, АҚШ олимларидан яна бири Н. Baghestani<sup>73</sup> томонидан федерал бюджетнинг солиқли даромадларини вақт қаторлари моделлари (time-series models) асосида прогноз қилишга оид, М. Banbura, D. Gionnono, L. Reichlin<sup>74</sup>лар томонидан эса, катта байсик-векторли авторегрессияларни (large bayesian vector auto regressions) прогноз жараёнида қўллашнинг методологик муоммоларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари амалга

<sup>71</sup> Nicole Bradshaw, Lynn Harvey, Christina Plerhoples. Barry Country Financial Analysis and Forecast Report 2011.

<sup>72</sup> Robert Krol. Forecasting State Tax Revenue: A Bayesian Vector Autoregression Approach. 2010.

<sup>73</sup> Baghestani H. 1992. Forecasting the Federal Budget with Times –series Models. Journal of Forecasting 11: pp.127 -139.

<sup>74</sup> M. Banbura, D. Giannone and L. Reichlin. 2010. Large Bayesian Vector Auto Regressions. Journal of Applied Econometrics 25:pp.71-92.

оширилган бўлса, Mark Berwik, Don Malchose<sup>75</sup>лар томонидан Шимолий Дакота штати бюджетининг солиқли даромадларидан бўлган ёқилги солиғи (for fuel tax revenue) ҳамда лицензия ва рўйхатдан ўтказганлик учун тўловлар (collections and license and registration fees) бўйича тушумларни статистик ва эконометрик моделларни қўллаш асосида прогноз қилиш масалалари тадқиқ қилинган. Филиппинлик олим Rosario G. Manasan<sup>76</sup> мамлакатда ундирилаётган ички солиқлар бўйича солиқ тушумлари прогноз қилиш моделларини тадқиқ этган бўлиб, унда барча солиқларни тўрт гуруҳга бўлади: биринчи гуруҳга фойдадан олинмаган солиқлар (income taxes) лицензиялар ва бизнесга солиқлар (licese and business taxes) махсус солиқлар (specific taxes) ва бошқа солиқлар (other taxes)ларга бўлган ҳолда таҳлил қилиб, уларнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлаган. Прогноз жараёнида эса, 1961-1978 йиллар оралиғидаги миқдор кўрсаткичларига асосланган ҳолда 1979 -1982 йилларга тегишли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Прогноз соҳасида йирик илмий тадқиқот ишлари билан машҳур АҚШлик олим M. Jr. Fullerton Thomas<sup>77</sup> солиқларни прогноз қилишнинг аниқлигини ошириш мақсадида турли хилдаги таркибли моделлаштиришдан фойдаланади ва ушбу моделлар асосида Айдахо штати бюджетга солиқ тушумларини прогноз кўрсаткичларини аниқлайди. Биринчи хил моделлар сифатида эконометрик моделлардан, иккинчи хили сифатида бир ўлчамли вақт қаторлари ARIMA (autoregressive integrated moving average) моделидан фойдаланади. Литвалик иқтисодчи олим E. Maciulaityte<sup>78</sup> эса, бюджетга фойда солиғи (income tax) бўйича тушумларини прогноз қилишда моделлаштиришнинг турли хил йўлларида фойдаланади. Муаллиф солиқ тушумларини прогнозлаштириш (forecasting tax revenue) жараёнида икки босқичга бўлишни таклиф қилади. Яъни, биринчи босқичда фойда кўрсаткичлари турли хил иқтисодий параметрлар бўйича линейли регрессия (Linear regression) кўринишда ифодалайди, кейинги босқичда эса, фойда солиғи бўйича тушумлар фойда ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ бўлган функция тарикасида ифодаланади.

Бу функция солиқ ставкаси (TR), солиқ тўловлари муддати (TER), фойда солиғи авансларини ҳисоблаш усуллари (IST) ва фойда солиғи бўйича

<sup>75</sup> Mark Berwik, Don Malchose. Forecasting North Dakota fuel tax revenue and license and registration fee revenue. Upper Great Plains Transportation Institute North State University Fargo, North Dakota 2012.

<sup>76</sup> ROSARIO G. MANASAN. An econometric model for forecasting internal taxes: a national level approach. September 1981, Philippine Institute for Development Studies.

<sup>77</sup> M. Jr. Fullerton Thomas. A composite approach to forecasting state government revenues: Case study of the Idaho sales tax International Journal of Forecasting 5. (1989) 373-380.

<sup>78</sup> E. Maciulaityte. "Ways of modeling and forecasting profit tax revenue in Lithuania" // Economics, Vol. 73 (2006), pp. 57-67.

боқиманда сўммаларини кейинги муддатларга ўтказиш тартиби (N) каби ўзгарувчиларни ўз ичига олади.

Филиппинлик олим Gramboa Ana Sophia<sup>79</sup> солиқларни прогноз қилишнинг энг кўп тарқалган усулларида бўлган эластик (elasticity) ва сузиб юрвучи (buoyancy) каби усуллари қўллаш катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаган. Муаллифнинг фикрича, солиқ тизимининг ўзгариши ва ўзгармаслиги ҳолатида солиқ базасига асосан солиқ тушумларини прогноз қилишда қайд этилган моделлар самара беради. Glenn P. Jenkins, Chun-Yan Kuo Gangadhar P. Shukla<sup>80</sup>лар ҳам ўз илмий тадқиқот ишларида солиқ тушумларини прогноз қилиш моделлаштириш масалаларига алоқадор қарайди. Улар солиқларни прогноз қилишда аввало, умумий қонуниятларни макро даражада моделлаштириб, ундан сўнг ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида моделларни қўллаш асосида ёндашадилар. Шунингдек, улар солиқларни прогноз қилиш моделларини динамик ва статистик турларга бўлиб, динамик моделлар солиқ тушумлари ва солиқ базаларининг ўзаро боғлиқларини ифодалашлигини, статистик моделлар эса солиқ базасининг ташқи ўзгаришларини изоҳлашлигини кўрсатиб беради.

Уларнинг фикрича, статистик моделларни қўллаш учун солиқ тушумлари ҳажмидан солиқ қонунчилиги асосидаги ўзгаришларнинг таъсири қисмини олиб ташлаш лозим бўлади. Ушбу корриктировка қилинган солиқ тушумлари ва солиқ базаларига асослашиб регрессиялар тузиб, ҳар бир солиқ тури бўйича солиқларнинг эгилувчанлигини аниқлаш мумкин ва бу ёндашувдан солиқларни прогноз қилишнинг кейинги жараёнларида қўллаш самара беришлиги исботланган. Россиялик иқтисодчи олимлар Р.Энтов, В.Носко, А.Юдин, П.Кадочников, С.Пономаренко<sup>81</sup> бюджетга солиқ тушумларини прогнозини аниқлашда солиқларни прогноз қилишнинг интеграллашган авторегрессиянинг ўртача сирпаниш модели (autoregressive integrated moving average (ARIMA) ва солиқ тушумларини баҳолаш модели (Revenue Estimating Model (REM)ни қўллаганлар. Ушбу моделларни қўллашда бир неча вақт, яъни, умумий солиқ тушумлари, фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, даромад солиғи бўйича тушумлари кабилардан фойдаланади. Ҳар бир вақт қаторлари бўйича икки турдаги эконометрик моделлар: детерминаллашган тренд

<sup>79</sup> Gramboa Ana Ma. J. Sophia. Development of Tax Forecasting Models: Corporate and Individual Income Taxes // Philippine Institute for Development Studies Discussion Paper Series no. 2002-06. April 2002.

<sup>80</sup> Glenn P. Jenkins Chun – Yan Kuo, Gangadhar P. Shukla- Tax Analysis and Revenue Forecasting: Issues and Techniques // Harvard Institute for International Development Harvard University (June 2000).

<sup>81</sup> Энтов Р.М., Носко В.П., Юдин А.Д., Кадочников П.А., Пономаренко С.С. Проблемы прогнозирования некоторых Макроэкономических показателей // Научные труды ИЭПП №46. Москва, 2002г. (<http://www.iep.ru/ru/problemy-prognozirovaniya-nekotory-makroekonomicheski-pokazatelei-nauchnye-trudy-6.html>).

жараёнлари учун (TS) модели, стохастик жараёнлар учун (DS) моделлар ишлаб чиқилиб, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар баҳоланган.

#### 9.4. Солиқларни прогноз қилишда моделларни қўллаш

Солиқларни прогноз қилиш жараёнида энг муҳим босқичлардан бири бу, уни амалга оширишда қўлланиладиган моделлар ва усулларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Тадқиқотлар методологиясида модел ва усуллар илмий билишнинг муҳим қуроли сифатида қайд этилади. Ўрганилаётган объектнинг яширинган ички ва ташқи хусусиятларини билишда мантикий, тарихий ёндошувлар унинг ташқи хусусиятларини очиб беради холос. Объектни чуқурроқ ўрганиш эса, маълум бир ёндошувлар тизимидан фойдаланишни тақозо этади, бу эса модел ва усулларга эҳтиёжни келтириб чиқаради. Аввало "модель", "моделлаштириш" "усул" каби тушунчаларнинг мазмунини билиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида "Модель" лотин тилидан олиган бўлиб "modulus" — "ўлчов, меъёр" меъёр деган маънони беради. моделлаштириш эса, жараёнларни модель ёрдамида тадқиқ қилиш деган маънони беради" деб таърифланган, аммо ушбу тушунчаларнинг иқтисодий билан боғлиқ тушунчалари келтирилмаган.<sup>82</sup> Бошқа бир манбаларда "Модель французча "modèle", латинча "modulus" — «ўлчов, ўхшаш, намуна деган маънони бериб, бу бошқа тизим хусусида маълумот олиш тизими ва реал ҳолатни тасаввур ва унинг кўринишларини англаш воситасидир" деб, таъриф берилган<sup>83</sup>.

Моделлар ҳақиқатни акс даражасига қараб эвристик, натурал ва математик турларига бўлинади. Эвристик модел инсон кўриниши ва хусусиятларини намён этишда қўлланилса, натурал моделларнинг моҳияти шундаки, улар мавжуд ҳолатни аниқ ифодалайди, фақат ҳажм ва миқдор жиҳатдан фарқланади. Математик моделлар ҳам кейинги вақтларда жамият ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларини, жумладан социал-иқтисодий жараёнларни ўрганишда кенг фойланилиб келинмоқда. Бундай моделларнинг асосини математик-мантикий ёндошув асосида объектларни миқдорий жиҳатдан ўрганиш ҳисобланади. Математик моделларнинг энг кўп тарқалган турлари жумласига аналитик, миқдорий, формал-мантикий ахборот моделларни киритиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, математик моделлар қўллаш ва иқтисодий жиҳатдан анча қулай саналади. Моделлар

тузилиши ва жараёнларни камраб олиши жиҳатдан бир-бирдан фарқланади, яъни уларнинг функционал вазифалари даражаланади. Шу жиҳатдан олганда, функционал, принциал, структурали ва параметрли моделларга ажратилади.

Функционал модел (баъзи ҳолларда абстрактли модел ҳам деб аталади) бу ўрганилаётган объектнинг ички ва ташқи элементларининг ўзаро боғлиқлигини очиб беришга хизмат қилади. Иқтисодийдаги ҳар қандай жараён ўз ички ва ташқи элементлари ва омилларга боғлиқ бўлиб, бирининг ўзгариши бошқасининг ўзгариши таъсир қилади ва уни ўзига боғлиқ (тобе) қилиб қўяди, шу билан биргаликда ўзи ҳам тобе бўлади. Бундай ҳолат солиқларни прогноз қилиш жараёнида доим содир бўлади, қолаверса, ташқи ва ички элементларнинг ўзаро боғлиқлиги жуда кучли бўлади. Масалан, солиқ ставкасининг ўзгаришининг солиқ тушумларига таъсирида ички ва ташқи омиллар ва элементларнинг ўзаро боғлиқлиги жуда кучли бўлади, улар ўртасидаги функционал алоқаларни ўрганиш эса, солиқ тушумлари ҳажмини аниқроқ даражада аниқлашда катта роль ўйнайди. Бу ерда асосий масалалардан бири ҳам ўзаро функционал боғлиқ элементларни тўғри аниқлаш керак бўлади.

Принципал (концептуал модел) модел ўрганилаётган объектнинг реал ҳолати ва унинг алоқаларига асосланади. Деярли барча жараёнларда принциал алоқалар ва ҳаракатлар мавжуд бўлади, моделлаштиришда уларнинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратилади. Масалан, солиқларни прогноз қилиш жараёнида солиқ тушумларининг ошиши ва камайишини тушумнинг принциал хусусиятлари (динамик тарзда бўлиши, омилларга боғлиқлиги, солиқ хизмати органларининг фаолияти ва ш.к)га таянилиш лозим бўлади. Структурали моделнинг асосида ҳар қандай объект маълум бир таркибга эга бўлади, уларнинг ривожланиш жараёнларини ўрганиш эса, таркибий кетма-кетликнинг иерархиясининг мавжудлиги ётади. Таркибий звенога эга бўлиб, уларнинг боғлиқлигини кучайтиради ва улар ўртасида принциал ва функционал алоқаларни аниқлаш имкони туғилади, шу жиҳатдан олганда мазкур моделлар юқорида қайд этилган принциал ва функционал моделларни тўлдирди ва уларга хизмат қилади. Параметрли моделлар одатда математик моделлар ҳам деб аталади. Ушбу моделнинг моҳияти шундан иборатки, моделлаштирилаётган тизимнинг функционал ва ёрдамчи (асосий ва асосий бўлмаган) параметрлари ўртасида миқдорий боғлиқликларни очиб беради.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари моделлар тизими хусусиятлари, даражалари ва мақомига қараб оддий ва мураккаб, бир хил турдаги ва хилма-

<sup>82</sup> Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. "М" харфи. Тошкент. 671 б.

<sup>83</sup> Уемов А. И. Логические основы метода моделирования. М.: Мысль, 1971. — 48 с.

хилли, очиқ ва ёпиқ, статистик ва динамик, барқарор ва эҳтимолли моделларга ҳам гуруҳланади<sup>84</sup>. Моделларнинг шакли ва турига қараб моделлаштириш юзага чиқади. Моделлаштириш тегишли моделни қўллаган ҳолда жараёни амалга оширишнинг амалий жараёнидир. Моделлар ижтимоий-иктисодий жараёнларни қандай тартибда ўрганишнинг самарали воситаларини ифодалаб берса, моделлаштириш ана шу жараёнларнинг механизмларини кўрсатади. Моделлаштириш ҳам моделнинг хусусияти, моделлаштирилаётган объектнинг характери ва унинг қўлланиш соҳасига қараб маълум бир гуруҳларга бўлинади. Ҳозирги кунда адабиётларда моделлаштиришнинг куйидаги: ахборотли, компьютерли, математик, математик-картографик, молекулярли, рақамли, мантиқий, педагогик, психологик, статистик, таркибли, физик, имитацион, эволюцион, графикли-геометрик, натурали ва иктисодий-математик моделлаштириш каби турлари мавжуд.<sup>85</sup>

Иктисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлардан фойдаланган ҳолда прогноз қилиш моделни ишлаб чиқиш, уни экспериментал таҳлил қилиш, модел асосидаги прогноз ҳисоб-китоблари натижаларини объект ёки жараённинг амалдаги ҳолати маълумотлари билан таққослаш, моделни аниқлаштириш ва тузатишлар киритишни ўз ичига олади. Иктисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқариш даражасига қараб, макроиктисодий, тармоқлараро, ҳудудлараро, тармоқ, ҳудудий моделлар ва микродаражадаги моделлар (фирманинг ривожланиш моделлари) фаркланади. Иктисодиётнинг ривожланиш жиҳатлари бўйича нарх, меҳнат ресурслари, асосий фондларни тақдор ишлаб чиқариш моделлари ажратиб кўрсатилади.

Иктисодий адабиётларда<sup>86</sup> ижтимоий-иктисодий жараёнларни, жумладан солиқларни прогноз қилишнинг моделларини уларнинг моҳияти, қўлланилиш даражаси ва улардан олинган натижаларнинг даражасига қараб макроиктисодий, микроиматацияли ва экстрополяция моделларга бўлишса, баъзиларида макроиктисодий моделларни эконометрик (таркибсиз) ва гибридли (таркибли) гуруҳларга ажратишади.<sup>87</sup> Қайд этилган муаллифларнинг фикрича, эконометрик моделлар давлатнинг иктисодий сиёсатини қиёсий таҳлил қилишга мўлжалланмаган. Гибридли моделлар эса,

<sup>84</sup> Юдин А. Д. Экстремальные модели в экономике. М., 1979, 79 с.

<sup>85</sup> Глинский Б.А. Моделирование как метод научного исследования. М., 1965. 56 с.

<sup>86</sup> Қаранг: Рогачев А.Ю. Моделирование налоговых поступлений на примере Сибирского федерального округа / А.Ю. Рогачев // Налоговая политика и практика. - 2006. - №1. -44-48 с.; Попова Л.В. Моделирование планирования налоговых поступлений в федеральный бюджет Орловской области / Л.В. Попова // Экономические и гуманитарные науки. -2012. - № 3. -76-80 с.; Сидорова Н.И. Налоги в государственном регулировании экономики. Финансы. - 1996. - № 11. - 26-27 с.

<sup>87</sup> Diebold, Francis X., "The past, present, and future of macroeconomic forecasting", National Bureau of Economic Research, 1997, NBER working paper, number 6290, month November.; Алексеев Александр, "Межотраслевая и многоотраслевая вычислимая модель общего равновесия", ЦЭМИ РАН, 2005, Препринт-36-47с.

ўрта ва узоқ муддатли иктисодий мувозанатни моделлаштиришга хизмат қилиб иктисодий ислохотларнинг оқибатларини таҳлил қилишда аҳамиятлидир. Ушбу иккала моделларнинг ўхшашлиги шундаки, иктисодий назарияларга асосланади давлатнинг иктисодий сиёсатининг сценарияларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Гибридли макроиктисодий моделлар макроиктисодий назарияларга асосланган ҳолда иктисодий жараёнларнинг афзаллик жиҳатлари алоҳида олинган статистик усуллар орқали аралаштирилиб, улар маълум бир ўлчамларга келтирилади, бунда эса, энг муҳим иктисодий индикаторлар (масалан, ялпи ички маҳсулот, инвестиция, истеъмол даражаси в ш.к.) асосий мезон сифатида олинади.

Бироқ, алоҳида олинган параметрлар макроиктисодий таҳлилларга асосланган ҳолда уларнинг динамик жараёнини ўрганиш қийин, шу сабабли эконометрик усуллардан фойдаланилади. Бу эса макроиктисодий моделларни икки турга бўлинишига олиб келди. Ушбу моделларда асосан статистик қонуниятларга асосланиб, ўзаро боғлиқликдаги параметрларнинг қайси бири кўпроқ таъсирчан хусусиятга эга бўлишига алоҳида урғу берилади.

Бюджет-солиқ соҳасидаги макроиктисодий прогнозлаштириш моделлари бюджетни самарали режалаштириш ва уни бошқаришга мўлжалланган. Бунда солиқларнинг бюджетга тушишига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи макроиктисодий кўрсаткичларни ўрта ва узоқ муддатли динамикасини чуқур ва сифатли прогноз қилишни талаб қилади. Солиқ тушумлари эса давлатнинг иктисодий, жумладан бюджет-солиқ сиёсати, иктисодий ислохотларнинг мазмуни ва йўналишлари ҳамда ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Булар макроиктисодий омиллар ҳисобланади. Бундай омилларнинг ўзаро боғлиқлигини комплекс ўрганиш маълум бир макроиктисодий моделларни қўллашни тақозо қилади.

Солиқли даромадларни прогноз қилиш муаммоси иктисодий прогноз қилиш умумий муаммолари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни тадқиқ қилиш учун маълум бўлган иктисодий-математик моделлар ва усуллардан фойдаланилиши мумкин. Иктисодиётда дастлабки йирик макроиктисодий моделлардан бири Кейнсчилар назарияга асослаган IS-LM моделидир. Маълумки, ушбу моделнинг асосини истеъмол функцияси, инвестиция функцияси, талаб функцияси ва шу қабилар ташкил этади. Кейнс назариясида макроиктисодий мувозанат масаласи қайд этилган функциялар билан биргаликда солиқлар функциясини ҳам қамраб олади, яъни ушбу назарияда биринчи бор "солиқ мультипликатори" тушунчаси киритилади ва солиқларнинг қайд этиб ўтилган жараёнлар билан ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг акс таъсири каби масалалари кўриб чиқилади.



Солиқ мультипликатори (*Tax multiplier*) ( $m_t$ ) – бу солиқларнинг ўзгаришининг инвестиция ва миллий даромаднинг ўзгаришининг боғлиқлигини ифодалайди. Солиқ ставкалари қанча кам бўлса, мультипликаторлик самараси шунча юқори бўлади ва аксинча. Солиқларнинг камайиши хусусий талаб ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, солиқларнинг ошиши эса, ўз навбатида талабга ва шу орқали миллий даромад ҳажмининг камайишига таъсир қилади. Худди шундай жараён давлат бюджети харажатлари доирасида ҳам содир бўлиб, бу ерда солиқлар макроиктисодий кўрсаткичлар сифатида асосий функцияларни бажаради. Кейнсчилар назариясига кўра, прогрессив солиққа тортиш давлат бюджетидан ялпи талабни оширишга қаратилган инвестиция харажатлари ҳисобига юзага келадиган тақчилликни камайтиришда катта роль ўйнайди.

Макроиктисодий моделнинг ушбу турида солиқларнинг бюджетга келиб тушишини таъминлашда солиқ ставкаларининг таъсири асосий диққат марказда бўлади. Эконометрик макроиктисодий моделларнинг янада ривож топиши машхур иқтисодчи ва математик олимлар Бокс ва Дженкинсларнинг ARIMA (autoregressive integrated moving average)-ўртача оғишнинг авторегрессияли моделининг яратилиш ва унинг кенг қўлланилиши билан боғлиқ. ARIMA моделида прогноз қилинаётган кўрсаткич умумлаштирилган барқарор тасодифий жараён деб қаралади, яъни унинг ўзи, ёки унинг маълум бир тартибдаги ўсиши барқарор саналади. Мазмунан бу шуни аниқлатадики, иқтисодий жараённинг ривожланиши, масалан, унинг ўзгариши ёки суръатининг ўсиши барқарор бўлади, юзага келадиган четлашишлар эса тасодифий характерга эга бўлади ва ривожланиш асосий тенденциясини ўзгартирмайди. Бу ҳолатда модел структурасидаги номаълум кўрсаткичларни Бокс-Дженкинс усули ёрдамида баҳоланади.<sup>88</sup>

Жаҳон амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилишда ва унинг ҳолатини прогноз қилишда бир қатор макроиктисодий моделлар ишлаб чиқилди ва улар иқтисодиётнинг турли жабҳаларида қўлланилди. Ушбулардан бири бу, векторли авторегрессия моделидир. Ушбу моделда жараёнларни прогноз қилишда асосан эндоген (ички) омилларнинг таъсири баҳоланади. Ушбу модел асосида ялпи ички маҳсулот ва пул массасининг ички боғлиқлари баҳоланган ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ҳажмига пул массасининг таъсири, ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига қараб пул массасига бўлган талаб ўртасидаги боғлиқликлар ва унинг прогнозлари ишлаб чиқилган. Мазкур моделдаги

<sup>88</sup> Қаранг: Бокс Дж., Дженкинс Т. Анализ временных рядов. Прогноз и управление. Выпуск.1,2. М., “Мир”, 1974.

хатоликлар коррекция хатолигининг вектори модели деб аталган моделни қўллаш орқали бартараф этилади, яъни, ушбу моделни қўллаш орқали нобарқарор вақт қаторлари ўртасидаги ўзгаришларнинг узилиши оқибатида эътиборга олинмай қолган элементларнинг таъсирини баҳолаш имконияти пайдо бўлади.

Пул массасининг ўзгаришига сабаб бўлган омиллар ҳар доим ҳам барқарор позицияда бўлмайди, уларнинг ўзгариш вақтларида ҳам стохастик ҳолатлар мавжуд бўлади, чунки, пулга бўлган талаб ҳар вақтда ўзгаради. Шундай экан, бундай ўзгаришларнинг таъсирида ялпи ички маҳсулот даражасига ва акс таъсирни прогноз қилишда коррекция хатолигининг вектори модели самара беради. Шу билан биргаликда, айрим макроиктисодий моделлар алоҳида олинган мамлакатлар иқтисодиётини қамраб олган бўлса, баъзилари мамлакатлараро иқтисодиётга бағишланган. Солиқларни прогноз қилишнинг кейинги моделларидан бири бу, микроимитацияли моделлар ҳисобланади. Микроимитацияли моделлар жаҳон амалиётида қисқа муддатли прогнозларни амалга оширишда, жумладан, жисмоний шахслар томонидан декларациялаш асосида тўланадиган солиқлар бўйича солиқ тушумларини прогноз қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунинг моҳияти шундан иборатки, декларация топширувчи жисмоний шахслар сони кўп бўлган шароитда, маълум даврларга тегишли солиқ тушумларини аниқлашда микроимитацияли модел аниқроқ натижаларни бериши исботланган. Бу ерда солиқ тўловчилар томонидан келиб тушган солиқ ҳисоботлари асосий ахборот базаси бўлиб хизмат қилса, моделлаштиришда статистик усуллар қўлланган ҳолда умумий тенденциялар аниқланади ва улар маълум бир вақтлар бўйича динамик ҳолати ўрганилади.

Ушбу модел кўпроқ АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия ва шу каби давлатларида кенг қўлланилади. Шунингдек, ушбу моделлардан Хитой, Гватемала, Ямайка ва Россия давлатларида ҳам аста-секин қўлланилиб бошланди. Дастлабки вақтларда ушбу моделдан асосан жисмоний шахслар тўлайдиган (асосан даромад солиғи) солиқлар бўйича солиқ тушумлари прогнози аниқлашда қўлланилган бўлса, кейинги даврларда солиқ тизимига ахборот технология янгиликларининг тез кириб бориши юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар бўйича солиқ тушумларининг кейинги даврларга тегишли қонуниятларини ўрганишда фойдаланилмоқда. Бу ерда асосий эътибор ва механизм солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ва унинг маълумотларига таянилади. Шу жиҳатдан олганда, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг бюджет даромадларига таъсирини ўрганишнинг муҳим воситаларидан бири саналади.

Микроимитацияли моделлар бюджет даромадларидаги миқдорий ўзгаришларни аниқлашда қатта аҳамият касб этиши билан биргаликда турли тармоқлар ва турли ҳудудлар кесимида солиқ тўловчилар зиммасига солиқ юкининг тақсимланишида қандай тенденциялар юзага келаётганлигини ҳам кўрсатиб беради.

Мазкур моделда солиқ тўловчилар кесимида солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини аниқлаш имконияти пайдо бўлиши билан бирга алоҳида олинган солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлашга оид маълумотларини таҳлил этиш орқали улар бўйича солиқ тушумларининг кейинги динамикаси аниқланилиши мумкин, шунингдек, уларнинг фаолияти бўйича солиқ назоратини ташкил этишнинг йўллари режалаштириш имкони пайдо бўлади. Солиқ тўловчиларнинг улар тақдим этган ҳисоботлар маълумотлари асосида солиқ тушумларини прогноз қилишда салбий таъсир этувчи омиллар ҳам мавжудки, у ҳам бўлса, ҳисобот маълумотларининг ишончлилик даражасидир. Агар, ҳисобот маълумотларида миқдорий кўрсаткичлар ҳақиқатдан узоқ бўлса, солиқ тегишли солиқ турлари ва тегишли солиқ тўловчилар кесимидаги солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари ҳам ҳақиқийликдан узоқлашади, ушбулар эса мазкур моделларнинг камчилликларни изоҳлайди. Ҳозирги кунда микроимитацияли моделларни солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўллашнинг ягона ёндошуви мавжуд эмас.

Шу боисдан мазкур моделларни икки гуруҳга: статистик ва динамик моделларга бўлинади. Статистик моделнинг моҳияти шундаки, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар қисқа муддатда солиқ тўловчиларнинг фаолиятига таъсирини, яъни уларнинг фаолият турини ёки маҳсулот турини ўзгартиришга ундаганлигини (таъсир қилганлигини) изоҳласа, динамик моделларда эса унинг акс бўлади. Демак, статистик ва динамик микроимитацияли моделлар маҳсулот турини микроимитацияли моделларни ташкил этиш механизми учта компонентлардан ташкил топади. Биринчиси бу маълумотлар базаси ҳисобланса, иккинчиси солиқ тўловчилар маълумотларини қайта ишлаш жараёни, яъни дастурий маҳсулларнинг самарадорлиги ва учинчиси сифатида натижаларни умумлаштириш ва улар юзасидан прогноз кўрсаткичларини аниқлаш саналади. Микроимитацияли моделларни тўғри қўллашда энг муҳим жараён бу солиқ тўловчиларни турли параметрлар бўйича гуруҳлаш ва уларнинг маълумотларини ўзаро таққослаш таҳлилин тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Агар, ушбу моделлар солиқ тўловчилар гуруҳлари бўйича солиқ тушумларининг ҳолатини ва унинг ўзгариш сабабларини нотўғри аниқласа, ўз навбатида прогноз

кўрсаткичларига ҳам таъсир қилади, провардида алоҳида олинган солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юки ёки фаолият турларига белгиланган солиқ ставкаларини ўзгартириш (ёки ўзгартирмаслик) хусусидаги солиқ сиёсатининг тактикасининг қандай белгиланишига олиб келади. Ўз навбатида микроимитацияли моделларнинг маълумотлари макроиктисодий ва экстрополяцияли прогноз қилиш моделлари учун ахборот сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Солиқларни прогноз қилишнинг яна бир моделларидан бири экстраполяция моделидир. Маълумки, экстраполяция бу-ҳодисалар ва жараёнларнинг бир қисмини қузатиш асосида олинган ҳулосаларни унинг бошқа қисмига олиш ёки ёйиш жараёни бўлиб, солиқларни прогноз қилишнинг ушбу моделида ҳам унинг умумий белгилари акс этсада, бироқ, прогнозлаштириш жараёнида ўрганилаётган объектнинг ўтмишидаги эндоген ва экзоген ҳодиса (белгилар)нинг унинг келгусидаги кўриниши (натижаси)га таъсирини ҳам эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай хусусиятли жараёнларни экстраполяция моделлари амалга оширади. Иқтисодиётда юз бераётган жараёнлар (ҳодисалар) ва иқтисодий объект (категория)ларнинг амал қилиш ва ривожланиш тенденцияларида умумий қонуниятлар сақланиб қолган бўлиб, ушбу ички хусусиятлар уларнинг келгусидаги ҳолатини аниқлашда маълум бир аҳамият касб этади.

Демак, ушбу жараённи маълум бир моделга солган ҳолда тадқиқ этиш, яъни моделлаштиришга зарурат туғилади. Аммо, иқтисодий муносабатлар, жараён ва ҳодисалар мавқеи жиҳатдан фарқланади, шундай экан моделлар ҳам шунга кўра фарқланади. Услубий жиҳатдан ҳар қандай прогнознинг асосий воситаси экстраполяция схемаси ҳисобланади. Экстраполяциянинг моҳияти ўтмишда ва ҳозирги кунда юзага келган прогноз объекти ривожланишининг барқарор тенденцияларини ўрганиш ва уларни келажакка ўтказишдан иборат.

Расмий ва прогнозли экстраполяция фарқланади. Расмий экстраполяция прогноз объектнинг ҳозирдаги ва ўтмишдаги ривожланиш тенденцияларини келажакда сақлаб қолиш ҳақидаги тахминларга асосланса, прогнозли экстраполяцияда эса амалдаги ривожланиш истиқболда турли омиллар таъсирининг ўзгаришиги ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилаётган жараён динамикаси ҳақидаги фарозлар билан боғланади. Таъкидлаш жоизки, экстраполяция усулларини кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш учун прогнознинг бошланғич босқичида қўллаш зарур.

Экстраполяция моделида кўпинча трендлаш асосий ўринга чиқади. Тренд бу инлизча "trend" сўз бўлиб, луғавий маъноси —тенденция деган

маънони беради. Яъни, вақт каторлари (динамик каторлар)нинг ўзгаришининг асосий тенденцияларини кўрсатади. Трендлар турли хил шаклда: линеяли, логарифли ва даражали шаклда бўлиши мумкин.<sup>89</sup> Солиқларни прогноз қилишнинг ушбу модели жумласига тренд модели, экспоненциал текисланиш модели ва авторегрессияли ўртача оғиш модели (ARMA) кабиларни киритиш мумкин. Солиқларни прогноз қилишнинг экстраполяция моделларининг камчилиги шундаки, ушбу моделлар кўпроқ автоном ҳисобланади, аммо ўзи бошқа моделларда "оралиқ ёрдамчи" вазифасини ўтасада, ундан кўпи билан 5 йилдан ортиқ бўлган прогнозларни амалга оширишда ўзини оқламайди. Айрим муаллифлар<sup>90</sup> солиқларни прогноз қилишнинг ушбу моделига объектни унинг ўтмишига қараб ўрганишга асосланган (ёки фойдаланган) барча иқтисодий-математик моделларни киритади.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Прогноз, прогноз турлари, солиқларни прогнозлаштириш, солиқларни режалаштириш, гипотеза, башорат, режа, футурология, молиявий режалаштириш, молиявий прогнозлаштириш, бюджетни режалаштириш, бюджетни прогнозлаштириш, солиқларни прогноз қилиш тамойиллари, солиқларни прогноз қилишнинг мақсади, солиқларни прогноз қилишнинг вазифалари, солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг фарқлари, иерархиялик, тизимлилик, таркиблилик, солиқларни прогноз қилишнинг зарурий омиллари, солиқларни прогноз қилишнинг белгилари.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Прогноз тушунчасининг моҳияти ва унинг юзага келишининг шарт-шароитларини изоҳлаб беринг.
2. Прогноз қанақа турларга бўлинади?
3. Солиқларни прогноз қилиш деганда нима тушунилади?
4. Солиқларни прогноз қилиш жараёни қанақа белгиларга эга?
5. Солиқларни прогноз қилиш жараёни қанақа тамойилларга асосланади?
6. Солиқларни прогноз қилиш ва солиқларни режалаштиришнинг қанақа ўхшаш ва фарқи томонлари мавжуд?

<sup>89</sup> Қаранг: Коротаев А.В, Малков А.С, Халтурина Д.А. Законы истории. Математическое моделирование развития Мир-Системы. Демография, экономика, культура. 2-е изд. М.: УРСС, 2007. ISBN 978-5-484-00957-2.

<sup>90</sup> Қаранг: Яковлева И.А. О моделях прогнозирования налоговых поступлений // Фундаментальные исследования. – 2008. – № 3 – 123-124 с.

7. Солиқларни прогноз қилишнинг мақсади ва вазифаларини айтиб беринг.

8. Солиқларни прогноз қилишнинг молиявий режалаштириш, прогнозлаштириш ҳамда бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларини изоҳлаб беринг.

9. Солиқларни прогноз қилишнинг тарихий ривожланиш жараёнларини изоҳланг.

10. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришни шаклланиши ва ривожланишининг хорижий давлатлар тажрибасини айтиб беринг.

11. Башорат ва прогноз тушунчаларининг нима фарқи мавжуд?

12. Солиқларни прогноз қилишнинг миқдорийлик тамойилининг моҳияти нимадан иборат?

## 10-БОБ. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

### 10.1. Солиқ имтиёзларининг иқтисодий мазмуни ва уни белгилаш мезонлари

Бугунги кунда солиқ тизимида солиққа тотининг энг долзарб муаммоларидан бири бу - давлат бюджети даромадларини шакллантиришда соф фискаль услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқми ёки солиқларни пасайтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш керакми? деган муаммоли масала туради. Қуйидаги келтирилган фикрлар эса ушбу масаланинг асл моҳиятини тўғри идрок этишга ва тўғри жавобни танлашга ўзининг ҳиссасини қўшади деб ўйлаймиз:

➤ Солиқ юқини реал пасайтириш ҳукмдорнинг хоҳиш истагига эмас, балки мустаҳкам иқтисодий асосга таянади. Акс ҳолда бу нарса бутунлай тесқари натижаларга олиб келиши мумкин.

➤ Иккинчи жаҳон уришидан кейинги Германиянинг давлат арбоби профессор Л. Эрхарднинг фикрича, барча фуқаролар ва хўжалик юритувчи тоифаларнинг солиқ юқини пасайтиришга йўналтирилган истакларини адолатли<sup>91</sup> тан олмақ лозим. Бир вақтнинг ўзида у, мақсадга эришишнинг воситаларини ҳам кўрсатиб беради: харажатларнинг талаб қилинган барқарорлигига ва унумдорликнинг ривожланишини белгиланган суръатларда амалга оширилишига эришилса, солиқларни қандай пасайтириш имкониятини ҳисоблаб топиш ва тасаввур қилиш мумкин. Фақат шу йўл билангина бизнинг ҳаммамизни эзиб келаётган солиқ муаммосини ҳаққоний ва реалистик тарзда ечишга эришишимиз мумкин.

Бугунги кунда иқтисодиётни жамият ривожланишининг маълум даври учун зарурий йўналишларида бошқариб туришнинг асосий кўринишларидан бири солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишдир. Жаҳон солиқ амалиётида солиқ имтиёзларининг кенг таркибдаги турли шакллари ваусуллари мавжуд бўлиб, турли мамлакатларда улар турлича таркибда қўлланилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, солиқ имтиёзларини тақдим этишдан мақсад, баъзи солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқларни камайитириш ёки бутунлай озод этиш эмас, балки молиявий маблағлар

оқимини ишлаб чиқаришнинг зарур тармоқларига йўналтиришдир. Агар йўналтириладиган молиявий ресурсларнинг ўзи тақчил бўлса, у ҳолда аввало солиқ имтиёзлари мазкур тармоқлар молиявий барқарорлигига эришишига имконият яратиши лозим. Бундан ташқари, солиқ имтиёзлари, албатта, ижтимоий адолатни ва ижтимоий ҳимояни таъминлаши лозим. Солиқ имтиёзларининг тўғри йўналишларда берилиши ишлаб чиқаришнинг тегишли тузилмавий таркибини шакллантиришга хизмат қилади.

Солиқ имтиёзлари рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлиб, улар бозор муносабатларига ўтиш даври учун хос бўлган энг муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиши лозим. Лекин шу асосий вазифани белгилашга нотўғри ёндашиш солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг ҳеч қандай самара бермаслигига олиб келади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги пайтда солиқ имтиёзлари аввало ҳар томонлама миллий ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришга солиқ имтиёзларини тақдим этишдан ютқазилган бюджет даромадлари ёки, бошқача айтганда, солиқ харажатлари яқин давр ичида ишлаб чиқариш ривожланиши, иқтисодиётда юзага келадиган номутаносибликни олдини олиш ва йўқотишга хизмат қилиши ва шу орқали албатта қопланиши лозим. Акс ҳолда солиқ имтиёзларини беришдан ҳеч қандай маъно бўлмайди. Республикамызда кўп ҳолларда берилган имтиёзлардан самарали фойдаланмаслик, имтиёзларни тақдим этишдан кўзланган мақсадларнинг руёбга чиқмаслиги, яъни имтиёзларнинг ишласлиги кузатилмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор. Хусусан, булар солиқ имтиёзларининг маълум давр учун хос бўлмаган таркибда жорий этилиши, мукамал бўлмаган имтиёзларнинг белгиланиши, акс таъсир этувчи омилларнинг эътиборга олинмаслиги, хўжалик субъектларининг молиявий-иқтисодий жиҳатдан ночорлиги туфайли солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги ва бошқа сабаблардир.

Солиқ имтиёзлари таркибини рағбатлантиришга бўлган муносабати, иқтисодий жараёнларга таъсир этишига қараб икки гуруҳга бўлиб оламыз.

Биринчи гуруҳ имтиёзларни ижтимоий имтиёзлар дейиш мумкин. Улар асосан ижтимоий соҳага, бюджет ташкилотлари, диний ташкилотлар, спорт соҳаси, ҳар хил жамғармалар, кам таъминланганлар, ногиронларни ишга жойлаштириш, экология ва атроф муҳитни ифлосланишини олдини олишга жавобгар ва масъул бўлган иқтисодиётнинг соҳаларига берилади. Бу гуруҳ имтиёзлар барча мамлакатларда бир-бирига яқин таркибда бўлади ва бу таркиб анча барқарордир. Аммо бу имтиёзлар миқдори ва таркиби бюджет имкониятларига, ижтимоий соҳанинг моддий соҳа хўжаликлари томонидан

<sup>91</sup>Эрхард Л. Благосостояние для всех. М., Начала-Пресс, 2004. 18 с.

молиялаштирилиши ҳолатига ҳам боғлиқ ҳолда қисман турлича бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда ушбу имтиёзларни ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантиришга бевосита таъсири йўқ ва улар асосан жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган бўлади. Бу гуруҳ имтиёзларга хўжалик субъектларининг ижтимоий соҳаларга қилган ажратмалари ҳамда харажатларининг корхоналар, корпорациялар фойда солиғи базасидан чегирилиши ҳам киритилади. Республикамиз солиқ қонунчилигига кўра, корхоналарнинг ижтимоий соҳага қилган харажатлари учун қисман анча кам фоизда харажатга нисбатан имтиёзлар берилган. Ривожланган давлатларда бундай ажратмалар солиқ базасидан деярли тўлиқ чиқарилади.

Иккинчи гуруҳ имтиёзлар эса бевосита тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига ва иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Улар иқтисодиётда юзага келган қайсидир муаммони ечишга, кўп ҳолларда улар ривожланаётган давлатларда умумий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга, ривожланган давлатларда эса халқ хўжалиги соҳалари ва ишлаб чиқариш тармоқлари структурасини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Мавжуд муаммонинг ечилиши билан имтиёзлар турлари бекор қилиниб, бошқалари жорий этилади. Иқтисодий муаммоларнинг камайиши ва иқтисодий ривожланиш даражасининг ўсиши билан иккинчи гуруҳ - иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи имтиёзлар камайиб, ижтимоий имтиёзлар таркибининг кенгайишига имконият яралади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиётининг ўзига хослиги ва талабларидан бири бу давлатнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри аралашаолмаслиги, яъни давлат фақатгина иқтисодий ислохатларни амалга оширишда бонг ислохатчи бўлган ҳолда, иқтисодиётни бошқаришда солиқлар ва солиқ механизмларидан фойдаланиб туради.

Ўз навбатида давлат бугунги кунда солиқлардан иқтисодиётни бошқаришда рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиши муҳим аҳамият касб этмокда. Бунинг учун эса давлат биз юқорида кўриб ўтган ва танишиб чиққан, солиқ имтиёзларининг фақат иккинчи гуруҳидан, жумладан, бевосита тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган имтиёзларни кўпроқ бериши лозим. Чунки бугунги кунда ушбу имтиёзлардан самарали фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, иккинчи гуруҳ имтиёзлари учун қилинган харажатлар қайтиш характери ҳам эгадир.

Чунки бу имтиёзларни беришдан пировард мақсад хўжалик субъектларида ва бутун иқтисодиётда даромадлиликни кўтаришдир.

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали ҳарактерланади. Бу молиявий муносабатлар махсус ижтимоий ҳарактерга эга бўлиб, миллий даромаднинг бир қисми бўлган пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишга хизмат қилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда солиқ тушунчасига куйидагича таъриф бериш мумкин: «Солиқлар давлат ва жамиятнинг куч маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳолда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинадиган тўловлардир.

Солиқларнинг моҳияти уларнинг бажарадиган функцияларидан келиб чиқади.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Бугун пайдо бўлиб эртага йўқ бўлиб кетадиган ҳолатлар солиқ функцияси бўла олмайди. Демак, категория функцияси доимий, қатъий такрорланиб турадиган воқеликни ифодалайди. Шундай услубий ёндашишдан келиб чиқиб солиқлар функциясини аниқлаш керак.

Солиқларнинг функциялари масаласида катта баҳслашувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискал, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари хос деб таъриф беришади.

Солиқларнинг биринчиси функция ёрдамида давлат бюджетининг даромади ташкил этилса, иккинчисини ҳам амалга ошира бориб, давлат ишлаб чиқаришга унинг ўсишини рағбатлантириши ёки вақтинчалик секинлаштириши, сармоя жамғариш жараёнини кучайтириши ёки қисқартириши каби тадбирларни амалга ошириши мумкин.

Кейинги йилларда ресурс солиқларнинг салмоғи ҳам анча ошмокда. Бу солиқ ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Миллий даромадни давлат тасарруфига ўтказишда бевосита солиқлардан ташқари, билвосита солиқлар ҳам муҳим роль уйнайди, улар тегишли товар ёки хизматлар нархига устамалар сифатида белгиланади.

Хозирги вақтда саноат жихатидан ривожланган мамлакатлар давлат бюджетлари кирим қисмининг 80-90 фоизи солиқлар ҳисобидан вужудга келмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, Ўзбекистонда солиқлар ёрдамида давлат даромадлари ва давлат бюджети даромадларининг асосий қисми ташкил қилинади. Солиқларнинг бюджет даромадлари таркибидаги салмоғи ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Буни қуйидаги жадал ёрдамида кўришимиз мумкин:

Солиқ имтиёзлари рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлиб, улар бозор муносабатларига ўтиш даври учун хос бўлган энг муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиши лозим. Лекин шу асосий вазифани белгилашга нотўғри ёндашиш солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг ҳеч қандай самара бермаслигига олиб келади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги пайтда солиқ имтиёзлари аввало ҳар томонлама миллий ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришга солиқ имтиёзларини тақдим этишдан ютқазилган бюджет даромадлари ёки, бошқача айтганда, солиқ харажатлари яқин давр ичида ишлаб чиқариш ривожланиши, иқтисодиётда юзага келадиган номутаносибликни олдини олиш ва йўқотишга хизмат қилиши ва шу орқали албатта қопланиши лозим. Акс ҳолда солиқ имтиёзларини беришдан ҳеч қандай маъно бўлмайди. Республикада кўп ҳолларда берилган имтиёзлардан самарали фойдаланмаслик, имтиёзларни тақдим этишдан кўзланган мақсадларнинг руёбга чиқмаслиги, яъни имтиёзларнинг ишласлиги кузатилмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор. Хусусан, булар солиқ имтиёзларининг маълум давр учун хос бўлмаган таркибда жорий этилиши, мукамал бўлмаган имтиёзларнинг белгиланиши, акс таъсир этувчи омилларнинг эътиборга олинмаслиги, хўжалик субъектларининг молиявий-иқтисодий жиҳатдан ночорлиги туфайли солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги ва бошқа сабаблардир.

Солиқ имтиёзлари таркибини рағбатлантиришга бўлган муносабати, иқтисодий жараёнларга таъсир этишига қараб икки гуруҳга бўлиб оламир.

Биринчи гуруҳ имтиёзларни ижтимоий имтиёзлар дейиш мумкин. Улар асосан ижтимоий соҳага, бюджет ташкилотлари, диний ташкилотлар, спорт соҳаси, ҳар хил жамғармалар, кам таъминланганлар, ногиронларни ишга жойлаштириш, экология ва атроф муҳитни яқинлаштиришнинг олдини олишга жавобгар ва масъул бўлган иқтисодиётнинг соҳаларига бериллади. Бу гуруҳ имтиёзлар барча мамлакатларда бир-бирига яқин таркибда бўлади ва бу таркиб анча барқарордир. Аммо бу имтиёзлар миқдори ва таркиби бюджет имкониятларига, ижтимоий соҳанинг моддий соҳа хўжаликлари томонидан

молиялаштирилиши ҳолатига ҳам боғлиқ ҳолда қисман турлича бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда ушбу имтиёзларни ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантиришга бевосита таъсири йўқ ва улар асосан жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган бўлади. Бу гуруҳ имтиёзларга хўжалик субъектларининг ижтимоий соҳаларга қилган ажратмалари ҳамда харажатларининг корхоналар, корпорациялар фойда солиғи базасидан чегирилиши ҳам киритилади. Республикада солиқ қонунчилигига кўра, корхоналарнинг ижтимоий соҳага қилган харажатлари учун қисман анча кам фоизда харажатга нисбатан имтиёзлар берилган. Ривожланган давлатларда бундай ажратмалар солиқ базасидан деярли тўлиқ чиқарилади.

Иккинчи гуруҳ имтиёзлар эса бевосита тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига ва иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Улар иқтисодиётда юзага келган қайсидир муаммони ечишга, кўп ҳолларда улар ривожланаётган давлатларда умумий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга, ривожланган давлатларда эса ҳалқ хўжалиги соҳалари ва ишлаб чиқариш тармоқлари структурасини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Мавжуд муаммонинг ечилиши билан имтиёзлар турлари бекор қилиниб, бошқалари жорий этилади. Иқтисодий муаммоларнинг камайиши ва иқтисодий ривожланиш даражасининг ўсиши билан иккинчи гуруҳ - иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи имтиёзлар камайиб, ижтимоий имтиёзлар таркибининг кенгайишига имконият яралади.

Солиқ имтиёзлари қўллаш механизмидаги энг мураккаб жараён бу солиқ имтиёзларини белгилаш мезонларини адолатли тарзда белгилаш ҳисобланади. Аммо қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзларини белгилаш жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади ва шу жиҳатдан у турли давлатларда турлича бўлади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзларини белгилаш муайян мезонлар асосида малга оширилган, республикада қайси соҳани ривожлантириш устуворлигига, солиқ тўловчиларнинг импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва маҳсулони экспорт қилиш даражасига ҳамда давлатлар ўртасидаги ҳалқаро иқтисодий муносабатларга асосланиб белгилангандир. Солиқ имтиёзларининг мезонларини тўғри, объектив аниқлаш солиқларнинг адолатлилиқ тамойилини ифодаси сифатида юзага чиқади.

Солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари.

- Солиқ тўловчиларнинг ижтимоий ҳолатига қараб:
- Корхонада ишловчилар таркибидаги ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кўпчилликни (50% ни) ташкил етса имтиёз шунчалик кўпроқ берилади.
- Соҳани ривожлантириш устиворлигига қараб:
- Республикада кичик бизнесни ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланганлиги учун уларга ихтиёрий шаклда солиқ тизими қўлланилади.
- Махсулотлари экспорти ҳамда импортбоп махсулотларни ишлаб чиқариш даражасига қараб.
- Агар корхоналар импортнинг ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш ёки махсулотни экспорт қилса, муайян даражада солиқ имтиёзлари берилади.
- Халқаро иқтисодий алоқалар даражасидан келиб чиқиб:
- Давлатлараро битимларга кўра икки томонлама солиққа тортилмайди. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади.

Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектнинг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади.

Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектдан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг кўринишларидир (турларидир).

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг бир қатор объектив ижтимоий-иқтисодий сабаблари мавжуд бўлиб, бизнингча, улар қуйидагилардир:

Биринчидан, солиқ имтиёзларини мавжудлигини асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчи (юримдик ва жисмоний шахс) ларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий ҳолати турлича эканлигидан. Шу жиҳатдан барчага бир хил тартибда (микдорда) солиқ солиш маънога эга бўлмайди.

Иккинчидан, давлат иқтисодиётга таъсир этиб уни тартиблаш вазифасини амалга оширадигани, бунда турли хил дастаклардан фойдаланади. Бу дастакларнинг асосийларидан бири бу жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали

иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим дастак сифатида юзага чиқади.

Учинчидан, солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосий сабабларидан яна бири бу миллий даромадни қулай, самарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборатдир. Яъни, бундан солиқлар сифатида бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш туфайли бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Солиқ юки – маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндисини сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички махсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

Солиқ юкини енгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

## 10.2. Солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни рағбатлантириш ва тартиблашнинг назарий талқини

Солиқ имтиёзлари солиққа тортишнинг муҳим элементлари ҳисобланади ва айни вақтда иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солиш элементининг муҳим инструменти ҳисобланади.

Иқтисодиётни жамият ривожланишининг маълум даври учун зарурий йўналишларида бошқариб туришнинг асосий кўринишларидан бири солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишдир. Жаҳон солиқ амалиётида солиқ имтиёзларининг кенг таркибдаги турли шакллари ва усуллари мавжуд бўлиб,

турли мамлакатларда улар турлича таркибда қўлланилади. Солиқ имтиёзлари таркибини рағбатлантиришга бўлган муносабати, иқтисодий жараёнларга таъсир этишига қараб икки гуруҳга бўлиб оламиз.

Биринчи гуруҳ имтиёзларни ижтимоий имтиёзлар дейиш мумкин. Улар асосан ижтимоий соҳага, бюджет ташкилотлари, диний ташкилотлар, спорт соҳаси, ҳар хил жамғармалар, кам таъминланганлар, ногиронларни ишга жойлаштириш, экология соҳаларига берилади. Бу гуруҳ имтиёзлар барча мамлакатларда бир-бирига яқин таркибда бўлади ва бу таркиб анча барқарордир. Аммо бу имтиёзлар миқдори ва таркиби бюджет имкониятларига, ижтимоий соҳанинг моддий соҳа хўжаликлари томонидан молиялаштирилиши ҳолатига ҳам боғлиқ ҳолда қисман турлича бўлиши мумкин.

Бу имтиёзларнинг ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантиришга бевосита таъсири йўқ ва улар асосан жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган бўлади. Бу гуруҳ имтиёзларга хўжалик субъектларининг ижтимоий соҳаларга қилган ажратмалари харажатларининг корхоналар (корпорациялар) фойда солиғи базасидан чегирилиши ҳам киритилади. Республикамиз солиқ қонунчилигига кўра корхоналарнинг ижтимоий соҳага қилган харажатлари учун қисман анча кам фоизда (харажатга нисбатан) имтиёзлар берилган. Ривожланган давлатларда бундай ажратмалар солиқ базасидан деярли тўлиқ чиқарилади.

Иккинчи гуруҳ имтиёзлар эса бевосита тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига ва иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Улар иқтисодиётда юзага келган қайсидир муаммони ечишга, кўп ҳолларда улар ривожланаётган давлатларда умумий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга, ривожланган давлатларда эса халқ хўжалиги соҳалари ва ишлаб чиқариш тармоқлари структурасини (тузилмасини) ўзгартиришга қаратилган бўлади. Мавжуд муаммонинг ечилиши билан имтиёзлар турлари бекор қилиниб, бошқалари жорий этилади. Иқтисодий муаммоларнинг камайиши ва иқтисодий ривожланиш даражасининг ўсиши билан иккинчи гуруҳ иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи имтиёзлар камайиб, ижтимоий имтиёзлар таркибининг кенгайишига имконият яралади.

Иқтисодиётни солиқлар воситасида бошқаришда рағбатлантирувчи восита сифатида солиқ имтиёзларининг факат иккинчи гуруҳидан фойдаланиш мумкин. Иккинчи гуруҳ имтиёзлари учун қилинган харажатлар қайтиш характерига ҳам эгадир. Чунки бу имтиёзларни беришдан пировард

мақсад хўжалик субъектларида ва бутун иқтисодиётда даромадлиликни кўтаришдир. Даромадлиликнинг ошиши давлат бюджетига кўшимча даромадлар келиши учун манбадир. Имтиёзларни бундай гуруҳларга бўлиб ўрганишимиздан мақсад имтиёзлардан иқтисодиётни бошқарувчи восита сифатида фойдаланишнинг амалдаги ҳолатини ўрганишдир.

Ривожланаётган давлатларда солиққа тортиш даражаси анча юқори бўлишига қарамай, рағбатлантирувчи имтиёзлар таркиби, шунингдек солиққа тортилмайдиган минимумлар анча кенг бўлади. Ривожланган давлатларда эса аксинча — умумий солиқ юки анча паст бўлади ва бу гуруҳ имтиёзлари анча кам, ижтимоий соҳа имтиёзлари эса салмоқли даражада кўпдир. Бу албатта мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш ҳолатига ва иқтисодий имкониятларига боғлиқ.

Жаҳон солиқ амалиётида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш билан боғлиқ икки муқобил йўналишни кузатишимиз мумкин.

Биринчиси умумий, юқори солиқ ставкаларини қўллаган ҳолда, баъзи соҳаларда солиқ ставкаларини туркумлаш, кўп сонли солиқ имтиёзларини ва солиққа тортиладиган даромаддан чегирмаларни жорий этиш;

Иккинчиси, аста-секин солиқ имтиёзлари, чегирмаларидан воз кечиш; бу эса солиқ базасини кенгайтиришга ва солиққа тортишнинг умумий ставкасини пасайтиришга имкон беради.

Биринчи йўналиш такрор ишлаб чиқариш жараёнига ва илмий-техника тараққиётига таъсир ўтказиш мақсадидан, иккинчиси эса иқтисодиётнинг барча соҳаларида эркин иқтисодий фаолият учун энг қулай шароитларни, яратиш мақсадидан келиб чиқади»<sup>92</sup>

Биринчи йўналишда давлатнинг иқтисодга аралашув харажатлари кўпаяди. Шунингдек, ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ўз зиммасига олишга мажбур бўлади. Юқори даражада солиққа тортиш бунга имкон яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида айрим корхоналарнинг жамият ижтимоий эҳтиёжини қондириш ва ҳайрия фаолиятини амалга оширишга қаратилган даромадларини қонун асосида солиқдан тўла озод этиш муҳим аҳамият касб этади. Биринчи навбатда бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг химояга муҳтож табақаси ҳисобланган ногиронлар ҳамда олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг манфаатлари кўзда тутилган. Шу мақсадда, умумий ходимлари сонининг камида 50%и ногиронлар ва 75% ўрта мактаб ҳамда ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари бўлган корхоналар фойдаси солиқдан озод этилган.

<sup>92</sup> Гатаулин Ш. Солиқлар вазосилиқ сатортиш. Т.: ДС, 1996 й. 19 бет.



Солиқ тўлашдан озод этишдаги иккинчи йўналиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда тиббий асбоб ва ускуналар ишлаб чиқаришни яхшилашга қаратилган. Масалан, протез-ортопедия маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ногиронларга протезлаш бўйича хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхоналар ҳамда даволаш муассасалари қошидаги давлат ишлаб чиқариш устаконалари ва бошқалар солиқ тўлашдан озод этилган.

Солиқ тўлашдан озод этишдаги навбатдаги йўналиш бозор инфраструктурасининг муҳим таркибий қисми бўлган хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим тармоқларини солиқ тўлашдан озод қилиш билан боғлиқ. Яъни, шаҳар йўловчи таранспорти фойдаси, аҳолига, обуначиларга ва савдога вақтли матбуотни тарқатиш хизматидан олинган фойдаси ва бошқалар.

Бундан ташқари, солиқ қонунчилигида Қизил Ярим Ой жамиятига қарашли корхоналар ва бошқа ҳар хил уюшма ҳамда фондларнинг ҳайрия фаолиятини амалга оширишга қаратилган фойдаси солиқдан озод этилган. Шу билан бирга, ижтимоий ҳайрия йўналишига эга бўлган ташкилотлар, муассасалар ҳамда уларнинг корхоналари фойдаси ва бошқа йўналишдаги солиқдан озод этиш тартиби ўз аксини топган.

Бозор иқтисодиёти шароитида сармояларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни рағбатлантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, шубҳасиз янги тузилган корхоналар учун солиқлар бўйича имтиёзлар бериш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қонунчилигига мувофиқ янги тузилган корхоналар фойда (даромад) солиғини, тузилган (рўйхатга олинган) пайтдан бошлаб биринчи йили 25 % миқдорда ва иккинчи йили белгиланган ставкадан 50% миқдорда солиқ тўлайдилар. Бу имтиёз асосан эндигина шаклланиб ривожлана бошлаган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи имтиёзлардан бири бўлиб фойда (даромад) солиғи тўлашдан вақтинча озод этиш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда республикада патент эгаси бўлган ва лицензиат корхона, ўз ишлаб чиқаришида ихтирочилиқдан оладиган фойда ва валюта тушумларидан патентнинг амал қилиш доирасида ихтиродан фойдалана бошлаган санадан бошлаб икки йилдан беш йилгача фойда солиғи тўлашдан озод этилади.

Шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари, қурилиш – материаллари ишлаб чиқариш бўйича, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар (хуқуқий шахс сифатида рўйхатга олинганлар) ҳам тузилган (рўйхатга олинган) пайтдан бошлаб дастлабки икки йил давомида даромад солиғи тўлашдан озод этилади.

Хорижий сармояларга тақдим этилган имтиёзларга келсақ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган, устав фондида чет эл сармояси бўлган қўшма корхоналар, халқаро шартномага мувофиқ, даромад солиғи бўйича имтиёзларга эга.

Албатта, бюджет тақчиллиги даврида бундай имтиёзларни кенгайтириш, бюджет даромадларига салбий таъсир кўрсатади. Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилган соҳалар ва қолаверса, бошқа соҳаларни ривожлантириш ва кенгайтиришда ҳамда мутахассислар тайёрлаш учун давлат ҳаражатларининг бир қисмини шу инвесторлар ҳисобига қоплаш имконияти туғилади. Чунки хорижий инвесторлар фаолиятининг дастлабки даврида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни жаҳон стандартига олиб чиқиш мақсадида, сармояларни асосан ишлаб чиқариш моддий техника базасини яратиш ҳамда етук мутахассис ходимлар тайёрлашга ҳаражат қилади. Мисол учун, ҳозирги кунда республика ҳудудида хорижий шериклар билан биргаликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарда, ишлаб чиқариш моддий техника базасини яратиш ёки унга илғор технологияни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларнинг бир қисми, хорижий сармоядорлар ҳисобига қопланмоқда. Бундан ташқари, хорижий сармоядорлар етук мутахассис ходимлар тайёрлаш мақсадида, маҳаллий ишчи ва муҳандис ходимларни малакасини ошириш учун сарфланадиган ҳаражатларнинг бир қисмини ҳам, ўзлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бу эса, давлат бюджетининг ушбу йўналишдаги ҳаражатларини маълум даражада қисқартирмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, солиқ имтиёзларини тақдим этишдан мақсад, баъзи солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқларни камайтириш ёки бутунлай озод этиш эмас, балки молиявий маблағлар оқимини ишлаб чиқаришнинг зарур тармоқларига йўналтиришдир. Агар йўналтириладиган молиявий ресурсларнинг ўзи тақчил бўлса, у ҳолда аввало солиқ имтиёзлари мазкур тармоқлар молиявий барқарорлигига эришишига имконият яратиши лозим. Бундан ташқари, солиқ имтиёзлари, албатта, ижтимоий адолатни ва ижтимоий ҳимояни таъминлаши лозим. Солиқ имтиёзларининг тўғри йўналишларда берилиши ишлаб чиқаришнинг тегишли тузилмавий таркибини шакллантиришга хизмат қилади.

Солиқ имтиёзлари рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлиб, улар бозор муносабатларига ўтиш даври учун хос бўлган энг муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиши лозим. Лекин шу асосий вазифани белгилашга нотўғри ёндашиш солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг ҳеч қандай самара бермаслигига олиб келади. Бизнинг

фикримизча, хозирги пайтда солиқ имтиёзлари аввало ҳар томонлама миллий ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришга солиқ имтиёзларини тақдим этишдан ютқазилган бюджет даромадлари ёки, бошқача айтганда, солиқ харажатлари яқин давр ичида ишлаб чиқариш ривожланиши, иқтисодиётда юзага келадиган номутаносибликни олдини олиш ва йўқотишга хизмат қилиши ва шу орқали албатта қопланиши лозим. Акс ҳолда солиқ имтиёзларини беришдан ҳеч қандай маъно бўлмайди. Республикамизда кўп ҳолларда берилган имтиёзлардан самарали фойдаланмаслик, имтиёзларни тақдим этишдан кўзланган мақсадларнинг рўёбга чиқмаслиги, яъни имтиёзларнинг ишласлиги кузатилмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор. Хусусан, булар солиқ имтиёзларининг маълум давр учун хос бўлмаган таркибда жорий этилиши, муқамал бўлмаган имтиёзларнинг белгиланиши, акс таъсир этувчи омилларнинг эътиборга олинмаслиги, хўжалик субъектларининг молиявий-иқтисодий жиҳатдан ночорлиги туфайли солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги ва бошқа сабаблардир.

Давлатнинг иқтисодиётни тартиблашдаги энг муҳим молиявий воситаларидан бири солиқлардир. Турли давлатларнинг иқтисодий тузуми, иқтисодий, сиёсий ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатлари ҳолатининг турлича бўлиши, ўз навбатида ҳар бир давлатда солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрнини, солиқларнинг таркибий тузилишини, бевосита ва билвосита солиққа тортиш нисбатини, солиқлар бажарадиган функциялардан фойдаланиш шароитларини, солиққа тортиш тамойилларини, солиқ имтиёзлари таркиби ва улардан фойдаланиш даражасининг, солиқ юки даражасининг ҳам турлича бўлишини тақозо қилади. Бинобарин, бундай шароитда солиқлар орқали иқтисодиётни тартиблаш жараёни ҳам турлича бўлиши табиий албатта, аммо барча давлатларда бу бошқаришда солиқлардан фискал, рағбатлантирувчи ва жазоловчи (чегараловчи) восита сифатида фойдаланилади.

Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқариш йўналишларини белгилашда мамлакатда солиқ муносабатларининг шаклланиш ҳолати ҳам муҳим роль ўйнайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида бўлган республикамиз учун солиқ муносабатлари ўзига хос тартибда, айтиш мумкинки, анча мураккаб шароитда шаклланиб бормоқда. Бундай шароитда солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш йўналишларини белгилашда республикамиз иқтисодиётига хос бўлган қуйидаги иқтисодий ҳолатларни эътиборга олиш лозим, яъни:

1) солиққа тортиш тажрибасининг нисбатан камлиги ва айнан бозорни бошқариш тажрибасининг йўқлиги;

2) иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг сустлиги;

3) мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ва молиявий барқарор бўлган корхоналарнинг камлиги;

4) мулкчиликка бўлган эскича муносабатларнинг қисман сақланиб қолинганлиги ва мулкчилик турларининг, айниқса, хусусий секторнинг яхши шаклланмаганлиги; бозор иқтисодиёти қонунларининг амалда тўлиқ ишламаётганлиги (талаб ва таклиф, рақобат, моддий манфаатдорлик);

5) иқтисодиётни бошқаришда эски усул унсурларининг сақланиб келинаётганлиги ва моддий манфаатдорликнинг таъминланмаслиги;

6) микроиқтисодий даражада (солиқ имтиёзлари берилган тақдирда ҳам) молиявий маблағларнинг ниҳоятда камлиги ва инвестиция қилиш имконини чегаралаш ва бошқалар.

Демак, солиқлар орқали иқтисодиётни тартиблаш орқали солиқ имтиёзларини оптималлаштириш йўналишлари республикамиздаги мавжуд мураккаб иқтисодий ҳолатни, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий хусусиятларни тўғри акс эттиргани ҳолда, аввало тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлашга, миллий ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, корхоналарнинг молиявий барқарорликка эришишига, бозор механизмнинг ишлашига, хусусий мулкчиликнинг ривожланишига, ташқи савдо балансини (экспорт ва импортни) мувофиқлаштиришга имконият яратиши лозим. Чунки булар республикамиз иқтисодиётида мавжуд бўлган асосий муаммолар ҳисобланади.

Давлат томонидан бошқаришнинг шакли сифатида солиқлар орқали иқтисодиётга таъсир этишнинг иқтисодиёт ривожланиши босқичлари учун хос бўлган йўналишларини ишлаб чиқиш жуда мураккаб жараёндир. Бунда солиқларнинг таъсир доираларини тўғри танлаш лозим. Улар эса қуйидагилар бўлиши мумкин, яъни солиқлар ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига, унинг таркибий тузилишига, динамикасига, жойлашишига, ИТТга таъсир этиши мумкин. Солиқлар ишлаб чиқариш фаоллигини рағбатлантириши ёки аксинча чеклаб туриши; шу йўл билан у ёки бу тармоқнинг ривожланишини таъминлаши; маҳсулот экспортини рағбатлантириши; мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини олиб бориши, капитал жамғариши ёки ушлаб туришига; талаб ва таклифни мослаштиришга таъсир этиши мумкин. Солиқлар воситасида ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини пасайтиришга имконият яратиш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда солиқлар воситасида иқтисодий сиёсатнинг маълум вазифаларидан келиб чиқиб иқтисодни турли хил йўналишларда бошқаришни ифодаловчи атамалар учрайди. Масалан, “Дискрацияли фискалсиёсат” - бу давлат томонидан солиққа тортишни онгли равишда тартибга солиш тушунилади. Дискрацияли фискал сиёсат иқтисодий тушқунликдаврида солиқ босимини камайтиришга, инфляция даврида эса – солиқларни оширишга мувофиқлашган бўлади. Бундан ташқари, давлат реструкциялисиёсат юргизиши мумкин. Бу сиёсат орқиб ишлаб чиқариш билан боғлиқ кризислар пайтида қўлланилади ва товар ишлаб чиқаришни чегаралашга қаратилган бўлади. Шу билан бир вақтда давлат ижтимоий соҳаларни ташкиллаштиришни, субсидиялар ва арзон кредитлар беришни, давлат харидларини кўпайтиришни ўз зиммасига олади.

Автоматик фискал сиёсат ёки автоматик тўхтатиш сиёсати ҳам мавжуд бўлиб, бунда иқтисодиётдаги юз бераётган ўзгаришларга қараб солиқ тизимида тегишли ўзгаришларни автоматик амалга ошириш тушунилади. Мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даврида солиқ тушумлари кўпайтирилади, тушқунлик даврида солиқ тушумлари автоматик равишда қисқартирилади; ундирилаётган даромад суммаси камайдиган - бу харид қобилиятини кўпайтириб натижада орқага қайтиш ушлаб турилади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиётининг ўзига хослиги ва талабларидан бири бу давлатнинг иқтисодиётга тўғридан- тўғри аралашмаслиги, яъни давлат фақатгина иқтисодий ислохатларни амалга оширишда бош ислохатчи бўлган ҳолда, иқтисодиётни бошқаришда солиқлар ва солиқ механизмларидан фойдаланиб туради.

Ўз навбатида давлат бугунги кунда солиқлардан иқтисодиётни бошқаришда рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун эса давлат биз юқорида кўриб ўтган ва танишиб чиққан, солиқ имтиёзларининг фақат иккинчи гуруҳидан, жумладан, бевосита тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган имтиёзларни кўпроқ бериши лозим. Чунки бугунги кунда ушбу имтиёзлардан самарали фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, иккинчи гуруҳ имтиёзлари учун қилинган харажатлар қайтиш характерига ҳам эгадир. Чунки бу имтиёзларни беришдан пировард мақсад хўжалик субъектларида ва бутун иқтисодиётда даромадлиликни кўтаришдир.

Мамлакатимизда солиқ имтиёзларини белгилаш асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, чет эл инвестициялари кириб келишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш, турли соҳаларни ривожланишига актив таъсир этиш муаммоси ётади. Шу ўринда мамлакатимизда солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари халқаро солиқ

муносабатларига мос келиши ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларда давлатнинг фаол иштирок этишида мослашувчан бўлиши лозим.

Солиқ имтиёзларидан ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестицияларни рағбатлантиришда ва бошқаларда кенг фойдаланилади.

Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва самарали қўлланилишига қараб куйидаги кўринишларда ифодаланиши мумкин:

- солиқлардан бутунлай озод қилиш;
- янги ташкил этилган корхоналарга имтиёзлар бериш;
- солиқ тўлашдан вақтинча озод этиш;
- солиққа тортилмаган базани камайтириш;
- солиқдан қисман озод қилиш;
- хорижий инвестицияларга имтиёзлар бериш;
- экспортга имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Солиқлар ҳар қандай давлат мавжудлигининг моддий асоси булиб, ҳукумат солиқлардан иқтисодий дастак сифатида хўжалик муносабатларини умуммиллий пировард мақсадларга эришиш йўлида изга солиб туриши мумкин. Маълумки, "бозор механизми фақат хусусий тадбиркорлар учун фойда келишини таъминлайдиган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиради"<sup>93</sup>. Лекин умумжамиат манфаатлари учун хизмат килувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқариш давлатнинг зиммасида туради. Давлат солиқлар воситасида муҳофаза, соғлиқни сақлаш, ички тартибни сақлаш, маориф, фан ва бошқа тадбирларни молияланишининг моддий асосини яратди.

Бозор тизими атроф-муҳит ифлосланиши, аҳолини зарарли оқибатлар таъсиридан сақлаб қолишга қодир эмас. Кўшимча зарарли оқибатлар ва экологик тушқунликларнинг олдини олишга ва бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатида ҳам солиқ тизими муҳим урин эгаллайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳукумат аралашувисиз аҳоли ва давлатнинг реал секторлари корхоналар уртасида даромадларнинг нотенг тақсимланиши юз беради.

Давлат бошқа усуллар билан биргаликда даромадларни қайта тақсимлаш сиёсатини солиқлар иштирокида ҳам амалга оширади. Ҳукуматнинг қайта тақсимлаш сиёсати, солиқлар буйича ставкаларни белгилашда, солиқдан имтиёзларда, солиқ чегирмаларида, акцизларда ва бошқаларда кўзга ташланади. Масалан, давлат бирор халқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришни мақсад қилиб қўйса, шу тармок ишлаб чиқаришига паст ставкалар, кўпроқ имтиёзларни жорий этади, шунинг билан

<sup>93</sup> Фишер С, Дррибуш Р., Шмалензи Г "Экономика". Пф, с англ.-М: Дело, 1993, стр. 512, В. А. Орқасв, 1. И. Каримова. Х.П.Абулқосимов. «Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари»<sup>АТ</sup>; «Шарқ», 2006.

бир каторда бошка кераксизтармоқларни юкоридагига карама-карши равишда сиқиб кўйиш билан маблағларнинг бир тармоқдан иккинчи тармоқка кўчиб ўтишига шароит яратди. Бозор механизми фаоллиги циклик характерга эга булиб, иктисодий юксалиш тушкунлик билан алмашилиб туради. Тушкунлик даврида катор муаммолар келиб чиқади, яъни кўплаб корхоналарнинг инкирозга учраши, макродаражада молиявий бекарорлик, оммавий ишсизлик, юкори инфляция даражаси шулар жумласига киради. Солик тизими кўрилишининг узи ушбу циклик ўзгаришларнинг олдини олиш, ҳеч бўлмаганда унинг оқибатларини юмшатиш учун хизмат килиши мумкин. Автоматик стабилизаторлар ҳар қандай иктисодий ўзгаришлар даврида тегишлича таъсир этиш имконини беради. Масалан, пропорционал даромад солиғи автоматик стабилизатор ҳисобланади. Юкоридагилардан кўриниб турибдики, давлатнинг бозор иктисодини тартибга солиш сиёсатида ва айниқса йирик ва майда ишлаб чиқариш саноатларини ривожлантиришга қаратилган сиёсатида солиқ имтиёзларини тақдим этган ҳолда корхоналарнисоликка тортиш механизми катта рол ўйнайди.

Солиқларнинг тартибловчилик функцияси бошқаришнинг маъмурий услубларидан воз кечиб, иктисодий услубга ўтиш шароитида айниқса, яққол намоён бўлади. Ҳукуматнинг иктисодиётни тартибга солувчилик сиёсати солиқ қонунчилигида ҳамўз аксини топган.

Иктисодиётни эркинлаштириш йулидан бориши Ўзбекистонда ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Бу борада соф рақобат муҳитини шакллантириш, бозор инфратузилмапарини ривожлантириш, молия ва банк тизимлари фаолиятини такомиллаштириш, ташқи иктисодий фаолиятни етарли даражада жонлантириш, корхоналар хўжалик фаолиятига давлат ва турли вакиллик органлари аралашувини чеклаш тадбирлари энг аввало уларнинг қонуний асосларига таянади.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси солиқ қонунчилиги учун юридик база булиб ҳисобланиб, унда шундай дейилган: «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тулашга мажбурлар»; унинг 123 - моддасида эса: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади», дейилган.

Мамлакатимиздаги ҳозирги иктисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш шароитида солиқ муносабатларининг барқарор, чуқур пойдеворга эга, узок амал қилиш хусусиятига эга бўлган меъёр ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунларида акс этади. Ислохотларнинг

чуқурлашиши ва уларни ҳуқуқий таъминлаш бобида тажриба тўпланиши билан Олий Мажлис қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади. Солиқ соҳасида ислохотларнинг стратегик йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари билан белгиланади ва тасдиқланади. Президент фармонлари, қарорлари доирасидаги қоидалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқ чора-тадбирлар билан ёркин очиб берилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, қарорлар қабул қилиш йули билан солиқ муносабатларини тезкор бошқаришни амалга оширади.

Солиқлар воситасида иктисодиётни тартибга солишнинг қонуний асоси «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси» бўлиб ҳисобланади. Солиқ кодекси 21-бўлим, 64-боб, 392-моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасида солиқ муносабатларини аниқлаштиради. Ҳукуматнинг иктисодиётни солиқлар воситасида тартибга солувчилик сиёсатини қуйидаги устиворлик аломатларига кўра турқумлаш мумкин: устивор фаолиятларни ривожлантиришга қаратилган солиқли тартибга солиш; ижтимоий аҳамиятга молик солиқли тартибга солиш.

Биринчи устивор фаолиятларни солиқли тартибга солиш сиёсатини кўриб чиқадиган бўлсак: бунда устивор тоифадаги фаолиятларни ривожлантиришга қаратилган соликка тортишдаги давлат тартибловчилик сиёсати умумиктисодий ўсиш ва барқарорлик шартларини бирмунча қулайроқ воситалар билан ривожлантиришда таянч иктисодий фаолиятлар танлашни кўзда тутди. Бу белги бўйича турқумлаш асосан қуйидаги иктисодий фаолият турларини ўз ичига олади: ташқи иктисодий алоқалар олиб бориш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан, илмий-техник тадқиқотлар билан, илмий- тадқиқот натижаларини саноатда қўллаш фаолиятлари билан, инвестицион фаолиятлар билан қўлланишни рағбатлантириш, ижтимоий зарарли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар фаолиятини билвосита чеклаш, ер усти ва ости бойликларидан самарали фойдаланишни тартиблагга солиш.

Иккинчи устувор тармоқларни ва соҳаларни ривожлантиришни солиқлар воситасида тартибга солиш сиёсатида: кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, халқ бадийи хунарамандчилиги ва амалий санъати, енгил ва маҳаллий саноат соҳаларини, болаларбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, республикада туризм соҳасини ривожлантириш, теннис ва футболниқуллаб-қувватлаш фондлари фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш каби давлат аҳамиятига молик тадбирларни ўз ичига олади.

Учинчи устивор сиёсатда ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиёти шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати барча жабхаларида ўзини намойн этади. Жумладан, жамиятда таълим-тарбия, соғломлаштириш тадбирлари, аҳолининг уй-жой билан таъминоти, нафақахўрлар, ногиронлар, меҳнат ва уруш фахрийлари, меҳнат қобилятини йўқотганлар, ёш болали ва боқувчисини йўқотган кишиларни ижтимоий химоялаш, аҳоли айрим қатламлари даромадларини қайта тақсимлаш ва тартибга солиш чоралари солиқ қонунчилигида ҳамўз аксини топган.

Умуман олганда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифалари – солиқ имтиёзларини қўллаш орқали иктисодиётни тартибга солувчилик функциясини етарли ҳуқуқий-норматив базасини яратишдир. Бу юмушлар қанчалик нисбатан қисқа муддатлар ичида, аммо пухта уйланиб яратилган бўлсада, уларнинг реал ҳаётда ишлаши учун турли тўсиқлар вужудга келмоқда. Умуман, бизнингча, давлатнинг тартибга солувчилик сиёсатини юритишга етарли ижтимоий-иктисодий шароитларни шакллантириш учун айрим қўшимча тадбирлар ва тузатувчи солиқ периференцияларини кўришни талаб этмоқда.

Устивор фаолиятлар ва соҳаларни ривожлантириш бўйича давлат тартибловчилик сиёсати барча жабхаларда кўзга ташланиб турибди. Аммо, ҳуқуқатнинг белгилаётган чора-тадбирлари, сай-ҳаракатлари етарли натижаларни бераётгани ва бу муаммоларни ҳал этиш борасида солиқларнинг тартибга солувчилик функциясидан унумли фойдаланиш мумкинлиги хусусида олиб борилган илмий изланишлар натижаси бир қатор фикр – мулоҳазаларни юритишга асос бўлади. Яъни, мустақиллик йиллари давомида мамлакатимизда солиқ тизимини такомиллаштириш юзасидан кўпгина ишлар олиб борилиб, бунинг натижасида этапма-этап, ишлаб чиқариш қорхоналарида ва жумладан, реал секторларда солиқ юқини қамайтиришга ва шунингдек, солиққа тортишни соддалаштириш тизимини такомиллаштиришга эришилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда макроиктисодий ривожланиш вужудга келди.

### **10.3. Солиқ имтиёзларининг турлари ва принциплари**

Бюджет-солиқ сиёсатининг таркибий, бир вақтнинг ўзида, унинг нисбий жиҳатдан мустақил қисми сифатида қаралаётган солиқ сиёсатининг муваффақияти, таъсирчанлиги, илғорлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан солиқ имтиёзларини тақдим этиш масаласига бориб такалади. Бошқа

шароитлар тенг бўлган тақдирда солиқ имтиёзлари қанчалик оқилона тақдим этилса, бу сиёсатнинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни қамроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар имтиёзлар деб эътироф этилади.

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг бир қатор объектив ижтимоий-иктисодий сабаблари мавжуд бўлиб, бизнингча улар қуйидагилардир:

Биринчидан, солиқ имтиёзларини мавжудлигини асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчи (юримдик ва жисмоний шахс) ларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий ҳолати турлича эканлигидан. Шу жиҳатдан барчага бир хил тартибда (миқдорда) солиқ солиш маънога эга бўлмайди;

Иккинчидан, давлат иктисодиётга таъсир этиб уни тартиблаш вазифасини амалга оширадими, бунда турли хил дастаклардан фойдаланади. Бу дастакларнинг асосийларидан бири бу жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иктисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим дастак сифатида юзага чиқади;

Учинчидан, солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосий сабабларидан яна бири бу миллий даромадни қулай, самарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборатдир. Яъни, бундан солиқлар сифатида бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш туфайли бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.

Қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзлари хусусида турли хил фикрлар мавжуд. Солиқ имтиёзларининг моҳиятини тўлароқ англаб етиш учун аввало ана шу турли хил фикрларни келтириш мақсадга мувофиқ.

Профессор Қ.Яҳёев фикрига кўра «Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлайдиган солиқ миқдорини (солиқ базасини) қамайтириш ёки солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш солиқ имтиёзидир». Шунингдек, ушбу иктисодчининг таъкидлашича солиқ имтиёзи деган термин ўрнига солиқ енгиллиги термини бу жараённинг моҳиятини очиб беради.

Амалиётчи, иктисодчи олим Ш.Гатаулин солиқ имтиёзларига

қуйидагича таъриф беради: «Солиқ имтиёзлари амалдаги қонунларга мувофиқ равишда солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилишдир (скидкалар, чегириб ташлашлар ва ҳоказо)».

Профессор Т.С.Маликовнинг таъкидлашича солиқ имтиёзлари деганда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши тушунилади. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектидан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг кўринишларидир (турларидир). Масалан, корхоналар фойдасидан олинadиган солиқ бўйича имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уй-жой қурилишини ривожлантириш харажатларини молиялаштиришни, тадбиркорликнинг кичик шаклларини, ногиронлар ва пенсионерларнинг бандлигини таъминлашни, ижтимоий, маданий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларини рағбатлантиришга қаратилгандир. Индивидуал характерга эга бўлган имтиёзларни бериш, одатда, таъқиқланади.

Солиқларнинг ва улар бўйича берилadиган имтиёзларнинг мавжудлиги доимо давлат вужудга келиши билан боғланиб келинган. Буюк Соҳибқирон Амир Темур тузуқларида таъкидланишича «Солиқлар давлатнинг иқтисодий таянчи ва намоён бўлишидир».

Агар, Темур тузуқларида берилган солиққа тортиш тамойилларига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг асосини ҳам солиққа тортишда берилadиган имтиёзлар эгаллайди. Унга мувофиқ солиқ тўловчилардан солиқларни аралашли ундириш солиқ сиёсатини диққат марказида туради. «Темур тузуқларида» келтирилишича «Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки поллиз қилса, ёки бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун - қондасига мувофиқ ҳирож йиғилсин». Бундан кўринадики, солиқлардан берилadиган имтиёзлар бевосита давлатни (хазинани) иқтисодий қудратига боғлиқ бўлиб, унда солиқ имтиёзлари билан бюджет (хазина) даромадларини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилган.

Солиққа тортиш назарияси ва амалиётида солиқ имтиёзларининг тутган ўрни инглиз иқтисодчиси Кейнс назариясида алоҳида ўринни эгаллайди. Кейнсчилар томонидан солиқ тизими, аниқроғи солиқ имтиёзлари макроиктисодиёт шароитида иқтисодиётни тартибга солишнинг таркибий элементи сифатида ҳамда давлатнинг тадбиркорлар манфаатида таъсир этиш ва бюджетнинг даромад қисмини тўлдириш борасидаги муҳим иқтисодий қурол сифатида қаралади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ғарб давлатларида неоклассик йўналиш, институционал - ижтимоий йўналиш талабларига мос тарзда солиққа тортиш тизимида имтиёзлар назариясига анча эътибор берилди. Мазкур иқтисодий мактаблар назарий ёндошувларидаги туб фарқлар бўлишига қарамай уларнинг вақиллари умумий тарзда солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш ва уни тартибга солиш воситаси сифатида қараганлар. Иқтисодиётни бошқаришда солиқ имтиёзлари ролини улар қуйидагича ифодалар эди: агар у ёки бу давлатнинг иқтисодиёти ортиқча ишлаб чиқариш билан хусусиятланувчи ўсиш даврини ўтаётган бўлса, у ҳолда давлат солиқ имтиёзларини камайтириш, яъни солиқларни кўпайтириш, солиққа тортишни кучайтириш орқали корпорациялар бўш маблағларини кўпроқ бюджетга жалб қилиш лозим деб ҳисоблаганлар. Агар мамлакат иқтисодиёти турғунлик ҳолатини кечираётган бўлса, иқтисодиётни жонлантириш учун кўшимча сармоя жалб қилиш лозим. Бунда солиқ имтиёзларидан ҳам кенг фойдаланиш зарурати туғилади деган хулосага келинган. Бу ҳолатда иқтисодчилар давлатга, солиқ миқдорини камайтириш, солиқ имтиёзларини кўпайтиришни маслаҳат берадиларки, бу нарса бюджетга кўшимча маблағлар ва капитал қўйилмалар учун маблағлар туғилишига имконият туғдиради.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа дастаклари қатори солиқ сиёсати талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш орқали иқтисодиётда барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган. Ғарб иқтисодчилари солиқ тизимининг аҳамиятини давлат фаолиятини амалга ошириш учун уни зарур молиявий маблағлар билан таъминлаш сифатида ифодаланувчи соф фискал вазифа билан чеклаб қўймайдилар. Уларнинг солиқ имтиёзлари назариясида солиқларни тартибга солиш вазифасига катта эътибор берадилар. Солиқлар давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим қуроли сифатида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ҳулқ- атворига давлат таъсирини ифодалайдилар. Аммо, бунда солиқ имтиёзлари асосий восита сифатида қаралиши кенг назарда тутилган.

Бозор муносабатлари шароитида мустақил республикамиз иқтисодий эркинлаштиришни амалга оширар экан, иқтисодиётни тартиблаш ва

бошқариш жараёнида бир қатор воситалардан фойдаланиладигани, бунда солиқ тизимининг солиқ ставкалари ва имтиёзларидан фойдаланиш энг самарали ва осон усуллардан бири бўлиб юзага чиқади.

Солиқ имтиёзлари билан иктисодиётни бошқариш, давлатни шундай фаолияти билан боғлиқки, у такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган номутаносибликни йўқотиш учун шароит яратади. Бошқача қилиб айтганда, агар солиқларнинг баъзи тизими ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг давлат стратегиясини аниқласа, тактикаси солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзларини солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқларни ундириш воситалари, муддатлари нуқтаи назаридан бир неча гуруҳларга (турларга) бўлиш мумкин. Солиқ имтиёзларини турли хил асослар бўйича гуруҳлаш мумкин. Биз буни қуйидаги тартибда асослашга ҳаракат қиламиз.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ҳуқуқий базаси такомиллашиб бормоқда. Ҳозирга қадар қабул қилинган барча солиққа оид қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг барчасига солиқ имтиёзларини белгилаш бўйича умумий ўхшашликлар мавжудлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни, барча қонун ҳужжатларида солиқ турлари бўйича имтиёзлар асосан қуйидаги шаклларда:

- солиқдан батамом озод этиш;
- солиқдан вақтинча ёки қисман озод этиш;
- солиқ базасини камайтириш тарзида берилган.

2007 йил 25 декабрда қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан қучга кирган Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда солиқ кодексининг 27 та моддасида 204 та доимий хусусиятга эга бўлган солиқ имтиёзлари амал қилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Солиқ имтиёзларини қўллаш механизмидаги энг мураккаб жараён бу солиқ имтиёзларини белгилаш мезонларини адолатли тарзда белгилаш ҳисобланади. Аммо, қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзларини белгилаш жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади ва шу жиҳатидан у турли давлатларда турлича бўлади.

Агар солиқлар бўйича у ёки бу шаклда имтиёзларни бериб туриб, қўзланган мақсадларга етарли даражада эришилмаётган бўлса, унинг асосий сабабларидан бири солиқ имтиёзларини беришда инobatга олинмиши лозим бўлган принципларга етарли эътибор қаратилмаётганлиги билан белгиланади.

Иқтисодий ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган ва ўзининг ҳаётийлигини ҳамон сақлаб келаётган бу принциплар қуйидагилардан иборат:

Солиқ имтиёзларининг қўлланилиши мулкчилик шакли, фаолият тури, айрим манфаатдор гуруҳларнинг субъектив баҳолирига боғлиқ холда танланиш характерига эга бўлмаслиги керак;

Солиқ имтиёзларини беришга ноиқтисодий тарзда мажбур қилиш ва қўлланилишнинг мажбурийлиги хос эмас;

Ўзининг ички табиатига кўра, солиқ имтиёзларига қўлланилишнинг маъмурий-буйруқбозлик характери бегонадир;

Инвестицион солиқ кредитлари умумдавлат аҳамиятига эга бўлган инвестицион дастурларнинг бадарилишини таъминлайдиган солиқ тўловчилар гуруҳига берилиши керак;

Солиқ имтиёзларининг қўлланилиши бюджет даромадларига, корпоратив ва шахсий иқтисодий манфаатларга зарар етказмаслиги лозим;

Имтиёзли солиқ портфелини шакллантириш тартиби умумдавлат миқёсида аниқланади ва қонуний тарзда марказий ҳокимият томонидан тасдиқланади;

Маҳаллий даражада солиқ имтиёзларининг қўлланилиши олий қонунчилик органи томонидан белгиланадиган рамка доирасида бўлиши керак.

Солиқ бўйича имтиёз берилиши кўзда тутилганда солиқ тўловчилар, биринчи навбатда, солиқ ставкасининг пасайтирилишини хошлайдилар. Уларнинг истаклар инobatга олинмиб, солиқ ставкаси 5 пунктга пасайтирилди ва унинг ставкаси 30% ўзига 25%ни ташкил этди, дейлик. У холда, ўз-ўзидан маълумки, бошқа шароитлар ўзгармаган тақдирда, солиқнинг суммаси 250,0 минг сўми ташкил этиб, 1000,0 минг сўмлик солиққа тортиладиган объектнинг 750,0 минг сўми солиқ тўловчининг ихтиёрида қолдирилади. Бунинг натижасида солиқ тўловчи қўшимча равишда 50,0 минг сўм қўшимча фойдага эга бўлса, бюджет худдуи шу миқдордаги маблағни йўқотади. Бу иккинчи вариантда вужудга келган ҳолат солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғланишнинг бузилганлигидан далолат бериб, бундай ўзгаришни амалга ошириш мумкин эмаслигини кўрсатади. Бу вариантдаги вазиятнинг вужудга келиши солиқ бўйича имтиёз ўз вазифасини бажармаганлигидан, ўз мақсадига эришмаганлигидан, мақсадсиз, бефойда имтиёз берилганлигидан далолат беради.

Жадвалда келтирилган учинчи вариантдаги рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, бунда ҳам солиқ тўловчи биринчи вариантдагига нисбатан 5 пункт кам бўлган солиқ ставкасига эга бўлиб, у ўз фаолиятини маълум даражада фаоллаштирди. Натижада 1200,0 минг сўмлик даромадга эга

бўлган. Унинг 300,0 минг сўми солиқ сифатида бюджетга олиниб, 900,0 минг сўми эса солиқ тўловчининг ихтиёрида қолган.

Учинчи вариантни вужудга келтирган солиқ тўловчи фаолиятининг диққатга сазовор томонлари қуйидагилардан иборат:

1. Биринчи ва иккинчи вариантдагилардан фарқли ўларок, учинчи вариантни вужудга келтирган солиқ тўловчи 1200,0 минг сўмлик солиққа тортиш объектини яратган. Бу кўрсткич олдинги ҳар икки вариант кўрсаткичидан 200,0 минг сўмга кўпдир.

2. Биринчи вариантдагига нисбатан 5 пункт паст солиқ ставкасига эга бўлишига қарамасдан, 30%ли ставка бўйича қанча солиқ тўланган бўлса, шунча суммани бюджетга ўтказишга эришган. Бундай ҳолда албатта, бюджет манфаатларига зид йўл тугилмаётганлиги аниқ;

3. Иккинчи вариантдаги билан бир хилдаги солиқ ставкасига эга бўлсада, унга нисбатан 50,0 минг сўм кўпроқ бюджетга мабла0 йўналтирилган;

4. Солиқ тўловчининг ўз ихтиёрида қолган сумма дастлабки ҳар иккала вариантдагиларга нисбатан кўпроқдир (мос равишда 200,0 минг сўм ва 150,0 минг сўм).

Келтирилган ҳулосалардан кўраниб турибдики, учинчи вариантни вужудга келтирган солиқ тўловчи солиқ бўйича имтиёзнинг асл моҳиятини имкон қадар тўғри тушунишга ҳаракат қилган ва шунга мос равишда ўз фаолиятини амалга оширган.

Шундай бўлишига қарамасдан, учинчи вариант натижасида вужудга келган вазият эътиборга лойиқ бўлсада, у ҳанузгача солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини тўла-тўқис очиб беришга етарли эмас. Чунки учинчи вариантда вужудга келган вазият бир томонламалик характерга эга. Яъни, қўлга киритилган натижа солиқ бўйича имтиёз олган томоннинггина манфаатларига тўлиқ мос келади. Учинчи вариантнинг натижалари бюджет манфаатларига зид келмаётган бўлсада, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектика бир вақтнинг ўзида ҳам имтиёз берган томоннинг, ҳам имтиёз олган томоннинг манфаатларига мос келмоғи лозим.

Худди ша тарздаги мувозанат жадвалимиздаги тўртинчи вариантда вужудга келган бўлиб, бу вариантда имтиёздан фақат имтиёзга эга бўлган томон қўшимча манфаат кўрмасдан, балки имтиёзни берган томон (давлат, давлат бюджети) ҳам қўшимча манфаат кўрган. Солиқ ставкаси 5 пунктга камайтирилганлигидан максимал равишда фойдаланиш эвазига солиқ тўловчи ҳеч кўрқмасдан 1400,0 минг сўмлик солиққа тортиладиган объектни яратди. Унинг 350,0 минг сўми солиқ сифатида бюджетга тўланиб, бюджет 50,0 минг

сўм қўшимча маблағга эга бўлди. Бу вариант натижалари манфаатлар муштараклигига эришилганлигидан далолат беради. Солиқ ва имтиёз диалектиканинг туб моҳияти, асл мазмуни ҳам ана шундан иборат.

Бюджет-солиқ сиёсатининг таркибий, бир вақтнинг ўзида, унинг нисбий жиҳатдан мустақил қисми сифатида қаралаётган солиқ сиёсатининг муваффақияти, таъсирчанлиги, илғорлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан солиқ имтиёзларини тақдим этиш масаласига бориб тақалади. Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда солиқ имтиёзлари қанчалик оқилона тақдим этилса, бу сиёсатнинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар имтиёзлар деб эътироф этилади.

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг бир қатор объектив ижтимоий-иқтисодий сабаблари мавжуд бўлиб, бизнингча улар қуйидагилардир:

Биринчидан, солиқ имтиёзларини мавжудлигини асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчи (юримдик ва жисмоний шахс) ларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий ҳолати турлича эканлигидан. Шу жиҳатдан барчага бир хил тартибда (миқдорда) солиқ солиш маънога эга бўлмайди;

Иккинчидан, давлат иқтисодиётга таъсир этиб уни тартиблаш вазифасини амалга оширадики, бунда турли хил дастаклардан фойдаланади. Бу дастакларнинг асосийларидан бири бу жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим дастак сифатида юзага чиқади;

Учинчидан, солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосий сабабларидан яна бири бу миллий даромадни қулай, самарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборатдир. Яъни, бундан солиқлар сифатида бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш туфайли бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.



Қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзлари хусусида турли хил фикрлар мавжуд. Солиқ имтиёзларининг моҳиятини тўлароқ англаб етиш учун аввало ана шу турли хил фикрларни келтириш мақсадга мувофиқ.

Профессор Қ.Яҳёев фикрига кўра «Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлайдиган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камайтириш ёки солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш солиқ имтиёзидир». Шунингдек, ушбу иқтисодчининг таъкидлашича солиқ имтиёзи деган термин ўрнига солиқ енгиллиги термини бу жараённинг моҳиятини очиб беради.

Амалиётчи, иқтисодчи олим Ш.Гатаулин солиқ имтиёзларига қуйидагича таъриф беради: «Солиқ имтиёзлари амалдаги қонунларга мувофиқ равишда солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилишдир (скидкалар, чегириб ташлашлар ва ҳоказо)».

Профессор Т.С.Маликовнинг таъкидлашича солиқ имтиёзлари деганда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши тушунилади. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектдан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг кўринишларидир (турларидир). Масалан, корхоналар фойдасидан олинмайдиган солиқ бўйича имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уй-жой қурилишини ривожлантириш харажатларини молиялаштиришни, тадбиркорликнинг кичик шакллари, ногиронлар ва пенсионерларнинг бандлигини таъминлашни, ижтимоий, маданий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларини рағбатлантиришга қаратилгандир. Индивидуал характерга эга бўлган имтиёзларни бериш, одатда, таъқиқланади.

Солиқларнинг ва улар бўйича берилмайдиган имтиёзларнинг мавжудлиги доимо давлат вужудга келиши билан боғланиб келинган. Буюк Соҳибқирон Амир Темур тузукларида таъкидланишича «Солиқлар давлатнинг иқтисодий таянчи ва намоён бўлишидир».

Агар, Темур тузукларида берилган солиққа тортиш тамойилларига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг асосини ҳам солиққа тортишда берилмайдиган имтиёзлар эгаллайди. Унга мувофиқ солиқ тўловчилардан

солиқларни аралашли ундириш солиқ сиёсатини диққат марказида туради. «Темур тузукларида» келтирилишича «Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки полиз қилса, ёки бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун - қондасига мувофиқ хирож йиғилсин». Бундан кўринадики, солиқлардан берилмайдиган имтиёзлар бевосита давлатни (ҳазинани) иқтисодий қудратига боғлиқ бўлиб, унда солиқ имтиёзлари билан бюджет (ҳазина) даромадларини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилган.

Солиққа тортиш назарияси ва амалиётида солиқ имтиёзларининг тутган ўрни инглиз иқтисодчиси Кейнс назариясида алоҳида ўринни эгаллайди. Кейнсчилар томонидан солиқ тизими, аниқроғи солиқ имтиёзлари макроиқтисодиёт шароитида иқтисодиётни тартибга солишнинг таркибий элементи сифатида ҳамда давлатнинг тадбиркорлар манфаатига таъсир этиш ва бюджетнинг даромад қисмини тўлдириш борасидаги муҳим иқтисодий қурол сифатида қаралади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ғарб давлатларида неоклассик йўналиш, институционал - ижтимоий йўналиш талабларига мос тарзда солиққа тортиш тизимида имтиёзлар назариясига анча эътибор берилди. Мазкур иқтисодий мактаблар назарий ёндошувларидаги туб фарқлар бўлишига қарамай уларнинг вақиллари умумий тарзда солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш ва уни тартибга солиш воситаси сифатида қараганлар. Иқтисодиётни бошқаришда солиқ имтиёзлари ролини улар қуйидагича ифодалар эди: агар у ёки бу давлатнинг иқтисодиёти ортиқча ишлаб чиқариш билан хусусиятланувчи ўсиш даврини ўтаётган бўлса, у ҳолда давлат солиқ имтиёзларини камайтириш, яъни солиқларни кўпайтириш, солиққа тортишни кучайтириш орқали корпорациялар бўш маблағларини кўпроқ бюджетга жалб қилиш лозим деб ҳисоблаганлар. Агар мамлакат иқтисодиёти турғунлик ҳолатини кечираётган бўлса, иқтисодиётни жонлантириш учун кўшимча сармоя жалб қилиш лозим. Бунда солиқ имтиёзларидан ҳам кенг фойдаланиш зарурати туғилади деган хулосага келишган. Бу ҳолда иқтисодчилар давлатга, солиқ миқдорини камайтириш, солиқ имтиёзларини кўпайтиришни маслаҳат берадиларки, бу нарса бюджетга кўшимча маблағлар ва капитал қўйилмалар учун маблағлар туғилишига имконият туғдиради.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа дастаклари қатори солиқ сиёсати талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш орқали иқтисодиётда барқарор таракқиётни таъминлашга қаратилган. Ғарб иқтисодчилари солиқ тизимининг аҳамиятини давлат фаолиятини амалга

ошириш учун уни зарур молиявий маблағлар билан таъминлаш сифатида ифодаланувчи соф фискал вазифа билан чеклаб қўймайдилар. Уларнинг солиқ имтиёзлари назариясида солиқларни тартибга солиш вазифасига катта эътибор берадилар. Солиқлар давлат томонидан иктисодиётни тартибга солишнинг муҳим курули сифатида хўжалик юритувчи субъектлар иктисодий хулқ- атворига давлат таъсирини ифодалайдилар. Аммо, бунда солиқ имтиёзлари асосий восита сифатида қаралиши кенг назарда тутилган.

#### **Таянч сўз ва иборалар:**

*солиқ имтиёзлари, солиқ преференциялари, солиқ даври, солиқ каникули, солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботлари, солиқларни тўлаш муддатлари, солиқ маданияти, солиқ кредити, солиқ юки, солиқ элементлари, солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ базаси, солиқ ставкалари, прогрессив солиқ ставкалари, регрессив солиқ ставкалари, пропорционал солиқ ставкалари.*

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Солиқ имтиёзлари нима? Уларнинг солиққа тортиш жараёнидаги аҳамияти нимадан иборат?
2. Солиқ преференциялари деганда нима тушунаси?
3. Солиқ имтиёзларининг қанақа турлари мавжуд?
4. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги аниқланади?
5. Солиқ базасини аниқлашнинг қанақа усуллари бор?
6. Солиқ ставкаси нима? Унинг қанақа турлари мавжуд?
7. Солиқларни ҳисоблаб чиқариш деганда нима тушунилади?
8. Солиқ ҳисоботлари нима? Уларни тузиш ва топшириш тартиби ва муддатларини айтиб беринг.
9. Солиқ имтиёзлари ва преференциялари ўртасида қанақа фарқлар мавжуд?

#### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. «Халқ сўзи», 2013 й., 254 (5928)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-1-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 52 (I)-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2012 й., 248 (5668)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 575-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни. Халқ сўзи», 2012 й., 82 (5502)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2009 й., 78 (4741)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 197-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2008 й., 144-145 (4554-4555)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2006 й., 187 (4086)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 374-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2006 й., 186 (4085)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2006 й., 183 (4082)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 369-модда.
11. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 2004 й., 263 (3538)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 512-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда; «Халқ сўзи», 2004 й., 16 (3369)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 28-модда.
13. Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 141-модда; «Халқ сўзи», 2003 й., 208 (3320)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 19-сон, 172-модда.
14. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 137-модда; «Халқ сўзи», 2003 й., 207 (3319)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 19-сон, 168-модда.
15. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 219-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 280(3108)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 24(60)-сон, 194-модда.
16. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 215-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 281-282(3109-3110)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 24(60)-сон, 192-модда.
17. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 213-модда;

- «Халқ сўзи», 2002 й., 283-284(3111-3112)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 24-сон, 190-модда.
18. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 112(2940)-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 10(46)-сон, 69-модда.
19. Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 15-16-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 12-модда.
20. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 8-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 12-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 9-модда.
21. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 19-модда; «Халқ сўзи», 2000 й., 258-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 160-модда.
22. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда; «Халқ сўзи», 2001 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 153-модда.
23. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда; «Халқ сўзи», 2000 й., 113-сон.
24. Ўзбекистон Республикасининг "Гадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; «Халқ сўзи», 2000 й., 114-сон.

25. Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда; «Халқ сўзи», 1999 й., 89-90 (2128-2129)-сон.
26. Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 108-модда; «Халқ сўзи», 1999 й., 83 (2121)-сон.
27. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 8-модда; «Халқ сўзи», 1999 й., 6(2044)-сон.
28. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 100 (1881)-сон.
29. Ўзбекистон Республикасининг "Дехкон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 88-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 114 (1895)-сон.
30. Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 86-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 114 (1895) -сон. (Янги тахрирда).
31. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 109-110 (1890-91)-сон.
32. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда.
33. Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1998 й., 10-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1998 й., 1998-сон, 4-модда.
34. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда; «Народное слово», 1997 й., 193 (1715)-сон.

35. Ўзбекистон Республикасининг "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 228-модда; «Халқ сўзи», 1997 й., 233 (1740)-сон.
36. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; «Халқ сўзи», 1997 й., 200-сон.
37. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда.
38. Ўзбекистон Республикасининг "Табиий монополиялар тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 106-модда; «Халқ сўзи», 1997 й., 103 (1620)-сон. (Янги тахрирда).
39. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 187 (1439)-сон.
40. Ўзбекистон Республикасининг "Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 126-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 187 (1439)-сон.
41. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 118-119 (1372-1373)-сон. (Янги тахрирда).
42. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 108 (1361)-сон.
43. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 10 (1263)-сон.

44. Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1994 й., 201 (949)-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 й., 10-сон, 252-модда.
45. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1993 й., 219-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда.
46. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1993 й., 183-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда.
47. Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1993 й., 104 (609)-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 225-модда. (Янги тахрирда).
48. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни. «Халқ сўзи», 1993 й., 113 (618)-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда.
49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил, 7 феврал.
50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармони.
51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5075-сонли фармони.
52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини

- ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.
53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сонли қарори.
54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5214-сонли фармойиши.
55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги «Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ПҚ-3756-сонли қарори.
56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3802-сонли қарори.
57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли фармони.
58. Каримов И. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз.—Т.: «Ўзбекистон», 2004.—36 б.
59. Ш. Мирзиёев. Биз буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: Ўзбекистон, 425 б.
60. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2017 йил, 16

январь.

61. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Палаталарининг Қўшма Мажлисидаги нутқи. – Тошкент, Халқ сўзи газетаси, 2016, 14 декабрь.
62. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
63. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 32 б.
64. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 32 б.
65. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 22 декабрь 2017 йил. Тошкент, Халқ сўзи газетаси.
65. Абдурахимов М.А. Бухоро хонлигида аграр муносабатлар тарихидан лавҳалар. Т.: Фан. I ва II жилдлар, 1966, 1970.
66. «Ислом дини тарихи ва фалсафаси» фани бўйича МАЪРУЗАЛАР МАТНИ. Тошкент 2010 й. Тузувчи: С.Оқилов.
67. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. "Шарқ" нашриёти, Т.: 2001.
68. Алексеенко ММ. Взгляд на развитие учения о налоге. Харьков, 1870.
69. Бичурин Н. Я. Статистическое описание Китайской империи (в двух частях). М.: Восточный дом, 2002.
70. Боголепов Д. Краткий курс финансовой науки. Издательство “Пролетарий” 1929.
71. Буковецкий А.И. Введение в финансовую науку.
72. Вайнбер Б.И. Монеты Древнего Хорезма.
73. Витте С.Ю. Конспект лекций о Государственном хозяйстве. СПб., 1914.
74. Деьяконов М.М. История Древнего Ирана. 1961.

75. Егер О. Древний мир // Всемирная история. Т. I. СПб.: Спец. лит., 1997.
76. Ж. Симонд де Сисмонди. Новые начала политэкономии. М., 1897.
77. Зиновьева Е. М. "Центр" и "места" в политической культуре традиционного Китая // Традиции в общественно-политической жизни и политической культуре КНР / Отв. ред. М. Л. Титаренко, Л. С. Переломов. М.: Наука, 1994.
78. История Узбекистана в источниках, Вайнбер Б.И. Монеты Древнего Хорезма.
79. Кучеров И. И. Налоговое право зарубежных стран. Курс лекций. М.: АО "Центр ЮрИнфоР", 2003. С. 78-91.
80. Лория А. Финансовая политика как результат и орудие интересов владельческих классов. М.
81. Мильгаузен Б.Г. Лекции по финансовому праву.
82. Мирзо Олим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. Т., 1995.
83. Набиев Р.Н. Қўқон хонлиги тарихидан. Т.: Фан, 1973.
84. Нитти Ф. Основные начала финансовой науки.
85. Паркинсон С. Закон и доходы. М.: ПКК "Интерконтакт", 1992.
86. Пинская М.Р. Основы теории налогов и налогообложение. М.: 2004 с.
87. Поляк Г.Б, Маркова А.Н. Всемирная история. Учебник. М.: ЮНИТИ.2000.
88. Ричарда А. Масгрейва, ученого финансиста с мировым именем “Теория государственных финансов” (Нью-Йорк, 1959).
89. Селигман Э. и Стурм Р. Этюды по теории обложения. СПб., 1908.
90. Соболев М.Н. Очерки финансовой науки. Изд. “Пролетарий”, 1925.
91. Тарасов П. И. Очерк науки финансового права. Введение. Общая часть. Особенная часть. Ярославль, 1883.
92. Таргулов Я. Финансовая наука. 1919.
93. Темур тузуклари. Т.: "Чўлпон", 1991 й.

94. Толстов С.П. Древний Хорезм, Ўзбекистон янги тарихи.(Тузувчилар: Х.Содиқов, Р.Шамситдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). 1-қисм. Т.: "Шарк", 2000.
95. Толстов С.П. Древний Хорезм.
96. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси "М" ҳарфи. Тошкент.
97. Учебник финансового права. Иловайский С.И. - Одесса, - 1904г. // Allpravo.Ru -2005.
98. Фридман М.И. Конспект лекций по науке о финансах, Налоги, Выпуск II, СПб.
99. Янжук И.И. Основные начала финансовой науки. М., 1904.

Худойкулов С.К., Қузиева Н.Р.,  
Нуруллаев А.С.

## СОЛИҚ СИЁСАТИ

*Ўқув қўлланма*

*“IQTISODIYOT” – 2020.*

*Муҳаррир:  
Мирҳидоятова Д.М.*

*Мусаҳҳиҳ:  
Матхўжаева А.О.*

Лицензия: №10-4286 14.02.2019й. Босишга рухсат этилди 11.03.2020.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Times гарнитураси. Шартли босма табоғи 10,0.  
Адади 20 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

“ZARAFSHON FOTO” ХКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.  
100066. Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси, 49-уй.